

"Ме  
Дун

311  
P77

ар орасида энг муҳимларидан бири.  
фикрлаш учун зарур қўлланма." Билл Гейтс


# FACT FUL NESS

ДУНЁ ҲАҚИДА  
ЯНГЛИШ ФИКРЛА-  
ШИМИЗНИНГ ЎН  
САБАБИ – НЕГА У БИЗ  
ЎЙЛАГАНДАН ЯХШИРОҚ

**ҲАНС РОСЛИНГ** Ола Рослинг ва Анна Рослинг  
Рённлунд билан биргаликда

**Ҳанс Рослинг** шифокор, халқаро соғлиқни сақлаш бўйича профессор ва таниқли маърузачи бўлган. У Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида ва ЮНИСЕФда маслаҳатчи, “Gapminder” жамғармаси ва “Médecins Sans Frontières” ташкилотининг Швециядаги ҳаммуассиси эди. Унинг “TED talks”даги нутқлари 35 миллион мартадан ортиқ кўрилган. “Time” журнали уни дунёнинг энг нуфузли 100 кишиси рўйхатига киритган. Ҳанс 2017 йил вафот этди. У умрининг сўнгги йилларини кўлингиздаги китобни ёзишга бағишлаган эди.

**Ола Рослинг ва Анна Рослинг Рённлунд** Ҳанснинг ўғли ва келини бўлиб, “Gapminder” жамғармасига Ҳанс билан бирга асос солган. Ола 2005–2007 йиллар ва 2010 йилдан хозиргача жамғарма раҳбаридир. “Google” Анна ва Ола ихтиро қилган пуфакчали диаграмма ускунаси – “Trendalyzer”ни сотиб олгандан кейин Ола “Google”нинг очиқ маълумотлар жамоаси раҳбари, Анна эса жамоада фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш бўйича (UX) катта дизайнерга айланди. Иккови ҳам меҳнатлари учун халқаро мукофотлар билан тақдирланган.



I ДАРОМАД ДАРАЖАСИ

II ДАРАЖА

СОҒЛОМ

КАМБАҒАЛ

БОЙ

КАСАЛ

Никарагуа

Вьетнам

Марокаш

Бангладеш

Шарқий Тимор

Кабо-Верде

Боливия

Хондурас

Гватемала

Самое

Украина

Шимолий Корея

Фаластин

Тожикистон

Киригизистон

Молдова

Филиппин

Непал

Мавритания

Тонго

Мьянма

Сен-Томе ва Принсипи

Камбоджа

Сурия

Судан

Кения

Покистон

**Хиндистон**

Коморлар

Руанда

Эфиопия

Сенегал

Жибутӣ

Микронезия

Гана

Хаёт давомийлиги (Милларда)

Оливберия

Эритрея

Ханти

Бенкин

Танзания

Нигерия

Ангола

Вануату

Конго Демократик Республикаси

Мадагаскар

Того

Уганда

Соломон Ораллари

Конго Республикаси

Нигер

Гвинея

Кирибати

Мали

Буркина-Фасо

Патуа Янги Гвинея

Бурунди

Малави

Мозамбик

Чад

Жанубий Судан

Камсрун

Кот-д'Ивуар

Сьерра-Леоне

Гвинея-Бисау

Зимбабве

Замбия

Сомали

Афғонистон

Эсватини

Марказий Африка Республикаси

Лесото

Даромад

\$1,000


\$2,000

\$4,000

\$8,000

### III ДАРАЖА

### IV ДАРАЖА



### ДУНИНИНГ САЛОМАТЛИК ГРАФИГИ


Бу график дуненинг соғлиқ ва бойлиқ харитасидир. Шимол ва Жануб соғломлик ва касалликни, Шарқ ва ГАРБ эса бойлик ва камбағалликни англатади. Айланалар барча мамлакатлардаги ўртача умр ва даромаднинг 2017 йилдаги ҳолатини кўрсатади.

Даромад ва соғлиқ кўрсаткичлари юртингизникига ўхшаш бўлган кўшниларни аниқлаш учун харитадан давлатингизни топинг.

### РАНГ: МИНТАҚА



### ҲАЖМ: АҲОЛИ Сони



Дунё ўзгариб бормоқда. Мамлакатларнинг бутунги кундаги даражасини билиш учун ўшбу графикнинг энг сўнгги версияси ([www.darpi.net/duyulic](http://www.darpi.net/duyulic) орқали) энг версиядан фойдаланишингиз мумкин) дан фойдаланинг. Унда барча мамлакатларнинг охириги 200 йил ичида эришган натижалари ақс этади.

(Жон бошга ЯИМ: 1/Миллиа нарлар мувофиқлаштирилган)

Маълумотлар: Жаҳон Банки, ИМЭ, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси & Gapminder

\$16,000

\$32,000

\$64,000

# FACTFULNESS

TEN REASONS  
WE'RE WRONG  
ABOUT THE WORLD –  
AND WHY THINGS  
ARE BETTER THAN  
YOU THINK

Hans Rosling

with Ola Rosling and  
Anna Rosling Rönnlund



SCEPTRE

# FACTFULNESS

ДУНЁ ҲАҚИДА ЯНГЛИШ  
ФИКРЛАШИМИЗНИНГ  
ЎН САБАБИ – НЕГА У БИЗ  
ЎЙЛАГАНДАН ЯХШИРОҚ?!

Ҳанс Рослинг

Ола Рослинг ва Анна Рослинг  
Рённлунд билан биргаликда

УЎК 005.334  
КБК 60.5  
Р 77

РОСЛИНГ, Ҳанс

**Фактдорлик** [Матн]: / Ҳанс Рослинг, таржимон  
Зиёдахон Ғайратова. – Тошкент: NIIOL, 2021. – 344 б.

ISBN 978-9943-23-195-5

*Инглиз тилидан*  
**Зиёдахон Ғайратова**  
*таржимаси*

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва  
чоп қилинди.*

Дунёда қанча камбағал бор экани, аҳоли сони нега ўсиб бораётгани, кизларнинг қанчаси мактабни тамомлаётгани сингари муҳим глобал ўзгаришлар ҳақида берилган оддий саволларга одатда хато жавоблар эшитамиз. Шу қадарки, жавобларни шунчаки ихтиёрий танлайдиган шимпанзе ҳам ўқитувчилар, журналистлар, Нобель мукофоти лауреатлари ва банкирлардан кўпроқ тўғри жавоб бера олади. “Factfulness”да халқаро соғлиқни сақлаш бўйича профессор ва глобал “TED” маърузачиси ҳисобланмиш Ҳанс Рослинг узоқ йиллик икки ҳамкори Анна ва Ола билан биргаликда бунинг сабабини буткул янгича йўсинда изоҳлайди.

УЎК 005.334  
КБК 60.5

ISBN 978-9943-23-195-5

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2023  
© Factfulness AB 2018

*Исми менга номаълум, аммо соғлом фикри  
билан мени дарғазаб одамлар ханжари  
остида бурдаланишдан асраб қолган  
оёқяланг жасур аёлга бағишланади*



## МУНДАРИЖА

Муаллиф қайдлари	9
Кириш	11
БИРИНЧИ БОБ: Бўшлиқ инстинкти	31
ИККИНЧИ БОБ: Салбийлик инстинкти	63
УЧИНЧИ БОБ: Тўғри чизиқ инстинкти	96
ТЎРТИНЧИ БОБ: Қўрқув инстинкти	125
БЕШИНЧИ БОБ: Ҳажм инстинкти	152
ОЛТИНЧИ БОБ: Умумлаштириш инстинкти	175
ЕТТИНЧИ БОБ: Тақдир инстинкти	202
САККИЗИНЧИ БОБ: Бир томонлама ёндашув инстинкти	225
ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ: Айблаш инстинкти	248
ЎНИНЧИ БОБ: Шошилиш инстинкти	271
ЎН БИРИНЧИ БОБ: Фактдорлик амалда Фактдорликнинг асосий қоидалари	296 311
Сўнгсўз ўрнида	312
Ташаккурнома	317
ИЛОВА: Мамлакатингиз қандай натижа кўрсатди?	323
Биографик қайдлар	331

## МУАЛЛИФ ҚАЙДЛАРИ

“Фактдорлик” (“Factfulness”) менинг овозимда, гўё ёлғиз ўзим ёзгандек туюлади ва унда ҳаётимда бошимдан ўтган кўплаб воқеалар ҳикоя қилинади. Аммо бу сизни янглиштирмасин. Худди “TED talks”даги нутқларим ва сўнги ўн йилда дунёнинг турли бурчакларида ўқиган маърузаларим каби бу китоб ҳам бир эмас, уч кишининг меҳнати самарасидир.

Одатда одамларнинг кўзига мен кўринаман. Саҳнага чиқаман ва маъруза ўқийман. Одамлар мени олқишлайди. Аммо маърузаларимда эшитганларингиз ва бу китобда ўқиганларингиз мен, ўғлим Ола Рослинг ва келиним Анна Рослинг Рённлунднинг биргаликдаги 18 йиллик меҳнатимиздир.

Ҳалокатли жаҳолатга қарши фактларга асосланган дунёқараш билан курашиш мақсадида 2005 йил “Germinder” жамғармасига асос солдик. Мен лойихага шифокор, тадқиқотчи, жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида узок йиллар маъруза ўқиган инсон сифатида бир умрлик тажрибамни, ғайрат ва қизиқувчанликни бердим. Ола ва Анна маълумотлар таҳлили, уларни ижодий кўргазмали материалга айлантириш, маълумотлар тарихи ва тақдимот дизайни тушунарли бўлишига масъул эди. Билимсизлик даражасини мунтазам ўлчаб бориш уларнинг ғояси

эди. Чиройли анимацион пуфакчали диаграммаларни ҳам улар дизайнлаб, дастурлади. Дунёни изоҳлашда фотосуратлардан маълумот сифатида фойдаланиш усули – “Доллар кўчаси”ни Анна ишлаб чиққан. Одамларнинг дунё ҳақидаги билимсизлигидан диққатланганимда Ола ва Анна таҳлилни ғазабдан устун қўйди, шу билан “Факторлик”ни ёзишдек камтарона ва таскин берувчи ғоя пайдо бўлди. Биз ушбу китобда тақдим этилажак амалий оқиллик қуролларини биргаликда аниқладик.

Китобда ўқийдиганларингиз “ёлғиз даҳо” стереоти-пига мос тушадиган ихтиро эмас. Қўлингиздаги китоб қобилияти, билими ва нуқтаи назари турфа хил бўлган уч кишининг доимий муҳокамалари, тортишув ва ҳамкорлиги мевасидир. Ушбу ноанъанавий, кўпинча жаҳл-ни чиқарадиган, аммо ниҳоятда самарали иш услуги дунёни тўғри кўрсатиш, у ҳақда тўғри ўйлаш йўлига олиб чиқдики, буни бир ўзим уддалай олмасдим.


## КИРИШ

### Нега циркни ёқтираман?

Мен циркни севаман. Жонглёрлар дириллаётган занжирли аррани ҳавода ўйнатишини, дорбозлар бирваракайига ўн маргалаб ўмбалоқ ошишини мириқиб томоша қиламан. Мен томошани ва иложи йўқдек туюлган нарсалар кўз ўнгимда содир бўлаётганда ҳайрат ва завқ ҳиссини туйишни яхши кўраман.

Болалигимда цирк устаси бўлишни орзу қилардим. Аммо ота-онам ўзлари ўқий олмагани сабабли менинг яхши таълим олишимни истади. Шунинг учун тиббиёт мактабига ўқишга кирдим.

Кунлардан бир кун мактабда томоқнинг тузилиши ҳақида куруккина сўзланган маърузаларнинг бирида профессор шундай деди: “Агар томоққа бирор нарса тикилиб қолса, ияк суягини олдинга итариш орқали нафас йўлини очиш мумкин”. Бунга яхшироқ тасаввур қилишимиз учун у



қилич ютаётган одамнинг рентгенини кўрсатди.

Шу ондаёқ руҳланиб кетдим. Орзуларимга ҳали ниҳоя ясалмаган экан! Бундан бир неча ҳафта аввал рефлексларни ўрганаётганимизда курсдошларим ичида биргина мен кўнглим беҳузур бўлмаган ҳолда бармоғимни томоғимга ҳаммадан чуқурроқ тика олишимни билгандим. Ўша пайтда бундан жуда ҳам мағрурланмаган эдим: чунки бунга муҳим қобилият деб қарамасдим. Аммо энди бунинг қадрини тушуниб қолдим ва болалик орзум яна жонланди. Хуллас, мен қилич ютувчи бўлишга аҳд қилдим.

Дастлабки уринишларим қувонарли эмасди. Қиличим бўлмагани учун қармоқдан фойдаландим, аммо неча бор ҳаммомнинг кўзгуси қаршисига туриб, ҳаракат қилмайин, икки ярим сантиметр ичкари кириши билан тикилиб қолардим. Охир-оқибат, ҳаётимда иккинчи бора орзуларимга қўл силтадим.

Орадан уч йил ўтиб, касалхонанинг даволаш бўлимида амалиёт ўтай бошладим. Дастлабки беморларимдан бири қаттиқ йўталдан азият чекаётган қария бўлди. Эҳтимол касаллик сабабини аниқлашда ёрдам берар деб, беморларимдан нима иш билан шуғулланишини сўрардим. Маълум бўлишича, қария қилич ютиш билан шуғулланаркан. Бу бемор бизга рентгени кўрсатилган ўша қилич ютувчи бўлиб чиққанини билганимда эса қанчалар ҳайратланганимни тасаввур қилаверинг энди! Мен унга қармоқни неча марта ютишга уринганимни айтиб берганимни ҳам тасаввур қилгандирсиз. “Доктор болам, – деди у, – наҳотки томоқ тешиги текис бўлишини билмасангиз? Ундан фақат япалоқ текис нарсаларни ўтказишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам биз қиличдан фойдаланамиз”.

Ўша кун ишдан қайтгач, банди япалоқ чўмич топдим ва бир пайтлар тўхтаб қолган машқларимни яна қайта бошладим. Кўп вақт ўтмай чўмич бандини томоғимдан ўтказиб, ичимга кирита олдим. Суюниб кетдим, аммо ме-

нинг орзум чўмич ютадиган одам бўлиш эмасди. Эртаси уни маҳаллий газетага эълон бердим ва тез орада ўзимга керак нарсани кўлга киритдим: 1809 йилда ишланган швед армия найзаси! Уни ҳам томоғимдан ўтказгач, муваффақиятимдан жуда фахрланиб кетдим. Боз устига, куруллардан фойдаланишнинг бошқа йўлини топганимда ҳам жуда шод бўлдим.

Қилич ютиш имконсиздек кўринган нарсаларнинг имкони борлигини кўрсатиб келган ва инсонларни шундоқ кўриниб турган нарса билан чекланмай, кенгроқ фикрлашига ундади. Баъзи-баъзида глобал тараққиёт бўйича маърузаларим якунида ушбу қадимий ҳинд санъатини намоиш қилиб тураман. Стол устига чиқаман-да, тилла рангли чакмоқ тасвири туширилган қора майкамни кўрсатиш учун эгнимдаги катак профессорлик кўйлагимни шарт ечаман. Талабалардан тинчланиб олишини сўрайман ва ўсиб боровчи дўмбира садолари остида армия найзасини секин ютаман. Кўлларимни икки томон ёзаман. Бутун аудитория қичкириб, қарсақ чалиб юборади.

## Ўзингизни синаб кўринг

Бу китоб дунё ва уни англаш ҳақида. Шундай экан, уни нега цирқдан бошладим? Ва нега маърузамни юлдузга айланган ҳолда тугатдим? Буни тез орада тушунтириб бераман. Лекин ундан аввал сиз дунё ҳақидаги билимларингизни синовдан ўтказишингизни истардим. Илтимос, бир парча қоғоз ва қалам олиб, фактларга асосланган қуйидаги 13 та саволга жавоб беринг.

1. Бугунги кунда дунёнинг даромади паст давлатларида қизларнинг қанчаси бошланғич мактабни тугатади?

- А. 20 фоиз
- Б. 40 фоиз
- В. 60 фоиз

2. Дунё аҳолисининг аксар қисми қаерда яшайди?

- А. Даромади паст бўлган давлатларда
- Б. Даромади ўртача бўлган давлатларда
- В. Даромади юқори бўлган давлатларда

3. Охирги 20 йилда дунёнинг ўта қашшоқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси...

- А. Деярли икки баробарга ошди.
- Б. Ўша-ўша қолди.
- В. Деярли икки баробарга камайди.

4. Бугунги кунда дунёда ўртача умр кўриш давомийлиги неча йилни ташкил қилади?

- А. 50 йил
- Б. 60 йил
- В. 70 йил

5. Ер юзида 15 ёшгача бўлган болалар 2 миллиард нафарни ташкил қилади. БМТ ҳисобига кўра, 2100 йилга бориб, улар қанчага етади?

- А. 4 миллиард
- Б. 3 миллиард
- В. 2 миллиард


6. БМТ 2100 йилгача дунё аҳолиси яна 4 миллиардга кўпайишини башорат қилмоқда. Бунга асосий сабаб нима?

- А. Болалар сони кўпаяди (15 ёшгача бўлган).
- Б. Катталар кўпаяди (15 ёшдан 74 ёшгача бўлган).
- В. Кексалар кўпаяди (75 ёшдан юқори).

7. Охирги юз йилда табиий офатлар сабабли йиллик ўлимлар сони қанчалик ўзгарди?

- А. Икки баробардан кўпроқ ошди.
- Б. Ўзгариш бўлмади.
- В. Қарийб икки баробарга камайди.

8. Дунёда тахминан 7 миллиард инсон бор. Қайси харита уларнинг яшаш жойини энг аниқ кўрсатган? (Ҳар бир фигура 1 миллиард аҳолига тенг.)



9. Бугунги кунда Ер юзидаги 1 ёшли болаларнинг қанчаси муайян касалликка қарши эмланган?

- А. 20 фоизи
- Б. 50 фоизи
- В. 80 фоизи

10. Дунё бўйича 30 ёшли эркеклар ўртача 10 йил умрини ўқишга сарфлаган бўлади. Худди шу ёшдаги аёллар неча йилни ўқишга сарфлаган бўлади?


- А. 9 йил
- Б. 6 йил
- В. 3 йил

11. 1996 йилда йўлбарслар, катта панда ва қора каркидон йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатига киритилган. Ушбу учта турдан нечаси бугунги кунда кўпроқ хавф остида?

- А. Икkitаси
- Б. Биттаси
- В. Ҳеч бири

12. Дунё аҳолисининг қанча қисмига электр энергияси етиб борган?

- А. 20 фоизига
- Б. 50 фоизига
- В. 80 фоизига





## 18 | FACTFULNESS

13. Глобал иқлим экспертларининг ишонишича, 100 йилдан кейин ўртача ҳарорат...

- А. Янада илиқлашади.
- Б. Ўзгаришсиз қолади.
- В. Совуқлашади.

Тўғри жавоблар:

1. В; 2. Б; 3. В; 4. В; 5. В; 6. Б; 7. В; 8. А; 9. В; 10. А; 11. В; 12. В; 13. А

*Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балдан ҳисобланг ва умумий баллингизни қозоғга ёзинг.*

### Олимлар, шимпанзелар ва сиз

Хўш, синовдан қандай ўтдингиз? Нотўғри жавобларингиз кўпми? Саволларнинг кўпига чамалаб жавоб бердингизми? Агар шундай бўлса, кўнглингизни кўтариш учун икки нарсани айтاي.

Биринчидан, бу китобни ўқиб тугатгач, тестларга ҳозиргидан яхшироқ жавоб берасиз. Йўқ, йўқ, бу гапим билан сизни ўтқизиб олиб, дунё статистикасини ёдлатаман, демокчимасман (мен глобал тиббиёт профессориман, телба эмас). Сиз билан оддий фикрлаш усуллари тўпламини бўлишмоқчиман. Мана шунинг учун сиз тестлардан осон ўтасиз. Бу тўплам сизга батафсил маълумотларни ёдламай туриб ҳам катта рақамлар ҳақида тўғри жавоб беришга ҳамда дунё ҳақида билимларингизни ривожлантиришга ёрдам беради.


Иккинчидан, агар тест натижаларингиз ёмон чиққан бўлса, бу борада сизга жуда яхши ҳамроҳлар бор.

Охирги бир неча ўн йиллардирки худди шунга ўхшаш – камбағаллик ва бойлик, аҳоли ўсиши, туғилиш, ўлим, таълим, саломатлик, гендер, зўравонлик, энергия ва атроф-муҳит, умуман, элементар глобал кўрсаткичлар ҳақида фактларга асосланган юзлаб саволларни дунё

бўйлаб мингдан ортиқ одамга берганман. Тестлар мураккаб эмас, атай чалгитувчи саволлар йўқ. Мен баҳсли эмас, балки ҳужжатлаштирилиб тасдиқланган фактларнигина танлашга алоҳида эътибор бераман. Аммо шунда ҳам ниҳоятда кўп одам саволларга буткул хато жавоб беради.

Масалан, учинчи савол қашшоқликнинг ўсиши ва камайиши ҳақида. Охириги 20 йилда дунёнинг ўта қашшоқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси 2 баробарга камайган. Бу катта инқилоб дегани. Мен буни тириклик чоғимда дунёда содир бўлган энг муҳим ўзгариш деб ҳисоблайман. Шунингдек, у Ердаги ҳаёт ҳақида билиш мумкин бўлган энг оддий факт. Лекин одамлар буни билмайди. Ўртача ҳисоблаганда фақат 7 фоиз одам – ҳар 10 кишидан бири ҳам эмас – тўғри жавоб беради.

**3-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
Охириги 20 йилда дунёнинг ўта қашшоқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси...  
(Тўғри жавоб: деярли 2 баробар камайган)




100%  
Манба: Ipsos MORI Novus

АҚШда республикачи ва демократлар кўпинча муҳолифлари фактларни билмаслигини иддао қилади. Агар бир-бирига қўлини бигиз қилиш ўрнига ўз билимларини ўлчаганларида эди, эҳтимол, ҳаммалари камтарроқ инсонга айланган бўлардилар. Тестни АҚШда ўтказганимизда қатнашганларнинг атиги 5 фоизи тўғри жавобни танлади. Қолган 95% респондент эса, партиясидан қатъи назар,

охирги 20 йилда ўта қашшоқ ҳаёт кечирувчи аҳоли сони ўзгармаган ёки ёмонлашиб, икки баробарга кўпайган, деб ишонади. Аслида, бунинг мутлако акси содир бўлган.

Энди бошқа мисолни кўрайлик: 9-савол, эмлаш ҳақида. Бугунги кунда дунёдаги деярли барча болалар эмланган. Бу қувонарли ҳолат. Бу бирламчи замонавий тиббиёт барча инсонлар ҳаётига етиб борган деганидир. Лекин буни ҳам кўп одам билмайди. Ўртача 13% респондент ушбу саволга тўғри жавоб берган.

**9-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. Бугунги кунда Ер юзидagi 1 ёшли болаларнинг қанчаси муайян касалликка қарши эмланган? (Тўғри жавоб: 80%)



ICOPI  
Милли Истеъмори

86% одам иқлим ўзгариши ҳақидаги охирги саволга тўғри жавоб берган. Аҳоли билимини текшириш учун биз онлайн синов ўтказган барча бой мамлакатларда кўпчилик одамлар иқлим бўйича мутахассислар об-ҳаво исишини башорат қилганидан хабардор экан. Бир неча ўн йил ичида илмий хулосалар лабораториялардан чиқиб, одамлар қулоғига етиб борган. Буни хабардорлик бўйича катта муваффақият деб эътироф этса арзийди.

Иқлим ўзгаришидан ташқари қолган 12 та саволда эса “оммавий билимсизлик” кузатилган (бу билан аҳмоқлик ёки қасддан қилинган бирор нарсани назарда тутмаяпман, шунчаки тўғри жавобни билмасликни айтаяпман). 2017

йил 14 та мамлакатда қарийб 12 минг кишидан синовларимизда қатнашишини сўрадик. Тестдаги дастлабки 12 та саволдан улар ўртача икки балл олди. Бирорта ҳам одам барча саволга тўғри жавоб бермади, фақат бир киши (Швецияда) 12 та саволнинг 11 тасига тўғри жавоб берди. Ажабланарлиси, 15% респондент 0 балл билан тестни яқунлади.

Балки, сиз яхшироқ таълим олганлар тузукрок натижа кўрсатган, деб ўйларсиз? Ёки шу соҳага кўпроқ қизиқадиган кишилар? Бир пайтлар мен ҳам айнан шундай ўйлаганман, аммо бу янглиш фикр экан. Бутун дунё бўйича соҳаси фарқли одамларни шу тестдан ўтказдим. Уларнинг орасида тиббиёт талабалари, ўқитувчилар, университет маърузачилари, таниқли олимлар, инвестиция банклари вакиллари, трансмиллий корпорация ижрочи раҳбарлари, журналистлар, фаоллар ва ҳатто сиёсий арбоблар ҳам бўлди. Уларнинг бари олий маълумотли ва дунёга қизиққан инсонлар. Аммо кўпчилиги – ҳа, жуда катта қисми – кўп саволларга нотўғри жавоб берди. Баъзилари ҳатто оддий аҳолидан ҳам ёмонроқ натижа кўрсатди. Энг даҳшатли натижаларнинг айримларини Нобель лауреатлари ва тиббиёт тадқиқотчилари қайд этди. Бу интеллект масаласи эмас. Барча одамлар дунёни хавотирланарли даражада нотўғри идрок қилаётгандек туюляпти.

Нафақат хавотирланарли даражадаги хато, балки мунтазам тақрорланувчи хатолик. Айтмоқчиманки, тест натижалари шунчаки тасодифан йўл қўйилган хатолик эмас. Улар тасодифий хатоликдан ҳам ёмонроқ: умуман ҳеч нарса билмайдиган одам ҳам бундан тузукрок жавоб берарди.

Тасаввур қилинг, мен шу тестни шимпанзелар билан ўтказиш учун ҳайвонот боғига бораман. Яна тасаввур қилингки, ўзим билан бир кучоқ банан олиб, ҳар бирига А, Б, В деб ёзаман ва уларни шимпанзе олдига отаман. Кейин ўзим тўсиқдан бери турганча саволларни баланд овозда,

дона-дона қилиб ўқийман ҳамда шимпанзенинг “жавоби” – у ейишга танлаган банандаги ҳарфни қайд этиб бораман.

Агар шундай қилганимда эди (албатта бундай қилмайман, лекин тасаввур қилинг), шимпанзелар ўйламай танлаган жавоблари билан тестимда қатнашган ўқимишли, аммо янглишган одамлардан яхшироқ натижа кўрсатган бўларди. Куруқ омаднинг кучи билан шимпанзелар гуруҳи ҳар бир 3 та вариантли саволнинг 33 фоизига ёхуд бутун тестдаги дастлабки 12 та саволнинг тўрттасига тўғри жавоб берган бўларди. Одамлар эса худди шу тестдан ўртача 2 тасига тўғри жавоб берганини эсланг.

Боз устига, шимпанзеларнинг хатолари иккита нотўғри жавоб орасида тақсимланарди, одамларнинг хатолари эса битта йўналишда бўлиб чиқади. Мен савол билан юзланган одамларнинг бари дунёни аслидагидан ҳам кўра даҳшатлироқ, шафқатсизроқ, умидсизроқ, қисқа қилиб айтганда, драматикроқ деб ҳисоблайди.

## Нега шимпанзеларни енга олмаймиз?

Қандай қилиб шунчалик кўп одам бунчалар кўп масалада хато фикрлаши мумкин? Қандай қилиб кўпчилик одамлар шимпанзелардан ҳам ёмонроқ натижа кўрсатиши мумкин? Ўйламай бериладиган жавоблардан ҳам ёмонроқ!

Бундай оммавий нодонликка илк бор гувоҳ бўлганимда, 1990-йилларнинг ўрталарида, қувонган эдим. Швециядаги Каролинска институтида глобал саломатлик бўйича дарс беришни бошлаган, бироз ҳаяжонланаётган эдим. Талабалар ўта ақлли эди. Мен уларга ўргатмоқчи бўлганларимни эҳтимол аллақачон билишса-чи, деб ўйладим. Талабаларим дунё ҳақида шимпанзелардан ҳам камроқ нарсани билиши маълум бўлганида эса елкамдан тоғ ағдарилди.

Аммо қанча кўп одам билан тест ўтказсам, шунча кўп нодонлик билан тўқнашавердим. Фақат талабаларим

орасида эмас, ҳар ерда. Одамлар дунё ҳақида бунчалар янглиш фикрлаши мен учун кўркинчли ва хавотирланарли ҳолатга айланди. Машинангизда GPS ишлатсангиз, у тўғри кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Агар у сиз турган эмас, балки бошқа шаҳарни кўрсатаётган бўлса, табиийки унга ишониб ҳаракат қилмайсиз. Чунки бу билан нотўғри манзилга бориб қолишингизни биласиз. Шундай экан, нотўғри фактларга суяниб иш кўрадиган конун чиқарувчилар ва сиёсатчилар қандай қилиб глобал муаммоларни ҳал этсин? Дунёқарашлари остин-устун бўлиб ётган бизнесменлар қандай қилиб ташкилотлари учун оқилона қарор чиқарсин? Ҳаёт йўлида кетаётган ҳар бир инсон нимадан ташвишга тушиб, нимадан хавотирланиши кераклигини қандай билсин?

Мен шунчаки одамларнинг билимини синаш ва уларнинг нодонлигини фош қилишдан ҳам кўра муҳимроқ ишга унашга аҳд қилдим. Барининг ортида турган сабабни ўрганишга қарор қилдим. Нега дунё борасидаги бу нодонлик жуда кенг тарқалган ва нега бу қадар мустаҳкам? Биз ҳаммамиз вақти-вақти билан адашамиз – ҳатто мен ҳам, буни бажонидил тан оламан – лекин қандай қилиб бунчалик кўп одам жуда кўп нарсада адашиши мумкин? Нега кўпчилик одамлар шимпанзелардан ҳам ёмонроқ натижа кўрсатаяпти?

Бир куни университетда ишим кўпайиб, кечгача қолиб кетганимда миямга ярқ этиб бир фикр келди. Муаммо фақат билимнинг йўқлигида эмаслигини англадим, чунки агар шундай бўлса, уларнинг жавоблари тасодифий берилган жавобдан ҳам ёмонроқ бўлмаслиги, ҳеч курса тасодифий хато жавоблардек – шимпанзе “жавоб”ларидек бўлиши керак эди. Фақат фаол хато “билим” бизнинг бу қадар ёмон натижа кўрсатишимизга сабаб бўлиши мумкин.

Аҳа! Мана энди билдим! Ҳамма муаммо – ҳар ҳолда мен узоқ йиллар шундай ўйлаганман – янгиланмаган

билимларда эди: глобал соғлиқ талабаларимнинг ва мен йиллар давомида тест ўтказган барча одамларнинг билими бор эди, лекин у эскирган, ҳатто бир неча ўн йиллар илгариги ҳолатга тегишли бўлган. Одамлар мактабда шаклланган эски дунёқараш билан яшарди.

Шундай экан, нодонликка барҳам бериш учун одамларнинг билимини янгилашим лозим эди. Буни амалга ошириш учун эса маълумотларни тушунарлироқ кўрсатадиган яхшироқ ўқув материаллари ишлаб чиқишим керак эди. Оилам билан кечки овқат тановул қилаётган пайтда Анна ва Олага мақсадимни айтдим. Иккови ҳам ёнимга кирди ва анимацияли чизмалар яшашни бошлади. Мана шу ажойиб ўқув қуроллари билан дунё кезишга тушдим. Монтерей, Берлин ва Канндаги “TED” маърузаларида, “Coca-Cola” ва “IKEA” каби трансмиллий корпорацияларнинг директорлар кенгашида, глобал банкларда, хеж-фондларда ва ҳатто АҚШ давлат департаментида ҳам шу чизмалар билан тақдимот ўтказдим. Анимацияли схемалар ёрдамида одамларга бутун дунё нақадар ўзгарганини кўрсатишдан хурсанд эдим. Уларнинг ҳар бирига шу пайтгача чўпчакка ишониб келганини, дунё ҳақидаги тасаввурлари буткул янглиш эканини айтишдан чарчамасдим. Биз барча одамлар дунёқарашини янгилашни хоҳлагандик.

Аммо вақт ўтиши билан яна бошқа муаммо ҳам борлигини пайқадик. Биз қайта-қайта тўқнашадиган нодонлик аслида янгиланмаган билимларнинг ўзидан иборат эмас эди. Аниқ маълумотлар келтирилган чизмаларни кўрсатиш ёки яхшироқ ўқув қуролларидан фойдаланишнинг ўзи билан иш битмас эди. Чунки ҳатто маърузаларимни яхши кўрадиган одамлар ҳам, минг афсуски, менга чиндан кулоқ солмасди. Ўша он улар руҳланиши, илҳомланиши мумкин-у, аммо маъруза тугагач, яна ўзларининг эски, бадбин дунёларига қамалиб олардилар. Уларнинг миясига янги ғоялар ўрнашмасди.

Ҳатто такдимотим тугаши биланок камбағаллик ва аҳоли ўсиши ҳақидаги ишончлари хато эканини ҳозиргина фактлар билан асослаб берган бўлсам ҳам, одамлар барибир ўша ишончда қолаётганини эшитардим. Мен ортик ҳаракат қилгим келмай қолди.

Нега дунё ҳақидаги салбий тасаввурларни йўқотиш бу қадар қийин бўлди? Бунда ОАВ айбдормиди? Албатта, хаёлимга шундай фикрлар келди. Лекин бу жавоб эмасди. Тўғри, ОАВларнинг ҳам роли бор ва буни кейинроқ муҳокама қиламиз, лекин уларни ёвуз махлукқа чиқариб кўёлмаймиз. Уларга қараб, “Ҳой, юм оғзингни!” ҳам деёлмаймиз.

2015 йил январида Швейцариянинг мўъжазгина шаҳарчаси бўлмиш Давосда ўтган Жаҳон иқтисодий форумида қатнашган пайтим ҳаётимда ҳал қилувчи лаҳза бўлди. Дунёнинг минг нафар энг қудратли сиёсий етакчилари, нуфузли бизнесменлар, тадбиркорлар, тадқиқотчилар, фаоллар, журналистлар ва ҳатто юқори мартабали БМТ вакиллари ижтимоий-иқтисодий ва барқарор тараққиёт мавзусидаги ялпи мажлисда ўз ўринларини эгаллаш учун навбатда турган эди. Пленарийда мен, Билл ва Мелинда Гейтс сўзга чиқиши керак эди. Саҳнага қадам босар эканман, залга кўз югуртирдим ва ўтирганлар орасида бир нечта давлат раҳбарлари ҳамда БМТнинг собиқ бош қотиби ҳам борлигини кўрдим. БМТга қарашли ташкилотлар раҳбарлари, йирик халқаро компаниялар бошлиқлари ва телевизор орқали таниганим журналистлар ҳам йиғилган экан.

Мен аудиторияга учта: камбағаллик, аҳоли ўсиши ва эмлаш даражасига дахлдор савол беришим керак эди ва бундан бироз ҳаяжонланаётган эдим. Агар йиғилганлар саволларим жавобини билса, у ҳолда уларга дунё ҳақида янглиш фикрда эканини исботловчи ва тўғри жавоб қандай бўлишини кўрсатувчи слайдларимнинг кераги бўлмай қоларди.



Лекин хавотирим ўринсиз эди. Форумнинг кейинги кунларини бир-бирига дунё ҳақидаги билимларини тушунтиришга сарфлаган бу етакчилар камбағаллик ҳақида оддий аҳолидан биров кўпроқ маълумотга эга экан холос. Уларнинг 61 фоизи биринчи саволга тўғри жавоб берди. Аммо улар қолган икки саволга ўтганда – келажакда аҳоли сони қанчага етиши ва бирламчи тиббий хизматдан одамлар фойдалана олиши ҳақида – шимпанзелардан ҳам расво натижани кўрсатди. У ерда ўтирганлар учун энг сўнгги маълумотларни олиш ва уларни доимий равишда янгилаб турадиган маслаҳатчилар билан мулоқот қилиш сира муаммо эмасди-ку. Уларнинг нодонлигини эскирган дунёқараш натижаси деб бўлмасди. Лекин дунё ҳақидаги элементар фактларга ҳам нотўғри жавоб беришди.

Давос сафаридан кейин менга ҳаммаси кундек равшан бўлди.

## **Драматик инстинктларимиз ва ўта драматик дунёқарашимиз**

Шундай қилиб, қўлингиздаги китоб дунёга келди. Унда мен йиллар давомида одамларга фактларга асосланган дунёқарашни шакллантириш ва факт қаршисида ҳам уни қандай нотўғри талқин қилаётганликларини эшитиш орқали келган хулосаларимни бўлишаман. Оддий аҳолидан тортиб ақлли, яхши таълим кўрган экспертларгача – одамлар дунё ҳақидаги фактларга асосланган саволларга нега шимпанзелардан ҳам ёмон жавоб беришини тушунтираман (бу борада нима қилишингиз мумкинлигини ҳам айтаман). Хуллас:

Дунё ҳақида ўйланг. Уруш, зўравонлик, табиий ва техноген офатлар, коррупция. Вазият ёмон ва вақт ўтган сари яна ҳам ёмонлашиб бораётгандек туюлади, тўғрими? Бойлар янада бойиб, камбағаллар тобора камбағаллашиб кетяпти. Камбағаллар, сони ортмоқда. Агар фавқулодда

чора кўрмасак, тез орада табиий ресурсларимиз ҳам тугаб битади. Умуман олганда ғарбликларнинг аксарияти ОАВларда шундай манзарани кўради ва миясида ҳам шу фикрлар айланади. Мен буни ўта драматик дунёқараш деб атайман. Бу одамни стрессга солади ва адаштиради.


Аслини олганда, дунё аҳолисининг катта қисми даромад шкаласининг ўрталарида яшайди. Балки, улар биз ўрта синф вакиллари деб тушунадиган одамлар эмасдир, аммо ўта қашшок ҳаёт ҳам кечирмайди. Уларнинг қизлари мактабга боради, фарзандлари эмланади, икки фарзандли оилада яшайди ва таътилда чет элга боришни истайди, албатта қочоқ сифатида эмас. Аста-секин, йилдан йилга дунё ривожланиб борапти. Ҳар бир кўрсаткич бўйича ҳар йили бўлмаса ҳам, умуман олганда вазият яхшиланиб борапти. Дунё улкан муаммоларга дуч келишига қарамай, яхши натижаларни ҳам қайд этиб бормоқда. Ана шу фактларга асосланган дунёқараш ҳисобланади.

Менинг фактларга асосланган тестларимни ечаётганда ана шу ўта драматик дунёқараш одамларни энг салбий жавобларни танлашга ундайди. Одамлар ўйлаётганда, тахмин қилаётганда ёки дунёдаги ҳодисаларни ўрнаётганда доим интуитив равишда ўз дунёқарашига суянади. Демак, агар дунё ҳақидаги тасаввурингиз нотўғри бўлса, ўз-ўзидан нотўғри тахмин қиласиз. Лекин ўта драматик дунёқараш шаклланишига мен бир пайтлар ўйлаганимдек эскирган билим сабаб бўлмайди. Ҳатто энг сўнгги маълумотлар билан таниш одамлар ҳам дунё ҳақида нотўғри тасаввурга эга. Ва ишончим комилки, бунга на бадбин фикрли ОАВ, на ташвиқотлар, на фейк хабарлар ёки нотўғри фактлар айбдор.

Узоқ йиллар дарс бериб, тест ўтказиб, одамлар ўз қаршисидаги фактни нотўғри талқин қилишини эшитиб, охири ўта драматик дунёқарашни ўзгартириш жуда мушкуллигини, чунки у миямизнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини англадим.

### Оптик иллюзия ва глобал иллюзия

Қуйидаги икки горизонтал чизиққа қаранг. Қай бири узунроқ?



Манба: Мюллер-Лайер иллюзияси

Буни аввал ҳам кўрган бўлишингиз мумкин. Пастдаги чизиқ тепадагисидан узунроқ кўринадди. Ундай эмаслигини биласиз, лекин билсангиз ҳам, ҳатто чизиқларни ўзингиз ўлчаб кўриб, бир хил эканига амин бўлсангиз ҳам, барибир уларнинг бири узунроқ кўриनावеради. Кўзойнагимнинг линзалари кўзимдаги нуқсонни тўғрилаш учун буюртма асосида тайёрланган. Лекин мана шу оптик иллюзияга қараганимда худди бошқалар каби мен ҳам кўрган нарсамни аслидагидек талқин қилмайман. Чунки иллюзия кўзларимизда эмас, миямизда содир бўлади. Булар кўздаги нуқсонларга боғлиқ бўлмаган ва доимий содир бўладиган нотўғри талқинлардир. Кўпчилик одамлар иллюзияга алданишини билгач, уялишингизга ҳожат қолмайди. Унинг ўрнига қизиқиш кўрмайсизми, бу иллюзия қандай вужудга келади?

Худди шунга ўхшаб, оммавий тестларнинг натижасини билгач, хато жавобларингиздан уялманг. Яхшиси, савол беринг: Бу “глобал иллюзия” қандай вужудга келган? Нега шунча одамнинг мияси дунёнинг ҳолатини доимий нотўғри талқин қилади?

Инсон мияси миллион йиллик эволюция маҳсулоти. Бизда ҳалигача аждодларимизга овчилар ёки термачиларнинг кичик гуруҳида омон қолишига ёрдам берган инстинктлар яшайди. Миямиз кўпинча узок ўйламай шошиб қарор чиқаради, бу хусусият инсонларга қаршисидан чиққан хавфдан тезроқ қочишга ёрдам берган. Биз ғийбат ва драматик хабарларга ўчмиз, чунки улар янгилик ва фойдали маълумотларнинг ягона манбаи бўлган. Шакар ва ёғни егимиз келаверади, чунки овқат танқис бўлган даврларда одамлар шуларни еб кун кўрган. Бизда минглаб йиллар аввал асқатган кўплаб инстинктларимиз ҳалигача бор, аммо ҳозир бутунлай бошқа дунёда яшаймиз.

Шакар ва ёғга бўлган ташналигимиз семизликни бугунги кунда саломатлик бўйича дунёдаги энг катта муаммолардан бирига айлантирди. Шунинг учун фарзандларимизга ва ўзимизга ширинлик ва чипслардан тийилишни ўргатишимиз керак. Худди шу каби тез фикрловчи миямиз ва драматик ҳолатларга ўчлигимиз – драматик инстинктларимиз – нотўғри тушунчалар ва ўта драматик дунёқараш шаклланишига сабаб бўляпти.

Мени нотўғри тушунманг. Ҳаётимизга мазмун бериши учун бизга драматик инстинктлар керак. Агар ҳар бир маълумотни элақдан ўтказсак ва ҳар бир қарорни рационал таҳлил қилсак, нормал ҳаётга эриша олмаймиз. Рационимиздан шакар ва ёғни олиб ташламаслигимиз керак. Жарроҳнинг олдига бориб, миямиздаги ҳиссиётларга жавоб берадиган қисмларни олиб ташлашини сўраш ярамайди. Аммо ўша драматик оқимни назорат қилишни ўрганишимиз керак. Агар назорат қилинмаса, драматикликка бўлган иштаҳамиз анча очилиб, дунёни ўз ҳолича кўришимизга ҳалакит қилади ва нотўғри йўлга бошлайди.

## Фактдорлик ва фактларга асосланган дунёқараш

Бу китоб бир умрлик мақсадим – глобал нодонликка қарши курашдаги сўнгги жангим. Бу – одамларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, иррационал кўркувларини босиш ва қувватларини бунёдкор фаолиятга йўналтириш орқали дунёга таъсир кўрсатишга сўнгги бор уринишим. Аввалги жангларида катта маълумотлар базаси, одамларнинг кўзини очадиган компьютер иловаси, жўшқин маърузалар ва швед қиличи билан қуролланган эдим. Булар етарли бўлмади. Аммо кўлингиздаги китоб етарли бўлишига умид қиламан.

Бу китобда сиз аввал билмаган маълумотлар жамланган: бу маълумот билан даволаш. Бу китоб тушуниш – қалб хотиржамлигининг манбаи эканини ўргатади. Чунки дунё туюлгани каби драматик эмас.

Фактларга асосланиш соғлом овқатланиш ва кундалик бадантарбия каби ҳар кунги ҳаётингизнинг бир қисмига айланиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Ҳаракатни ҳозирдан бошланг, шунда ўта драматик дунёқарашингизни фактларга асосланган дунёқараш билан алмаштира оласиз. Дунёда бўлаётган ҳодисаларни ёд олмай туриб ҳам тўғри тушуна бошлайсиз. Оқилона қарорлар чиқарасиз, ҳақиқий хавф ва имкониятлардан огоҳ бўласиз, муҳими хато фикрлар оқибатидаги доимий стресслардан қутуласиз.

Сизга ўта драматик ҳикояларни илғаб олишни ўргатаман ва драматик инстинктингизни назорат қилишга ёрдам берадиган фикрлаш қуроллари билан таъминлайман. Ўшанда сиз нотўғри тушунчаларингизни ислоҳ қиласиз, фактларга асосланган дунёқарашни ривожлантиришга ва ҳар сафар шимпанзелардан яхшироқ натижа кўрсатишга эришасиз.

## Циркка қайтамиз

Баъзан иложсиздек кўринган нарсанинг иложи борлигини амалиётда кўрсатиш учун маърузаларим сўнгида қилич ютаман. Бундай цирк томошасини уюштиришдан аввал, албатта, уларнинг дунё ҳақида фактларга асосланган билимини синаб кўраман. Дунё улар ўйлаганидан буткул фарқ қилишини кўрсатаман. Улар ҳеч қачон содир бўлмайди, деб ишонган кўпгина ўзгаришлар аллақачон содир бўлганини исботлайман. Улар иложсиз деб ишонган ва кундалик янгиликларда кузатадиганларидан тамомила фарқли имкониятларга қизиқиш уйғотиш учун анча тер тўкаман.

Қилич ютишимдан кўзланган мақсадим эса аудитори-ям ўз интуициялари қанчалар янглиш бўлиши мумкинлигини англашларини хоҳлайман. Мен кўрсатган нарсалар – қилич ютиш ва унғача дунё ҳақида берган фактларим – уларнинг миясига ўрнашган фикрларни ҳар қанча инкор қилмасин, қанчалик иложсиз туюлмасин, барибир ҳақиқат эканини англашларини истайман.

Яна мен одамлар дунё ҳақидаги тасаввурлари хато эканини англаганларида уялишларини эмас, балки ёш боладек ҳайрат, илҳомланиш ва мен циркни эслаганимда пайдо бўладиган, ҳозир ҳам ҳар сафар адашганимни билиб қолганимда “қойил, шундай ҳам бўлиши мумкинми?” деган ҳолатимдаги каби қизиқиш ҳисларини туйишларини хоҳлайман.

Бу китоб дунё ва у аслида қандай экани ҳақидадир. Бу китоб, шунингдек, сиз ҳақингизда. Нега сиз (ва мен таниган барча одамлар) дунёни аслича кўрмаслигингиз ҳақида. Унинг саҳифаларида бу борада энди нима қила олишингиз ҳамда цирк чодиридан ҳақиқий ҳаётга қайтиб чиқар экансиз, бу сизга ўзингизни хотиржамроқ ва неқбинроқ ҳис қилишингизда ёрдам бериши ҳақида сўз боради.

Шунинг учун агар қобиғингиз ичида яшашдан кўра ҳақиқатни билишга қизиқсангиз, дунёқарашингизни ўзгартиришга тайёр бўлсангиз, инстинктив реакция ўз ўрнини танқидий фикрлашга бўшатиб беришини хоҳласангиз, камтар ва қизиқувчан бўлсангиз ҳамда ажойиб фактларни ўрганишга тайёр бўлсангиз, у ҳолда китобни ўқишда давом этинг.

БИРИНЧИ БОБ

## БЎШЛИҚ ИНСТИНКТИ



Биргина қоғоз парчаси ёрдамида синфхонадаги  
махлуқни туттиш

### **Мана, ҳаммаси қаердан бошланган**

1995 йил. Октябрь. Ўша оқшом дарсларим тугагач глобал нотўғри тушунчаларга қарши бир умрлик курашга кираётганим хаёлимнинг бир четига ҳам келмаган эди.

– Саудия Арабистонида болалар ўлими даражаси қандай? Қўл кўтармасдан жавоб бераверинглар.

Уларга ЮНИСЕФнинг йиллик ҳисоботидан 1- ва 5-жадвалларнинг нухасини тарқатган эдим. Бу жадваллар куруккина эди-ю, мен ҳаяжонда эдим.

Талабалар жўровоз бўлиб, “ЎТТИЗ БЕШ!” деб бақирди.

– Ҳа, тўғри. Ўттиз беш. Бу дегани ҳар мингта тирик туғилган боладан 35 таси беш ёшга тўлмай ўлади. Энди Малайзияда бу кўрсаткич қандай?

– ЎН ТЎРТ, – яна жўр бўлиб жавоб беришди.



Улар рақамларни айтаркан, мен уларни проекторда кўрсатиш учун мўлжалланган елим плёнкага яшил ручка билан қайд қилиб бордим.

– Ўн тўрт, – такрорладим мен. – Саудия Арабистонидан камроқ!

Дислексия менга панд бериб, “Малайизя” деб ёзиб қўйгандим, талабалар кулиб юборди.

– Бразилияда-чи?

– ЭЛЛИК БЕШ.

– Танзанияда?

– БИР ЮЗ ЕТМИШ БИР.

Ручкани қўлимдан қўйиб, дедим:

– Нима деб ўйлайсиз, нега мен болалар ўлими даражасига қизиқиб қолдим? Фақат болалар ҳақида қай-қурганим учун эмас. Бу кўрсаткич бутун жамият ҳароратини ўлчайди. Улкан термометр каби. Болалар жуда заиф бўлгани туфайли уларнинг ўлимига сабаб бўладиган омиллар жуда кўп. Малайзияда 1000 та боладан 14 нафари ўлиши қолган 986 нафарининг тирик қолишини билдиради. Ота-оналар ва жамият уларни ўлимга олиб келувчи барча хавфдан – микроблар, очлик, зўравонлик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қила олади. Шунинг учун 14 рақами бизга Малайзияда кўп оилаларда етарлича озиқ-овқат борлигини, канализация қувиридаги сув ичимлик сувга аралашмаслигини, бирламчи тиббий хизматлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганини ҳамда оналар ўқий ва ёза олишини билдиради. Бу рақам фақат болалар соғлиғи ҳақида маълумот бермайди, балки бутун жамият саломатлиги ўлчовидир.

– Рақамларнинг ўзи қизиқ эмас. Улар ортида нима тургани қизиқ, – давом этдим мен. – Бу рақамлар бир-биридан қанчалик фарқ қилишини қаранг: 14, 35, 55, 171. Демак, бу мамлакатлардаги ҳаёт ҳам ер билан осмонча фарқ қилади.

Ручкамни яна қўлимга олдим.

– Энди менга Саудия Арабистонида 35 йил аввал ҳаёт қандай бўлганини айтинг-чи. 1960 йилда қанча бола ўлган? Иккинчи устунга қаранг.

– ИККИ ЮЗ... қирк икки.

Катта рақамни талаффуз қилаётган талабаларнинг овози бирдан пасайиб кетди. 242!

– Тўғри. Саудия жамияти катта силжиш қилибди, шундайми? Ҳар мингтадан ўладиган болалар сони 33 йилда 242 тадан 35 тага тушган. Бу Швециядаги ўзгаришдан анча тез. Биз худди шундай ютуққа эришишимиз учун 77 йил керак бўлган. Малайзия-чи? Бугунги кунда ўн тўрт экан. 1960 йил қандай бўлган экан?

– Тўқсон уч, – ғулдураган жавоб келди.

Талабаларнинг бари хайрон бўлганча жадвалдаги маълумотларни ўрганишга шўнғиб кетган эди. Бу воқеадан бир йил илгари талабаларимга худди шу маълумотларни берган эдим, аммо ҳеч қандай жадвалсиз. Улар дунё ривожланаётгани ҳақида айтган гапларимга мутлақо ишонмаган эди. Бу йилги талабаларим эса қўлига тутқазган далилларимга кўз югуртириб, атайин истисноли давлатларни танлаб, ҳийла қилмаяпманми-йўқми, текшираётган эди. Жадвалларда кўраётган маълумотларига ишонгиси келмасди уларнинг. Чунки бу рақамлар улар англаган дунёнинг манзарасига сира ҳам мос тушмас эди.

– Кўриб турганингиздек, – дедим мен, – бирорга мамлакатда болалар ўлими кўпаймаган. Чунки дунё яхшиланиб бормоқда. Ия, кофе-брейк вақти бўлибди.

## **“Дунё иккига бўлинган”и ҳақидаги мега нотўғри тасаввур**

Бу бобда ўнта драматик инстинктларимиздан биринчиси бўлмиш бўшлиқ инстинкти ҳақида сўз боради. Унда бизни ҳаёлий бўшлиқ – адолатсиз улкан жарлик – билан барча нарсани кўпинча бир-бирига зид бўлган икки алоҳида

гурухга ажратишга ундайдиган кучли майлимиз ҳақида гапириб бераман. Бу бобда бўшлиқ инстинкти одамлар миясида дунёнинг икки хил мамлакатларга ёки икки хил одамларга – бой ва камбағалга – бўлингани манзарасини қандай яратиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Нотўғри тасаввурни аниқлаш осон иш эмас. Ўша 1995 йилнинг октябрь оқшомида биринчи марта бу махлуқка тузукроқ назар солдим. Бу шундоққина кофе-брейкдан кейин содир бўлди ва тажриба шу қадар ҳаяжонли ўтганидан ҳалигача мега нотўғри тасаввурларни овлашдан ўзимни тия олмайман.

Мен уларни мега нотўғри тасаввур деб атайман, сабаби улар одамлар дунёни нотўғри идрок қилишига катта таъсир кўрсатади. Айнан шу биринчиси қолган инстинктлар орасида энг ёмони. У дунёни иккита чалғитувчи қисмга – бойлар ва камбағалларга – бўлиш орқали инсонлар онгидаги барча глобал пропорцияларни тамомила бузиб юборади.

## **Илк мега нотўғри тасаввурни овлаш**

Маърузани яна бошлаганимда болалар ўлими даражаси тропик ўрмонларидаги қабилавий жамиятларда ва дунёнинг чекка қишлоқларидаги анъанавий деҳқон оилаларида юқорироқ бўлишини тушунтирдим.

– Ундай одамларни телевизор орқали ҳужжатли фильмларда кўргансиз. Ўша ота-оналар оиласини тирик сақлаб қолиш учун ҳаммадан ҳам кўпроқ заҳмат чекади, лекин шунда ҳам фарзандларининг деярли ярмидан айрилади. Хайрият, бундай аянчли шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар сони камаймоқда.

Биринчи қаторда ўтирган талаба қўлини кўтарди. У бошини ён томонга бироз эгди-да, деди:

– Улар ҳеч қачон биздек яшолмайди.

Хонадаги қолган барча талабалар унинг фикрини маъқуллаб бош ирғади. Эҳтимол, у мени ажабланади, деб

ўйлагандир. Аммо ундай эмасди. Бу аввал ҳам кўп марта кулоғимга чалинган сийқаси чикқан “бўшлиқ” гаплардан бири эди. Ажабланмадим, балки сесканиб кетдим. Мен айнан шу гапни эшитишни кутгандим. Мулоқотимиз эса шундай давом этди:

Мен: Узр, “улар” деганда кимни назарда тутяпсиз?

У: Бошқа мамлакатдаги одамларни.

Мен: Швециядан бошқа барча мамлакатларними?

У: Йўк. Ҳалиги... Ғарбга кирмайдиган мамлакатларни.

Улар биздек яшолмайди. Бунинг иложи йўк.

Мен: (Гўё ана энди тушунгандек) Аҳа! Япония, шундайми?

У: Йўк, Япония эмас. Уларнинг яшаш тарзи ғарбча.

Мен: Малайзия-чи? Уларнинг яшаш тарзи ғарбча эмас, тўғрими?

У: Йўк. Малайзия ғарбий эмас. Мен ҳали ғарбча яшаш тарзига ўтмаган барча мамлакатларни назарда тутяпман. Улар бу турмуш тарзига ўтмаслиги керак. Нима демокчилигимни тушуныпсиз-ку!

Мен: Йўк, нима демокчилигингизни тушунмаяпман. Илтимос, тушунтириб беринг. Сиз “Ғарб” ва “қолган мамлакатлар” ҳақида гапиряпсиз, тўғрими?

У: Ҳа, худди шундай.

Мен: Мексика... “Ғарб” ҳисобланадими?

У жавоб беролмай менга қараб қолди.

Мен уни айбситмоқчи эмасдим, лекин бу баҳс қаергача боришига қизиқиб, давом эттиравердим. Мексика “Ғарб”-га кирадими ва мексикаликлар бизга ўхшаб яшай оладими? Ёки “қолганлар”га киради-ю, биздек яшолмайдими?

– Чалкашиб кетдим, – дедим мен. – Аввалига “улар ва биз” деб бошладингиз, кейин “Ғарб ва қолган мамлакатлар”га ўзгартирдингиз. Нимани назарда тутаетганингизга қизиқяпман. Бундай “тамға”ларни аввал ҳам эшитганман, лекин тўғриси айтсам, ҳеч қачон тушунмаганман.

Шу пайт учинчи қаторда ўтирган қиз унга ёрдамга келди. У мен бошлаб қўйган ўйинга қўшилди, аммо мени тамомила ажаблантирадиган йўсинда. У олдидаги катта қоғозни кўрсатди-да, деди:

– Балки, буни мана бундай изоҳлармиз: “Биз ғарбликлар”нинг болаларимиз кам бўлади, шунинг учун кам бола ўлади. “Қолган мамлакатларда улар” кўп фарзанд кўради ва шунинг учун кўп бола ўлади.

У дунёни қандай қилиб иккига бўлишни изоҳлаш орқали йигитнинг тасавури ва менинг маълумотларим ўртасидаги зиддиятни ижодий йўл билан ҳал қилишга уринаётган эди. Бундан севиниб кетдим. Чунки у мутлақо нотўғри жавоб берган эди – буни кўп ўтмай англади – ва асосийси, у мен текшириб кўришим мумкин бўлган аниқ усулда нотўғри жавоб берганди.

– Зўр! Ажойиб! Ааажоойиб, – ручкамни қўлимга олиб, ишга киришдим. – Қани, давлатларни қанча бола борлиги ва қанчаси ўлишига қараб, икки гуруҳга ажрата оламизми-йўқми, кўрайлик-чи.

Талабаларнинг юзидаги шубҳа ўрнини қизиқиш эгаллади ва улар мен нега бу қадар қувониб кетганим сабабини билишга уриндилар.

Унинг изоҳи менга ёққанди, чунки жуда аниқ эди. Биз уни расмий маълумотларга қанчалик мос тушишини текшириб кўришимиз мумкин эди. Агар қимнингдир тасавурлари нотўғри эканига ишонтирмоқчи бўлсангиз, унинг фикрини маълумотлар билан солиштириб кўриш жуда қўл келади. Мен ҳам шундай қилдим.

Ва буни бутун касбий фаолиятим давомида амалга ошириб келяпман. Оригинал маълумотлар жадвалидан нусха олишда фойдаланган катта кулранг нусха кўчириш машинам нотўғри тасавурларга қарши курашишимда илк ёрдамчим бўлган. 1998 йилгача янги шеригим – рангли принтер пайдо бўлди. У менга мамлакатлар статистикасини рангли пуфак шаклларга жойлаб, талабаларга тарқатишимга ёрдам берган. Кейин эса биринчи одам-ёрдам-

чилар пайдо бўлди ва ишларим юришиб кетди. Менинг схемаларим ва нотўғри тасаввурларни овлаш ғоям Анна ва Олага ёқиб қолди ҳамда улар ўзлари кутмаган шаклда юзлаб маълумотлар жамланган диаграммаларни анимацияли пуфак шакллар ёрдамида кўрсатишнинг инкилобий йўлини ўйлаб топдилар. Кейин бу пуфакли шакл “дунё иккига бўлинган” деган нотўғри тасаввурга қарши қурашда сеvimли куролимизга айланди.

## **Бу тасаввурнинг нимаси хато?**


Талабаларим “улар” ва “биз” ҳақида гапирди. Бошқа одамлар “ривожланаётган дунё” ва “ривожланган дунё” ҳақида гапиради. Эҳтимол, сиз ҳам бу жумлаларни қўлласангиз керак. Хўш, буларнинг нимаси хато? Журналистлар, сиёсатчилар, фаоллар, ўқитувчи ва тадқиқотчилар ҳам доим шундай сўзлайди.

Одамлар “ривожланаётган” ва “ривожланган” деганларида, улар “камбағал мамлакатлар” ва “бой мамлакатлар”ни назарда тутадилар. Яна “Ғарб/қолганлар”, “шимол/жануб” ҳамда “паст даромадли/юқори даромадли” деган сўзларни ҳам эшитаман. Хуллас, ҳар хил жумлалар. Токи бу сўзлар уларнинг онгида тегишли тасаввурни ҳосил қилиб, воқеликда мавжуд асосга эга бўлар экан, одамлар дунёни тасвирлашда қандай атама ишлатишининг аҳамияти йўқ. Лекин ана шу иккита оддий атамани айтаётганларида уларнинг онгида қандай тасаввур ҳосил бўлади? Ва бу тасаввурлар воқелик билан мувофиқлигини қандай текшириш мумкин?

Келинг, яна диаграммаларга юзланамиз. Кейинги саҳифадаги диаграмма бир аёлга тўғри келадиган чақалоклар сони ва барча мамлакатлардаги болаларнинг яшаб қолиш рейтингини кўрсатади.

Ҳар бир пуфакча биттадан давлатни кўрсатади ва унинг ҳажми ўша мамлакат аҳолиси сонини ифодалайди. Уларнинг энг катталари Ҳиндистон ва Хитойга тўғри

келади. Диаграмманинг чап тарафида аёллар кўп туғадиган, ўнг тарафида эса аёллар кам туғадиган давлатлар келтирилган. Мамлакат қанчалик юқорида жойлашган бўлса, ўша давлатдаги чақалоқларнинг яшаб қолиш рейтинги шунча юқори бўлади. Бу диаграмма икки гуруҳ: “биз ва улар” ёки “Ғарб ва қолган давлатлар” ҳақида учинчи қаторда ўтирган талабам берган изоҳнинг ўзгинаси. Бу ерда шу икки гуруҳни “ривожланаётган ва ривожланган” давлатлар деб белгилаб қўйдим.




Манба: UN-IGME ва UZ Pop

Дунё мамлакатлари иккита катакка – ривожланаётган ва ривожланган давлатларга қандай ажойиб тарзда ажралиб олганига қаранг. Шу икки катак ўртасида 15 та кичик давлатни (жумладан, Куба, Ирландия, Сингапур) ўз ичига олган бўшлиқ бор. У ерда дунёнинг атиги икки фоиз аҳолиси яшайди. “Ривожланаётган” тамғаси берилган катакда Хитой ва Ҳиндистон билан бирга 125 та давлат бор. Бу давлатларнинг барида аёллар ўртача бештадан туғади. Болалар ўлими кенг тарқалган: уларнинг яшаб кетиш кўрсаткичи 95 фоиздан кам, бу дегани беш фоиздан кўпроқ чақалоқ беш ёшга тўлмасидан нобуд

бўлади. “Ривожланган” деб ёзилган иккинчи катакда эса 44 та пуфакча бор. Ундан АҚШ ва Европанинг кўпгина мамлакатлари жой олган. Бу давлатларнинг барида ҳар бир аёлга 3.5 нафардан камроқ бола тўғри келади ва гўдакларнинг яшаб қолиш кўрсаткичи 90 фоиздан юқори.

Шундай қилиб, дунё икки катакка жойлашган. Ва бу айнан учинчи қатордаги талабам тасаввур қилган манзара. Бу сурат дунё икки гуруҳга бўлинганини, ўртасида бўшлиқ ҳам борлигини аниқ-тиниқ кўрсатади. Қандай ажойиб! Тушуниш нақадар осон бўлган дунё! Унда муаммо нимада? Нега мамлакатларни “ривожланаётган” ва “ривожланган” деб ажратиш хато? Нега унда мен “биз ва улар” деб гапирган талабамни кийнаб, саволлар бердим?

Чунки бу сурат 1965 йилдаги дунёни кўрсатади! Мен ёш йигит бўлган пайтларимдаги дунё! Мана, муаммо қаерда! 1965 йилги харитадан навигация учун фойдаланармидингиз? Шифокорингиз сизга ташхис қўйишда ва даволашда 1965 йилда замонавий ҳисобланган тадқиқотдан фойдаланса, хурсанд бўлармидингиз? Қуйидаги сурат бугунги дунёнинг манзарасини кўрсатади:





Дунё бутунлай ўзгарган. Бугунги кунда оилалар кичик, болалар ўлими ҳам аксар мамлакатларда камайган. Ҳатто энг катта давлатлар Хитой ва Ҳиндистонда ҳам аҳвол яхшилланган. Чап тарафдаги пастки бурчакка каранг. Катак деярли бўм-бўш. Кам фарзанд туғиладиган ва яшаб қолиш даражаси юқори бўлган кичик катакни кўряпсизми? Барча мамлакатлар ўша ерга қараб кетяпти. Аксар давлатлар аллақачон у ерга етган. Инсониятнинг 85 фоизи аллақачон “ривожланган дунё” деб номланган катак ичида. Қолган 15 фоизи эса асосан иккита катак орасида. Дунё аҳолисининг 6 фоизини ташкил қилувчи 13 мамлакат ҳали ҳам “ривожланаётган” катакда яшайди. Аммо дунё ўзгарса ҳам дунёқараш ўзгармади. Ҳеч бўлмаганда “ғарбликлар”ники ҳам. Кўпчилигимизнинг миямизда ҳали ҳам дунёнинг қолган қисми ҳақидаги эскирган тушунчалар қотиб қолган.

Дунёнинг мен ҳозиргина намоиш этган трансформацияси фақат оилаларнинг катта-кичиклиги ва болаларнинг яшаб қолиш даражаси билангина чекланмаган. У инсон ҳаётининг барча жабҳасига кириб борди. Даромад, сайёҳлик, демократия, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ёки электр таъминоти даражаларини кўрсатадиган диаграммаларнинг барчаси бир хил ҳикояни сўзлайди: яъни дунё иккига бўлинган эди, аммо ортиқ ундай эмас. Бугун кўп одамлар ўртада. Ғарб ва қолган мамлакатлар, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, бойлар ва камбағаллар ўртасида энди бўшлиқ йўқ. Биз ҳам уни бор деб ўйлашни бас қилишимиз керак.

Талабаларим қатъиятли, глобал воқелиқдан хабардор ва ер юзидаги ҳаётни яхшилашни истайдиган ёшлар эди. Аммо улар дунё ҳақида энг элементар фактларни билмаслиги мени лол қолдирди. Улар аслида “биз” ва “улар” деган икки гуруҳ бор деб ўйлашини англаб, “улар” “биз” каби яшолмайди дегганини эшитиб, лол қолдим.

Қанақасига ахир? Қандай қилиб улар 30 йил аввалги дунёқараш билан яшаб юрган бўлиши мумкин?

1995 йил октябридаги ўша окшом ёмғир остида велосипедимни миниб уйга кетарканман, бармоқларим қотиб қолган, ўзим эса ич-ичимга сиғмай кетаётгандим. Менинг режам иш берганди. Синфхонага маълумотлар ёзилган схемаларни олиб кириш орқали талабаларимга дунё иккига бўлинмаганини исботлай олган эдим. Ва ниҳоят уларнинг хато тасаввурини тутиб олишни удалагандим. Энди эса курашни давом эттиргим келарди. Бунинг учун янада аниқроқ маълумотлар кераклигини англадим. Бу кўпроқ одамларга уларнинг фикрлари асоссиз туйғулардан бошқа нарса эмаслигини янада ишонч билан кўрсатишимга ёрдам берарди. Бу менга улар аслида билим деб ўйлаганлари шунчаки туйғулигини кўрсатишга имкон берди.

Орадан йигирма йил ўтиб, Дания пойтахти Копенгагендаги замонавий телестудияда ўтирибман. “Бўлинган” дунёқараш тагин 20 йилга эскирган. Биз жонли эфирдамиз, журналист бошини ён томонга хиёл эгиб дейди:

– Биз ҳалигача дунёнинг кичик ҳамда асосан кўҳна Фарб мамлакатлари бўлган бой қисми ва қолган катта қисми орасида улкан тафовутни кузатамиз.

– Аммо сиз буткул адашяпсиз, – жавоб қайтараман мен.

“Ривожланаётган камбағал давлатлар” алоҳида гуруҳ сифатида ортиқ мавжуд эмаслигини яна бир бор тушунтираман. Ўртада бўшлиқ ҳам йўқ. Бугунги кунда кўп одамлар, дунё аҳолисининг 75 фоизи даромади ўртача бўлган мамлакатларда яшайди. Улар бой ҳам, камбағал ҳам эмас, лекин шу икковининг ўртасида ва ўртаҳол ҳаёт кечиршни бошлаган. Тарозининг бир палласида ҳануз аҳолиси ўта қашшоқ ҳаёт кечирадиган мамлакатлар, иккинчи палласида эса бой давлатлар (Шимолий Америка

ва Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби бир қанча давлатлар). Лекин жуда кўп одамлар аллақачоң ўртада яшамокда.

– Нимага асосланиб бундай деяпсиз? – давом этди журналист очикча ғашимга тегишга уриниб. Ва у бунинг уддасидан чиқди, китик патимга тегиб кўйди. Берилиб гапираётганим оҳангим ва сўзларимда акс этди.

– Жаҳон банки ва БМТ тузган оддий статистикадан фойдаланаман. Бундай қилиш баҳсли эмас. Бу фактлар муҳокама қилинмайди. Мен ҳақман, сиз эса адашяпсиз.

## Махлуқни тутиш

20 йилдан бери дунёнинг иккига бўлингани ҳақидаги хато тасаввур билан курашиб келаётганим учун унга яна дуч келганимда ортик ажабланмайдиган бўлиб қолдим. Ёлғиз талабаларим бундай ўйламасди. Даниялик журналист ҳам бу борада қолганлардан фарқли эмас. Мен учратган инсонларнинг жуда кўпи шундай фикрлайди. Агар шунча кўп одам бу борада адашади, деган иддаомга шубҳа қилсангиз, жуда соз. Бундай иддаоларга доим далил талаб қилишингиз керак. Мана далил – икки қисмли хато тасаввур қопқони шаклида.

Дастлаб куйидаги савол билан (сиз унга китобнинг кириш қисмида жавоб бергансиз) даромади паст бўлган мамлакатлардаги ҳаётни одамлар қандай тасаввур қилишларини билиб олган эдик.


### 1-савол

Бугунги кунда дунёнинг даромади паст давлатларида қанча қиз бошланғич мактабни тугатади?

- А. 20 фоиз
- Б. 40 фоиз
- В. 60 фоиз

Ўртача 7 фоиз одам В жавобни белгилаб, дунёнинг даромади паст давлатларида 60 фоиз киз бошланғич мактабни тугатади, деб тўғри жавоб берди (бу саволга хайвонот боғида 33 фоиз шимпанзе тўғри жавоб берганини эсланг). Кўп одамлар тахмин қилиб, 20 фоиз деган жавобни танлади. Дунёда кизларнинг 20 фоиздан камроғи бошланғич мактабни битирадиган мамлакатлар – Афғонистон ва Жанубий Суданга ўхшаган истисно жойлар – санокли ва дунёдаги кизларнинг кўпи билан 2 фоизи ана шундай давлатларда яшайди.

**1-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
 Бугунги кунда дунёнинг даромади паст давлатларида кизларнинг қанчаси бошланғич мактабни тугатади?  
 (Тўғри жавоб: 60%)



Одамларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги, тўйиб овқат емаслиги, сув сифати ва эмлаш даражаси ҳақида ҳам шу каби саволларни берганимизда – аслини олганда даромади паст давлатларда аҳолининг қанча қисми замонавий ҳаётнинг энг бирламчи элементларидан фойдаланиш имконига эгаллиги ҳақида сўраганимизда худди шу каби жавобларни олдик. Даромади паст бўлган давлатларда умр кўриш давомийлиги 62 йилни ташкил қилади. Аксарият одамларнинг ейишга овқати бор, тоза ичимлик суви бор, кўп болалар эмланади, кўпгина қизлар бошланғич таълим олади. Жуда оз сонли респондентлар

– шимпанзеларнинг 33 фоизидан ҳам кам (бу саволга тўғри жавоб берган, кўпчилик биз берган муқобиллардан энг салбийсини) ҳатто у рақам Ер юзидаги энг ёмон жойларда даҳшатли фалокатдан азият чекаётган абгор ҳаётни тасвирласа ҳам – танлаган.

Қани, қопқон ёрдамида хато тасаввурни тутайлик. Биз одамлар паст даромадли давлатлардаги ҳаётни аслидагидан ҳам аянчлироқ тасаввур қилишини билиб олдик. Аммо улар қанча одам ана шундай ёмон шароитда яшайди, деб ҳисоблайди? Швеция ва АҚШда одамлардан дунёнинг неча фоиз аҳолиси кам даромадли давлатда яшашини сўрадик. Аксарият респондентлар 50 фоиз ёки ундан кўп, деб жавоб берди. Ўртача тахмин “59 фоиз” бўлди.

Тўғри жавоб эса “9 фоиз”. Дунёнинг бор-йўғи 9 фоиз аҳолиси кам даромадли мамлакатларда яшайди. Яна шуни ёдда тутингки, бу мамлакатлардаги ҳаёт одамлар ўйлаганичалик аянчли эмас. Тўғри, кўп жиҳатдан шароитлари бошқаларникидан ёмонроқ бўлиши мумкин, аммо улар Афғонистон, Сомали ёки Марказий Африка Республикаси каби сайёрамиздаги шароити энг ёмон мамлакатлар даражасида эмас.

Хуллас, даромади паст давлатлар одамлар ўйлаганидан анча ривожланганроқ ва у ерларда ниҳоятда кам одам яшайди. Аксариси жуда абгор аҳволда яшовчи ва икки тоифага бўлинган дунё ҳақидаги тасаввур буткул янглиш. Шунчаки хато.

## **Ёрдам! Кўпчилик ғойиб бўлди**

Агар кўпчилик паст даромадли давлатларда яшамаётган бўлса, унда қаерда яшаяпти? Даромади юқори бўлган давлатда эмаслиги аниқми?

Чўмилаётган сувингиз қандай бўлишини хоҳлайсиз? Қотириб қўядиган даражада совуқми ёки буғи чиқиб


турган даражада қайнокми? Албатта, булар ягона вариант эмас. Сиз сал совук, илик, иссиқ ёки бошқа исталган хароратни танласангиз ҳам бўлади. Вариантлар жуда кўп ва турли-туман.

## 2-савол

Дунё аҳолисининг аксар қисми қаерда яшайди?

- А. Даромади паст давлатларда
- Б. Даромади ўртача давлатларда
- В. Даромади юқори давлатларда

2-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ: тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
Дунё аҳолисининг аксар қисми қаерда яшайди?  
(Тўғри жавоб: даромади ўртача бўлган давлатларда)



0%



100%

Манба: Ipsos MORI, Novus

Кўпчилик одамлар даромади паст ёки юқори бўлган давлатларда эмас, балки ўрта даромадли мамлакатларда яшайди. Бундай категория дунёни иккига бўлувчи тасаввурда мавжуд эмас, аммо ҳақиқий ҳаётда мавжуд. Бу ҳозирда дунёнинг 75 фоиз аҳолиси яшаётган жой, ҳа, айнан оралик бўлиши кутилган жой. Ёки бошқача қилиб айтганда, ҳеч қандай оралик мавжуд эмас.

Ўрта ва юқори даромадли мамлакатларни бирлаштирадиган, уларда инсониятнинг 91 фоизи истиқомат қилаётганини кўрамиз ҳамда уларнинг кўпи глобал бозорга

кўшилган ва фаровон ҳаёт томон анча силжиган. Бу гуманитарлар учун қувончли хабар, глобал бизнес учун муҳим янгилик. Ер юзида ҳаётини яхшилаётган, шампунь, мотоцикл, ҳайз ёстиқчалари ва смартфон сотиб олишни хоҳлаётган 5 миллиарддан ортиқ эҳтимолий истеъмолчи бор. Уларни “камбағал” деб ўйласангиз, осонгина кўздан қочиришингиз мумкин.

## **Хўш, унда “биз” “улар”ни қандай аташимиз керак? Тўрт даража**

Одатда тақдимотларимда “ривожланаётган давлатлар” атамасига жиддий танқидий қарайман.

Маърузадан кейин одамлар мендан “Хўш, биз уларни қандай аташимиз керак унда?” деб сўрайди. Аммо диққат қилинг. Худди ўша хато тасаввур: биз ва улар. “Биз” “улар”ни қандай аташимиз керак?


Аввало, мамлакатларни икки гуруҳга ажратишни бас қилишимиз лозим. Чунки энди бундан маъно йўқ. Бу дунёни тўғри англашимизда ёрдам бермайди. Бу бизнес вакилларига янги имкониятларни кашф қилишга ёрдам бермайди. Бу хайрия пулларининг энг камбағал одамларга етиб боришига ҳам ёрдам бермайди.

Аммо дунёни тўғри идрок қилиш учун уни қандайдир тоифаларга ажратишимиз керак. Ўрнига нимадир таклиф қилмай эски ёрликлардан воз кечиб бўлмайди. Хўп, нима қилишимиз керак?

Эски ёрликларнинг кенг тарқалгани сабабларидан бири уларнинг оддийлигидир. Аммо улар нотўғри! Шунинг учун уларнинг ўрнига қўйишга мен дунёни бўлишнинг худди шундай оддий, лекин жўяли ва фойдали усулини таклиф қиламан. Дунёни икки гуруҳга бўлиш ўрнига, мен уни қуйида кўрсатилганидек тўртта даромад даражасига бўламан.

## ТЎРТТА ДАРОМАД ДАРАЖАСИ

2017 йилдаги дунё аҳолиси. Турли даромад даражасидаги миллиардлаб одамлар



Нарх тафюгуллариға мох ҳолда киши бошиға турли сандиған кунлик даромад долларда берилған

Минжақ Бартилден

Ушбу диаграммадаги ҳар бир фигура бир миллиард одам дегани. Еттита фигура эса ҳозирда дунё аҳолиси АҚШ долларидидаги кунлик даромадиға қараб тўртта даражаға қандай тақсимланганини кўрсатади. Кўриб туриб-сизки, уларнинг кўпи асосий эҳтиёжлари қонадиган ўртадаги иккита даражада яшамоқда.

Суюниб кетдингизми? Албатта, суюнишингиз керак. Чунки бу тўртта даромад даражаси фактларға асосланган, янгича тафаккурингизнинг энг биринчи ва энг муҳим қисми ҳисобланади. Бу дунё ҳақида тўғрироқ тахмин қилишингизға ёрдам берадиган ва мен сизға ваъда қилган оддий фикрлаш қуролларида бири. Китобни ўқиш давомида ушбу даражалар терроризмдан тортиб жинсий тарбиягача бўлган барча нарсаларни оддийгина тушунишингизда кўмак беришиға гувоҳ бўласиз. Шунинг учун уларнинг ҳар бирида ҳаёт қандай эканини тушунтиришға уриниб кўрмоқчиман.

Тўртта даромад даражасини компьютер ўйинидаги даражалар деб олинг. Ҳамма биринчи даражадан иккинчига, у ердан яна юқорига кўтарилишни хоҳлайди. Фақат бу жуда ғалати компьютер ўйини, сабаби биринчи босқич энг қийини. Келинг, ўйнаб кўрамиз.





Сув



Транспорт



Таом тайёрлаш



Егулик




I ДАРАЖА \$2

Манба: Доллар кўчаси


**I ДАРАЖА.** Бу даражани кунлик 1 доллар даромад билан бошлайсиз. Бешта болангиз бисотингиздаги ягона елим челақда балчиқ бўлиб ётган чуқурдан сув ташиш учун ялангоёқ бир соат йўл юрадилар. Уйга қайтаётганларида ўтин териб келадилар. Сиз ҳар кунгидек сувда бўтқа пиширасиз. Ҳар куни, ҳар сафар овқат ўрнида шуни еб келасиз. Фақат унумсиз, ер ҳосил бермаган ойларни ҳисобга олмаганда. Ундай пайтлар оч ҳолатда уйқуга кетасиз. Кунлардан бир кун кенжа қизингизни қаттиқ йўтал тута бошлайди. Уй ичида ёқилган оловнинг тутуни унинг ўпкасини зарарлаган. Антибиотик сотиб олай десангиз, қурбингиз етмайди. Орадан бир ой ўтиб, қизингиздан айриласиз. Бу ўтакетган қашшоқлик. Лекин сиз ҳаракат қилишда давом этасиз. Агар омадингиз келиб, ҳосил баракали бўлса, ортганларини сотишингиз ва кунлик даромадингизни 2 долларга чиқаришингиз мумкин. Бу билан сиз кейинги босқичга ўтасиз. Омад! (Бугунги кунда тахминан 1 миллиард одам шундай яшайди.)




Сув



Транспорт



Таом тайёрлаш




Егулик




Манба: Доллар кўчаси


**II ДАРАЖА.** Уддаладингиз. Кунлик даромадингизни 4 бараварга оширингиз ва кунига 4 доллар топяпсиз. Бу хар бир кун учун кўшимча 3 доллар дегани. Бу пулларни нима қиласиз? Энди ўзингиз етиштирмайдиган маҳсулотларни сотиб олишингиз мумкин. Товуқ олишингиз мумкин. У эса тухум кўяди. Бироз пул жамғариб, болаларингиз оёғига сандал, битта велосипед ва яна бир қанча елим челақлар олишингиз мумкин. Энди бир кунга етарли сув ташиш учун ярим соат вақт кетади. Газ плита ҳам олсангиз бўлади. Шунда болаларингиз ўтин териб юрмай мактабга боради. Электр бўлса, болаларингиз лампочка ёруғида дарс тайёрлайди. Аммо электр энергияси кун совиганда тез-тез ўчиб туради. Яна пул йиғиб, матрас оласиз, шунда ортик лой полда ётишингизга тўғри келмайди. Ҳаётингиз бирмунча яхшиланган, аммо барибир ишончсиз. Биргина касаллик ва сиз дори сотиб олиш учун бор-будингизни сотишингизга тўғри келади. Кейин яна I даражага тушиб қоласиз. Кунига кўшимча 3 доллар келиб тургани яхши, аммо ҳақиқатан ривожланишни истасангиз, даромадингизни яна 4 бараварга оширингиз керак. Маҳаллий тикув цехига ишга киролсангиз, оилангизда мунтазам маош оладиган биринчи одам бўласиз. (Бугунги кунда тахминан 3 миллиард киши шундай яшайди.)




Сув




Транспорт



Таом тайёрлаш




Егулик



\$8    III ДАРАЖА    \$32

Манба: Доллар кўчиси


**III ДАРАЖА.** Қойил! Буни ҳам уддаладингиз! Сиз бир нечта ишда ишлайсиз. Кунига 16 соат, ҳафтасига 7 кун меҳнат киласиз ва даромадингизни яна 4 бараварга кўпайтириб, кунига 16 доллар топяпсиз. Жамғармангиз анча кўпайиб қолган. Уйингизга қувурда совук сув келтирдингиз. Энди челақлаб сув ташишга ҳожат йўқ. Узлуксиз электр энергияси фарзандларингиз уйга вазифаларини пухтароқ тайёрлашига ёрдам беради. Уйингизга музлаткич сотиб олиб, озиқ-овқат сақлашингиз, ҳар куни ҳар хил таом ейишингиз мумкин. Яна пул йиғиб, мотоцикл сотиб оласиз ва шаҳарчадаги яхшироқ ҳақ тўлайдиган заводда ишлагани бориб-келишингиз мумкин. Бахтга қарши бир куни йўлда бахтсиз ҳодиса рўй беради ва сиз фарзандларингизнинг ўқиши учун йиққан пулларингизни тиббий харажатларга ишлатишга мажбур бўласиз. Яна тузалиб, оёққа турасиз ва йиғиб қўйган пулларингиз сабаб энди аввалги даражага тушиб қолмайсиз. Икки нафар фарзандингиз мактабни битириб, ўрта-махсус таълимни бошлади. Агар битириб олса, сиздан ҳам яхшироқ маош топа бошлайди. Буни нишонлаш учун оилангизни олиб биринчи марта таътилга чиқасиз ва вақтингизни чоғ ўтказиш учун бир кунга соҳилга жўнайсиз. (Бугунги кунда тахминан 2 миллиард одам шундай яшайди.)




Сув



Транспорт



Таом тайёрлаш



Егулик



\$32 IV ДАРАЖА

Манба: Доллар кўчаси

**IV ДАРАЖА.** Кунига 64 доллардан кўпроқ топасиз. Анча бойиб қолгансиз ва сиз учун кунига қўшимча 3 доллар топиш турмушингизни деярли ўзгартрмайди. Шунинг учун ўта кашшоқ ҳаёт кечирадиган одам ҳаётини ўзгартириб юборадиган 3 долларни катта пул ҳисобламайсиз. Маълумотингиз ўртадан юкори, таътилда самолётга чикқансиз. Ойда бир марта ресторанда овқатланишингиз мумкин, машина сотиб олишингиз мумкин. Албатта, уйингизга иссиқ ва совуқ сув келиб туради. Хуллас, сиз бу даража ҳақида биласиз. Бу китобни ўқиётган экансиз, демак, сиз IV даражадасиз. Уни сизга тунтиришим шарт эмас. Муаммо шундаки, агар сиз доим шундай юкори даромад топган бўлсангиз, қолган учта даража ўртасидаги катта фарқни билмайсиз. IV даражадаги одамлар қолган 6 миллиард аҳолининг ҳақиқий ҳаёти ҳақида нотўғри фикрламаслиги учун қаттиқ тер тўкиши керак. (Бугунги кунда тахминан 1 миллиард одам шундай яшайди.)

Мен бу даражалардан юқорилашни гўё бир киши бир неча даражани босиб ўтгандек тасвирладим. Аслида бундай ҳол содир бўлиши деярли учрамайди. Одатда I даражадаги оиланинг кейинги авлодлари IV даражага чиқиши мумкин. Шундай бўлса ҳам, умид қиламанки, энди сиз турли даражадаги инсонлар ҳаёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдингиз, оддий одамлар ҳам, мамлакатлар ҳам бир даражадан кейингисига ўтишининг иложи борлигини тушундингиз ва энг муҳими, дунё фақат бой ва камбағаллардан иборат эмаслигини англадингиз.

Инсоният тарихи I даражадан бошланган. 100 минг йилдан ортиқ вақт ўтса ҳамки, ҳеч ким I даражадан юқорига кўтарилмаган ҳамда кўп болалар ота-она бўлишгача етмай вафот этган. 200 йил аввалги вақтни олайлик. Дунё аҳолисининг 85 фоизи I даражада, яъни ўта қашшоқ ҳолда кун кечирган.

Бугунги кундаги аксар аҳоли ўртада – II ва III даражада, яъни 1950-йилларда Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ҳукм сурган турмуш стандарти асосида яшайди. Ва бу кўп йиллар давомида шундай бўлган.

## **Бўшлиқ инстинкти**

Бўшлиқ инстинкти жуда кучли. 1999 йил илк бор Жаҳон банки ходимларига маъруза ўқиганимда “ривожланаётган” ва “ривожланган” деган ёрликлар ортиқ яроқли эмаслигини айтганман ва қиличимни ютганман. Жаҳон банки ва ниҳоят “ривожланган” ва “ривожланаётган” деган тушунчалар йўққа чиқаётганини ва бундан буён дунё тўртта даромад даражасига бўлинишини эълон қилгунча яна 17 йил керак бўлди. Бу орада уларга яна 14 та маъруза ўқидим. БМТ ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар ҳануз бу ўзгаришни тан олмаган.

Бойлар ва камбағаллар орасида бўшлиқ борлиги ҳақидаги нотўғри тасаввурни ўзгартириш нега бунчалар қийин?

Назаримда, бунга инсонларнинг бинар фикрлашга бўлган майли – ҳамма нарсани ўртасида бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган бир-бирига зид икки гуруҳга бўлишга ўчлиги сабаб бўлади. Биз борлиқни иккига бўлишни севамиз: яхши ва ёмон, қаҳрамонлар ҳамда ёвузлар, менинг мамлакатим ва бошқалар. Дунёни бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлиш оддий ва интуитив, боз устига, у зиддиятни ифодалагани учун жуда драматик, беихтиёр бажарилади.

Журналистлар буни билади. Улар ўз ҳикояларини ўзаро муҳолиф одамлар, фикрлар ёки гуруҳлар ўртасидаги зиддият ўлароқ тақдим этади. Улар аста-секин ҳаёти яхшиланаётган кўплаб одамлар ҳақида эмас, ўта қашшоқлар ва ўта бойлар ҳақида ҳикоя қилишни афзал билади. Журналистлар ҳикоянависдир. Хужжатли ва бадиий фильм яратувчилар ҳам шундай. Хужжатли фильмлар ожиз одамни баҳайбат ва ёвуз бирлашмага қарши кўяди. Блокбастер фильмларда эзгулик ва ёвузлик мудом курашади.

Бўшлиқ инстинкти бизни силлиқ диапазон бор жойда бўлинишга, туташув бор жойда тафовут, келишув мавжуд жойда низо бор деб тасаввур қилишга ундайди. Бу жуда кенг тарқалгани ва маълумотларни тубдан бузиб кўрсатгани учун ҳам рўйхатимизда биринчи инстинкт бўлди. Агар бугун янгиликларни кўрсангиз ёки лобби гуруҳининг веб-сайтига кирсангиз, икки гуруҳ ўртасидаги зиддият ҳақидаги ҳикояни ёки “каттариб бораётган бўшлиқ” иборасини эшитишингиз мумкин.

## **Бўшлиқ инстинктини қандай бошқариш мумкин?**

Кимдир сизга (ёки ўз-ўзингизга) ўта драматик зиддият асосидаги ҳикояни айтиб бераётгани ва бўшлиқ инстинк-


тингизни кўзгатаётганидан огоҳлантируви учта белги бор. Келинг, уларни – ўртача кўрсаткичларни таққослаш, “энг”ларни солиштириш ва юкоридан бу ерга қараш деб атайлик.

## Ўртача кўрсаткичларни солиштириш

Ўртачалар! Илтимос, ҳозир айтмоқчи бўлган гапларимдан хафа бўлманг. Мен ўртачаларни жуда яхши кўраман. Улар маълумот етказишнинг тезкор усули, улар одатда бизга бирор фойдали ниманидир билдиради ва замонавий жамиятлар уларсиз ишлай олмайди. Худди шундай бу китоб ҳам. Бу китобда кўп ўртачаларга дуч келасиз. Маълумотни ҳар қандай тарзда соддалаштириш одамни чалғитиши мумкин. Ўртача кўрсаткичлар бундан мустасно эмас. Улар ёймани (турли рақамларни) битта рақам ортига яшириш орқали чалкаштириши мумкин.

Иккита ўртача кўрсаткични таққослаганимизда улар орасидаги бўшлиққа кўпроқ эътибор берамиз ва ўша ўртача қийматни ташкил этган турли рақамларни унутамиз, оқибатда чалғиш эҳтимолимиз янада ошади. Яъни аслида мавжуд бўлмаган бўшлиқларни кўраемиз.


Масалан, қуйидаги иккита (бир-бирига алоқасиз) диаграммаларга қаранг:



Чапдаги диаграммада 1965 йилдан бери ҳар йили АҚШда SAT\* имтихонини топшириб келаётган эркак ва аёлларнинг математикадан олган ўртача баллари келтирилган. Ўнг томондаги диаграммада эса Мексика ва АҚШда яшаётган одамларнинг ўртача даромади орасидаги бўшлиқ акс этган. Ҳар иккала диаграммадаги иккита чизик ўртасидаги катта фарққа эътибор беринг. Эркаклар ва аёллар ҳамда Мексика ва АҚШ бир-бирига қаршилантирилган. Бу диаграммалар эркаклар математикани аёллардан яхшироқ билиши, АҚШда яшаётганлар мексикаликлардан юқорироқ даромад топиши кўрсатилгандек туюлади. Маълум маънода бу тўғри. Чунки рақамлар шунини кўрсатяпти. Аммо қайси маънода тўғри? Қанчалик тўғри? Ҳамма эркаклар ҳамма аёллардан ақллироқми? АҚШнинг барча фуқароси барча мексикаликлардан бойроқми?


Келинг, рақамлар ортидаги ҳақиқатга яхшироқ назар ташлаймиз. Биринчи бўлиб вертикал ўқлардаги масштабни ўзгартирамиз. Худди ўша рақамлардан фойдаланяпмиз, аммо энди манзара бутунлай бошқача тус олди. “Бўшлиқ” деярли йўқолди.

МАТЕМАТИКАДАН ЎРТАЧА БАҲОЛАР



Манба: Коллеж кенгаши

КУНЛИК ЎРТАЧА ДАРОМАД



Манба: Gapminder, PoyvalNet ва Халқаро валюта фонди


\*Scholastic Aptitude Test – АҚШда коллежларга қабул қилишда топшириладиган стандарт тест – *Тарж.*



Энди худди шу маълумотларга учинчи усул ёрдамида қараймиз. Ҳар бир йилнинг ўртача кўрсаткичлари ўрнига муайян бир йилни танлаб, ундаги математика баллари ёки даромадларни кўриб чиқамиз.



Манба: Коллекция «Математика»



Манба: Саргандер, ЕНСН, Ровардсет ва АҚШ болалиқни кўриб олиш институти

Энди биз ўртача сонга жамланган барча шахсларни кўряпмиз. Қаранг! Эркаклар ва аёлларнинг математикадан олган баллари бир-бирини буткул қоплаб кетган. Аксар аёлларнинг математик эгизаги бор экан: математикада улар билан бир хил натижа кўрсатган эркаклар. Мексика ва АҚШдаги даромадга келсак, бир-бирини қоплайдиган натижалар бор, аммо қисман. Лекин маълумотларга бу йўсинда ёндашиш орқали бизга равшан бўлгани шуки, одамларнинг икки тоифаси – эркаклар ва аёллар, мексикаликлар ҳамда америкаликлар – умуман алоҳида эмас. Улар бир-бирини қоплайди. Ўртада бўшлиқ йўқ.

Албатта, бўшлиқ ҳақидаги ҳикоялар ҳақиқатни акс эттириши мумкин. Жанубий Африканинг апартеид режимида қора ва оқ танли одамларнинг даромади бир-бириникидан катта фарқ қилган. Ҳатто уларнинг даромади орасида катта бўшлиқ бор. Алоҳида гуруҳларнинг бунчалар фарқлилиги ҳақидаги гаплар ўринли бўлган.

Аммо апартеид жуда ноёб, дунёнинг фақат битта нуқтасигагина тегишли ҳол. Аксар ҳолатларда бўшлиқ ҳақидаги ҳикоялар чалғитади ва бўрттириб юборади. Кўп ҳолларда икки гуруҳни аниқ ажратиб бўлмайди, гарчи

ўртача кўрсаткичлардан шундай туюлса ҳам. Биз хамиша масалага чуқурроқ ёндашиш ва фақат ўртача кўрсаткичлар эмас, балки ёйма ракамларга – гуруҳга жамланганларга эмас, балки алоҳида шахсларга қараш орқали тўғри маълумот оламиз. Кейин эса бир-бирига зидланган икки гуруҳ аслида бир-бирини қоплаши кўриниб турганини биламиз.

### “Энг”ларни солиштириш

Биз табиатан “энг” ҳолатларнинг мисолларига мойилмиз ва уларни осон эслаб қоламиз. Масалан, агар глобал нотенглик ҳақида ўйласак, бир томондан, янгиликларда кўрганамиз – Жанубий Судандаги очлик манзаралари, бошқа томондан, тўкин ҳаётимиз кўз олдимизда гавдаланиши мумкин. Агар биздан бир-бирига ўхшамаган икки ҳукумат тузуми ҳақида сўрашса, аввало коррупциялашган, кўркитишга асосланган диктаторлик ва Швеция каби ижтимоий таъминоти юқори ва оққўнгил бюрократлари ҳаётини барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаган мамлакатлар ҳаёлингиздан ўтади.


Бундай кескин контрастли манзара эътибор тортади, провокацион ва қизиқ бўлади – бўшлиқ инстинктимизни кўзғатишга қулай – аммо воқеликни англашимизга камданкам ҳолда ёрдам бериши мумкин. Энг бой ва энг камбағал одамлар доим бўлади, энг ёмон ва энг яхши тузумлар ҳам. Бироқ факт шуки, бундан “энг”ларнинг мавжудлиги бизга кўп нарса ўргатмайди. Аксарият одамлар ўртада бўлади ва бу бутунлай бошқа ҳикояни сўзлайди.

Дунёда энг нотенг мамлакатлардан бири бўлган Бразилияни олайлик. Бразилиядаги энг бой 10 фоиз аҳоли умумий даромаднинг 41 фоизига эгалик қилади. Хавотирли, шундайми? Бу ниҳоятда катта кўрсаткич. Ҳаёлимизга дарров қолганлар ҳақини ўғирлаётган элита келади. ОАВ ҳам ўта бойларнинг (10% бойлар эмас,

балки 0.1% бойлар, яъни ўта бойлар) яхталари, отлари ҳамда ҳашаматли виллалари суратлари билан бу таассуротимизни мустаҳкамлайди.


Ҳа, рақамлар ташвишга соладиган даражада юқори. Шу билан бирга, улар кўп йиллардан бери бунчалик тушиб кетмаганди.

БРАЗИЛИЯДАГИ ЭНГ БОЙ 10% АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДДАГИ УЛУШИ



Статистика кўпинча сиёсий мақсадларда драматик рақамларда кўрсатилади, лекин улар бизга адашмасликка ҳам ёрдам беради. Келинг, Бразилия аҳолиси даромадини тўртта даражага кўйиб кўрамиз.

2016 йилда кунлик даромади турлича бўлган бразилияликлар



Бразилияда кўп одам ўта кашшоқлигича колган. Катта дўнглик III даражага тўғри келмоқда. Бу ерда сиз мотоцикл ва китоб ўқиш учун кўзойнак оласиз, таълим пулини тўлаш учун банкда пул жамғарасиз ва бир кун келиб кир ювиш машинаси сотиб оласиз. Ҳақиқатда дунёнинг энг нотенг мамлакатларидан бирида ҳам бўшлиқ йўқ. Кўп одамлар ўрта ҳолда яшайди.

## Юқоридан назар

Аввал ҳам айтганимдек, бу китобни ўқиётган экансиз, IV даражада бўлиш эҳтимолингиз юқори. Ҳатто даромади ўрта бўлган давлатда яшасангиз ҳам (яъни ўртача даромади II ёки III даража бўлган, масалан, Мексика) сиз ўзингиз IV даражада яшаётган бўлишингиз мумкин ва ҳаётингиз ҳам эҳтимол кўп муҳим жиҳатдан Сан-Франциско, Стокхольм, Рио, Кейптаун ва Пекиндаги IV даражада яшаётган одамларникига ўхшайди. Мамлакатингизда камбағаллик деб тушуниладиган нарса “ўта камбағаллик”дан фарқ қилади. Бу “нисбий камбағаллик”. АҚШда, масалан, одамлар II ва III даражада яшаса ҳам, камбағаллик даражасидан пастда таснифланади.

Шунинг учун I, II ва III даражадаги одамлар бошдан кечирадиган қийинчиликлар сиз учун мутлақо нотаниш бўлиши мумкин. Ва улар сиз ҳар куни кузатадиган ОАВда бирор унумли тарзда тасвирланмайди.\*

Фактларга асосланган дунёқарашни шакллантиришда энг қийин нарса бошингиздан кечирган тажрибангизнинг аксарият қисми IV даражада эканини ва бошқалардан эшитганларингиз эса фавқулодда ҳодисаларнигина хуш кўрадиган ва одатийликдан қочадиган ОАВ орқали филтьрланишини англашдир.

\*Сиз IV даражада яшасангиз-у, қариндошларингиз II ёки III даражаларда бўлса, уларнинг ҳаёти қандайлигини билишингиз мумкин, албатта. Агар шундай бўлса, бу бўлимни ўқимай ўтиб кетсангиз ҳам бўлади.

IV даражада яшасангиз, III, II ва I даражада яшайдиганларнинг бари сизга бир хил даражада камбағал бўлиб кўринади ва “камбағал” сўзи аниқ маъносини йўқотиб қўйиши мумкин. Ҳатто IV даражада яшайдиган инсон ҳам камбағал бўлиб кўриниши мумкин: деворидаги бўёқлар кўчиб тушаётган ёки ишлатилган машинани ҳайдаб юрган бўлиши мумкин. Баланд бинонинг тепасида турган одам ердаги пастқам биноларнинг баландлигидаги фарқни кўриш қанчалик қийин бўлишини билади. Уларнинг бари бирдек кичик кўринади. Худди шунга ўхшаб, IV даражада яшаётган одамлар дунёни икки гуруҳга – бойлар (бинонинг юқорисидагилар, сизга ўхшаганлар) ва камбағалларга (пастдагилар, сизга ўхшамаганлар) ажралган ҳолда кўриши табиий. Пастга қараб, “Вой, уларнинг ҳаммаси камбағал экан...” дейиши ҳам табиий. Машинаси бор, велосипеди ва мотоцикли бор, сандал киядиган ва умуман оёқяланг юрадиган одамларнинг ўртасидаги фарқни илғамаслик табиий.


Мен ҳар бир даражадаги одамлар билан танишиб, гаплашиб кўрган киши сифатида сизни ишонтириб айтманки, ердаги I, II ва III даражадагилар учун фарқ ниҳоятда муҳим. I даражада яшаётган ўта қашшоқ одамлар кунига бир доллардан эмас, балки тўрт доллардан топса, ҳаёти қанчалар ўзгариб кетишини жуда яхши билади. Кунига 16 доллар топиш ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ялангоёқ юришга мажбур одам велосипеди бўлса, шаҳарчадаги бозорга боришда қанча вақт, қувват тежашини, у ерга тезроқ етиб боришини ва бу соғлиғи учун ҳам фойдали эканини яхши билади.

Ўта драматик тус берилган “бўлинган” дунёқарашни тўрт даражали тизимга алиштириш бу китобда сиз ўрганадиган фактларга асосланган дунёқарашнинг биринчи ва энг муҳим қисмидир. Сиз энди буни биласиз. Унчалик қийин эмас, тўғрими? Китобнинг қолган қисмида ушбу тўрт даражадан турли нарсаларни, жумладан, кўтарилишлар,

чўкишлар, интим муносабатлар, пазандалик ва каркидонларни тушунтиришда фойдаланаман. Улар сизга дунёни тиникроқ ва тўғри англашга ёрдам беради.

Нотўғри тасаввурни овлаш, тутиш ва тўғрисиغا алиштириш учун нималар керак бўлади? Маълумотлар. Сиз маълумотларни кўрсатиб, уларнинг ортидаги воқеликни тасвирлаб беришингиз керак. Шунинг учун ЮНИСЕФ маълумотларига, пуфакли диаграммаларга ва интернетга раҳмат айтсак арзийди. Аммо сизга яна бир нарса керак бўлади. Нотўғри тасаввурлар фақат улар билан бир хил даражада оддий, аммо жўялироқ фикрлар бўлгандагина йўққа чиқади. Тўрт даража эса айнан шу вазифани бажаради.

## Фактдорлик



**Фактдорлик бу ... бўшлиқ хақида сўз кетаётганини илғаб олиш ва ўртасида бўшлиқ бўлган иккита алоҳида гуруҳни тасвирлашини эслашдир. Воқелик кўпинча кутбларга ажралмайди. Одатда кўпчилик айнан ўртада, бўшлиқ бўлиши керак бўлган жойда бўлади.**

**Бўшлиқ инстинктини бошқариш учун кўпчилик қаерда эканини топинг.**

- **Ўртача кўрсаткичлар қиёсланганда эҳтиёт бўлинг.** Агар ёйма рақамларни текширсангиз, улар устма-уст тушишини кўришингиз мумкин. Эҳтимол, бўшлиқ мутлақо йўқдир.
- **“Энг” кўрсаткичлар қиёсланганда эҳтиёт бўлинг.** Мамлакатлар ёки одамларнинг барча гуруҳларида энг юқорида ва энг қуйида турганлар бўлади. Улар орасидаги фарқ баъзан ҳаддан ташқари адолатсиз кўринади. Лекин ҳатто шундай бўлганда ҳам, кўпчилик одамлар ўртада, айнан бўшлиқ бор деб тахмин қилинган жойда бўлади.
- **Юқоридан назар.** Эсингизда бўлсин, юқоридан пастга қараш манзарани бузиб кўрсатади. Ҳамма нарса бир хилда пастқам кўринади. Аслида эса ундай эмас.

## ИККИНЧИ БОБ

### САЛБИЙЛИК ИНСТИНКТИ



Қандай қилиб Мисрда туғилиб қолдим ва  
инкубатордаги чақалок дунё ҳақида бизга нимани  
ўргатиши мумкин?

Қуйидаги қайси фикрга кўпроқ қўшиласиз?

- А. Дунё яхши томонга ўзгармоқда.
- Б. Дунё ёмон томонга ўзгармоқда.
- В. Қандай бўлса шундайлигича турибди.

### Зовурдан чиқиш

Тўсатдан оёғим осмондан бўлгани эсимда. Ҳаммаёқ зулмат бўлиб кетган, пешоб ҳиди анқир, оғиз-бурнимга лой киргани учун нафас ололмай қолгандим. Ўнгланишга ҳаракат қилардим-у, аммо ёпишқоқ суюқликда янада чўкаётган эдим. Орқага чўзилган қўлларим ушлашга бирор-та ўт бўлса ҳам топишга уринди, кейин тўсатдан кимдир тўпиқларимдан ушлаб юқорига тортди. Бувим мени ошхона полидаги катта тоғорага солиб, идиш-товокларни



ювиш учун иситилган сув билан авайлаб ювинтирди. Димоғимга совун ҳиди урилди.

Булар менинг илк хотираларим, сал қолса энг охириги си бўлиши ҳам мумкин эди. Бу хотираларим тўрт яшарлик чоғим бувимнинг уйи ёнидан оқиб ўтадиган канализация зовуридан мени кутқаришгани ҳақидадир. Зовур бир кун аввал ёққан ёмғир сувлари ва завод ишчилари шаҳарчасидан чиққан оқова аралашмаси билан тўла эди. Ундаги нимадир эътиборимни тортган ва зовур ёқасига борганимда оёғим тойиб, бошим билан тушиб кетгандим. Ота-онам яқин атрофда эмасди. Онам касалхонада сил билан курашиб ётар, отам эса кунига ўн соат ишларди.

Ҳафта давомида бобом ва бувим билан яшардим. Шанба кунлари дадам мени велосипедининг орқа ўриндиғига миндириб, йўлда кўнгилини чоғ қилиш учун катта айлана ва саккизсимон қилиб ҳайдар ва шу тахлит касалхонагача етиб олардик. Онам учинчи қаватнинг айвонида турганча йўталаётганини кўрардим. Дадам ичкарига кирсак, биз ҳам касал бўлиб қолишимизни тушунтирарди. Мен пастда туриб, унга қўлимни силкирдим, у ҳам менга жавобан қўл силкирди. У менга гапираётганини кўрардим, аммо овози жуда заифлигидан сўзларини шамол учириб кетарди. Ёдимда қолгани шуки, у доим табассум қилишга ҳаракат қиларди.

## **“Дунё ёмон томонга ўзгармоқда” деган мега хато тасаввур**

Бу бобда салбийлик инстинкти, яъни яхши нарсалардан кўра ёмонларига кўпроқ эътибор беришга мойиллигимиз ҳақида сўз юритамиз. Бу инстинкт иккинчи мега хато тасаввур ортида турган нарса ҳисобланади.

“Дунё ёмон томонга ўзгармоқда”. Бу гапни ҳаммадан ҳам кўпроқ мен эшитсам керак. Дунёда кўп ёмон нарсалар борлиги мутлақ ҳақиқат, албатта.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин уруш қурбонлари сони камайган, аммо Сурия уруши бу тенденцияни ўзгартириб юборди. Террорчилик ҳам яна ўсиб борапти (бунга тўртинчи бобда яна қайтамиз).

Кўп балиқ овлаш ва денгизлардаги аҳволнинг ёмонлашиши ҳақиқатан хавотирланарли ҳол. Дунё океанларида ўлик ҳудудлар ва йўқолиш хавфи остида турган турлар сони кўпайиб бормокда.

Музлар эримокда. Денгиз сатҳи, эҳтимол, кейинги 100 йилликда қарийб бир метрга кўтарилиши мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, буларнинг барига одамлар атмосферага чиқараётган иссиқхона газлари сабаб бўлмокда. Ҳатто биз газ чиқаришни тўхтатганимизда ҳам мавжудлари ҳали бери тарқамайди.

2007 йили АҚШ кўчмас мулк бозорининг инқирозига (бу ҳеч бир тартибга солувчининг ҳаёлига ҳам келмаган эди) деярли ҳеч ким тушунмаган абстракт сармоялар хавфсизлиги ҳақида кенг тарқалган хато тасаввурлар сабаб бўлган. Тизим ҳалигача аввалгидек мураккаб ва инқироз яна такрорланиши мумкин. Балки, эртага.

Сайёрамиз молиявий барқарор, тинч ва муҳофаза қилинадиган табиий ресурсларга эга бўлиши битта нарсага бориб тақалади. У ҳам бўлса, негизида дунёни фактларга асосланган ҳолда тушуниш ётувчи халқаро ҳамкорликдир. Шунинг учун дунё ҳақида тўғри билимга эга бўлмаслик энг ташвишланарли муаммо.


Мен нуқул салбий гаплар эшитиб юраман. Сиз “Ҳанс, балки, сенга ҳаётдан энг хафа одамлар учраётгандир”, дейишингиз мумкин. Биз бунни текширишга қарор қилдик.

Бу бобнинг бошида берилган *“Дунё яхши томонга ўзгаряпти деб ўйлайсизми? Ёмонлашяптими? Ёки ўзгармаяптими?”* деган саволни ўттизта мамлакатдаги одамларга бердик. Мана уларнинг жавоблари:

## ДУНЁ ҚАНДАЙ ТУС ОЛМОҚДА?

"Ёмонлашмоқда" деб жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.

Умуман олганда, дунёда ҳаёт яхшиланяптими, ёмонлашяптими, кўпчиликнинг



Manba: YouGov va Ipsos MORI. Karant: parinnov.net/ru

Men maълумотларга ҳеч қачон 100 фоиз ишонмайман, сиз ҳам ишонмаслигингиз керак. Доим қандайдир ноаниқлик бўлади. Бизнинг ҳолатда эса мен бу рақамларни тахминан тўғри деб айтган бўлардим, лекин кичик фарқларга асосланиб хулоса қилишга шошмаслик керак. (Айтганча, статистикада бир яхши умумий тамойил бор: агар фарқлар, дейлик, 10 фоиздан кичикроқ бўлса, хулоса чиқаришга шошилманг!) Аммо катта картиналар аниқ-

тиниклигича туради. Аксарият одамлар дунё ёмон томонга ўзгаряпти, деб ўйлайди. Нега бунчалик стрессга тушишимизга ажабланмаса ҳам бўлади.

## Статистика терапия сифатида

Дунёда содир бўлаётган барча ёмон нарсалардан огоҳ бўлиб туриш осон. Яхши нарсаларни пайқаш эса қийинроқ: ОАВда ҳеч қачон хабар қилинмаган миллиардлаб ривожланишлар бўлган. Йўқ, сиз мени нотўғри тушунманг. Мен салбийликни мувозанатлаш учунгина сийқаси чиққан ижобий янгиликлар ҳақида гапирмаяпман. Мен дунёни ўзгартирадиган, бироқ жуда секин, жуда ҳам майда бўлакли ёки янгилик сифатида бериш учун ўта кичиклик қиладиган фундаментал яхшиланишлар ҳақида гапиряпман. Мен инсоният тараққиётининг яширин ва сокин мўъжизаси хусусида гапиряпман.

Дунё тараққиёти ҳақидаги фактлар жамоатчиликка шу қадар номаълумки, мени бу мавзуда гапиришим учун турли мамлакатлардаги анжуманлар ва корпоратив учрашувларга таклиф қилишади. Улар менинг маърузаларимни баъзан “рухлантирувчи” деб атайти, яна кўп одамлар уларни тинчлантирадиган хусусиятга эга эканини ҳам таъкидлайди. Аммо мен кўзлаган мақсад бу эмас. Бироқ мантиқан қараганда тўғри. Мен кўрсатадиган нарса асосан БМТнинг расмий маълумотлари. Токи одамларнинг фикри аслиятдан анча салбийроқ экан, соф статистика уларга ижобий кайфият улашади. Ҳаёт ўйлаганингиздан кўра яхшироқ эканини билиш тинчлантиради ва рухлантиради. Бахт дорисининг янги тури, мутлақо бепул ва онлайн!

## Ўта камбағаллик

Келинг, ҳаммасини ўта камбағаллик тенденциясига қарашдан бошлаймиз.

## 3-савол

Охирги 20 йилда дунё аҳолисининг ўта камбағал ҳаёт кечирувчи қисми...

- А. Деярли икки баробар ошди.
- Б. Ўша-ўша қолди.
- В. Деярли икки баробар камайди.

Тўғри жавоб В: охирги 20 йилда одамларнинг ўта камбағал ҳаёт кечираётган қисми деярли икки бараварга қисқарган. Аммо биз кўп мамлакатларда ўтказган онлайн сўровларда 10 фоиздан кам одам бунга тўғри жавоб берди.

Биринчи бобда берилган тўртта даромад даражаси эсингиздами? 1800 йилда инсониятнинг тахминан 85 фоизи I даражада, ўта камбағал ҳаёт кечирган. Бутун дунёда одамлар тўйиб овқатланмаган. Кўп одамлар йилда бир неча марта қорни оч ҳолда ухлаган. Британия ва унинг мустамлакаларида болалар овқат ейиш учун ишлашига тўғри келган ҳамда Бирлашган Қиролликда болалар ўртача 10 ёшдан ишлай бошлаган. Бутун Швеция аҳолисининг бешдан бир қисми (менинг кўп қариндошларим ҳам шулар ичида) очликдан АҚШга кетиб қолган. Улардан фақат 20 фоизи ортга қайтган. Экинлар ҳосил бермаса ва қариндошларингиз, дўстларингиз, қўшниларингиз очликдан ўлса нима қилар эдингиз? Қочардингиз. Муҳожиротга кетардингиз. Агар имконини қилолсангиз, албатта.

Бутун инсоният ҳаёти I даражадан бошланган. 1966 йилгача одамларнинг кўпчилиги доим I даражада яшаб келган. У вақтгача ўта камбағаллик нормал ҳолат эди, мустасно эмас.



Суратдаги эгри чизикда ўта камбағаллик даражаси 1800 йилдан бери қанчага камайгани кўрсатилган. Энди эса диққатингизни охириги 20 йилликка қаратинг. Дунё тарихида камбағаллик бу қадар тез қисқаргани ҳеч кузатилмаган.

1997 йилда Ҳиндистон ва Хитой аҳолисининг 42 фоизи ўта камбағал тарзда ҳаёт кечираётган эди. 2017 йилгача Ҳиндистонда бу улуш 12 фоизгача тушди: ўта камбағал яшаётган одамлар сони 20 йил аввалги ҳолатга қараганда 270 миллион нафарга камайди. Хитойда бўлса бу улуш худди шунча вақт оралиғида 0.7 фоизгача тушди. Бу яна ярим миллиард аҳоли ушбу муҳим оstonадан ўтиб олганини англатади. Шу орада Латин Америкаси 14 фоизлик улушини 4 фоизга туширди (яна 35 миллион киши). Ўта камбағалликнинг ҳисоби жуда ноаниқ бўлса-да, ўзгариш шу суръатда давом этса, улкан ўзгариш бўлади, шубҳасиз.

20 йил аввал неча ёшда эдингиз? Кўзларингизни бир лаҳза юмиб, ўша ҳолатингизни эсланг. Дунёнингиз қанчалар ўзгарган? Анчами? Ёки бирозгина? Дунё ҳам худди шунча ўзгарган: 20 йил аввал дунё аҳолисининг 29 фоизи ўта камбағал ҳаёт кечирган. Ҳозир эса бу рақам 9 фоизни

ташқил қилади. Бугун деярли ҳамма дўзахдан қутулган. Инсониятнинг барча азоб-уқубатлари манбаи йўқ қилиниш арафасида. Биз катта зиёфат уюштиришимиз керак! Катта зиёфат! “Биз” деганда мен инсониятни назарда тутмоқдаман!

Биз эса тушқунмиз. IV даражадаги телевизоримизда ҳали-ҳамон ўта камбағал одамларни кўрамиз ва ҳеч нарса ўзгармагандек туюлади. Ваҳоланки, миллиардлаб одамлар қийинчиликлардан қутулиб, жаҳон бозорининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчисига айланган, миллиардлаб одамлар I даражадан II ва III даражага кўтарилган, буни IV даражадагилар сезмаган ҳам.

## Умр кўриш давомийлиги

### 4-савол

Бугунги кунда дунёда ўртача умр кўриш давомийлиги неча йилни ташқил қилади?

- А. 50 йил
- Б. 60 йил
- В. 70 йил

Ўлим ва азоб уқубатнинг барча сабабини биргина рақамда кўрсатиш имконсиз. Аммо ўртача умр кўриш давомийлиги шунга жуда яқин келади. Ҳар бир бола ўлими, техноген ёки табиий офат сабаб содир бўлган ҳар бир бемаҳал ўлим, туғуруқ пайти вафот этаётган ҳар бир она ҳамда умри узаяётган ҳар бир кексанинг ҳаёти мана шу ўлчовда акс этади.


1800 йилда шведлар очликдан ўлар, инглиз болалари кўмир конларида ишлар, умр кўриш давомийлиги дунёнинг барча жойида тахминан 30 йилни ташқил қиларди. Инсониятнинг бутун тарихида шундай бўлган эди. Туғилган чақалоқларнинг деярли ярми гўдаклигида вафот этарди. Қолган ярмининг аксари 50 ва 70 ёш ўртасида вафот этарди. Шунинг учун ўртачаси 30 ёш атрофи-

да бўлган. Бу кўпчилик 30 ёшгача яшайди, дегани эмас. Бу шунчаки ўртача рақам ва ўртачалар билан бир қаторда ёйма рақамлар борлигини ҳам доим ёдда тутиш керак.

Бугунги кунда эса дунё бўйлаб ўртача умр кўриш давомийлиги 70 ёшни ташкил қилади. Аслида вазият бундан ҳам яхшироқ – 72. Қуйида сўров натижалари келтирилган.

#### 4-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ: тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.

Бугунги кунда дунё бўйича умр кўриш давомийлиги неча йилни ташкил қилади?  
(Тўғри жавоб: 70 йил)



© 2004  
Manga Ipsos Mori, Novus

Бу ўқимишлилик даражангиз қанчалик яхши бўлса, сизни шунчалик билимсиздек кўрсатадиган саволлардан бири. Биз тест ўтказган кўплаб мамлакатларда оддий аҳоли шимпанзеларни ортда қолдирди. (Мамлакатларнинг тўлиқ тақсимооти иловада келтирилган.) Аммо олий маълумотли аудиториямизда 60 ёш деган жавобни кўпроқ беришди. Агар бу саволни 1973 йилда берганимизда эди, ушбу жавоб тўғри бўларди (ўша йили Эфиопияда 200 минг киши очликдан ўлган). Лекин биз саволни ўзимизнинг ўн йиллигимизда, 40 йиллик ривожланишдан сўнг бердик. Одамларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги энди ўн йилга ошган. Биз инсонлар оилаларимиз тирик қолиши учун доим қаттиқ курашиб келган эдик ва ниҳоят ҳаракатларимиз самара бермоқда.



1800 ЙИЛДАН ҲОЗИРГА ҚАДАР ЎРТАЧА УМР ДАВОМИЙЛИГИ



Бу диаграммани ҳар сафар кўрсатганимда одамлар 1960 йилга ишора қилиб, “Бу ердаги энг охирги чўкишга нима сабаб бўлган?” деб сўрайди. Агар сиз ҳам билмасангиз, бу мен учун дунё ёмон томонга ўзгаряпти, деган нотўғри тасаввурга қарши чиқишим учун ажойиб имконият.

1960 йил глобал умр кўриш чизиғида чўкиш кузатилган, чунки ўша йили Хитойда 15–40 миллион киши (аниқ сонини ҳеч ким билмайди) инсоннинг ўз хатоси билан юзага келган, эҳтимол, дунёдаги энг йирик очарчилик оқибатида ҳалок бўлган.

1960 йил Хитойда мавсум ёмон келгани, боз устига, ҳукумат экинларни самарали етиштириш бўйича тузукрок маслаҳат бермагани туфайли ҳосил режадагидан кам бўлган. Маҳаллий ҳукуматлар ёмон натижа қайд этишни истамаган, шунинг учун барча егуликни марказий ҳукуматга юборган. Ўзига умуман егулик қолдирмаган. Бир йилдан сўнг инспекторлар ҳайратга тушганча ўзи гувоҳ бўлган каннибализм ва йўл ёқаларида ётган жасадлар ҳақида ҳисобот топшира бошлади. Ҳукумат марказий режалаштириш таназзулга учраганини тан олмади ва Хитой ҳукумати ҳалокатни 36 йил давомида сир тутиб

келди. 1996 йилгача бу ҳақда инглиз тилида ташки дунёга ҳеч бир сўз айтилмади. (Ўйлаб кўринг-а, ҳозирги кунда бирорта давлат 15 миллион киши ўлганини дунёдан яшира оладими?)

Ҳатто Хитой ҳукумати бу фожиа ҳақида бутун дунёга маълум қилганида ҳам бугун қаер муҳтож бўлса, егулик таркатадиган БМТ озиқ-овқат дастури ҳам ёрдам беролмаган бўларди. Чунки 1961 йилгача ундай ташкилот мавжуд эмасди.

Ҳозирги ҳолатни тарихий контекстга қўйсақ, дунё ёмон томонга ўзгармоқда, деган хато тасаввурни сақлаб қолиш қийинлашади. Тўғри, ҳозирда дунёда кечаётган қурғоқчилик ва очарчиликни паст баҳоламаслигимиз керак. Лекин ўтмишдаги фожиалар ҳақида билсақ, бу бизга дунё қандай қилиб шаффоф ва керак бўлганда ёрдам олиш мумкин бўлган жойга айланганини англашга ёрдам беради.

## **Мен Мисрда туғилганман**

Ватаним Швеция бугун IV даражада ва дунёдаги энг бой, аҳолиси энг соғлом мамлакатлардан бири. (Мамлакат IV даражада дегани бу ўша мамлакатдаги ўрточа одам тўртинчи даражада деганидир. Буни Швецияда ҳамма IV даражада яшайди, деб тушунмаслик керак. Ёдингизда бўлсин, ўрточалар ёймаларни яширади.) Аммо у доим ҳам ундай бўлмаган.

Энди сизга энг сеvimли графигимни кўрсатмоқчиман. Китобнинг ички муқовасида унинг рангли версияси ҳам берилган. Мен уни Жаҳон соғлиқни сақлаш жадвали деб атаيمان ва у соғлиқ ва бойлик бўйича дунё харитасига ўхшайди. Аввалги бобда келтирилган пуфакчали графикда бўлгани каби ҳар бир мамлакат пуфакча орқали ифодаланган ва пуфакчанинг ҳажми мамлакат аҳолисининг сонини кўрсатади. Худди аввалгидек кам-

бағал мамлакатлар чапда, бой мамлакатлар ўнгда; аҳолиси соғломроқ мамлакатлар юқорида, носоғломроқ мамлакатлар пастда кўрсатилган.


Эътибор беринг, иккита гуруҳ йўк. Дунё иккига бўлинмаган. Пастдаги касал ва камбағал мамлакатлардан тортиб юқоридаги бой ва соғлом мамлакатларгача бўлган барча даражадаги мамлакатлар бор. Швеция юқорида. Кўп мамлакатлар ўртада жойлашган.

Энди мана бу кейинги қисм бироз ҳаяжонли.

Митти пуфакчаларнинг излари Швециянинг 1800 йилдан бери ҳар йилги соғлиғи ва бойлигини кўрсатади. Жуда зўр ўсиш! Шунингдек, 2017 йилда Швеция ўтмишидаги муҳим йилларга мувофиқ келган айрим мамлакатларни ҳам келтирдим.

1948 йил жуда муҳим йил бўлган. Иккинчи жаҳон уруши тугаган, Швеция қишки олимпиадаларда медаллар олиш бўйича юқори шоҳсупага кўтарилган ҳамда мен туғилган йил. 1948 йили мен туғилган Швеция Мисрнинг саломатлик-бойлик харитасидаги бугунги ҳолатига мос келади. Яъни у III даражада, шундоққина ўртада бўлган. Швециянинг 1950-йиллардаги турмуш шароити бугунги Миср ёки III даражада бўлган бошқа мамлакатларникига ўхшаш эди. Очиқ канализация зовурлари бўлган ва сув яқинида яшайдиган болалар унга чўкиб кетиши одатий ҳол эди. III даражада ота-оналар боласидан узоқда қаттиқ ишларди, ҳукумат эса сувни тоза сақлаш учун панжара билан тўсиш ҳақида қонунларни ҳали кучга киритмаган эди.

ШВЕЦИЯДА 1800 ЙИЛДАН ТО ҲОЗИРГА ҚАДАР СОҒЛИҚ ВА БОЙЛИК ДАРАЖАСИ



Манба: Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, IHME, UN-Pop, Gapminder, Maddison

Ҳаётим давомида Швеция ривожланиб келди. 1950 ва 1960-йилларда у бугунги Мисрнинг даражасидан бугунги Малайзиянинг даражасига кўтарилди. 1975 йил – Анна ва Ола туғилган пайтгача бугунги Малайзияга ўхшаган Швеция эндигина IV даражага кўтарилиш арафасида эди.

Энди эса бироз орқага қайтайлик. 1921 йил онам туғилган вақтда Швеция ҳозирги Замбияга ўхшаш бўлган – II даража.

Бувим оиламизнинг келиб чиқиши лесотолик бўлган аъзоси. 1891 йил, у туғилган маҳаллар, Швеция бугунги Лесотога ўхшаш бўлган. Лесото бугунги кунда дунёдаги умр кўриш давомийлиги энг қисқа бўлган мамлакат, I ва II даража чегарасида туради, деярли ўта қашшоқ ҳаёт кечиради. Бувим вояга етгач, тўққиз кишидан иборат оиласининг барча кийимларини кўлда ювган. Аммо ёши улғайгани сари тараққиёт мўъжизаси гувоҳи бўлди, чунки у ҳам, Швеция ҳам III даражага етган эди. Умри охирига келиб, бувимнинг уйида совуқ сув оқадиган жўмрак ва ертўлада унитаз-челаги бор эди: оқар сув бўлмаган шароитда ўтган болалигига солиштирганда бу – ҳашам. Тўртала бувим ва бобом ҳам ҳарфларни айтиш ва санашни биларди, аммо ҳеч бирини мутолаа қилиш даражасида етарлича саводли деб бўлмасди. Улар менга болалар китобини ўқиб беролмас, хат ҳам ёзолмасди. Мактабда тўрт йилдан ортиқ ўқимаган. Бувим ва бувамнинг авлоди яшаган даврдаги Швеция саводхонлик бўйича Ҳиндистон бугун эришган II даража билан бир хил эди.

Бувимнинг онаси туғилган 1863 йили Швециянинг ўртгача даромад даражаси бугунги Афғонистонники каби I даражада бўлган, аҳолининг аксарияти ўта қашшоқ ҳаёт кечирган. У қизига, яъни менинг бувимга қиш пайтлари тупроқ пол қанчалик зах бўлишини айтиб берарди. Лекин бугунги кунда Афғонистон ва I даражада бўлган бошқа мамлакатлар аҳолиси 1863 йилдаги шведлардан узокроқ

умр кўради. Бунинг сабаби шундаки, асосий модернизация кўп одамларга етиб борган ва уларнинг ҳаётини тубдан яхшилаган. Уларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташиш учун пакетлар бор. Уларда сув ташиш учун елим челак ва микробларни ўлдириш учун совун бор. Болаларининг кўпи эмланган. Ўртача ҳисобда улар 1800 йилда I даражада бўлган шведлардан 30 йил ортиқ умр кўради. Ҳатто I даражадаги ҳаёт ҳам анча яхшиланган.

Сизнинг мамлакатингиз ҳам анча ривожланган. Қаерда яшашингизни билмасам ҳам, буни ишонч билан айтишим мумкин, чунки сўнгги 200 йил ичида дунёнинг ҳар бир мамлакати умр кўриш давомийлигини яхшилаб олди. Аслида ҳар бир мамлакат деярли ҳар бир мезон бўйича яхшиланган.

## Яна 32 та яхшиланиш

Онгингизда ҳаёт ҳали-ҳамон қийинлашмоқдами? Ундай бўлса, мен келтирадиган маълумотларга тайёр туринг. Сизга 32 та яхшиланишни кўрсатаман.


Уларнинг ҳар бири учун ўта қашшоқлик ва умр кўриш давомийлиги тўғрисида айтиб берганларимга ўхшаш мисолларни келтиришим мумкин эди. Улар ҳақида одамлар маълумотлар билдирадигандан ҳам мунтазам равишда салбийроқ ўйлашини кўрсата оламан. (Қаердаки кўрсата олмасам, билингки, у ҳақда ҳали одамлардан сўрамаганмиз.)

Лекин бу изоҳларнинг барчасини битта китобга сиғдира олмайман, шунинг учун фақат жадвалларни келтираман. Келинг, аввалига йўқолиб кетаётган ёки аллақачон йўқ бўлган 16 та ёмон ҳолатдан бошлайлик. Кейин анча яхшиланган 16 та ҳолатни кўриб чиқамиз.

## КАМАЙИБ БОРАЁТГАН 16 ТА САЛБИЙ ҲОЛАТ


### ҚОНУНИЙ ҚУЛДОРЛИК

Мажбурий меҳнат қонунийлаштирилган ёки давлат томонидан амалга оширилаётган мамлакатлар




### НЕФТНИНГ СУВГА ТОМИШИ

Танкердан сувга томган 1000 тонна нефт




### ҚИММАТ ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ

Ўртача фотозеллектрик модуллар нархи (\$/Wp)




### ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ

Хар миллион кишига ОИВ инфекциясининг юқиши




### БОЛАЛАР ҲИМО

Беш ёшгача вафот этганлар




### УРУШ МАЙДОНИДА ҲАЛОҚ БЎЛГАНЛАР

Урушлар оқибатида 100 000 кишига тўғри келган ўлимлар сони




### ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Ўлим жазоси мавжуд мамлакатлар (жами 195 тадан)




### ТЕТРАЗИЛҚЎРҒОШИН (ҚЎРҒОШИНЛИ БЕНЗИН)

Тетразилқўрғошинга рухсат берган давлатлар (жами 195 тадан)




### АВИАҲАЛОКАТ ҚҮРБОНЛАРИ

10 миллиард йўловчинга тўғри келадиган ўқимлар сони (ўртача 5 йиллик)




### БОЛАЛАР МЕҲНАТИ

Емон шартларида дамийла ишлайдиган 5-14 ёшдаги болалар улуши




### ТАБИИЙ ОФАТ ҚҮРБОНЛАРИ

Йилга 1000 та ўлим (ўртача 10 йиллик)




### ЯДРО ҚҲРОЛЛАРИ

Минглаб ядро қаллақларининг улуши




### ЧЕЧАК ВИРУСИ

Чечак вируси қайд этилган мамлакатлар (ҳақиқ 195 тадан)




### ЗАҲАРЛИ ТУТУН ЗАРРАЛАРИ

Бир кишига тўғри келадиган SO2 эмиссияси




### ОЗОН ҚАТЛАМИНИНГ ЕМИРИЛИШИ

1000 тонна озон қатламини емирувчи моддалар ишлатилган



### ОЧАРЧИЛИК

Оч одамлар улуши






## ЎСИБ БОРАЁТГАН 16 ТА ИЖОБИЙ ҲОЛАТ


### ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

Бир йилда ишлаб чиқариладиган янги бадиий фильмлар сони




### ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

Бир сайёрасида миллий боғлар ва бошқа қўриқхона сифатида муҳофаз қилинадиган ерлар улуши




### АЁЛЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Аёллар ва эркеклар тенг овоз бериш ҳуқуқига эга мамлакатлар (195 та мамлакатдан)



### ЯНГИ МУСИҚА

Йилига янги муслиқий альбомлар сони




### ИЛИМ-ФАН

Бир йилда нашр этиладиган илмий мақолалар сони




### ҲОСИЛ

Бошқли экин (гектарига 1000 кг)




### САВОДҲОНЛИК

Ўқиш ва ёзишни биладиган одамлар улуши (15 ёшдан катталар)



### ДЕМОКРАТИЯ

Демократияда яшаётган инсоният улуши



**САРАТОНДАН ОМОН ҚОЛГАН БОЛАЛАР**


20 ешдан кичик беморларнинг энг яхши муолажа билан яна 5 йил яшashi



1980 1990 2000 2010  
Манба: АҚШ миллий саратон институти, NC

**ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИ**


Мактабга борадиган бошланғич синф ёшидаги қизлар улуши



1970 1980 1990 2000 2010  
Манба: UNESCO

**НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ТУРЛАР**


Йўқ бўлиб кетиш арафасида бўлган турлар



1960 1970 1980 1990 2000 2010  
Манба: Garpinder, IUCN Қизил рўйхат асосида

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК**


Электр таъминотида фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар улуши



1995 2000 2010  
Манба: GTF, IEA, Жаҳон банки

**МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР**


Уяли телефони бор одамлар улуши



1980 1990 2000 2010  
Манба: GSMА, ITU

**СУВ**


Хавфсиз манбалар орқали сув билан таъминланган одамлар улуши



1980 1990 2000 2010  
Манба: ЖССТ, UNICEF, Жаҳон банки

**ИНТЕРНЕТ**


Интернетдан фойдаланувчилар улуши



1980 1990 2000 2010  
Манба: Garpinder, ISC, ITU, Жаҳон банки

**ИММУНИЗАЦИЯ**

Камида бир марта эмланган 1 ёшли болалар улуши




1980 1990 2000 2010  
Манба: ЖССТ, Garpinder

Бу глобал ўзгаришларни шунчаки деразадан ташкарига қараб кўриш қийин. Уларнинг бари уфқдан нарида содир бўлмоқда. Аммо яхшилаб эътибор берсангиз, айрим нишонларни пайқашингиз мумкин. Дикқат билан тингланг. Ёш бола гитара ёки пианино чалишни машқ қилаётганини эшитяпсизми? Ўша бола чўкиб кетмаган, аксинча, мусиқа чалиш завқи ва эркини ҳис қилмоқда.

Кўпроқ даромад топишдан мақсад фақат кўлимизда кўпроқ даста пул бўлиши эмас. Узоқроқ умр кўришдан мақсад фақат кўшимча вақтга эга бўлиш эмас. Асосий мақсад – ўзимиз истаган нарсани қилиш эркига эга бўлишдир. Менга келсак, мен циркни яхши кўраман, яна набираларим билан компьютер ўйнашни ва ТВни у каналдан бу каналга олишни ҳам. Эҳтимол, маданият, эркинлик, тараққиёт мақсадларини ўлчаш қийиндир, аммо жон бошига қанча гитара тўғри келиши ажойиб кўрсаткич бўла олади. Гитара чертаётган бола эса буни анча юқорига кўтарди. Шундай чиройли статистикадан кейин ҳам қандай қилиб дунё ёмон томонга ўзгармоқда, дейиш мумкин?

**ЖОН БОШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ГИТАРАЛАР**  
 Ҳар миллион кишига тўғри келадиغان гитаралар



Манба: Gapminder, OEC, UN Comtrade, Music Trades, va UN Pop

## Салбийлик инстинкти

Кўп жиҳатдан буларга биздаги салбийлик инстинкти, яъни яхши нарсалардан кўра кўпроқ ёмон нарсаларни осон пайқашимиз сабаб бўлади. Бу ерда учта нарса содир бўлади: ўтмишни нотўғри эшлаш, журналистлар ва фаоллар воқеаларни саралаб узатиши ҳамда ҳаёт оғирлашаётган пайтда яхши нарсаларни айтиш эриш туюлади, деган кайфият.

### Огоҳ бўлинг: асл ўтмиш хотирангиздагидан ёмонроқ бўлган

Асрлар давомида кексалар доим ёшлик чоғларини идеаллаштириб, ҳозир ҳамма нарса ўзгариб кетганини таъкидлайди. Ҳа, тўғри, ўзгарган, аммо улар назарда тутгандек эмас. Кўп нарса ҳозиргидан яхшироқ эмас, балки абгорроқ бўлган. Лекин одамзот ҳаёт аслида қандай бўлганини осонгина унутиб қўйишга мойил.

Фақат Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада яшайдиган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ва Буюк депрессия даврини бошдан кечирган қариялар бир неча ўн йиллар аввал ҳақиқий йўқчилик ва очарчилик бўлганини эслаши мумкин. Лекин ҳатто бир вақтлар ўта қашшоқлик ҳукм сурган Хитой ва Ҳиндистонда ҳам ҳозирги шинам уйларда яшайдиган, тоза кийим киядиган ва мопед ҳайдайдиган одамларнинг кўпи ўтмишни унутиб қўйган.

Швециялик журналист Лассе Берг 1970-йилларда Ҳиндистондаги қишлоқлардан ажойиб репортаж тайёрлаган. Орадан 25 йил ўтиб, яна Ҳиндистонга қайтганида у ерда яшаш шароити анча яхшиланганини кўрган. 1970-йиллардаги сафари давомида олган суратларида тупроқли поллар, лойдан солинган деворлар, ярим-яланғоч болалар, ўзига ишончи паст ва ташқи дунё ҳақида ҳеч вақо билмайдиган қишлоқ аҳлининг нигоҳлари акс

этган. Ўша манзара ва 1990-йиллар охиридаги бетон уйлар, кўчада ўйнаётган, башанг кийинган болалар ва ўзига ишонган, қизиқсиниб телевизор кўраётган қишлоқ аҳли ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Лассе уларга 1970-йиллардаги суратларни кўрсатганда, қишлоқ аҳли бу суратлар уларнинг маҳалласида олинганига ишонмаган. “Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Адашаётгандирсиз? Биз ҳеч қачон бу қадар камбағал бўлмаганмиз”, деган улар. Бошқа кўп одамлар каби улар ҳам ўз даврлари билан яшаётган, болалар бепарда сериалларни кўриши-ю, мотоцикл сотиб олишга пули етмаётгани каби янги муаммолар билан ўралашган эди.

Гарчи миямизда барқ уриб турган бўлса ҳам, ўтмишдаги бахтсизлик ва шафқатсизлик ҳақида эслаш ва фарзандларимизга ҳам айтиб беришдан негадир қочамиз. Ҳақиқат шуки, эски қабристон ва бошқа одам кўмилган жойларда археологлар қазиб оладиган суяк қолдиқларининг катта қисми болаларникидир. Уларнинг кўпи очарчилик ва касалликдан ўлган, лекин жисмоний зўравонлик белгилари бўлган бола скелетлари ҳам талайгина. Овчилик ва термачилик билан кун кечирган жамиятларда одатда қотиллик даражаси 10 фоиздан юқори бўлган ва болаларни ҳам аяб ўтиришмаган. Бугун эса мозорларда болалар қабри кам учрайди.

## **Танлаб хабар бериш**

Биз нуқул бутун дунёда кечаётган салбий нохуш хабарларни эшитамиз: урушлар, очарчилик, табиий офатлар, сиёсий хатолар, коррупция, бюджет қисқариши, касалликлар, оммавий ишдан бўшатишлар, террорчилик ҳаракатлари. Муваффақиятли парвозлар ёки яхши ҳосил берган экинлар ҳақида хабар берган жуналист кўп ўтмай ишсиз қолади. Аста-секин юз бераётган тараққиёт ҳақидаги ҳикоялар, гарчи сезиларли миқёсда содир бўлса


хам ёки миллионлаб одамларнинг ҳаётига таъсир қилса ҳам, камдан-кам ҳолларда газеталар бош саҳифасидан жой олади.

Матбуот эркинлигининг ошиб бораётгани ҳамда технологиялар такомиллашаётгани туфайли биз ҳалокатлар ҳақида олдингидан ҳам кўпроқ хабардор бўлиб бормоқдамиз. Бир неча аср муқаддам европаликлар Америкадаги маҳаллий халқларга қирғин келтиргани Эски дунёда янгилик ясамаган эди. Марказий режалаштириш тизими Хитой қишлоқларида оммавий очарчиликни келтириб чиқарганида миллионлаб одамлар очдан ўлган. Европада коммунистик қизил байроқ кўтариб юрган ёшлар эса бу ҳақда ҳеч нарсани билмаган. Ўтмишда бутун бир турнинг йўқ бўлиб кетиши ёки экотизимнинг бузилишини ҳеч ким англамаган, ҳатто қайғурмаган ҳам. Ҳозир барча яхшиланган нарсалар қатори азоб укубатларга бўлган сезувчанлигимиз ҳам анча ривожланди. Мана шунинг ўзи инсоният тараққиётидан дарак беради, лекин одамларда бу тамомила акс таассурот уйғотмоқда.

Шу билан бирга, фаоллар ва лоббилар тенденцияда юзага келган ҳар қандай қисқа чўкишни “дунёнинг охири” деб ишонтиришга уринади. Гарчи умумий тенденция ривожланаётгани аниқ кўриниб турган бўлса ҳам, улар бизни таҳликали муболағалар ва башоратлар билан қўрқитади. Масалан, АҚШда зўравон жиноятлар 1990 йилдан бери камайганини кузатиш мумкин. 1990 йилда салкам 14.5 миллионта жиноят қайд этилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич салкам 9.5 миллионга тушган. Ҳар сафар даҳшатли ҳолат юз берса (одатда ҳар йили юз берган), янгиликларда эълон қилинган. Шунинг учун аксар одамлар жуда кўп ҳолатларда зўравонлик жинояти кўпайиб кетяпти, деб ишонади.

## КЎП ОДАМЛАР ҲАЛИ ҲАМ ЖИНОЯТЛАР СОНИ ОШИБ БОРЯПТИ ДЕБ ЎЙЛАЙДИ


Гэллуп институти "АҚШда жиноятлар сони ўтган йилгига қараганда кўпайганми ёки камайганми?" деб савол берган.



ТАСАВВУРИМИЗДА:

АСЛИДА:

АҚШда хабар қилинган жиноятлар сони (миллионлаб)



Ҳаёт борган сари ёмонлашиб кетяпти, деган хаёлларга берилишимиз табиий. Янгиликларда узлуксиз равишда ҳозирда рўй бераётган нохуш ҳодисалар кўрсатилади. Бу ҳолат бизда шакллантирадиган тушкунлик ҳисси кейинчалик ўтмишни эслай олмаслигимиз таъсирида янада кучаяди; тарихда фақат яхши кунлар хотирамизда қолгани сабабли бир йил, ўн йил ёки эллик йил аввал ҳам худди шунча, балки бундан ҳам кўпроқ жиноят содир бўлганини эсламаймиз. Ана шундай хаёллар баъзи одамларда кучли

стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бошқа одамларнинг эса умидини йўққа чиқаради. Тайинли сабабларсиз.

## Тафаккур ўрнига ҳиссиётлар

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Дунё ёмон томонга ўзгаряпти, деганда одамлар аслида нимани ўйлайди? Менимча, улар ўйламайди. Улар ҳис қилади. Агар сизга мана шу барча чиройли маълумотларни кўрсатганимдан кейин ҳам ҳаёт яхшиланяпти, деган фикримга қўшилишга кўнглингиз чопмаса, менимча, ҳали ечимини топмаган катта муаммолар борлигини биласиз. Тахминимча, ҳаёт яхшиланяпти деганимда мен сизга гўё ҳаммаси яхши ёки у муаммоларга ўралашмаслигингиз керак ва уларни йўқ деб тасаввур қилишингиз лозим, деётгандек ҳис қиласиз ва бу сизга ҳам кулгили, ҳам стрессга солувчи бўлиб туюлади.

Кўшиламан. Ҳаммаси жойида эмас. Ҳали ҳам қай-ғуришимиз керак бўлган нарсалар бор. Токи авиаҳалокатлар, олдини олиш мумкин бўлган болалар ўлими, йўқолиш хавфи остида бўлган турлар, иқлим ўзгаришини инкор этувчилар, эркак шовинистлар, аҳмоқ диктаторлар, захарли чиқиндилар, камоқда ўтирган журналистлар, фақат жинси сабаб таълим олмаётган қизлар, умуман, шунга ўхшаш ҳар қандай даҳшатли муаммолар бор экан, хотиржам бўла олмаймиз.

Аммо ҳозиргача амалга ошган тараққиётдан юз буриш ҳам кулгили, ҳам стрессли ҳолдир. Одамлар улар билмаган катта тараққиётни кўрсатганим учун мени оптимист дейди. Бу жаҳлимни чиқаради. Мен оптимист эмасман. Оптимист дейишлари гўл дегандек эшитилади. Мен жуда жиддий “поссибилист”ман. Бу сўзни ўзим яратиб олганман. Бунинг маъноси айтарли сабаб бўлмаса умид қилмайдиган, сабаб бўлмаса кўркувга тушмайдиган, ўта драматик тус берилган дунёқарашга қарши одам дегани. Поссибилист сифатида юз берган ривожланишни кўра



оламан ва бу менга тараққиёт яна давом этишига ишонч ва умид беради. Бу оптимизм эмас. Бу вазият қандай экани ҳақида аниқ ва оқилона фикрга эга бўлишдир. Бу дунёқарашнинг конструктив ва фойдали бўлишидир.

Одамлар ҳеч нарса яхшиланмаяпти, деган янглиш фикрга ишонса, биз синаб кўрган ҳеч бир нарса иш бермади деган хулосага келиши ва аслида иш берадиган чораларга ҳам ишончини йўқотиши мумкин. Мен бундай одамларни кўп учратаман, улар менга инсониятга бўлган умидини йўқотганини айтади. Ёки улар радикалларга айланиб, тескари натижа берадиган кескин чораларни қўллаб-қувватлайди. Аслида эса биз ҳаётни яхшилаш йўлида аллақачон қўллаётган усуллар яхши самара бермоқда.

Мисол учун, қизлар таълимини олайлик. Қизларга таълим бериш дунёдаги энг яхши ғоялардан бири экани исботланган. Аёл ўқимишли бўлса, жамиятда барча турдаги ажойиб ўзгаришлар бўлади. Ишчи кучи ҳам икки жинс вакилларида иборат бўлади ва натижада яхшироқ қарорлар қабул қилинади, кўпроқ муаммолар ўз ечимини топади. Ўқимишли оналар камроқ фарзанд дунёга келтиради ва кўпроқ бола тирик қолади. Ҳар бир боланинг таълим-тарбиясига кўпроқ қувват ва вақт сарфланади. Бу ўзгаришларнинг ижобий циклидир.

Барча фарзандларини мактабга юборишга қурби етмайдиган камбағал ота-оналар кўпинча ўғил фарзандларини биринчи ўринга қўйган. Аммо 1970 йилдан бери ажойиб ўсиш кузатилди. Турли китъаларда яшовчи ҳар хил дин ва миллатга мансуб деярли барча ота-оналар ҳозирда фарзандларининг барини мактабга юборишга қодир ва улар ўғли билан бир қаторда қизини ҳам мактабга бермоқда. Мактабда қизлар сони ўғил болаларга деярли етиб олган: бошланғич мактаб ёшидаги 90 фоиз қиз мактабга қатнайди. Ўғил болаларда эса бу кўрсаткич 92 фоизни ташкил қилади. Деярли фарқ йўқ.

I даражадаги таълим ҳақида гап кетганда, айниқса, ўрта ва олий таълим масаласида ҳали ҳам гендер тафовут бор, аммо бу шу пайтгача эришилган ютуқларни йўққа чиқаролмайди. Мен бу ютуқларни нишонлаш ва кўпроғига эришиш учун курашни давом эттириш ўртасида зиддиятни кўрмаяпман. Мен POSSIBILITYISTMAN. Ва биз эришган ютуқлар менга барча қизларни ва барча ўғил болаларни мактабга жалб қилиш мумкин эканини ҳамда буни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилишимиз керак эканини кўрсатади. Бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Агар аҳмоқона нотўғри тасаввурлар сабаб умидимизни узсак, бу умуман амалга ошмаслиги мумкин. Умиднинг йўқолиши, эҳтимол, салбийлик инстинкти ва у келтириб чиқарган нодонликнинг энг даҳшатли оқибатидир.

## **Салбийлик инстинктини қандай бошқариш мумкин?**

Ҳамма ҳаёт оғирлашяпти, деб жар солиб турган бир пайтда ҳаёт яхшиланаётганини англаши учун миямизга қандай ёрдам бера оламиз?

### **Ёмон ва яхшироқ**

Муаммонинг ечими барча нохуш янгиликларни яхшироқ янгиликлар билан мувозанатлашда эмас. Бу шунчаки ўзини-ўзи алдаш, тасалли бериш ва бошқа томонга қараб оғиб кетиш хавфини туғдиради. Бу худди ҳаддан ортиқ шакарни ҳаддан ортиқ туз билан мувозанатга келтиришдек гап. Ҳаёт қизиқарлироқ тус олиши мумкин, аммо соғлом мувозанатга эга бўлмайди.

Менга мос келган ечим – миямда бир вақтнинг ўзида иккита фикрни сақлашга ўрганиш бўлди.

Кимдир ҳаммаси яхшиланапти, деганини эшитсак, худди улар “хавотир олма, хотиржам бўл” ёки ҳатто “аҳа-

мият берма” деган гапларни ҳам кўшиб кўймоқда, деб ўйлаймиз. Аммо мен ҳаммаси яхшиланяпти десам, умуман бу каби кўшимча гапларни назарда тутмайман. Албатта, дунёдаги даҳшатли муаммоларга эътибор бермасликни тарғиб қилмайман. Айтмоқчиманки, ҳаммаси ёмон ҳам, яхши ҳам бўлиши мумкин.

Дунёни инкубаторда муддатидан илгари туғилган чақалоқ деб тасаввур қилинг. Чақалоқнинг соғлиғи жуда ёмон. Унинг нафас олиши, юрак уриши ва бошқа муҳим белгилар доимий кузатиб борилади. Шунда аҳвол яхши ёки ёмон тарафга кетаётганини тезда кўриш мумкин. Бир ҳафтадан сўнг гўдакнинг аҳволи анча яхшиланди. Барча асосий кўрсаткичлари яхши, аммо чақалоқ ҳали яна инкубаторда яшаши керак, чунки унинг соғлиғи хавф остида. Чақалоқнинг аҳволи яхшиланаётганини айтиш мантиққа тўғри келадими? Ҳа. Албатта. Ҳозир соғлиғи хавф остида дейиш-чи? Ҳа, шубҳасиз. “Вазият яхшиланмоқда” дегани ҳаммаси яхши, биз энди ҳеч нарсадан хавотирланмай, хотиржам бўлишимиз керак деганими? Йўқ, асло. Вазият ёмон ёки яхши деб, фақат биттасини танласак тўғри бўладими? Асло йўқ. Иккиси ҳам. Вазият ҳам ёмон, ҳам яхшиланмоқда. Бир вақтнинг ўзида яхшироқ ва ёмон.

Дунёнинг ҳозирги ҳолати ҳақида ҳам шудай ўйлашимиз даркор.

## **Нохуш хабарларга тайёр тулинг**

Салбийлик инстинктини бошқаришга ёрдам берадиган нарсалардан яна бири шум янгиликларга тайёр туришдир.

ОАВ ва фаоллар эътиборингизни тортиш учун воқеалар ҳиссий тус беришини унутманг. Нохуш ҳодисалар нейтрал ва яхши янгиликлардан кўра таъсирлироқ бўлишини эсда тутинг. Узоқ вақт давом этган ривожланиш чизиғида вақтинчалик кичик чўкишдан осонгина инқироз

ҳақида ҳикоя яшаш оддий ечим бўлиши ҳам мумкинлиги ёдингизда бўлсин. Одамларнинг азоб-укубати ҳақида хабар бериш аввалгидан-да осонроқ бўлган, бир-бирига боғлиқ ва шаффоф дунёда яшаётганимизни унутманг.

Даҳшатли хабар эшитганингизда ўзингизни мана бу савол билан тинчлантиринг: “Агар тенг даражада яхши ўзгариш юз берса, у ҳақда ҳам эшитган бўлармидим? Ҳатто юзлаб улкан ривожланишлар бўлганда ҳам, кулоғимга чалинган бўлармиди? Сувга чўкиб кетмаган болалар ҳақида ҳеч эшитармидим? Шундоқ деразадан ташқарига қараб ё янгиликларда, ёки хайрия ташкилотларининг реклама материалларида болаларнинг чўкиши ёинки силдан ўлиши камайганини кўрармидим?” Ёдингизда бўлсин, ижобий ўзгаришлар жуда кўп бўлиши мумкин, аммо улар сизни излаб келмайди. Ўзингиз уларни топишингиз керак. (Статистикага кўз югуртирсангиз, улар ҳамма ерда эканини кўришингиз мумкин.)

Ушбу эслатма сизга ва фарзандларингизга кунлик янгиликларни кузатганда дистопияга берилмаслик учун асосий ҳимоя қалқонини тақдим қилади.

## **Тарихга цензура қўйманг**

Тарихни идеаллаштириб кўрсатганда ўзимизни ва фарзандларимизни ҳақиқатдан маҳрум қиламиз. Даҳшатли ўтмиш ҳақидаги далиллар жуда қўрқинчли, аммо бебаҳо манбадир. У бизга бугунги бор нарсамизни қадрлашимизга ёрдам беради ва келажак авлодлар ҳам аввалги авлодлар сингари қийинчиликларни енгиб, узоқ давом этадиган тинчлик, фаровонлик томон боришига умид беради ҳамда глобал муаммоларимизга ечим топади.

## Мен жамиятга раҳмат айтмоқчиман

65 йил аввал Швециянинг ишчи синфи яшайдиган қишлоғидаги пешоб тўла зовурда нафас олишга қийналган пайтим оиламизда университетда ўқийдиган биринчи одам мен бўлишим хаёлимга ҳам келмаган. Бир кун келиб жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида профессорга айланиб, Давосга сафар қилишим ва у ерда жаҳон экспертларига глобал тенденциялар ҳақидаги асосий маълумотларни шимпанзелардан ҳам камроқ билишлари ҳақида гапиришим тушимга ҳам кирмаган эди.

Мен ўша пайтда асосий глобал тенденциялар ҳақида билмас эдим, албатта. Уларни ўрганишимга тўғри келди. Ўлимнинг турли сабаблари ва улар қандай ўзгараётганини билишнинг ягона йўли ҳар бир ўлим ва унинг сабабини кузатиш ва ёзиб бориш, охирида барини жамлашдир. Бу жуда кўп вақт талаб этади. Бутун дунёда фақат биргина мана шундай маълумотлар базаси мавжуд. Унинг номи “Касалликнинг глобал юки” (Global Burden of Disease). Кўп йиллардан сўнг уни ўрганиб чиқиб, шуни билдимки, зовурга чўкиб ўлишимга бир баҳя қолгани кам учрайдиган ҳолат эмас экан. III даражада яшовчи беш ёшга тўлмаган бола учун одатий бахтсиз ҳодиса экан.


Мен фақат қимирлай олмаётганимни англадим. Бувим ёрдамга келди ва мени тортиб олди. Кейин швед жамияти мени яна ҳам юқорига кўтарди.

Ҳаётим давомида шведлар III даражадан IV даражага чиққан. Силнинг давоси топилди ва онамнинг соғлиғи яхшиланди. У жамоат кутубхонасидан олган китобларини менга ўқиб берарди. Китобларни кутубхона бепул берарди. Оиламда мен олти йилдан зиёд таълим олган биринчи одам бўлдим ва университетда ҳам бепул ўқидим. Докторлик даражасини ҳам бепул қўлга киритдим. Умуман олганда, ҳеч нарса бепул бўлмайди: солиқ тўловчилар ҳисобидан. Кейин 30 ёшимда, икки фарзанднинг отаси

бўлганимда менда саратон борлиги аниқланди. Дунёнинг энг зўр соғлиқни сақлаш тизимида бепул даволандим. Тирик қолишим ва муваффақиятларим доим бошқаларга боғлиқ бўлган. Оилам, бепул таълим ва бепул соғлиқни сақлаш тизими туфайли зовурдан Жаҳон иқтисодий форумигача етиб келдим. Буни ёлғиз ўзим уддалай олмас эдим.

Бугун Швеция тўртинчи даражада, 1000 нафар чақалокдан бор-йўғи учтаси беш ёшга тўлмай ўлади ва ўша ўлимларнинг фақат 1 фоизи чўкиб ўлишга тўғри келади. Панжаралар, болалар боғчалари, қутқарув камзуллари, сузиш машғулотлари ва маҳаллий бассейнларда қутқарувчилар ишлаши пул туради. Болаларнинг чўкиб ўлиши – мамлакат бойигани сари деярли йўқолиб кетган кўплаб даҳшатлардан биридир. Мен ривожланиш деб атайдиган нарса ана шудир. Худди шундай ривожланишлар бугунги кунда бутун дунёда кузатилмоқда. Кўплаб давлатлар Швециядан ҳам тезроқ ўсиб боряпти. Анча тез.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – салбий хабарни эшита туриб, нохуш янгиликлар тезроқ тарқалишини ёдда тутишдир. Вазият яхшиланаётгани ҳақида одатда эшитмаймиз. Бу эса бизда атрофимиздаги олам ҳақида мунтазам равишда ўта салбий таассурот шакллантириб боради. Табиийки, бу бизни стрессга мойил қилади.

Салбийлик инстинктини бошқариш учун **нохуш хабарга тайёр туринг.**


- **Яхшироқ ва ёмон.** Ҳолат (масалан, ёмон) ва ўзгариш йўналишини (масалан, яхшироқ) фарқлашни машқ қилинг. Вазият ҳам яхшироқ, ҳам ёмон бўлиши мумкинлигини ўзингизга сингдирилинг.
- **Яхши хабар – янгилик эмас.** Яхши хабарлар деярли эълон қилинмайди. Шунинг учун янгиликлар одатда ёмон бўлади. Нохуш хабарни эшитганингизда ўзингиздан сўранг, “тенг даражада яхши хабар ҳам худди шундай тарқалармиди?”
- **Секин-аста яхшиланиш янгилик эмас.** Тенденцияда секин-аста ўсиш кузатилса ва ора-орада кичик чўкишлар бўлса, умумий ривожланишдан ҳам кўра чўкишларни сезишингиз эҳтимоли юқори бўлади.
- **Янгилик кўп дегани мусибат ҳам кўпайди, дегани эмас.** Ёмон янгиликларнинг кўпайиши баъзида дунёнинг ёмонлашуви билан эмас, балки мусибат

яхшироқ кузатилаётгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

- **Идеаллаштирилган ўтмишдан огоҳ бўлинг.** Одамлар кўпинча ўзининг дастлабки ўтмишларини идеаллаштиради, мамлакатлар эса ўз тарихини идеаллаштиради.



## ТЎҒРИ ЧИЗИҚ ИНСТИНКТИ



**Қандай қилиб тирик қолганлар  
кўплиги одам камайишини англатади,  
автоҳалокатлар тиш емирилишига нимаси  
билан боғлиқ ва нега набирам дунё  
аҳолисига ўхшайди?**

### **Мен кўрган энг кўрқинчли график**

Статистика кўрқитиши мумкин. 2014 йил 23 октябрда Стокхольмдаги “Garminder” идорасидаги иш столимда ўтирганимда кўзим тушган графикдаги чизик мени кўрқувга солди. Ўзи август ойидан бери Ғарбий Африкада тарқалган эбола вирусидан хавотирда эдим. Бошқалар сингари мен ҳам Либерия пойтахти Монровия кўчаларида одамлар ўлаётгани тасвирланган даҳшатли кадрларни кўрардим. Аммо ўлимга сабаб бўлувчи касалликлар тарқгани ҳақида ишим юзасидан тез-тез эшитиб турганим боис буниси ҳам бошқалари каби тез орада назоратга

олинади, деб ўйлагандим. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тадқиқот мақоласидаги график мени кўрқувга солди ва ҳаракат қилишга ундади.

Тадқиқотчилар эбола эпидемияси бошланганидан бери барча тегишли маълумотларни тўплаб, ундан октябрь ойи охиригача кутилаётган кунлик янги ҳолатлар сонини ҳисоблашда фойдаланган эди. Улар илк марта касаллик ҳолати тўғри чизик бўйлаб ошмаётганини кўрсатди: 1, 2, 3, 4, 5. Бунинг ўрнига рақамлар мана бундай кўринишда икки бараварга кўпайган эди: 1, 2, 4, 8, 16. Ҳар бир касалланган бемор ўлимидан олдин ўртача яна икки кишига вирус юктираётган эди. Натижада кунлик ҳолатлар сони ҳар уч ҳафтада икки бараварга кўпаймоқда эди. Графикда ҳар бир бемор икки кишига вирус юктиришда давом этса, касаллик кўпайиб кетиши кўрсатилган эди. Икки баравар кўпайиш – даҳшат!

Икки баравар кўпайиш эффектини илк бор мактабда ўрганганман. Ҳинд афсонасига кўра, Кришна тангриси шахмат доскасининг биринчи катаги учун бир дона гуруч сўрайди. Иккинчи катак учун иккита, учинчи катак учун тўртта, кейин саккизта ва шу тарзда ҳар сафар донлар икки марта кўпайиб боради. Сўнги 64-катакка етиб боргунча 18 446 744 073 709 551 615 дона гуруч қарз бўлишади: бу бутун Ҳиндистонни 76 сантиметр қалинликдаги гуруч қатлами билан қоплаш учун етади. Икки баравар кўпаядиган ҳар қандай нарса бошда тахмин қилганимиздан тезроқ ўсади. Шунинг учун Ғарбий Африкадаги вазият аянчли тус олишини билардим. Либерия яқинда тугаган фуқаролар урушидан ҳам даҳшатлироқ ва бутун дунёга тарқашади муқаррар бўлган фалокат хавфи остида турарди. Безгақдан фарқли ўлароқ, эбола барча иқлим шароитида тез тарқалиши ва вирус юктирганидан хабарсиз йўловчилар организмида учоқларда чегара ва океанлар оша саёҳат қилиши мумкин эди. Унинг самарали давоси йўқ эди.

Одамлар аллақачон кўчаларда ўлишни бошлаганди. Тўққиз ҳафта ичида (уч карра икки барабар кўпайиш учун керакли муддат) вазият саккиз барабар ёмонлашарди. Муаммони ҳал этишдаги ҳар уч ҳафталик кечикиш икки барабар кўп одам вирус билан зарарланиши ва икки барабар кўпроқ ресурс талаб этилишини англатарди. Эболани бир неча ҳафта ичида тўхтатиш зарур эди.

“Garminder”да биз зудлик билан устувор вазифаларимизни ўзгартирдик ва маълумотлар базасини ўрганиб чиқиб, вазиятнинг долзарблигини тушунтириш учун видеоролик тайёрлашга унадик. 20 октябргача кейинги уч ойга мўлжаллаган ишларимни бекор қилдим ва эпидемия бўйича 20 йиллик изланишларимнинг Қора Африка қишлоқларида нафи тегишига умид қилиб, Либерияга учиб кетдим. У ерда уч ой қолдим ва биринчи марта Мавлуд ҳамда Янги йилни оилам билан нишонладим.

Бошқалар каби мен ҳам эболанинг кўлами ва долзарблигини жуда кеч анлаган эдим. Касаллик ҳолатлари тўғри чизик бўйича ўсяпти деб тахмин қилгандим, аслида эса маълумотлар уларнинг икки барабар тез кўпаяётганини кўрсатди. Буни тушунганимда эса ҳаракатга тушдим. Аммо кошки аввалроқ тушунганимда ва ҳаракатни олдинроқ бошлаганимда эди...

## **“Дунё аҳолиси фақат ўсиб бормоқда” деган мега нотўғри тасаввур**

Ҳозирги кунда *барқарорлик* сўзи мен таклиф қилинган барча конференциялар номида учрайди. Барқарорлик тенгламасидаги энг муҳим рақамлардан бири – аҳоли сонидир. Сайёрамизда қанча аҳоли яшай олиши борасида қандайдир чеклов бўлиши керак. Тўғрими? Шундай қилиб, барқарорликка бағишланган конференцияларда аудиториямни синовдан ўтказиш бошлаганимда улар глобал аҳоли ўсиши ҳақида асосий фактларни билади, деб тах-

мин қилганман. Эҳ, неча марта адашганимни билсангиз эди!

Биз энди учинчи инстинкт – тўғри чизик инстинкти – ҳамда учинчи ва охириги мега нотўғри тасаввурга етиб келдик: у ҳам бўлса дунё аҳолиси *фақат* ўсиб бормоқда, деган нотўғри фикрдир. Илтимос, *фақат* деган сўзга эътибор беринг. Мен уни атай ажратиб, алоҳида урғу беряпман. Ана шу сўз нотўғри тасаввур.

Дарҳақиқат, дунё аҳолиси ошиб боряпти. Жуда тезлик билан. Кейинги 13 йилда тахминан яна бир миллиардга кўпаямиз. Ҳа, рост. Бу нотўғри тасаввур эмас. Лекин одамлар *фақат* кўпаймаяпти. “Фақат” деган сўз агар чора кўрилмаса, аҳоли ўсишда давом этаверади, деган маънони билдиради. Бу ўсишни тўхтатиш учун қандайдир кескин чора кўриш кераклигини билдиради. Ана шу нотўғри тасаввур, назаримда, эболани тўхтатиш учун мени ва бутун дунёни эртароқ ҳаракат қилишдан тўхтатиб турган нарса ҳам айнан шу инстинкт билан боғлиқ. Шу инстинкт сабабли биз чизик тўғри деб тахмин қиламиз.


Мен камдан-кам ҳолларда ҳайратдан сўз тополмай қоламан. Аммо биринчи марта бундай ҳолга аудиторияга қуйидаги саволни берганимда тушдим. Норвегияда ўқитувчилар конференциясида эдим. (Норвегияликларни ёмонотлиқ қилиш фикридан йироқман, худди шундай ҳол Финляндияда ҳам бўлиши мумкин эди.) Ўша ўқитувчиларнинг аксарияти ижтимоий фанлар машғулотларида глобал демографик кўрсаткичлар ҳақида ҳам маъруза ўқирди. Сўров натижаларини кўриш учун орқамдаги экранга қарадим-у қотиб қолдим. Ҳатто техник носозлик бўлди деб ўйлаганим ҳам ёдимда.

### 5-савол

Ер юзида 15 ёшгача бўлган болалар 2 миллиард нафарни ташкил қилади. БМТ ҳисобига кўра, 2100 йилга бориб, улар қанчага етади?

## ДУНЁДАГИ БОЛАЛАР Сони

0-14 ёшдаги аҳоли



Бу саволни беришдан олдин ўқитувчиларга шундай деган эдим: “Ушбу учта чизиқдан бири БМТнинг расмий башоратини кўрсатади. Қолган иккита чизиқни ўзим кўшиб қўйдим”.

Яна шимпанзелар 33 фоиз ҳолатда тўғри чизиқни танлади. Норвегиядаги ўқитувчилар-чи? Бор-йўғи 9 фоиз ўқитувчи тўғри жавоб берди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Шундай муҳим одамлар қандай қилиб жавобларни англамай танлаган шимпанзелардан ҳам ёмонроқ натижа кўрсатиши мумкин? Бу аҳволда улар болаларга нимани ўргатади?


Мен техник носозлик бўлди, деб умид қилдим. Аммо ундай эмасди. Оммавий сўровларимизда ҳам худди шундай ёмон натижа қайд этилди. АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Германия, Франция ва Австралияда сўралганларнинг 85 фоизи хато жавоб берди. (Мамлакатлар бўйича тўлиқ кўрсаткичлар иловада келтирилган.)

Жаҳон иқтисодий форумидаги экспертлар-чи, дерсиз? Улар оддий аҳолидан тузукроқ жавоб берди. Деярли шимпанзелар каби яхши натижа кўрсатди. Уларнинг 26 фоизи тўғри жавоб берди.

Ўқитувчилар конференцияси тугагач, бу ҳақда тинчроқ ўйлаб олдим ва билим билан боғлиқ муаммо миқёсини кўра бошладим. Туғилажак болалар сони глобал демографик прогнозларни тайёрлашда энг муҳим рақамдир. Шунинг учун бу бутун барқарорлик бўйича муҳокамаларда марказий масала бўлиб қолади. Агар ушбу рақамни хато ҳисобласак, яна кўплаб бошқа нарсаларни ҳам хато ҳисоблаймиз. Лекин биз синовдан ўтказган олий маълумотли ва нуфузли одамларнинг бирортаси демография мутахассислари қабул қилган қараш бўйича оз бўлса ҳам маълумотга эга эмас. Рақамларни БМТ сайтида онлайн кўриш мумкин, лекин маълумотни бепул олишнинг ўзи уни осонгина билимга айлантириш мумкин дегани эмас. БМТ берган жавоб С вариант: энг пастдаги текис чизик. БМТ экспертлари 2100 йилда болалар сони 2 миллиард бўлишини прогноз қилади, худди бугунги каби. Улар ўсиш тўғри чизик бўйлаб кетади деб ўйламайди. Бунга ҳали яна қайтаман.

## Тўғри чизик инстинкти

Бу график ўтган 10000 йилда яшаган дунё аҳолисини кўрсатади. Айнан ўша вақтлар қишлоқ хўжалиги кашф қилинган.



Милоддан аввалги 8000-йилларда одамларнинг умумий сони тахминан 5 миллион кишидан иборат бўлган, улар асосан дунё бўйлаб денгиз қирғоқлари ва дарёлар бўйида яшаган. Инсониятнинг умумий сони ҳозирги Лондон, Бангкок ёки Рио-де-Жанейро каби катта шаҳарлар аҳолисидан оз бўлган.

Бу рақам қарийб 10 минг йил давомида аста ўсиб бориб, охир-оқибат, 1800 йилда 1 миллиардга етди. Кейин эса нимадир юз берди. Атиги 130 йилда яна бир миллиард аҳоли кўшилди. Кейинги 5 миллиард аҳоли бўлса 100 йил ичида пайдо бўлди. Албатта, бундай кескин ўсишни кўрган одамлар хавотирга тушиб қолади, чунки улар сайёрадаги ресурслар чекланганини ҳам билади. Ҳақиқатан ҳам аҳоли сони *фақат* ошиб бораётгандек *кўринади*, яна катта суръатда.


Сиз томон учиб келаётган тошга қараб, у сизга уриладими-йўқми, тахмин қилишингиз мумкин. Бунинг учун сизга рақамлар ҳам, графиклар ҳам, жадваллар ҳам керак эмас. Кўзларингиз ва миянги траекторияни узайтириб беради ва сиз тош келаётган йўлдан қочасиз. Ушбу автоматик визуал прогнозлаш маҳорати аждодларимизнинг омон қолишига қанчалик ёрдам берганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ва у бизнинг омон қолишимизга ҳам ёрдам беради: машинани бошқараётганда биз доим кейинги бир неча сония ичида бошқа машиналар қаерда бўлишини прогноз қиламиз.

Аммо тўғри чизиқ инстинктимиз замонавий ҳаётда доим ҳам ишончли қўлланма бўлавермайди.

Масалан, чизиқли графикка қараб, тўғри чизиқли тенденция кейин ҳам давом этишини тасаввур қилмаслик иложсиз. Кейинги саҳифада келтирилган демографик графикда одамларнинг инстинктив тасаввурини аниқ кўрсатиш учун штрих чизиқ тортиб қўйдим. Уларнинг хавотирга тушиши турган гап, албатта.



Энди, ижозатингиз билан, сизга яна ҳам танишроқ бўлган бошқа бир мисол келтирай. Кенжа набирам Мино туғилганда 49.5 сантиметр эди. Дастлабки олти ойда у 67.3 сантиметргача ўсди. 17 сантиметрга ўсиш ажойиб натижа. Ажойиб, лекин кўрқинчли ҳам. Унинг ўсиш жадвалига қаранг. Мен чизикнинг интуитив давомини ҳам кўшиб кўйдим. Даҳшат, тўғрими?






Агар Мино *фақат* ўсишда давом этса, уч ёшга тўлганида 152 сантиметр бўлади – бир ярим метрли гўдак. Ўн ёшигача унинг бўйи 406 сантиметр бўлади – 4 метр. Кейин-чи? Бу ҳол *фақат* давом этиши мумкин эмас! Қандайдир чора кўриш керак! Минонинг ота-онаси уйини қайта қуриши ёки қандайдир дори топиши керак!

Тўғри чизик интуицияси бу ҳолатда ишламаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Нега очиқ-ойдин деяпмиз? Чунки одам танаси қандай ўсишини ҳаммамиз биламиз. Минонинг бўйи бу қадар ўсмаслигини ҳам биламиз. Биз ҳеч қачон 4 метрли одамни учратмаганмиз. Бу тенденция тўғри чизик бўйлаб давом этишини тахмин қилишнинг ўзи қулгили. Аммо мавзу нотаниш бўлса, бундай тахмин қанчалар аҳмоқона эканини тасаввур қилиш қийин бўлади.

БМТнинг аҳолишунослари аҳоли сонини ҳисоблаш бўйича бевосита тажрибага эга ва бу уларнинг доимий ишидир. Мана улар кутган чизик:



Дунё аҳолиси бугунги кунда 7.6 миллиардни ташкил қилади. Ҳа, чиндан ҳам тез ўсмоқда. Аммо бу ўсиш суръати аллақачон секинлашишни бошлаган ва БМТ экспертлари юқорига кўтарилаётган чизик кейинги ўн йилликларда ҳам секинлашишда давом этади, деб ҳисоблайди. Аср

охиригача бу эгри чизик аҳоли сони 10 ва 12 миллиардга етганда бир текис бўлиб қолади.

## Демографик эгри чизик шакли

Мазкур демографик эгри чизик шаклини тушуниб олиш учун аҳоли қандай ўсишини англаб олишимиз керак.


### Нега аҳоли ўсиб бормоқда?

#### 6-савол

БМТ 2100 йилгача дунё аҳолиси яна 4 миллиардга кўпайишини башорат қилмоқда. Бунга асосий сабаб нима?

- А. Болалар сони кўпаяди (15 ёшгача бўлган).
- Б. Катталар кўпаяди (15 ёшдан 74 ёшгача бўлган).
- В. Кексалар кўпаяди (75 ёшдан юқори).

Бу сафар тўғри жавобни дарров айтаман: Б. Экспертлар катталар кўпайгани сабабли аҳоли сони ортади, деб ҳисоблайди. Болалар эмас, кексалар ҳам эмас, айнан катталар кўпаяди. Ҳозир кўрсатган графигимни яна қайта кўрсатаман, фақат бунисида болалар ва катталар алоҳида қилиб ажратилган:



Ушбу бобдаги биринчи саволдан билиб олдикки, болалар сонига ўсиш кузатилмайди. Энди ушбу графикдаги болалар чизиғига диққат қилинг. У бир текис бўлиб кетган жойни кўряпсизми? Бу ўзгариш аллақачон бошланганини-чи? БМТ экспертлари болалар сони ўсишдан тўхтади, деб прогноз қилмапти. Улар бу нарса аллақачон бошланганини маълум қиляпти. Аҳоли сони тезлик билан ўсишини тўхтатиш учун болалар сони ўсишдан тўхташи керак ва бу аллақачон бошланган. Қандай қилиб? Буни ҳар бир одам билиши керак.

Диққат қилинг! Чунки кейинги жадвал китобдаги энг драматик ҳисобланади. Унда ҳаётим давомида содир бўлган, ҳар бир аёлга тўғри келадиغان чақалоқлар сони акл бовар қилмас, дунёда катта ўзгариш ясайдиган даражада камайган.

1948 йил туғилганимда ҳар бир аёл ўртача бешта болани дунёга келтирар эди. 1956 йилдан кейин бу рақам мисли кўрилмаган даражада тушишни бошлади. Охириги 50 йил ичида у шу қадар пасайдики, ҳар бир аёлга ўртача 2.5 тадан бола тўғри келди.



Мазкур драматик ўзгариш мен аввалги бобда тас-  
 вирлаган барча яхши ўзгаришлар билан параллел равиш-  
 да содир бўлди. Қашшоқликдан чикиб олган миллиард-  
 лаб одамлар фарзандлар сонини камайтиришга қарор  
 килди. Уларга кичик оилавий томорқасида ишлаши учун  
 болаларни кўпайтириш шарт бўлмай қолди. Шунингдек,  
 болалар ўлими сабабли йўқотишларни юмшатиш учун  
 фарзандларни кўпайтиришга ҳам ҳожат қолмади. Аёллар  
 ва эркакларнинг таълим даражаси ортди, энди улар  
 таълим кўрган, қорни тўқ фарзандларни истарди. Болалар  
 сонини камайтириш, шубҳасиз, мақбул йўл эди. Интим  
 муносабатларни камайтирмай туриб, болалар сонини  
 камайтиришга имкон берадиган замонавий контрацептив  
 воситалар шарофати билан бу мақсадга эришиш осон-  
 лашди.

Токи одамлар ўта камбағалликка тушиб қолишдан  
 қочар экан, аёллар илм олар экан ҳамда контрацептив  
 воситалар ва жинсий тарбия олиш осонлашар экан, ҳар  
 бир аёлга тўғри келадиган болаларнинг ўртача сони кама-  
 йишда давом этаверади. Бошқа кескин бурилишлар шарт  
 эмас. Шунчаки ҳозир қилаётган ишларимиз давом этса  
 бас. Бу айнан қандай суръатда бўлишини олдиндан аниқ  
 айтиб бўлмайди. Бу ўзгаришларнинг тезлигига боғлиқ.  
 Лекин ҳар нечук, дунё микёсида йиллик туғилишлар сони  
 аллақачон ўсишдан тўхтаган. Бу эса аҳоли сони тез ошиб  
 бориш даври тез орада ниҳоясига етишидан дарак беради.  
 Биз болалар сонининг “пик нуқтаси”га яқинлашиб қолдик.

Лекин туғилишлар сони ўсишдан аллақачон тўхтаган  
 бўлса, унда яна 4 миллиард улғайган аҳоли қаердан пайдо  
 бўлади? Космосдан тушадими?

### **Аҳоли сони нега ўсишдан тўхтайди?**

Қуйидаги жадвалда дунё аҳолиси 2015 йил ва ундан  
 кейинги ҳар 15 йилда ёш гуруҳларига қандай бўлиниши  
 келтирилган.

## КЕЛАЖАКДАГИ ДУНЁ АҲОЛИСИ ЁШ ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА

Хар бир катак 1 миллиард одамни билдиради



Чапда 2015 йилда яшаётган 7 миллиард аҳолининг ёш гуруҳлари кўрсатилган: 2 миллиард 15 ёшгача бўлган болалар, 2 миллиард 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар, кейин 30 ёшдан 45 ёшгача, 45 ёшдан 60 ёшгача ва 60 ёшдан 75 ёшгача бўлганларнинг ҳар бири 1 миллиарддан иборат.

2030 йилда яна 2 миллиард нафар 15 ёшгача бўлган болалар пайдо бўлади. Қолган ҳамма улғаяди. Яъни бугун 15 ёшгача бўлган болалар 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар гуруҳига ўтади. Бугунги 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 2 миллиарддан иборат 30 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар гуруҳини ташкил қилади. Бугунги кунда 30 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар сони 1 миллиард. Агар туғилишлар сониди ўсиш кузатилмаса ва одамларнинг умри узайиб кетмаса, 30–45 гуруҳидагилар сони яна 1 миллиардга ошади.

Бу янги 1 миллиард нафар ёши катталар янги туғилган болалар ҳисобидан эмас, балки аллақачон туғилган болалар ва ёшлар ҳисобидан юзага келади.

Шу тахлит ўзгариш яна уч авлод давомида так-рорланади. 2045 йилда 2 миллиард 30–45 ёшлилар 45–60 ёшлилар гуруҳига киради ва натижада яна 1 миллиард

катталар пайдо бўлади. 2060 йилда 2 миллиард 45–60 ёшлилар 60–75 ёшлилар гуруҳига ўтади ва бу гуруҳ вакиллари сони тагин 1 миллиардга кўпаяди. Лекин шундан сўнг нима бўлишига разм солинг. 2060 йилдан бошлаб ҳар бир авлодда 2 миллиард киши бошқа бир авлоддаги 2 миллиард кишига ўрнини бўшатиб беради. Тезкор ўсиш тўхтайд.

Аҳоли сонидаги катта ўсиш болалар кўпайгани ҳисобига юзага келмаяпти. Ва асосийси, қариялар узокрок умр кўраётгани ҳисобига ҳам эмас. Дарҳақиқат, БМТ экспертларининг тахминича, 2100 йилга бориб, дунёда умр кўриш давомийлиги тахминан 11 йилга кўпаяди, бу аҳолининг умумий сонига 1 миллиард кексани кўшади ва натижада умумий сон 11 миллиард атрофида бўлади. Аҳолининг катта миқдорда ўсиши бугунги кунда мавжуд бўлган болалар улғайиши ва диаграммани яна 3 миллиард катталар билан “тўлдириши” туфайли юзага келади. Ушбу “тўлдириш эффекти” уч авлод ишлайди, кейин эса тўхтайд.

Бу аслида БМТ экспертларининг диаграммадаги тўғри чизикни *фақат* давом эттирмай ҳисоб-китоб қилиш усулини тушунишингиз учун зарур бўлган ягона нарса ҳисобланади. (Бу изоҳ жуда соддалаштириб юборилган. Кўпчилик 75 ёшга тўлмасдан вафот этади, кўп ота-оналар 30 ёшдан кейин ҳам фарзанд кўради. Лекин шу фактлар ҳисобга олинганда ҳам диаграммада катта фарқ ҳосил қилмайди.)


## Табиат билан мувозанат

Аҳоли сони узок вақт ошмай турса ва демографик эгри чизик бир текис давом этса, демак, ҳар бир авлод янги ота-оналар сони аввалги авлодни ки билан бир хил бўлади. 1800 йилгача минглаб йиллар давомида демографик чизик деярли бир текис бўлган. Инсонлар табиат билан мувозанатда яшаган, деган гапларни эшитганмисиз?

Ҳа, мувозанат бор эди. Лекин келинг, кўзимиздан пушти кўзойнакларни олиб кўяйлик. 1800 йилгача аёллар ўртача олтита фарзанд кўрган. Демак, аҳоли ҳар бир авлодда ошиб бориши керак эди. Лекин ошиш ўрнига нисбатан барқарор бўлиб қолди. Қадимги қабристонлардаги болалар скелети эсингиздами? Ўртача олтита боладан тўрттаси ота-она бўлмай ўлган ва натижада кейинги авлодга ота-она бўлиш учун фақат иккита фарзанд тирик қолган. Мана шунда мувозанат бўлган. Одамлар табиат билан мувозанатда *яшагани* учун эмас, одамлар табиат билан мувозанатда *ўлгани* учун. Нақадар шафқатсиз ва фожиали эди бари.

Бугунги кунда инсоният яна мувозанатга эришмоқда. Ота-оналар сони ортиқ ўсмай қўйган. Аммо бу мувозанат эскисидан фарқланади. Янгиси яхши: ота-оналар иккита фарзанд кўради, иккови ҳам тирик қолади. Инсоният тарихида илк бор биз мувозанатда *яшамоқдамиз*.

1900 йилдаги 1.5 миллиард аҳоли 2000 йилга келиб 6 миллиардга ўсган. Чунки XX асрда инсоният бир мувозанатдан иккинчисига ўтган. Бунда инсоният тарихида ота-она иккитадан ортиқ фарзанд кўрган ва уларнинг бари омон қолиб, ота-она сифатида кейинги ёш гуруҳига ўтган.



Манба: Gapminder, UN-Pop, Maddison, Livi-Bacci, Paine, Boldsen & Gurven va Kaplan

Бугунги кунда иккита энг ёш авлоднинг сони бошқа гуруҳдагилардан нега кўпроқлиги мазкур мувозанатсизлик даври билан изоҳланади. “Тўлдиришлар” сабаби ҳам шундадир. Лекин биз янги мувозанатга аллақачон эришиб бўлганмиз: йиллик туғилишлар сони ортиқ ўсмаяпти. Агар ўта камбағаллик даражаси камайса, жинсий тарбия ва контрацептив воситалар тобора оммалашса, дунё аҳолиси сони тез ўсишда давом этади, аммо бу факат “тўлдиришлар” якунига етгунча чўзилади.

## Ия, “улар”нинг болалари ҳали ҳам кўп-ку!

Ушбу жадвалларни сахнада намойиш қилганимдан кейин ҳам такдимотдан сўнг одамлар ёнимга келиб, маълумотлар нотўғри эканини айтарди. Сабаби эса *“Африка ва Лотин Америкасидаги одамлар ҳали ҳам кўп болали. Боз устига, диндорлар контрацептив воситаларни қўллашни истамайди, улар ҳамон катта оила бўлиб яшайди”*.

Малакали журналистлар репортажлари учун ана шундай истисно ҳолатлардаги одамларни танлайди. Баъзан ОАВда ўта диндор одамларни кўриб қоламиз. Улар анъанавий ёки замонавий ҳаёт тарзини танлаганидан қатъи назар, ўзининг жуда катта оиласини иймонининг далили сифатида кўрсатади. Бу каби ҳужжатли фильмлар, ТВ дастурлар ва публицистик мақолалар дин каттароқ оилаларни кўпайтиришига одамларни ишонтиради. Аммо қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар – католик, яҳудий ёки мусулмон бўлса ҳам – бу оилаларнинг бир жиҳати муштарак. Уларнинг бари истисно!

Аслида, дин ва ҳар бир аёлга тўғри келадиган чақалоқлар сони ўртасидаги боғлиқлик яққол кўзга ташланмайди. Китоб давомийда оммавий ахборот воситалари қандай қилиб шундай истисно ҳолларни танлаб олишини муҳокама қилиб бораман, 7-бобда эса дин ва катта оилалар ҳақидаги чўпчакни йўққа чиқараман. Ҳозирча кўп




болали оилаларда кўп учрайдиган ягона омилга қарайлик:  
ўта камбағаллик.

## Нега ўлимлар сони камайиши одамлар сонини ҳам камайтиради?

Дунёнинг турли минтақасидан II, III ва IV даражага мансуб барча ота-оналарни кўшиб чиксак, хоҳ диндор, хоҳ динсиз бўлсин, уларнинг ҳар бирига ўртача иккитадан бола тўғри келади. Беҳазил! Бунинг таркибига Эрон, Мексика, Ҳиндистон, Тунис, Бангладеш, Бразилия, Туркия, Индонезия ва Шри-Ланка аҳолиси ҳам киради.

Энг камбағал 10 фоиз ота-она эса ҳамон ўртача бештадан фарзанд кўради. Ва ўртача олганда қашшоқликда яшаётган ҳар иккинчи оилада биттадан гўдак беш ёшга тўлмай нобуд бўлади. Бу жуда уятли кўрсаткич, аммо шунда ҳам ўтмишда аҳоли сонини ўсишдан чеклаб турган аянчли даражалардан тузукрок.

### ДАРОМАД БЎЙИЧА ЎРТАЧА ОИЛА ҲАЖМИ, 2017 йил



Одамлар аҳоли сони ошиб бораётганини эшитганда, беихтиёр агар чора кўрилмаса, бу ўсиш тўхтамайди, деб ўйлайди. Улар юқорига қараб ўсиб бораётган чизикни интуитив равишда тасаввур қилади. Аммо набирам Минонинг бўйини ўсишдан тўхтатиш учун кескин чора кўриш шарт эмас.

Мелинда Гейтс эри Билл билан бирга хайрия жамғармасини бошқаради. Улар ўта камбағал яшаётган миллионлаб болалар ҳаётини сақлаб қолиш учун бирламчи соғлиқни сақлаш тизими ва таълимга катта сармоя киритган. Шундай бўлса-да, ақлли ва эзгу ниятли одамлар жамғармага мурожаат қилиб, бу каби ишларни сўрайверади. Уларнинг аргументи шундай: *“Агар камбағал болаларни сақлаб қолаверсангиз, аҳоли кўпайиб кетишидан сайёра хароб бўлади”*.

Менга ҳам бу аргументни тақдимотларимдан сўнг айтган одамлар бўлган. Бу фикр сайёрани келгуси авлод учун асраб қолиш ниятида бўлганлардан чиққан. Ички сезгиларимизга кулоқ тутсак, бу тўғридек кўринади. Кўпроқ болалар тирик қолса, аҳоли сони ошиб кетади. Тўғрими? Йўқ! Мутлақо нотўғри.

Камбағал ота-оналар юқорида мен келтирган бир қанча сабабларга кўра кўп фарзанд дунёга келтиради: масалан, уларга дастёр, ишчи кучи керак. Бундан ташқари, болалари ўлишини билган ота-она ҳар эҳтимолга қарши кўшимча бола дунёга келтиради. Бу айнан болалар ўлими даражаси юқори бўлган мамлакатлар – Сомали, Чад, Мали ва Нигерияда кузатилади ва у ерда аёллар бештадан саккизтагача бола туғади. Қачонки ота-она болалари омон қолишини кўрса, болаларга ишчи кучи сифатида эҳтиёж бўлмаса, аёллар ўқимишли бўлиб, контрацептив воситалар ҳақида маълумотга эга бўлса, барча халқларда ва динларда аёлу эркак фарзандлари сони камроқ, аммо ўқимишли бўлишини орзу қила бошлайди.

“Камбағал болаларни асраб қолиш аҳоли сонини *фақат* оширади” деган фикр сиртдан тўғри, аслида

бунинг акси. Ўта камбағалликдан чиқишни ортга суриш аҳоли сонини кўпайтиради. Ҳар бир камбағал авлод яна ҳам кўпроқ кейинги авлодни етиштириб беради. Аҳоли сони ўсишини тўхтатишнинг ягона синалган усули ўта камбағалликка барҳам бериш ва одамлар ҳаётини яхшилашдир. Таълим ва контрацептив воситалар шулар жумласидан. Кейин ота-оналарнинг ўзи камроқ фарзанд кўришга қарор қилади. Бундай трансформация бутун дунё бўйлаб содир бўлди, аммо болалар ўлими даражасини камайтирмай бунга эришиб бўлмасди.

Бу мунозарада энг муҳим нуқта – одамларга ўта камбағалликнинг машаққати ва хўрлигидан халос бўлишига ёрдам бериш каби ахлоқий мажбурият масаласи четлаб ўтилган. Бугунги куннинг одамлари азоб чекиб ётган бир пайтда келажак учун, ҳали туғилмаган авлод учун сайёрани асрашимиз кераклиги ҳақидаги ваъзларни эшитиш менга малол келади. Лекин болалар ўлими ҳақида гап кетганда биз ҳозирги кун ва келажакдан бирини, қалбимиз ва ақлимиздан бирини танлолмаймиз: барчаси битта йўналишга ишора қилади. Биз болалар ўлимини қисқартириш учун бор кучимиз билан ҳаракат қилишимиз керак, қийналиб яшаётган болаларга инсонийлик ёрдами учунгина эмас, балки ҳозир ва келгусида бутун дунёга наф тегиши учун.

### **Жамоат соғлиғини сақлашдаги икки мўъжиза**

Бангладеш мустақилликка эришганининг биринчи йили – 1972 йилда бангладешлик аёллар ўртача етти фарзанд кўрарди ва ўртача умр кўриш ёши 52 йилни ташкил қиларди. Бугун эса улар иккита фарзанд билан чекланади ва янги туғилган чақалоқ 73 йил яшаши тахмин қилинади. Қирқ йил ичида Бангладешда ҳаёт

яхшиланди. У I даражадан II даражага ўтди. Бу – мўъжиза! Мамлакат бирламчи тиббиёт ва болаларнинг омон қолиш кўрсаткичи бўйича катта ютукқа эришди. Болаларнинг тирик қолиш даражаси 97 фоиз. Бу кўрсаткич мустақилликка энди эришилган пайтда 80 фоизга етмасди. Эндиликда ота-оналар фарзанди тирик қолишини билгани учун ҳам катта оилаларга эҳтиёж сезилмайди.

1960 йил. Мисрда Нил атрофида яшайдиган болаларнинг 30 фоизи беш ёшга тўлмай ўларди. Нил дельтасидаги болалар турли хавфли касалликлар ва тўйиб овқатланмасликдан азият чекарди. Кейин мўъжиза содир бўлди. Мисрликлар Асвон тўғонини курди, одамларнинг уйига электр етиб борди, таълим сифати яхшиланди, бирламчи тиббиёт марказлари курилди, безгак енгилди ва одамлар тоза ичимлик сув билан таъминланди. Бугун Мисрда болалар ўлими даражаси 2.3 фоизни ташкил этиб, Франция ва Буюк Британиянинг 1960 йилги ҳолатидан анча паст.

## **Тўғри чизиқ инстинктини қандай бошқариш мумкин ёхуд барча чизиқлар ҳам тўғри эмас**


Аҳоли сони ошиши ёки бошқа ҳолатларда ҳамиша тўғри чизикни кўриш инстинктини бошқаришнинг энг яхши йўли – шунчаки эгри чизиқлар турли шаклларда бўлишини унутмасликдир. Дунёдаги кўплаб ўзгаришлар тўғри чизиқ билан эмас, балки S ё қиялик, ёки дўнглик шакли билан яхшироқ ифодаланади. Мана бу ерда келтирилган баъзи мисоллар биз тўртта даромад даражаси бўйлаб ҳаракатланганимизда ҳаётнинг муайян бир жабҳаси қандай ўзгаришини кўрсатади.

## Тўғри чизиқлар

Тўғри чизиқлар биз ўйлаганимиздан анча кам учрайди, аммо улар барибир мавжуд. Қуйида сиз аввалроқ кўрган бойлик ва соғлиқ жадвалининг соддалаштирилган шакли келтирилган. Барча пуфакчалар ўрнига биз энг кўп пуфакчалар қаерда жойлашганини чизиқда кўрсатишимиз мумкин. Баъзи пуфакчалар чизиқдан тепада, баъзилари пастда, аммо умуман олганда, улар тўғри чизиқ атрофида тўпланишини кўришингиз мумкин.

### ТЎҒРИ ЧИЗИҚ

Узоқ умр ва юқори даромад ёнма-ён келади




Бу жадвалда пул ва соғлиқ битта қилиб берилган. Чизиққа қараб қай бири биринчи экани ёки бу иккови қандай боғланганини билолмаймиз. Балки, соғлом аҳоли кўпроқ даромад топиши кўрсатилгандир. Балки, бой аҳоли соғлиғини яхшилашга қурби етиши кўрсатилгандир. Менимча, иккиси ҳам тўғри. Бундай чизиқдан билишимиз мумкин бўлган нарса – умуман, даромад қаерда юқори бўлса, соғлиқ ҳам яхши бўлади.

Даромад даражасини таълим, никоҳ ёши ва дам олишга сарфланадиган харажатлар билан таққослаганда ҳам тўғри чизиқларни топишимиз мумкин. Даромад кўпайгани сари мактабдаги таълим йиллари узаяди, аёллар кечроқ турмушга чиқади ҳамда дам олишга кўпроқ пул сарфланади.


**МАКТАБ ТАЪЛИМИ**

Йиллар бўйича ўртача таълим давомийлиги




**КЕЛИНЛАР ЁШИ**

Биринчи марта турмуш қураётган қизларнинг ўртача ёши



**ДАМ ОЛИШ**


Дам олиш ва маданият учун сарфланган даромад улуши



**S чизиқлар**

Даромад даражасини бошланғич таълим ёки эмлаш каби асосий эҳтиёжлар билан солиштирганда S шаклидаги чизиқларни кўраемиз. Улар I даражада паст ва бир текис бўлади, II даражада эса бирдан кўтарилади, чунки I даражадан юқори бўлган барча даромад даражаларида мамлакатлар ўз аҳолисига бошланғич таълим бериб, эмлай (соғлиқни сақлашда энг камхарж ечим) олади. Худди имконимиз бўлиши билан музлаткич ва мобил телефон сотиб олганимиз каби мамлакатлар ҳам курби етиши билан бошланғич таълим ва вакцинага пул ажратади. III ва IV даражага келганда чизиқ яна бир текис кўринишга келади. Бу нарсалар энди ҳаммада бўлади. Эгри чизиқ энг юқори даражага етади ва ўша ҳолда тургун қолади.

Бу турдаги эгри чизиқни ёдда тутиш дунё ҳақидаги тасавурларингиз кенгайишига ёрдам беради: II даражада деярли ҳамма асосий жисмоний эҳтиёжларини қондиришга курби етади.




### Сирпанчиқ шакллар

Бир аёлга нечта фарзанд тўғри келиши кўрсатилган эгри чизик болалар майдончасидаги сирпанчиққа ўхшайди. У текис бошланади, кейин муайян даромад даражасига етганда пастга нишаб тушади ва кейин яна текисланиб, ўша паст даражада қолади. Яъни ҳар бир аёлга иккитагача бола тўғри келган кўрсаткичда тугайди.

#### СИРПАНЧИҚ ШАКЛ

Ушбу графикда нуқталар мамлакатларни ақс эттиради. Биз мамлакатни бешта даромад гуруҳига ажратдик, уларнинг ҳар бири аҳолининг 20 фоизини ташкил қилади. Маълумотлар 2013 йилга тегишли.



Даромад графигидан бир муддат кўзимизни узсак, худди шунга ўхшаш шаклни вакцина нархларида ҳам кўришимиз мумкин. Математика дарсларида болаларга кўпайтириш ўргатилади. Агар ҳар бир укол 10 доллардан бўлса, миллионлаб уколлар неча пулга айланади? ЮНИСЕФ бунинг ҳисобини билади, лекин у миллионлаб болаларнинг ҳаётини тўғри чизикни қабул қилмай туриб ҳам сақлаб қолган. У фармацевтика компаниялари билан музокара ўтказиб, нархлар минимум даражага туширилса, узоқ йиллик шартнома тузишга келишган. Агар энг паст нархга келишсангиз, ундан-да пастроққа тушолмайсиз. Бу эса яна бир сирпанчиқ шаклидаги чизикдир.

## Дўнгликлар

Сиз эккан помидор кўчатлари яхши суғорилсагина тутиб кетади. Шундай бўлса нега шлангни ёқиб кўйиб, помидордан катта-катта ҳосил олмайсиз? Чунки бу иш бермаслигини биласиз. Ҳамма гап миқдор масаласида. Сув кам бўлса ҳам, кўпайиб кетса ҳам, сўлиб қолади. Помидор жуда курук ёки жуда нам муҳитда яхши ўсмайди. Меъёрида бўлсагина мўл ҳосил беради.

Худди шу каби баъзи феноменлар I ва IV даражада пастроқ, аммо ўрта даромадли мамлакатларда – яъни аксар мамлакатларда – юқорироқ бўлади.

Масалан, стоматология одамлар I даражадан II даражага ўтаётганда ёмонлашади, IV даражага етганда яна яхшиланади. Сабаби, одамлар пули кўпайиши билан ширинлик ея бошлайди, лекин улар яшайдиган мамлакатлар ҳукуматлари III даражага етгунча аҳолида тиш емирилиши олдини олиш учун тadbир кўришга қурби етмайди. Шунинг учун IV даражадагиларнинг емирилган тишлари нисбатан камбағаллик кўрсаткичи ҳисобланади, I даражада эса бунинг акси.


Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳам шунга ўхшаш дўнглик шаклидаги чизикларни кўриш мумкин. Бирин-



чи даражадаги мамлакатларда автотранспорт кам бўлгани сабабли автоҳалокатлар сони ҳам оз бўлади. II ва III даражада энг камбағал одамлар пиёда юрса ҳам, бошқалар микроавтобус ёки мотоциклда юради. Аммо йўллар ёмонлиги, йўл ҳаракати қоидаларини ҳамма ҳам билмаслиги сабабли ҳалокатлар энг юқори нуқтага чиқади, IV даражага келиб эса бу кўрсаткич яна пастлайди. Ёш болаларнинг сувга чўкиб ўлиш ҳолати ҳам аини шундай кўринишга эга.


#### ТИШ ЕМИРИЛИШИ

Тиш емирилиши мавзуд бўлган 12 ёшли болалар улуши




#### ЙўЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ОҚИБАТИДА ЎЛИМЛАР

Икки гилдрезли транспорт фойдаланувчилари ва пиёдалар ўлимининг барча ўлимларга нисбатан улуши



#### ЁШ БОЛАЛАРНИНГ СУВДА ЧЎКИБ ЎЛИШИ

Чўкиш оқибатида вафот этган 19 ёшлилар ўлимининг барча ўлимларга нисбатан улуши



Помидорга ўхшаб инсоният тирик қолиши учун ҳам сув керак. Аммо кунига олти литр сув ичсангиз, ўлиб қоласиз. Шакар, ёғ ва дорилар билан ҳам шундай. Аслида ҳаётимиз учун зарур бўлган барча неъматнинг меъёрдан ортиғи ўлимга олиб боради. Ҳаддан ортиқ стресс зарарли, аммо кераклича микдорда бўлса, самарадорликни оширади. Одамнинг ўзига бўлган ишончининг ҳам мақбул даражаси бор. Дунёнинг бошқа чеккалари ҳақидаги драматик ахборотларни истеъмол қилишнинг ҳам ўз меъёри бор.


## Икки баравар ўсадиган чизиқлар

Ниҳоят икки баравар тезликда ўсувчи чизиқларга келдик. Эбола вирусининг икки баравар тезликда тарқалишига ўхшаш ҳолатлар табиатда кенг тарқалган. Масалан, танадаги *E. coli* бактерияси сони бир неча кун ичида

кўпайиб кетиши мумкин, чунки у ҳар 12 соатда икки бараварга кўпаяди: 1, 2, 4, 8, 16, 32... Транспорт оламида ҳам кўплаб икки баравар ўсишлар кузатилади. Одамлар даромади ошгани сайин улар ҳар йили саёҳат қиладиган масофа ҳам икки бараварга ошиб боради. Уларнинг даромадидан транспортга сарфлайдиган улуши ҳам. IV даражада ҳавога чиқадиغان барча карбонат ангидриднинг учдан бир қисми транспорт ҳиссасига тўғри келади – у ҳам даромадга мос равишда икки баравар ўсиб боради.

**САЁҲАТ МАСОФАСИ**


Ҳар йили минглаб километрларда босиб ўтилган ўртача масофа



Манба: Сиртнер, FIA

**ХАРАЖАТ**


Автотранспорт воситалари ва транспортга сарфланган даромадларнинг улуши



Манба: НО «Сиртнер» ва «Сиртнер»

**CO<sub>2</sub> ЭМИССИЯСИ**

Бир киши учун йилига тўғри келадиган тонналар CO<sub>2</sub> эмиссияси



Манба: Сиртнер, CDAC, UN POP

Афсуски, кўпчиликнинг даромади бактериядан секинроқ кўпаяди. Шунга қарамай, даромадингиз йилига 2 фоизга кўпайганда ҳам 35 йилдан кейин икки бараварга ошади. Кейин эса 2 фоизлик ўсиш сақланиб қолса, кейинги 35 йилдан кейин яна икки бараварга кўпаяди. 200 йилдан кейин бўлса – агар шунча яшасангиз – у олти марта икки баравардан ошади. Худди шу нарсани аввалги бобда Швециянинг пуфакчали ривожланиш даврида кўргандик. Одатда мамлакатлар I даражадан IV даражага шу тарзда секин ва барқарор ўсиб боради. Кейинги саҳифадаги графикда олти карра икки баравардан ўсиш сизни биринчи даражадан тўртинчи даражага олиб чиқишини кўрасиз.


Мен даражаларни шу тарзда бўлиб чиқдим, чунки пул шундай ишлайди. Кўшимча бир долларнинг таъсири турли даражаларда бир-биридан фарқланади. Одамларнинг

кунлик даромади бир доллар бўлган I даражада кўшимча бир долларга яна битта челақ сотиб олса бўлади. Бу ҳаёт тарзини ҳам ўзгартириб юборади. Кунлик даромад 64 доллар бўлган IV даражада эса яна бир долларнинг аҳамияти деярли сезилмайди ҳам. Аммо кўшимча 64 долларга бассейн курсангиз ёки дала ҳовли сотиб олсангиз бўлади. Мана бу ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Дунё ниҳоятда адолатсиз, аммо исталган даражадаги инсоннинг даромади икки баравар ошса, бу унинг ҳаётини ўзгартиради. Ҳар сафар даромадни таққослаганимда ана шу “икки баравар” ўлчовдан фойдаланаман. Чунки пул шундай ишлайди.

Айтганча, зилзила, товуш даражаси ва pH шкаласи ҳам худди шундай.

#### ДАРОМАДНИНГ ИККИ БАРАВАРГА КўПАЙИШИ

Кунлик даромад бир даражадан иккинчисига ўтганда икки баравар кўпаяди




## Эгри чизиқнинг қанча қисмини кўряпсиз?

Эгри чизиклар турли шаклларда бўлади. Бизга таниш бўлган IV даражадаги эгри чизиқ I, II, ва III даражада умуман қўлланмаслиги мумкин. Кўриниб турибдики, юқорига тўғри кўтарилган чизиқ бошқа бир тўғри чизиқнинг, S шаклидаги чизиқ, дўнглик ёки икки баравар ўсувчи чизиқнинг бир қисми бўлиши мумкин. Пастга тўғри йўналган чизиқ эса бошқа бир тўғри чизиқ, сирпанчиқ шакл ёки дўнгликнинг бир қисми бўлиши мумкин. Исталган икки нуқтани бирлаштирган чизиқ тўғри чизиқ бўлиб кўриниши мумкин, аммо бизда учинчи нуқта ҳам бўлса, шунда тўғри чизиқ (1, 2, 3) ва икки баравар ўсадиган чизиқнинг (1, 2, 4) бошланишини биридан ажрата оламиз.

Бирор ходисани тушуниш учун биз унинг эгри чизиғи шаклини тушунганимизга ишонч ҳосил қилишимиз керак. Агар эгри чизиқнинг давомини ўзимиз тахмин қилсак, нотўғри хулосалар чиқарамиз ва нотўғри ечимга келамиз. Эбола эпидемияси икки баравар кўпаяётганини англамасимдан аввал мен ҳам шундай қилгандим. Одамлар дунё аҳолиси фақат кўпаймоқда, деб ўйлаганларида ҳам шундай қилаётган бўлади.

## Фактдорлик




**Фактдорлик** – чизик тўғри ўсишда давом этаверади, деган тахминни тушуниш ва бундай чизиклар аслида воқеликда камдан-кам учрашини ёдда тутишдир.

Тўғри чизик инстинктини бошқариш учун эгри чизиклар турли шаклда бўлишини ёддан чиқармаслик керак.

- **Тўғри чизикни тасаввур қилманг.** Кўпгина ҳодисалар тўғри чизик билан эмас, балки S-шаклидаги, сирпанчиқ шаклдаги, дўнгликлар ёки икки барабар ўсиб боровчи чизиклар билан ифодаланади. Ҳеч бир бола биринчи ойда эришган ўсиш суръатида давом этмайди ва ҳеч бир ота-она бундай бўлишини кутмайди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

## ҚҶРҚУВ ИНСТИНКТИ



Қандай қилиб 40 миллионга самолётни яшириш ва қандай қилиб тинчлик учун Нобель мукофотини ютиб олганим ҳақида

### Пол қонга бўялди

1975 йил 7 октябрда беморнинг қўлига гипс боғлаётганимда, ёрдамчи ҳамшира эшиқдан отилиб кирди ва бир самолёт ҳалокатга учрагани ҳамда жароҳатланганлар вертолётда олиб келинаётганини хабар қилди. Мен Швециянинг қирғоқ бўйидаги Худиксвалль шаҳарчасида жойлашган шошилинич тиббий ёрдам бўлимида врач-стажёр сифатидаги бешинчи куним эди. Барча катта шифокорлар ошхонага тушиб кетган эди. Ёрдамчи ҳамшира иккимиз фавқулодда ҳолатлар йўриқномаси папкасини жон ҳолатда қидираётганимизда, вертолёт қўнаётганини эшитдим. Энди барчасини иккимиз ууддалашимиз керак эди.

Бир неча сониядан сўнг тўк яшил комбинезон ва камуфляж кутқарув жилетини кийган киши ортилган замбил олиб кирилди. Унинг оёқ-кўли титраётганди. Тутқаноқ деб ўйладим ва кийимини ечишга шайландим. Кутқарув жилетини осонгина ечдим, аммо комбинезонни ечишда муаммо туғилди. У худди скафандрга ўхшарди ва ҳамма ерини мустаҳкам замоклар қоплаганди. Қанча қаттиқ ҳаракат қилсам ҳам, замокнинг ечадиган жойини тополмадим. Мен эндигина формасидан бу ҳарбий учувчи эканини қайд қилган ҳам эдимки, полнинг қон билан қопланаётганини кўрдим.

– Қонаяпти, – бақирдим мен.

Бунча кўп қон йўқотса, у бир неча сонияда ўлиб қолишини билардим, лекин комбинезони ҳали ҳам ечилмагани учун қон қаердан чиқаётганини кўролмаётган эдим. Матони ечиш учун кўлимга гипс ечадиган катта қайчини олдим ва кичик ҳамширага бақирдим:

– Тўрт қоп қон. Биринчи гуруҳ манфий. Ҳозирок!

Кейин беморга қараб, бақирдим:

– Қаерингиз оғрияпти?

– Яже шиша... на одежижа жа... – деди у.

Унинг бирорта сўзини тушунолмадим, аммо рус тилида гапиряпти, деб ўйладим. Унинг кўзларига қарадим ва дона-дона қилиб:

– Все тихо товарищ, шведская больница, – дедим. Маъноси “Ҳаммаси жойида, ўртоқ, швед касалхонаси” эди.

Бу сўзларимдан сўнг унинг нигоҳларида пайдо бўлган ваҳимани ҳеч унутолмайман. Қаттиқ кўркувга тушганча менга тикилди ва нимадир демоқчи бўлди:

– Вавдвфор папратарженжи русскаемже эж...

Унинг кўркув тўла кўзларига тикилдим ва бир нарса-ни англадим: бу швед худудида уриб туширилган рус қирувчи самолёти учувчиси. Бу дегани Совет иттифоқи бизга хужум қиляпти. Учинчи жаҳон уруши бошланди! Даҳшатдан донг қотиб қолгандим.

Бахтимга ўша пайт бош ҳамшира Биргитта тушликдан кайтди. У қўлимдан қайчини тортиб олди ва пичирлади:

– Кесманг бун! Бу ҳарбий ҳаво кучларининг G-костюми ва у 10 минг швед кронасидан ҳам қимматроқ туради. – Кейин қўшиб қўйди, – Қутқарув жилетидан оёғингизни олинг, илтимос. Бўёк солинган картрижни босиб турибсиз. Ҳозир ҳамма ер кип-қизил бўлиб кетади.

Биргитта беморга ўгирилди, G-костюмини хотиржамлик билан ечди ва учувчини икки қават чойшабга ўради. Бу орада у учувчига швед тилида деди:

– Сиз 23 дақиқа муздек сувда қолиб кетибсиз. Шунинг учун қалтираяпсиз. Титраётганингиз учун гапларингизни тушунмаяпмиз.

Одатдагидек парвоз вақти қулагани ойдинлашган швед ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси менга қараб номига жилмайиб қўйди.

Орадан йиллар ўтиб, ўша учувчи билан боғландим, у 1975 йили шошилиш тиббий ёрдам хонасида ўтказган дастлабки дақиқаларини эслолмаслигини эшитганимда, елкамдан тоғ ағдарилди. Аммо мен бун унутолмасам керак. Ўша пайт буткул нотўғри қарор қилганим бир умр ёдимда туради. Мен ўйлаган ҳамма нарса тескари бўлиб чиқди: рус тили деганим аслида швед тили, уруш деб ўйлаганим тинчлик, тутқанок деб ўйлаганим совқотиш, қон деб ўйлаганим қутқарув жилетининг ичидаги ампула ранги экан. Лекин ўшанда хаёлим чиндек туюлганди-да.

Қўрққанга қўш кўринар. Мен ёш шифокор сифатида биринчи марта фавкулдда ҳолатга дуч келгандим. Боз устига, ҳамиша Учинчи жаҳон уруши бўлишидан қўрқиб яшардим. Болалигимда ҳатто тушларимда ҳам урушни кўриб, босинқарардим. Кейин уйғониб кетиб, ота-онамининг ётоғига югурардим. Фақат отам кўчиб кетиш режамизни яна бир бор батафсил айтиб бергандан сўнг тинчланардим: у чодиримизни велосипед тиркамасига



ортганча, бир дунё черника буталари ўсиб ётган ўрмонга бориб яшашимизни айтарди. Тажрибасиз бўлганим ва фавқулудда вазиятга илк бора дуч келганим сабабли миям тезда энг ёмон сценарийни ишлаб чиқди. Мен кўришни истаган нарсани кўрмадим, балки кўришдан кўрккан нарсамни кўрдим. Танқидий фикрлаш шундоқ ҳам қийин нарса, аммо кўрккан пайтимиз мутлақо иложсиз нарсага айланади. Кўркувга тўлган онгимизда фактга жой қолмайди.

## Диққат фильтри

Дунёдаги барча ахборотларни қабул қилишга ҳеч биримизнинг ақлий имкониятимиз етмайди. Шу ўринда савол туғилади: ахборотнинг қанча қисмини қайта ишлаймиз ва уларни қандай танлаб оламиз? Қайси қисмини назардан четда қолдирамиз? Биз энг кўп қайта ишлайдиган ахборот тури – ҳикоялар, яъни драматик ахборот ҳисобланади.

Тасаввур қилинг, дунё ва миямиз ўртасида қалқон ёки, бошқача айтганда, диққат фильтри бор. Бу фильтр бизни дунё шовқинидан ҳимоя қилади: унингсиз муттасил оқиб келган ахборот тагида қолишимиз ва охир-оқибат умуман ишлолмаслигимиз мумкин. Энди эса ўша диққат фильтрини ўнта инстинкт: бўшлиқ, салбийлик, тўғри чизик ва бошқа шаклидаги тешиги бор деб тасаввур қилинг. Фильтрдан кўп ахборот ўтмайди, аммо тешикчалар бизнинг драматик инстинктларимизга ёқадиган ахборотни ўтказди. Шунинг учун биз драматик инстинктларимизга мувофиқ келадиган ахборотга эътибор қаратамиз, қолганларини эътибордан соқит қиламиз.

Оммавий ахборот воситалари диққат фильтримиздан ўтмайдиган ҳикояларга вақт сарфлаб ўтирмайди.

Қуйидаги икки сарлавҳани газета муҳаррири нашрдан ўтказмайди, чунки улар бизнинг фильтримиздан ўтишига

шубха бор: “БЕЗГАК СЕКИН-АСТА КАМАЙИШДА ДАВОМ ЭТЯПТИ”, “БУГУН ЛОНДОНДА ҚИСКА МУДДАТ ЁМҒИР ЁҒИШИНИ МЕТЕОРОЛОГЛАР КЕЧА ТЎҒРИ БАШОРАТ ҚИЛДИ”. Бизнинг филтримиздан мана бу мавзулар осон ўтади: зилзила, уруш, қочоқлар, касаллик, ёнғин, сув тошқини, акулалар ҳужуми, террорчилик ҳужумлари. Бу ноодатий ҳодисалар янгилик қилиб кўрсатишга ҳар куни содир бўладиганлардан кўпроқ арзийди. Оммавий ахборот воситалари бизга доим кўрсатадиган ноодатий ҳикоялар тасаввурларимизни шакллантиради. Агар сергак бўлмасак, мана шу ноодатий ҳолатларни одатий ҳол, дунё ҳақиқатан шундай деб ишониб қоламиз.

Дунё тарихида илк бор глобал ривожланишнинг деярли барча соҳасини қамраб олувчи маълумотлар бор. Шунга қарамай, драматик инстинктларимиз ва матбуот бундан усталик билан фойдаланаётгани сабабли ҳали ҳам ўта драматик дунёқараш билан яшашда давом этяпмиз. Барча инстинктларимиз орасидан кўрқув инстинкти ахборот етказувчилар нимани танлаб, биз истеъмолчиларга тақдим қилишига кучлироқ таъсир ўтказади.

## Қўрқув инстинкти

Одамлардан энг кўп кўрққан нарсалари ҳақида сўров ўтказилганда тўртта жавоб энг кўп тилга олинади: илонлар, ўргимчаклар, баландлик ва тор жойда қамалиб қолиш. Ундан кейинги ўринларда эса ҳеч бир ажабланишсиз, омма олдида нутқ сўзлаш, игналар, самолётлар, сичқонлар, бегоналар, итлар, гавжумлик, қон, қоронғилик, ёнғин, чўкиш ва бошқалар туради.

Ушбу кўрқувлар маълум эволюцион сабабларга кўра миямизга чуқур сингиб кетган. Жисмоний жароҳат, тутқунлик ва захардан кўркиш ота-боболаримизга омон қолишда ёрдам берган. Ҳозирги замонда эса ушбу хавф-

ларни сезиш ҳали ҳам кўрқув инстинктимизни китиклайди. Улар тилга олинган ҳикояларни ҳар куни янгиликларда ўқишнинг мумкин:

- жисмоний жароҳат: одамлар, ҳайвонлар, ўткир нарсалар ёки табиат кучлари томонидан бўлган зарар
- тутқунлик: тузоққа тушиш, назоратни йўқотиш ёки эрдан айрилиш
- заҳарланиш: кўринмас моддалар бизга юқиши ёки бизни заҳарлаши

Ушбу кўрқувлар I ва II даражадагилар учун ҳамон фойдали. Масалан, I ва II даражада илондан кўркиш фойдали. Ҳар йили олтмиш минг киши илон чақишидан ўлади. Шунинг учун таёқни кўрсангиз ҳам, сакраган яхши. Нима бўлса ҳам, илон чакмасин. Ахир яқин атрофда касалхона йўқ, бўлганида ҳам сизнинг қурбингиз етмайди.

### Доянинг орзуси

1999 йил швед талабаларимни олиб, Танзаниядаги чекка қишлоқда доялик қиладиган аёлнинг олдига бордим. Тиббиёт соҳасида ўқийдиган, IV даражага мансуб талабаларим I даражадаги тиббиёт ходими ҳақида фақат китобларда ўқийвермай ҳаётда ҳам кўришларини истадим. Ҳалиги доя расман бирор ерда ўқимаган эди. У камбағал аёлларга тиббий асбоб-ускунасиз ва тоза сувсиз қоп-қоронғида, лойли пол устида кўзи ёришида ёрдам бериш учун у қишлоқдан бу қишлоққа бориш машаққатлари ҳақида гапириб берганида, талабаларнинг оғзи ланг очилди.

Талабалардан бири:

– Ўзингизнинг ҳам фарзандларингиз борми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди аёл мағрурланиб, – икки ўғил, икки қиз.

– Қизларингиз ҳам сиз каби доя бўладими?

Қари доя аёл гавдасини олдига ташлаб, хохолаб кулиб юборди.

– Қизларим-а?! Менга ўхшаб ишларканми?! Йўёк! Ҳеч қачон! Асло! Уларнинг яхши иши бор. Доруссаломда ўзлари хоҳлагандек компьютер олдида ўтириб ишлайди.

Доянинг қизлари I даражадан кутулган эди.

Яна бир талаба савол берди:

– Агар ишингизни осонлаштирадиган битта ускуна танлаш имкони бўлганида, нимани танлардингиз?

– Фонарим бўлишини хоҳлардим, – жавоб қайтарди доя. – Қишлоқда қоронғида юрганимда ой нури тушиб турса ҳам, барибир илонларни кўрмай қолиш мумкин.

Ҳаёт оғир бўлмаган ва одамлар ўзларини табиатдан ҳимоя қилишга қодир бўлган III ва IV даражада бу биологик хотиралар, эҳтимол, фойдадан кўра зарар етказиши мумкин. Бизни ҳимоя қилиш учун шаклланган кўрқувлар IV даражага келиб ўзимизга зарар етказа бошлайди. IV даражанинг оз миқдордаги – 3 фоиз аҳолиси фобиядан шу қадар кучли азият чекадики, бу уларнинг кундалик ҳаётида хотиржам яшашига тўсқинлик қилади. Қолган 97 фоизи эса фобия билан касалланмаган, аммо кўрқув инстинкти дунёқарашимизни хира тортириш орқали зарар келтиради.

Матбуот эса кўрқув инстинктимизга тегинмай туролмайди. Чунки шу йўл билан эътиборимизни тортиш осон. Дарҳақиқат, энг шов-шувли ҳикоялар кўрқувнинг бирдан ортиқ турини кўзгатади. Масалан, бола ўғирлаш ва авиаҳалокат ҳам зарарланишдан, ҳам тутқунликдан кўрқув инстинктларини уйғотади. Зилзила натижасида қулаган бинонинг ичида қолиб кетган қурбонлар ҳам

жароҳатланган, ҳам қамалиб қолган ва бу доимий зилзила қурбонларидан кўра кўпроқ эътибор тортади. Бир нечта кўркув кўзгалганда ваҳима ҳам кучайиб кетади.

Лекин парадокс ҳолат ҳам бор: хавфли дунё манзараси матбуотда ҳеч қачон ҳозиргидек ёритилмаган, ваҳоланки, дунёда зўравонликлар ҳозиргидан камроқ ва хавфсизроқ бўлмаган.

Ота-боболаримиз тирик қолишига ёрдам берган кўркувлар бугун журналистларнинг бандлигини таъминлаяпти. Бу журналистларнинг айби эмас ва биз улардан ўзгаришини ҳам кутмаслигимиз керак. Бунга ишлаб чиқарувчилар орасидаги “медиа мантиғи” эмас, истеъ-молчилар онгидаги “эътибор мантиғи” етакчилик қилади.

Агар сарлавҳалар ортидаги фактларга диққат қилсак, кўркув инстинктимиз дунёни мудом бузиб кўрсатишига гувоҳ бўламыз.

## Табиий офатлар: ҳозиргидек вақтларда

Непал I даражада қолиб кетган сўнгги Осиё мамлакатларидан бири. 2015 йил у ерда зилзила бўлди. I даражадаги мамлакатга бирор офат хавф солганда ўлим даражаси доим юқори бўлади, чунки бинолар мустаҳкам қурилмаган, инфраструктура абгор аҳволда, тиббиёт тай-ёр эмас. Шундай қилиб Непалда тўққиз минг киши ўлди.

### 7-савол

Охирги юз йилда табиий офатлар сабабли йиллик ўлимлар сони қанчалик ўзгарди?

- А. Икки баробардан кўпроқ ошди.
- Б. Ўзгариш бўлмади.
- В. Қарийб икки баробарга камайди.


Бу рақамга тошқинлар, зилзилалар, бўронлар, қур-ғоқчилик, ўрмон ёнғинлари ва аномал ҳароратлар сабабли ўлимлар, шунингдек, бундай офатлардан сўнг

одамларнинг оммавий кўчиши ва пандемия оқибатидаги ўлимлар киради. Фақат 10 фоиз одам бу саволга тўғри жавоб берди. Ҳатто ушбу саволга жавоб беришда энг яхши натижа кўрсатган давлатлар – Финляндия ва Норвегияда ҳам фақат 16 фоиз респондент тўғри жавоб берди. (Доимгидек мамлакатнинг тўлиқ таксимооти иловада келтирилган.) Янгиликларни умуман кўрмайдиган шимпанзеларда эса кўрсаткич доимгидек 33 фоиз! Дарҳақиқат, табиий офатлардан ҳалок бўлганлар сони ярмидан камайди. Ҳозир у 100 йил аввалги кўрсаткичнинг 25 фоизини ташкил қилади. Худди шу даврда одамлар сони 5 миллиардга кўпайган, шунинг учун киши бошига ўлимлар сонининг камайгани янада ҳайратланарли. Бу 100 йил аввалги кўрсаткичнинг 6 фоизига тушиб қолган.

Табиий офатлар бугунги кунга келиб камроқ одамларни ўлдираётгани сабаби табиат ўзгарганида эмас. Асл сабаб кўп одамлар ортиқ I даражада яшамаётганидир. Барча даражадаги давлатларнинг бошига табиий кулфатлар тушади, аммо улар етказадиган зарар даражаси фарқланади. Пул қанча кўп бўлса, тайёргарлик ҳам шунча яхши бўлади. Куйидаги графикда ҳар бир даромад даражасида сўнгги 25 йил давомида табиий офатлар сабабли ҳар миллион кишига тўғри келадиган ўртacha ўлимлар сони кўрсатилган.

**ТАБИИЙ ОФАТДАН САҚЛАНИШГА ПУЛ КЕРАК**

Табиий офатлардан йиллик ўлим, ҳар миллион одамга.  
1991–2016 йиллардаги ўртача кўрсаткич.




Таълим ривожланиши, янги арзонроқ ечимлар ва глобал ҳамкорлик туфайли ўлим даражаси куйидаги расмда кўрсатилгани каби ҳатто I даражада қотиб қолган давлатларда ҳам сезиларли даражада камайган. (Биз 25 йиллик даврларнинг ўртачасига қарадик, чунки табиий офатлар ҳар йили бир текисда содир бўлмайди. Ҳатто шундай бўлса-да, IV даражада ўлим коэффицентининг тўрт баравар ошишига биргина воқеа – 2003 йил Европада гармсел сабаб бўлган.)

**I ДАРАЖАДАГИ ФАЛОКАТ КАМРОҚ ОДАМНИ ЎЛДИРГАН**

Табиий офатлардан йиллик ўртача ўлим, ҳар миллион одамга

1965–1990

1991–2016



1942 йил Бангладеш I даражада эди, унинг деярли барча фуқаролари саводсиз деҳқонлар бўлган. Мамлакат икки йилдан зиёд вақтда даҳшатли тошқинлар, қурғоқчилик ва циклонлардан азият чеккан. Бирорта халқаро ташкилот ёрдам қўлини чўзмаган ва натижада 2 миллион киши қирилиб кетган. Бугун эса Бангладеш II даражада яшайди. Бугун деярли барча бангладешлик болалар мактабда ўқийди ва уларга агар учта қизил-қора байроқларни кўрса, эвакуацион марказга қараб югуриши кераклиги ўргатилади. Бугунги кунда ҳукумат улкан дарё дельтасида тошқинларни кузатиб бориш учун бепул вебсайтга уланган кузатув тизимини ўрнатган. 15 йил аввал дунёнинг бирорта давлатида бундай илғор тизим йўлга қўйилмаган эди. 2015 йили мамлакатга яна бир циклон урилганда режа иш берди ва Жаҳон озиқ-овқат дастури эвакуация қилинган 30 минг оилага 113 тонна юқори калорияли печенье жўнатди.

Худди ўша йили ёрқин суратлар бутун дунёни Непалда содир бўлган кучли zilзиладан бохабар қилди ва қутқарув гуруҳлари билан вертолётлар тезда ишга киришди. Афсуски, минглаб одамлар аллақачон ўлиб бўлган эди, лекин I даражада яшайдиган ушбу мамлакатга етиб келган инсонпарварлик ёрдами ўлимлар сони янада кўпайишининг олдини олди.

БМТнинг “ReliefWeb” ресурси ҳалокат вақти ёрдам кўрсатадиган глобал координаторга айланиб қолди. Авваллари табиий офат қурбонлари бундай ресурс ҳақида фақат орзу қилиши мумкин эди. Ва бу IV даражадаги солиқ тўловчилар ҳисобидан молиялаштирилади. Биз бундан фахрланишимиз керак. Биз инсонлар ниҳоят табиатдан ўзимизни ҳимоя қилиш йўлини топдик. Табиий офатлар оқибатидаги ўлимлар сони анча камайгани инсоният эътиборидан четда қолган муваффақиятлардан биридир.


Афсуски, “ReliefWeb”га пул ўтказадиган IV даражадаги одамлар бизнинг сўровларимизда қатнашган



респондентларимиз бўлади. Уларнинг 91 фоизи ўзлари пул тўлаётган муваффақиятдан хабари йўқ, чунки журналистлар ҳар бир офатни гўё энг ёмон ҳодиса каби хабар беришда давом этмоқда. Узун ва хиёл пасайиб бораётган чизиқ, фактларга асосланган умидни янгилик эмас деб ўйлашади.

#### ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Бир миллион киши учун йиллик ўлимлар сони. Ун йиллик ўртача кўрсаткичлар



Кейинги сафар янгиликларда қулаган бино ичида қолиб кетган қурбонлар тасвирини кўрсангиз, узоқ муддатли ижобий тренд эсингизга келадими? Журналистлар камерага юзланиб, “Дунё хатарли тус олмақда” деса, унга қарши чиқа оласизми? Маҳаллий қутқарувчиларнинг рангли шлемига қараб, “Кўпининг ота-онаси ўқишни билмасди. Лекин бу йигитлар халқаро даражадаги биринчи ёрдам йўриқномаларидан фойдаланади. Ҳаёт яхшиланмоқда”, деб ўйлайсизми?

Журналист ғамгин қиёфада “бундай пайтларда” деса, сиз юзда табассум билан у инсоният тарихида биринчи марта ҳалокат қурбонларига зудлик билан халқаро ёрдам келаётгани ва хорижликлар энг яхши вертолётларини юбораётганини назарда тутяпти, деб ўйлайсизми? Инсоният келажакда бундан ҳам даҳшатли ўлимлар олдини олишга қодир деган фактларга асосланган умидни ҳис қиласизми?

Менимча, йўқ. Ҳатто мен каби фикрласангиз ҳам. Чунки экранда болаларнинг жасадлари қулаган хароба остидан тортиб олинаётганини кўрганимда кўрқув ва ачиниш ҳисси ақлий қобилиятимни тушовлаб қўяди. Айни ўша пайтда дунёдаги ҳеч қандай жадвал ҳисларимни босолмайди, ҳеч қандай факт менга тасалли беролмайди. Ўша пайтда ҳаёт яхшиланмоқда, деб даъво қилиш қурбонлар ва уларнинг оила аъзоларининг чуқур қайғусига беписанд қараш билан тенг бўлади. Бу ҳеч бир ахлоқ меъёрига тўғри келмайди. Бундай вазиятларда катта манзарани ўйламай, қўлимиздан келган ёрдамни беришга шошилишимиз керак.

Катта фактлар ва катта манзара хавф ортда қолгунча кутиб туриши керак. Аммо кейин яна фактларга асосланган дунёқарашни тиклаб олишга журъат қилишимиз лозим. Келгусидаги азоб-уқубатларни тўхтатиш учун ресурсларимиздан самарали фойдаланаётганимизга амин бўлиш учун миямизни совитишимиз ва рақамларни солиштиришимиз керак. Кўрқув мазкур устуворликларимизни бошқаришига йўл қўёлмаймиз. Чунки биз энг кўп кўрқадиган хатарлар кўпинча муваффақиятли халқаро ҳамкорлигимиз туфайли бизга энг кам зарар келтирадиган хатарлардир.

2015 йили бутун дунё тахминан 10 кун давомида Непалда 9 минг киши ўлгани ҳақидаги тасвирларни кўрди. Худди шу 10 кун давомида бутун дунёда 9 минг бола ифлос сув ичиб, диареядан ўлди. Лекин кўзёш тўкаётган ота-оналар қўлидаги хушини йўқотган болаларни эфирга олиб чиқадиغان мухбирлар жамоаси бўлмади. Ҳеч қандай замонавий вертолётлар учиб келмади. Вертолётлар барибир бу болаларнинг қотилига қарши ҳеч нима қилолмасди. (Дунёдаги энг ёмон қотиллардан бири.) Бола кўшинининг ҳали совимаган пешобини тасодифан ичиб қўймаслиги учун бир нечта елим қувур, сув насоси, совун ва асосий канализация тизими керак. Вертолётдан анча арзонга тушади.

## 40 миллионта кўринмас самолёт

2016 йилда жами 40 миллионта тижорий йўловчи самолёти манзилга хавфсиз кўнди. Фақат ўнтаси ҳалокатга учради. Турган гапки, журналистлар айнан шу ҳақида ёзди: умумий рақамнинг 0.000025 фоизи. Хавфсиз парвозлар янгилик бўлишга арзимади. Тасаввур қилинг:


*“BA0016 рейси Сиднейдан етиб келди ва Сингапурнинг Чанги аэропортига ҳеч бир муаммосиз кўнди. Бугунги янгилик шу”.*

2016 йил авиация тарихида иккинчи энг хавфсиз йил бўлди. Бу ҳам янгиликларда айтилмади.

Мана бу графикда сўнгги 70 йил ичида ҳар 10 миллиард йўловчи милага мос ўлимлар сони кўрсатилган. Авиасоҳат 2100 марта хавфсизлашган.

### АВИАҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

Тижорат авиакомпанияларида ҳар 10 миллиард йўловчига тўғри келадиган йиллик ўлимлар сони. Беш йиллик ўртача кўрсаткичлар



Ўтган асрнинг 30-йилларида парвозлар ниҳоятда хавфли эди ва кўплаб бахтсиз ҳодисалар йўловчиларни кўрқитиб қўйганди. Дунёдаги авиамасъмурлар тижорий фуқаро авиациясининг потенциалини билиб олганди, аммо кўп одамлар ҳавога кўтарилишдан олдин парвоз хавфсиз бўлиши кераклигини ҳам яхши англаганди. Шундай қилиб, уларнинг барчаси умумий қоидаларни келишиб олиш учун 1944 йил Чикагода йиғилди ва жуда муҳим бўлган 13-илова билан шартнома имзолади. 13-илова –

ўз хатоларидан хулоса чиқариш учун ҳалокатлар ҳақида ўзаро ҳисобот улашиш шакли.

Ўшандан бери тижорий йўловчи самолётининг ҳар бир ҳалокати ўрганилиб, ҳисобот берилади; хавф омиллари мунтазам аниқлаб борилади; ва такомиллаштирилган хавфсизлик тартиб-қоидалари бутун дунё бўйича қабул қилинди. Қойил! Чикагодаги конвенция инсониятнинг энг ажойиб ҳамкорликларидан бири деб айтишим мумкин. Одамлар бир хил кўркувни ҳис қилганида бирга ишлай олиши қанчалар ажойиб.

Кўркув инстинкти шу қадар кучлики, у бутун дунё одамларини ҳамкорлик қилишга, катта ютуқларга эришишга мажбур қилиши мумкин. У шу қадар кучлики, ҳалокатга учрамаган 40 миллионга самолётни эътиборимиздан олиб ташлаши мумкин. Худди диареядан вафот этган 330 минг болани ТВ экранларидан олиб ташлагани каби. Худди шундай.

## Уруш ва можаро

Мен Иккинчи жаҳон урушидан уч йил ўтиб, 1948 йилда туғилганман. Урушда 65 миллион одам ҳалок бўлган. Ҳамма яна бир уруш бўлишидан кўркиб яшарди. Лекин уруш бўлмади. Ўрнига тинчлик келди: инсоният тарихидаги қудратли давлатлар орасида энг узоқ ҳукм сурган тинчлик.

Бугунги кунда можаролар ва можаролар натижасида ҳалок бўлганлар сони рекорд даражада паст. Мен инсоният тарихидаги энг сокин йилларни яшадим. Янгиликларда бериладиган охири йўқ даҳшатли тасвирларни кўргач бунга ишонгиси келмайди одамнинг.


Ҳозирда ҳам мавжуд бўлган даҳшатли ҳолатлар аҳамиятини камситмоқчи эмасман. Жорий можароларни тугатишнинг аҳамиятини пасайтирмоқчи ҳам эмасман. Ёдингизда бўлсин: вазият ёмон бўлиши ҳам, яхшиланаётган бўлиши ҳам мумкин. Яхшиланаяпти, аммо ҳамон

ёмон. Дунё бир пайтлар энг шафқатсиз макон эди, ҳозир ундай эмас. Аммо Сурия аҳлини бу тенденциялар юпатмайди, албатта. У ерда ҳозир ҳам шафқатсиз ҳаёт хукм сурмоқда.

Сурия можароси 1998 йилдан 2000 йилгача давом этган Эфиопия – Эритрея урушидан кейин дунёдаги энг қонли воқеа бўлиб қолиши мумкин. Ҳали ҳалок бўлганларнинг умумий сонини билмаймиз ва можаро яна кенгайдими ёки йўқ, унисини ҳам билмаймиз. Агар можаро ўн минглаб одам ўлими билан тугаса, у 1990-йиллардаги энг даҳшатли урушлардагидан камроқ қон тўкилгани бўлади. Агар қурбонлар сони 200 мингга етса, у 1980-йиллардаги урушларда йўқотилган одамлар сонига етмайди. Бу маълумотлар ушбу даҳшатли ҳодисаларни бошдан кечираётганларга тасалли бермайди, лекин бир ўн йилликдан кейинги ўн йилликка ўтган сари уруш қурбонлари сони камаётгани қолганлар учун тасалли бериши керак.

### УРУШ МАЙДОНИДА ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР

Урушлар оқибатида ҳар миллион кишига тўғри келган ўлимлар сони



Зўравонлик даражасининг камаяётгани нафақат яхшиланиш, балки энг яхши мавжуд тенденция бўлиб турибди. Сўнги ўн йилликларда тинчлик ўрнатилиши биз кўрган барча яхшиланишларга йўл очиб берди. Агар барқарор келажак қуриш учун ҳамкорлик қилиш каби олий мақсадларимизга эришишга умид қилсак, ушбу мўрт неъматни эҳтиётлашимиз керак. Дунё тинч бўлмаса, глобал тараққиёт ҳақидаги ҳамма ўйларимизни унута қоламиз.

## Ифлосланиш

Учинчи ядровий жаҳон уруши хавфи болалик вақтим 1950-йилларда ва ундан кейинги 30 йил давомида баланд бўлиб турди. Бир мен эмас, жуда кўп одам учун шундай эди. Барчамизнинг кўз ўнгимиздан Хиросима қурбонларининг тасвири ўтиб турарди, янгиликларда қудратли давлатлар худди танасини стероидда шишираётган бодибилдерлар каби ядро мушагини кўз-кўз қилиб, бирин-кетин бомба синовларини намойиш қиларди. 1985 йил Тинчлик бўйича Нобель мукофоти кўмитаси ядровий қуролсизланиш дунёда тинчлик ўрнатиш учун энг муҳим сабаб бўлди, деб қарор қилди. Улар совринни менга топширди. Тўғридан-тўғри менга эмас-у, лекин Ядро уруши олдини олиш учун шифокорларнинг халқаро ҳаракатига топширди ва мен ушбу ташкилотнинг фахрий аъзоси эдим.

1986 йил дунёда 64 мингта ядро қаллаклари бор эди. Бугун эса уларнинг сони 15 мингта. Кўриниб турибдики, қўрқув инстинкти даҳшатли нарсаларни дунёдан йўқ қилишга ёрдам беради. Бошқа ҳолларда, у назоратдан чиқиб кетади, хавфни баҳолашимизга ҳалал беради ва катта зарар келтиради.

2011 йил 11 март куни Тинч океан тубида, Япония қирғоқлари яқинидаги 13 километр чуқурликда сейсмик силжиш ҳодисаси кузатилди. У Япониянинг асосий оро-

лини шарқ томонга 2.5 метрга силжитди ва бир соатдан кейин қирғоққа етиб келган цунами 18 минг кишини ҳаётдан олиб кетди. Цунами Фукушимадаги АЭСни ҳимоя қилиш учун қурилган девордан баландроқ эди. Провинцияни сув қоплади, дунё янгиликларини эса жисмоний зарар ва радиоактив ифлосланиш кўрқуви босди.

Одамлар имкон қадар тезроқ провинциядан қочди, лекин яна 1600 киши ҳалок бўлди. Уларни ўлдирган нарсани радиация эмасди. Бирорта ҳам одам айнан қочган нарсасидан вафот этгани хабар қилинмади. Бу 1600 кишининг ўлимига сабаб уларнинг қочгани бўлди. Улар асосан эвакуациянинг ўзи ёки эвакуация бошпаналаридаги ҳаётнинг руҳий ва жисмоний стресси туфайли вафот этган кекса одамлар эди. Уларни радиациянинг ўзи эмас, балки ундан кўрқув ўлдирди. (Ҳаттоки энг даҳшатли ядро ҳалокатидан кейин ҳам, 1986 йил Чернобилда кўп одамлар ўлим даражаси юқори бўлишини кутганда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти изланувчилари буни тасдиқламади. Ҳатто ҳудуд аҳолиси орасида ҳам.)

1940-йилларда зараркунанда ҳашаротларни ўлдирадиган ажойиб кимёвий модда кашф қилинди. Деҳқонлар бундан хурсанд бўлди. Безгакка қарши қурашаётган одамлар хурсанд бўлди. Ҳашаротларга қарши ДДТнинг ножўя таъсирлари ўрганилмай туриб экинлар устига, ботқоқликларга ва уйларга сепилди. Уни яратган одам Нобел мукофотига сазовор бўлди.

1950-йилларда АҚШдаги дастлабки экологик ҳаракат балиқ ва ҳатто қушларнинг озик-овқат занжирига тушаётган ДДТ миқдори юқори эканидан ташвишлана бошлади. Машҳур илмий-оммабоп ёзувчи Рейчел Карсон ўзининг халқаро бестселлерга айланган “*Silent Spring*” китобида ўзи яшайдиган ҳудуддаги қушларнинг тухум қобиклари юпқалашиб кетаётганини маълум қилди. Қўнғизларни ўлдириш учун кўринмас моддаларни сепишга рухсат

берилгани ва ҳукумат бунинг бошқа ҳайвонларга ёки одамларга кўпроқ таъсир қилган ҳар қандай аломатига кўз юмаётгани ҳақидаги фикр, албатта, кўркинчли эди.

Бошқарувнинг нобоплиги ва масъулиятсиз компаниялардан кўрқув натижасида халқаро экологик ҳаракат пайдо бўлди. Ушбу ҳаракат туфайли, шунингдек, нефт тўкилиши, пестицидлар таъсирида плантация ишчилари соғлиғига етган зарар, ядро реакторидаги носозлик билан боғлиқ ифлосланишлар устидаги можаролар шарофати билан бугун дунёда кўплаб мамлакатлар қабул қилган кимёвий ва хавфсизлик қондалари мавжуд. (Гарчи авиация саноатини қамрашга ҳали анча бор бўлса ҳам.) ДДТ бир неча мамлакатда тақиқланди ва гуманитар ёрдам агентликлари ундан фойдаланишни тўхтатишига тўғри келди.

Лекин. *Лекин.* Унинг ножўя таъсири изсиз кетмади. Энди одамлар кимёвий ифлосланишдан телбаларча кўрқадиган бўлди. Паранойяга ўхшаш бу кўрқув хемофобия деб аталади.

Бу болаларни эмлаш, атом энергияси ва ДДТ каби мавзуларни фактларга асосланган ҳолда тушуниш бугунги кунда ҳам ўта қийин масала бўлиб қолаётганини билдиради. Соҳа яхши бошқарилмаслиги ҳақидаги хотиралар одамларда ўз-ўзидан ишончсизлик ва кўрқув келтириб чиқарди ва бу маълумотларга асосланган аргументларга қулоқ тутишга ҳалал беради. Лекин барибир мен уриниб кўраман.

Танқидий фикрлашнинг меъёрдан ортиқ кўриниши олий маълумотли, ўта ғамхўр ота-оналар боласини ўлимга олиб борувчи касалликка қарши эмлатишдан қочишида кўринади. Мен танқидий фикрлашни севаман, скептицизмга ҳурмат билан қарайман, аммо улар далиллар билан ҳисоблашса бас. Агар қизамиққа қарши эмлашга шубҳа билан қарасангиз, сиздан иккита иш қилишни сўрайман. Биринчиси, болалар қизамиқдан



қандай ўлишини ўрганинг. Қизамиқ билан касалланган кўп болалар тузалиб кетади, лекин унинг ҳали ҳам давоси йўқ, ҳатто замонавий, энг яхши тиббиёт ҳам ҳар мингта боладан бир-иккитасининг ўлимини тўхтатиб қололмайди. Иккинчиси, ўзингиздан сўранг: “Қайси далил фикримни ўзгартиради?” Агар “Ҳеч бир далил вакцина ҳақидаги фикримни ўзгартиролмайди” деб жавоб берсангиз, унда сиз ўзингизни далилларга асосланган рационалликдан сизни дастлаб шу нуқтага олиб келган танкидий фикрлашдан ташқарига қўясиз. Ундай бўлса, илм-фанга нисбатан шубҳангизда собит туринг-да, келаси сафар операцияга кираётганингизда жарроҳдан қўлини ювиб овора бўлиб ўтирмаслигини сўранг.

Мингдан ортиқ кексалар ҳеч кимни ўлдирмаган реактордаги носозликдан қочиб вафот этди. ДДТ зарарли, лекин у бевосита ўлдирган одамлар сони ҳақидаги маълумотни топа олмадим. 1940-йилларда унинг зарари ўрганилмаган эди, лекин ҳозир ўрганиб чиқилган. 2002 йилда Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази “ДДТ, ДДЭ ва ДДДнинг токсикологик профили” номли 497 бетли хужжатни тайёрлади. 2006 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти барча илмий тадқиқотларни қайта кўриб чиқиб, Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази каби ДДТни инсонга “зарари енгил” деб таснифлади ва кўплаб ҳолатларда инсон саломатлигига зараридан кўра фойдаси кўплигини маълум қилди.

ДДТни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатиш керак, лекин унинг ижобий ва салбий томонлари бор. Масалан, чивин талаб ётган қочоқлар лагерларида ДДТ одамлар ҳаётини сақлаб қолишнинг энг тезкор ва арзон йўли. Лекин америкаликлар, европалликлар ва кўркув таъсирига тушган лоббистлар ДДТдан фойдаланиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Касалликларни назорат қилиш ҳамда олдини олиш марказининг узундан-узун тадқиқоти ва қисқа йўриқномаларини ўқиб чиқиш, ушбу моддани муҳо-

кама қилишга тайёр эмас. Бу эса жамоатчилик кўмагига мухтож гуманитар ташкилотлар одамларнинг ҳаётини чиндан сақлаб қоладиган далилларга асосланишдан ўзини тияди деганидир.

Қоидалар яхшиланишига ўлим эмас, балки кўрқув сабаб бўлди ва айрим ҳолатларда – Фукушима, ДДТ ҳолатларида – кўринмас моддадан кўрқишни назорат қилиб бўлмайди ва у модданинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ зарар келтиради.

Дунёнинг кўп жойларида экологик ҳолат ёмонлашмоқда. Аммо янгиликларда диареядан кўра ваҳимали зилзилалар кўпроқ ёритилгани каби, кичик, ваҳимаси кам бўлган экологик ёмонлашув, масалан, денгиз тубининг ифлосланиши ва меъеридан кўп балиқ овланиши каби долзарб масалалар эмас, кўрқинчли кимёвий ифлосланишлар кўпроқ ёритилади.

Хемофобия, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги жуда оз синтетик кимёвий моддалар тўғрисида ҳар олти ойда “янги илмий топилма” бўлишига туртки беради. Бу модда сизни ўлимгача олиб келиши мумкин, фақат сиз уч йил давомида ҳар куни биттадан ёки иккитадан юк ташийдиган кемани ейишингиз керак. Гап шу ерга етганда олий маълумотли одамлар юзига хавотир югуради ва улар мавзуни бир қадах қизил вино устида муҳокама қилади. Қурбонлар сони нолга тенг бўлгани ҳеч кимга қизиқ эмасдек туюлади. Кўрқув даражасини кўринмас модданинг “кимёвий” табиати тўлиқ бошқаради.

Энди Фарбдаги биринчи рақамли кўрқувга ўтсак ҳам бўлади.

## Терроризм

Кўрқув инстинкти кучини тўла-тўқис тушунган бир гуруҳ бор. Улар журналистлар эмас. Улар – террорчилар. Номидан ҳам билса бўлади. Уларнинг мақсади – кўрқитиш. Ва улар бизнинг барча ибтидоий кўрқувларимизга – жисмо-

ний зарар, қамалиб қолиш, заҳарланиш ёки ифлосланишдан кўрқувга таъсир қилиш орқали мақсадига эришади.

Терроризм – иккинчи бобда муҳокама қилинган салбийлик тенденциясининг мустасно ҳолатларидан бири. У борган сари жиддий тус олмақда. Хўш, бундан даҳшатга тушишингиз тўғрими? Биринчидан, 2016 йил терроризм дунёдаги жами ўлимларнинг 0.05 фоизини ташкил қилганини ҳисобга олсак, кўрқиш керак эмас. Иккинчидан, бу сиз қаерда яшашингизга боғлиқ.

АҚШдаги Мэриленд университетидан бир гуруҳ тадқиқотчилар 1970 йилдан бери ишончли манбада қайд этиб борилган барча террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни тўплади. Натижада 170 мингта террорчилик воқеалари тафсилотини ўз ичига олган бепул “Терроризм бўйича бутун дунё маълумотлар базаси” яратилди. Ушбу маълумотлар базаси шуни кўрсатадики, 2007 йилдан 2016 йилгача бўлган ўн йиллик даврда террорчилар бутун дунёда 159 минг кишини ўлдирган: ундан аввалги ўн йилликда ўлдирилганлар сонидан уч баравар кўп. Эбола билан боғлиқ ҳолатга ўхшаб рақамлар икки ёки уч бараварга ошганда, албатта, хавотир олишимиз ва вазиятга кўпроқ эътибор беришимиз керак.

### **Терроризмга оид маълумотларни тўплаш**

Китобнинг мазкур қисмида барча тенденциялар 2016 йилда тугайди, чунки Терроризм бўйича бутун дунё маълумотлар базасидаги сўнгги маълумот 2016 йил қайд этилган. Тадқиқотчилар турли миш-мишлар ва ёлғон маълумотлар аралашиб кетмаслиги учун ҳар бир қайдни киритаётганда кўплаб манбаларни синчковлик билан ўрганиб чиқади. Бу эса талай вақтни олади. Бу илмий нуқтаи назардан тўғри, лекин менга ғалати

туюлади. Худди эбола ва карбонат ангидрид эмиссияси (бунга кейинрок батафсил тўхталаман) каби муҳим ва шошилишч вазиятларда мукамал маълумотдан кўра янгиланган тезкор маълумот керак эмасми? Акс ҳолда, биз терроризм ошаётгани ёки камаяётганини қандай биламиз?

Википедияда бутун дунёда юз берган сўнгги террорчилик ҳаракатларининг узун рўйхати келтирилган мақолалар бор. Янгилик чиққандаёқ, бир неча дақиқа ичида кўнгиллилар маълумотларни янгилаб қўяди. Мен Википедияни жуда яхши кўраман, агар унинг рўйхатларига ишонсак, тенденцияни тушуниш учун узок кутишимизга тўғри келмайди. Маълумотлар ишончли эканини текшириб кўриш учун Википедиянинг инглиз тилидаги версияси ва Терроризм бўйича 2015 йилги бутун дунё маълумотлар базасини солиштирдик. Агар мослик 100 фоизга яқин бўлса, 2016 ва 2017 йилги тенденцияни билиш учун Википедияга ишонишимиз ва ундан терроризм бўйича янгиланган маълумотларни олиб туришда қулай манба сифатида фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Аммо Википедия ўзи истамаган шаклда дунёнинг жуда янглиш манзарасини тақдим этди. Маълумотлар Ғарбнинг дунёқарашига кўра бузилган эди. Бундан ҳафсаламиз ниҳоятда пир бўлди. Аниқроғи, мослик даражаси 78 фоиз чиқди. Википедияга 2015 йилдаги терроризм қурбонларининг кўпи киритилмаган эди. Ғарбдаги деярли барча ўлимлар қайд қилинган, “қолганлар”нинг эса бор-йўғи 25 фоизи холос.


Википедияни қанчалик яхши кўрмай, барибир бизга ишончли маълумотлар тўпламини кучли тадқиқотчилар беради. Лекин маълумотларни тезкор янгилаши учун уларга кўпроқ манбалар керак.

**IV ДАРАЖАДА ТЕРРОРЧИЛИК ОҚИБАТИДАГИ ЎЛИМЛАР КАМРОҚ**


Глобал миқёсда террорчилар аввалги 10 йиллик даврга қараганда уч баравар кўп одамни ўлдирган.

Ҳар бир қабртош 1000 ўлимга тўғри келади.

1997-2006 51 247 та ўлим



2007-2016 159 034 та ўлим



Манба: Халқаро терроризм маълумотлар базаси, Garminder

Дунё бўйлаб террорчилик кўпаяётган бўлса-да, IV даражада камаймоқда. 2007 йилдан 2016 йилгача IV даражадаги давлатларда террорчилар 1439 кишини ҳалок қилган. Ундан аввалги ўн йилликда 4358 киши ўлдирилган. Булар орасида 2001 йил 11 сентябрдаги катта террор ҳужумида ўлган 2996 киши ҳам бор. Ҳатто буни чиқариб ташлаган тақдирда ҳам IV даражадаги ўлимлар сони сўнгги йигирма йилликда бир хил бўлиб қолди. Терроризм билан боғлиқ ўлимларнинг дахшатли суръатда кўпайиши I, II ва III даражада содир бўлди. Энг катта ўсиш беш мамлакатда: Ироқ (ўсишнинг ярмини ташкил қилди), Афғонистон, Нигерия, Покистон ва Сурияда кузатилди.

2007 йилдан 2016 йилгача террорчилик оқибатида ҳалок бўлганлардан энг бой, яъни IV даражадаги мамлакатлардаги терроризм қурбонлари улуши 0.9 фоизни ташкил этди. Ҳозирги асримизда бу кўрсаткич тушиб бормокда. 2001 йилдан бери ҳеч бир террорчи самолёт олиб қочиб, одам ўлдиришга муваффақ бўлмади. Дарҳақиқат, IV даражадаги мамлакатларда терроризмдан ҳам камроқ одам ўлдирадиган сабабни топиш қийин. Сўнгги 20 йил ичида АҚШ заминида террорчилик оқибатида 3172 киши ўлди – йилига ўртача 159 кишига тўғри келади. Худди шу даврда АҚШда алкоголь 1.4 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлди – йилига ўртача 69 минг кишига тўғри келади. Бу у қадар адолатли солиштирув эмас, чунки кўп ҳолатларда ичкилик ичган одамнинг ўзи қурбон бўлган. Қурбон спиртли ичимлик ичмаган ҳолатлардаги ўлимларни солиштирсак тўғрироқ бўлади: масалан, автоҳалокат ва қотиллик. Жуда консерватив ҳисоб-китоблар АҚШда йилига тахминан 7 ярим мингта ўлим кўрсаткичини беради. Қўшма Штатларда яқин кишингизни маст одам ўлдириши эҳтимоли террорчи ўлдиришидан 50 баравар юқори.

Лекин IV даражадаги мамлакатларда драматик террорчилик ҳаракатлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади, алкоголь қурбонлари эса бир четда қолиб кетади. Бундан ташқари, аэропортларда йўлга қўйилган яққол хавфсизлик чоралари хавф даражасини ҳар қачонгидан ҳам камайтирса-да, одамларда хавф кўпаяётгандек таассурот уйғотади.

“Gallup” ижтимоий фикрни ўрганиш маркази берган маълумотга кўра, 2001 йил 11 сентябрь воқеасидан бир ҳафта ўтиб, АҚШ жамоатчилигининг 51 фоизи оила аъзоларидан бири террорчилик қурбони бўлиб қолишидан хавотирина билдирган. Ўн тўрт йилдан сўнг ҳам кўрсаткич ўзгармаган: 51 фоиз. Одамлар бугун ҳам эгизак миноралар қулагандан бир ҳафта ўтгандагидек қўрқади.


## Кўрқув vs. хавф: тўғри нарсалардан кўрқиш

Кўрқув асосли бўлсагина фойдали бўлиши мумкин. Кўрқув инстинкти дунёни англашда нобоп кўлланмадир. У ҳақиқатан содир бўлиши муқаррар нарсаларга эмас, биз энг кўп кўрққан, содир бўлиш эҳтимоли паст ҳодисаларга эътиборимизни қаратади.

Ушбу бобда даҳшатли ҳодисалар: табиий офат (барча ўлимларнинг 0.1 фоизи), авиаҳалокат (0.001 фоиз), котиллик (0.7 фоиз), ядровий сизиб чиқиш (0 фоиз) ва террорчилик (0.05 фоиз) ҳақида сўз юритилди. Уларнинг ҳеч бири ҳар йили вафот этадиган одамларнинг 1 фоизини ҳам ўлдирмайди, бироқ оммавий ахборот воситаларида катта шов-шув қилинади. Биз, албатта, ушбу ўлим кўрсаткичларини қискартириш устида ишлашимиз керак. Шунга қарамай, кўрсаткичлар кўрқув инстинктимиз диққатимизни қанчалар бузаётганини кўришга ёрдам беради. Аслида нимадан кўрқиш ва яқинларимизни хавфдан қандай ҳимоя қилиш кераклигини тушуниш учун кўрқув инстинктини босиб, ҳақиқий ўлим кўрсаткичларини ўлчашимиз керак.

Чунки “кўрқинчли” ва “хавфли” бир нарса эмас. Кўрқинчли нарса ҳис қилинаётган хавфни, хавфли нарса эса ҳақиқий хавфни назарда тутаяди. Хавфли нарсадан кўра кўрқинчли нарсага керагидан ортиқ эътибор бериш, яъни кўрқувга ҳаддан ортиқ эътибор бериш қувватимиз нотўғри томонга сарфланишига олиб боради. У кўрқувга тушган ёш шифокор гипотермияни даволаши керак бўлган пайтда ядро уруши ҳақида ўйлашига, миллионлаб инсонлар диареядан ўлиб кетаётган, денгиз туби сувости чўлига айланиб қолаётган бир пайтда бутун инсоният эътиборини зилзилалар, авиаҳалокатлар ва кўринмас моддаларга қаратишига сабаб бўлади. Менинг кўрқувим эволюцион ўтмишдаги хавфларга эмас, бугунги куннинг мега хавфларига қаратилишини истардим.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – кўрқинчли нарсалар қачон эътиборимизни тортишини англаш ва улар энг хавфли нарса эмаслигини ёдда тутишдир. Зўравонлик, тутқунлик ва ифлосланишга бўлган табиий кўрқувларимиз бу хавфларни мунтазам равишда аҳамиятини ошириб юборишимизга мажбур қилади.

Кўрқув инстинктини бошқариш учун **хавф даражасини ҳисобланг**.

- **Кўрқинчли дунё: кўрқув ва реаллик.** Дунё аслидан кўрқинчлироқ туюлади, чунки сиз у ҳақида ўзингизнинг эътибор филтерингиз ёки ОАВ томонидан фақат кўрқинчли бўлгани учун танлаб олинган маълумотларнигина эшитасиз.
- **Хавф-хатар = хавфлилиқ × таъсир.** Бирор нарсанинг сизга қанчалиқ хавф солиши у сизни қанчалиқ кўрқитганига эмас, иккита нарсанинг комбинациясига боғлиқ. Қанчалар хавфли? Ва унинг сизга қанчалиқ таъсири бор?
- **Давом этишдан олдин тинчланиб олинг.** Кўрқанингизда дунё бошқача кўринади. Ваҳимангиз тарқаб кетмагунча имкон қадар камроқ қарор чиқаринг.



БЕШИНЧИ БОБ

## ҲАЖМ ИНСТИНКТИ



**Ўзингиздаги сеҳрли воситалардан фойдаланган  
холда уруш ёдгорликлари ва айиқ хужумларини  
мувофиқ шаклда контекстга жойлаш**

### **Мен кўрмайдиган ўлимлар**

1980-йиллар Мозамбикда шифокор сифатида иш бошлаган пайтларимда, жуда мураккаб ҳисоб-китоб қилишимга тўғри келди. Қийинлиги сабаби шуки, мен санаётган эдим. Ўлган болаларни санаётган эдим. Хусусан, Накаладаги касалхонамиздаги болалар ўлими билан биз хизмат қилишимиз керак бўлган тумандаги ўз уйларида ўлаётган болалар сонини таққослаётган эдим.

У пайтлар Мозамбик дунёдаги энг камбағал давлат эди. Накала туманида ишлаган биринчи йилим 300 минг аҳолига бир ўзим қарашим керак эди. Иккинчи йили яна бир шифокор ёнимга қўшилди. Швецияда 100 нафар доктор хизмат қиладиган аҳолига фақат иккимиз масъул

эдик. Мен ҳар куни ишга кетаётиб, йўлда ўзимга ўзим “Бугун 50 та докторнинг ишини қилишим керак”, дер эдим.

Тумандаги кичик бир касалхонага ҳар йили минг нафар аҳволи ўта оғир болани ётқизардик, бу кунига учтадан дегани. Ўша болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга қанча ҳаракат қилганимни сира унутмайман. Уларнинг барчаси диарея, пневмония ва безгак каби жуда оғир касалликлар билан оғриган эди. Кўпинча бу касалликларга анемия ва тўйиб овқатланмаслик ҳам ҳамроҳ бўлгани вазиятни оғирлаштирар ҳамда биз ҳарчанд уринмайлик, ҳар 20 нафар боладан биттаси вафот этарди. Бу ҳар ҳафта бир нафар бола дегани эди. Агар бизда яхшироқ шароит ва етарлича ходимлар бўлганида уларнинг деярли барини сақлаб қолиш мумкин эди.

Биз кўрсатадиган ғамхўрлик жуда ибтидоий шаклда эди: тузли эритмалар ва мушак орасига укол қилиш. Томирга осма укол қилмас эдик, чунки ҳамширалар буни қандай қилишни ҳали билмас эди, шифокорларнинг эса вақти етмасди. Кислород баллонлари камдан-кам пайдо бўларди, қон куйиш имкониятимиз эса чекланганди. Хуллас, ўта қашшоқ аҳволдаги тиббиёт эди.

Бир сафар швециялик дўстим дам олиш кунларини бизниқида ўтказгани келди. У 321 километр наридаги шаҳарда, тузукроқ касалхонада педиатр эди. Шанба куни пешинда мени зудлик билан касалхонага чақиришди, дўстим ҳам мен билан борди. Етиб борганимизда кўзлари кўркувга тўлган бир онага дуч келдик. Кўлида кўтариб олган боласи кучли диареяга чалинган, она эса нимжонлигидан боласини эмиза олмайётган эди. Мен болани қабул қилдим ва озиклантирувчи трубка уладим. Кейин трубкадан оғиз орқали регидрация эритмаси юборилишини буюрдим. Педиатр дўстим қўлтиғимдан тортиб йўлакка олиб чиқди. У мен стандартга жавоб бермайдиган даво чорасини буюрганимдан жуда хафа бўлган ва жаҳ-

ли чиққан ҳолда койиди, мени уйга кечки овқатга бориш учун хасислик қилаётганликда айблади. У чақалокқа осма укол қилишимни истади.

У вазиятни тушунмаётгани мени ғазаблантирди.

– Бу ерда бизнинг стандарт даволашимиз шу, – тушунтирдим мен. – Болага осма укол қилишимга ярим соат вақтим кетади. Кейин ҳамшира уни тўғри ишлатолмаслиги хавфи катта. Ҳа, уйга кечки овқатга ҳам боришим керак, акс ҳолда, оилам ва мен бир ойдан ортиқ бу ерда яшолмаймиз.

Дўстим буни ҳазм қилолмади. У касалхонада қолиб, ингичка венага игна киргизиш учун соатлаб ҳаракат қилди.

Ҳамкасбим ва ниҳоят ишини битириб, уйга қайтганида, бояги баҳс давом этди.

– Касалхонага келган ҳар бир бемор учун қўлингдан келган барча ишни қилишинг зарур, – ундади у.

– Йўқ, – дедим мен. – Бор вақтим ва ресурсимни фақат касалхонага келганларга сарфлашим инсофдан эмас. Касалхонадан ташқаридаги кўрикларни ривожлантирсам, кўпроқ болани асраб қолган бўламан. Мен бу тумандаги барча болалар учун масъулман. Кўзимнинг олдида қанча бола ўлаётган бўлса, мен кўрмаётган ўлимлар ҳам шунча.

Дўстим бу фикримни маъқулламади. Бошқа шифокорлар ва, эҳтимол, жамиятнинг кўпгина аъзолари ҳам бу фикримни маъқулламаса керак.

– Сенинг бурчинг – қўл остингдаги беморларни даволаш учун қўлингдан келган барча ишни қилиш. Ташқаридаги кўпроқ болаларни асраб қоламан, деган даъво эса бешафқат назарий фароздан бошқа нарса эмас.

Мен жуда чарчаган эдим. Шунинг учун баҳсни тўхтатдим-да, уйкуга ётдим. Лекин эртаси кунги ўлимларни санай бошладим.

Ўша вақтда туғуруқ бўлимини бошқарган рафиқам Агнета ҳисоб-китобларда менга ёрдам берди. Ўша йили касалхонага жами 946 нафар бола ётқизилганини, улар-

нинг деярли ҳаммаси беш ёшдан кичик бўлганини ҳамда 52 нафари (5 фоизи) вафот этганини билардик. Энди бу рақамларни бутун тумандаги болалар ўлими сони билан таққослашимиз керак эди.

Ўша пайтда Мозамбикда болалар ўлими даражаси 26 фоиз эди. Накала туманининг ҳеч бир ўзига хослиги йўқ эди, шунинг учун ҳисобларимизда шу рақамдан фойдалансак бўларди. Болалар ўлими даражасини ҳисоблаш учун йил давомидаги болалар ўлими сони ўша йилдаги туғилишлар сонига бўлинади.

Демак, биз тумандаги ўша йилги туғилишлар сонини билсак, болалар ўлими даражасидан (26 фоиз) фойдаланган ҳолда болалар ўлими сонини тахмин қилишимиз мумкин эди. Сўнгги рўйхат бизга шаҳардаги туғилишлар сонини берди: йилига тахминан 3 минг. Туман аҳолиси шаҳарниқидан беш баравар кўп, шунинг учун туғилишлар сонини ҳам беш баравар ортик деб ҳисобладик: 15 минг. Шундан 26 фоизини чиқарган эдим, ҳар йили 3900 та ўлим олдини олишим кераклиги маълум бўлди. Улардан 52 нафари касалхонада вафот этган. Мен вазирамнинг бор-йўғи 1.3 фоизини кўраётган эдим.

Энди кўлимда ички сезимларимга асос бўлган рақам бор эди. Диарея, пневмония ва безгакни ҳаётга хавф соладиган даражага етишдан аввал даволашга имкон берадиган жамоат соғлиғини сақлашни йўлга қўйиш, ривожлантириш ва назорат қилиш касалхонадаги ўлиши аниқ болаларга осма укол қилишдан кўра кўпроқ болалар ҳаётини сақлаб қолади. Мен касалхонага кўпроқ қувват сарфласам, бирламчи тиббий кўрик нималигини кўрмай уйда ўлаётган 98.7 фоиз болага ва аҳолининг катта қисмига нисбатан инсофсизлик бўлади, деб ишондим.

Шундай қилиб, биз қишлоқлардаги тиббиёт ходимларини иложи борича кўпроқ болаларни эмлашга ва кичик тиббиёт пунктларида (оналар ҳатто пиёда етиб бора оладиган) қаттол касалликларни даволашни имкон қадар эртароқ бошлашга ўргатишни йўлга қўйдик.

Ўта қашшоқ ҳаётнинг бешафқат ҳисоб-китоби шундай. Олдимда жон бераётган битта боладан юз ўгириб, ўлим тўшагида ётган юзлаб номаълум болаларга юзланишим ғайриинсонийликдек кўриниши мумкин.

Конго ва Танзанияда миссионер ҳамшира бўлиб ишлаган Ингегерд Рутнинг менга мураббийлик қилишидан аввал айтган сўзларини эслайман. У доим менга “Ўта қашшоқ ҳолатда ҳеч нарсани мукамал қилмаслигинг керак. Агар шундай қилсанг, сен ресурсни у яхшироқ қўлланилиши мумкин бўлган жойдан ўғирлаётган бўласан”, дерди.

Рақамларга эмас, кўз олдимиздаги биргина беморга ҳаддан ортиқ эътибор қаратиш ресурсларимизни муаммонинг фақат бир қисмига сарфлашга ва оқибатда камроқ боланинг ҳаёти сақлаб қолинишига сабаб бўлиши мумкин. Бу тамойил кам миқдордаги ресурсларга устуворлик берадиган ҳар қандай жойда амал қилади. Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, узайтириш ёки сифатини яхшилаш ҳақида гап кетганда, ресурсларни рўқач қилиш осон эмас. Агар шундай қилсангиз, сизни бағритошга чиқаришади. Лекин ресурслар чекланган экан (улар ҳеч қачон чексиз бўлмайди), раҳмдилликни миянгизни ишлатиш ва қўлингизда боридан оқилона фойдаланиш орқали ифодалашингиз мумкин.

Ушбу боб ўлган болалар ҳақидаги маълумотларга тўла, чунки болалар ҳаётини сақлаб қолиш мен учун энг муҳим вазифа. Биламан, ўлган болаларни санаш ва ўлаётган бола ҳақида гап кетганда тежамкорлик ҳақида сўзлаш ғирт бешафқатликдек туюлади. Аммо яхшилаб мулоҳаза қилсангиз, болалар ҳаётини сақлаб қолишнинг энг тежамкор йўлини ишлаб чиқиш ҳаммасидан ҳам энг шафқатли амал бўлади.

Аввал сизни статистика ортидаги алоҳида ҳикояларга қарашга ундаган бўлсам, энди алоҳида ҳикоялар фонида қолиб кетаётган статистикага ҳам қарашингизни сў-

райман. Дунёни рақамларсиз англаб бўлмайди. Фақат рақамларнинг ўзи билан ҳам англаб бўлмайди.

## Ҳажм инстинкти

Сиз ҳодисаларни тўғри нисбатда идрок қилмайсиз. Йўқ, кўполлик қилмоқчи эмасман. Ҳолатларни ўз нисбатида идрок қилмаслик ёки уларнинг ҳажмини нотўғри баҳолаш инсонга хос нарса. Алоҳида бир рақамга қараш ва унинг аҳамиятини нотўғри баҳолаш инстинктивдир. Худди Накала туманидаги касалхонада бўлгани каби якка мисолнинг ёки аниқ кўриниб турган жабрланувчининг аҳамиятини нотўғри баҳолаш ҳам инстинктивдир. Бу икки тенденция ҳажм инстинктининг иккита асосий жиҳатидир.

Оммавий ахборот воситалари мазкур инстинктнинг дўстидир. Журналистлар исталган ҳодиса, факт ёки рақамни аслидагидан ҳам аҳамиятлироқ жаранглашига эришишни ўзининг касбий бурчи деб ҳисоблайди. Ва улар қийин аҳволдаги одамдан юз ўгириш раҳмсизлик деб қабул қилинишини ҳам билади.

Ҳажм инстинктининг икки жиҳати ва салбийлик инстинкти биргаликда бизни эришилаётган прогрессни мунтазам равишда паст баҳолашга мажбур қилади. Глобал мутаносиблик ҳақида берилган тест саволларида ҳам респондентлар фақат 20 фоиз одам ўзининг асосий эҳтиёжларини қондираётганини айтади. Ваҳоланки, тўғри жавоб кўп ҳолларда 80 фоиз ёки ҳатто 90 фоизга яқиндир. Болаларнинг эмланганлик пропорцияси 88 фоиз. Электр энергияси билан таъминланган аҳоли пропорцияси эса 85 фоиз. Бошланғич мактабларда ўқийдиган қизлар 90 фоизни ташкил қилади. Хайрия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тақдим этадиган индивидуал оғир ҳолатлар тасвири билан бирга катта рақамлардан фойдаланиш одамлар дунёқарашини бузади ва улар мунтазам равишда ушбу нисбатларни ва ривожланишларни паст баҳолайдилар.

Айни вақтда биз бошқа нисбатларни мунтазам юқори баҳолаймиз. Мамлакатларимиздаги муҳожирлар сони. Гомосексуализмга қарши бўлган одамлар сони. Ҳар икки ҳолатда ҳам камида АҚШ ва Европада бизнинг талқинларимиз аслидагидан анча драматикрок.

Ҳажм инстинкти бизнинг чекланган эътиборимиз ва ресурсимизни кўз олдимиздаги якка ҳолатлар ёки аниқ кўриниб турган жабрланувчига йўналтиради. Бугунги кунда мен Накалада амалга оширган каби солиштиришларни глобал масштабда ўтказиш учун кенг маълумотлар базаси мавжуд ва улар бир хил нарсани кўрсатади: I ва II даражадаги мамлакатларда болалар ҳаётини шифокорлар ва касалхонадаги ўринлар сақлаб қолмайди. Қойкалар ва шифокорларни санаш осон, сиёсатчилар эса бинолар очишни яхши кўради. Аммо болаларнинг омон қолиш даражаси яхшиланишига касалхонадан ташқарида маҳаллий ҳамширалар, доялар ва зиёли ота-оналар томонидан ўтказилган профилактик чора-тадбирлар орқали эришилган. Айниқса, оналар: маълумотлар шуни кўрсатадики, болалар омон қолиш даражаси ошишининг ярми оналар ўқиш ва ёзишни билгани сабабидир. Ҳозир кўпроқ болалар тирик қолаётгани сабаби – биринчи навбатда улар касал бўлмаяпти. Малакали доялар оналарга ҳомиладорлик ва туғуруқ вақтида ёрдам беради. Ҳамширалар уларни эмлайди. Бу болаларнинг қорни тўқ, усти бут, ота-онаси уларни яхши парваришлайди, атрофдаги одамлар қўлини ювиб туради, оналар эса дори қутисидagi ёзувларни ўқий олади. Агар I ёки II даражадаги мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга сармоя киритмоқчи бўлсангиз, пулингизни бошланғич мактаблар, ҳамширалар таълими ва эмлашга киритишингиз керак. Кўзни оладиган катта-катта касалхоналар кутиб туради.

## Ҳажм инстинктини қандай жиловлаш мумкин?

Ҳолатларни тўғри нисбатларда кўриш учун сизга бор-йўғи иккита сеҳрли курул керак бўлади: таққослаш ва бўлиш. Нима дедингиз? Икковини ҳам биламан дейсизми? Ажойиб, унда уларни қўллашни бошласангиз бўлгани. Буни одатга айлантинг! Қандайлигини кўрсатаман.

## Рақамларни солиштиринг

Бирор нарсанинг аҳамиятини нотўғри баҳоламаслик учун энг муҳими алоҳида олинган рақамлардан қочишингиз керак. Ҳеч қачон рақамларни ёлғиз қолдирманг. Ҳеч қачон битта рақам ёлғиз ўзи катта аҳамиятга эга бўлишига ишонманг. Агар сизга фақат битта рақамни маълум қилишса, доим камида яна битта рақам сўранг. Солиштириш учун.

Айниқса, катта рақамларда эҳтиёт бўлинг. Ғалати бўлса ҳам ҳеч нарса билан солиштирилмаган муайян рақам доим катта кўринади. Катта нарса эса аҳамиятсиз бўлиши мумкинми?

## 4.2 миллион ўлик чақалоқ

Ўтган йили 4.2 миллион нафар чақалоқ ўлди.

Бу бир ёшга тўлмайдиган вафот этган болаларнинг ЮНИСЕФ томонидан охириги ҳисобга олинган сони. Биз янгиликларда ёки турли ташкилот ва фаоллар гуруҳларининг материалларида шу каби алоҳида айтилган ва ҳиссиётга таъсир қилувчи рақамларни кўрамиз. Улар турли реакцияларни келтириб чиқаради.

4.2 миллион нафар чақалоқ ўлимини ким тасаввур қила олади? Бу жуда даҳшат, буларнинг деярли барчаси олдини олиш осон бўлган касалликлардан вафот этганини билсак, яна ҳам даҳшатли тус олади. Шу вақт ким ҳам 4.2



миллион катта рақам эмас деб баҳслаша оларди? Ҳеч ким журъат қилмайди деб ўйларсиз, аммо янглишасиз. Айнан шунинг учун ҳам бу рақамни келтирдим. Чунки бу катта рақам эмас. Аксинча, кичкинагина.

Агар ҳар бирининг ота-онаси гўдагини кўмишни эмас, балки унинг илк табассумини, тетапоя қилишини, ўйнашини орзиқиб кутганини ўйласак, бу рақам бизни узок вақт йиғлашга мажбур қилади. Лекин бу кўз ёшлардан кимга наф? Ўрнига инсоният тўкнашаётган қийинчиликлар ҳақида аниқроқ ўйлаб кўрайлик.

4.2 миллион сони 2016 йилга тўғри келади. Ундан бир йил аввал эса бу рақам 4.4 миллион бўлган. Ундан ҳам олдин 4.5 миллион бўлган. 1950 йилда эса 14.4 миллионни ташкил этган. Бу бугунги кун билан таққослаганда йилига 10 миллион нафардан кўп чақалок нобуд бўлганини билдиради. Энди бизнинг даҳшатли рақам кичкина кўриниб қолдими? Аслида, бу рақам ҳеч қачон ҳозиргидан кам бўлмаган.

Албатта, мен бу рақамнинг янада тезроқ кичиклашини ҳаммадан ҳам кўпроқ истайман. Аммо қандай чора кўриш ва ресурслардан қандай қилиб оқилона фойдаланишни билиш учун мия ҳиссиётлардан холи бўлган вақтда ҳисоб-китоб қилиш ва нима иш беради-ю, нима бермаслигини англаб олиш муҳим. Аммо шуниси маълумки, борган сари тобора кўпроқ ўлимлар олди олинмоқда. Буни эса рақамларни солиштирмай туриб англаб бўлмас эди.

## **Катта уруш**

Вьетнам уруши менинг авлодимдагилар учун худди ҳозирги Сурия урушидек бўлган.

1972 йил Исо мавлуди байрамидан икки кун аввал Вьетнамда портлаган етгита бомба Ханой шаҳридаги Бах Май касалхонаси ходимлари ва 27 нафар беморни ҳалок

қилди. У пайтлар мен Швециянинг Упсала университетида тиббиётдан таҳсил олаётган эдим. Бизда тиббий буюмлар ва сариқ чойшаблар талайгина эди. Агнета билан мен бош-қош бўлиб, уларни кутиларга жойладик ва Бах Майга жўнатдик.

Ўн беш йилдан кейин Швеция кўмак дастурини баҳолаш учун Вьетнамга бордим. Тушлик пайти маҳаллий ҳамкасбларимдан бири, Ниём исмли шифокор билан ён-ма-ён ўтириб гуруч еяётганимда ундан ўзи ҳақида гапиришини сўрадим. Гапининг орасида у бомба портлаган маҳал Бах Май касалхонасининг ичида бўлганини айтиб қолди. Кейин у инсонпарварлик ёрдами сифатида бутун дунёдан келган кутиларни очиб, нарсаларни тақсимлашга масъул бўлганини билиб олдим. Ундан сариқ чойшаблар ҳам келгани эсида бор-йўқлигини сўрадим ва у чойшабдаги нақшларгача тасвирлаб берганида эгим жимирлаб кетди. Гўё у менинг бир умрлик дўстим бўлгандек ҳис ўтди ичимдан.

Дам олиш кунлари мен Ниёмдан Вьетнам уруши ёдгорлигини кўрсатишини сўрадим.

– “Америкага қарши туриш уруши”ни назарда тутяпсизми? – аниқлаштирди у.

У урушни “Вьетнам уруши” деб номламаслигини фаҳмлашим керак эди. Ниём мени шаҳарнинг марказий паркларидан бирига олиб борди ва мис лавҳа илинган, баландлиги бир метрга етар-етмас кичик тошни кўрсатди. Мен буни ҳазил деб ўйладим. Вьетнам урушига қарши намоишлар Ғарбда бир авлод фаолларни бирлаштирган эди. Мен ҳам бундан таъсирланиб, чойшаблар ва тиббий буюмлар юборгандим. Бир ярим миллиондан ортиқ вьетнамликлар ва 58 мингдан ортиқ америкаликлар ҳалоқ бўлган. Шаҳар эса бу фалокатни шундай хотирлайди, холосми? Ҳафсалам пир бўлганини кўрган Ниём мени каттароқ ёдгорликнинг олдига олиб борди. Буниси мраммар тошли, 3 ярим метрдан баланд, Франция мустамлакаси-

дан озодлик рамзи сифатида бунёд қилинган. Менинг кайфиятим ҳамон ўзгармаган эди.

Кейин Нием мендан “Ҳақиқий уруш ёдгорлигини кўришга тайёрмисиз?” деб сўради ва машинани яна бироз ҳайдагач, деразадан ташқарига ишора қилди. Дарахтларнинг юқорисида олтин билан қопланган улкан пагода кўринди. Унинг баландлиги тахминан 90 метрдан зиёдрок эди.

– Мана шу ерда биз уруш қаҳрамонларимизни хотирлаймиз. Чиройли-я? – деди у.

Бу Вьетнамнинг Хитой билан жанглари хотирасига қўйилган ёдгорлик эди.

Хитой билан жанглар ўртада узилишлар билан умумий ҳисобда 2 минг йил давом этган. Франция мустамлакаси эса 200 йилга чўзилган. “Америкага қарши туриш уруши”га эса атиги 20 йил кетган. Ёдгорликларнинг ҳажми урушларни мукамал мутаносибликда тасвирлаган. Фақат уларни солиштириш орқали мен “Вьетнам уруши”нинг ҳозирда вьетнамликлар учун нисбатан аҳамияти камлигини тушундим.

## Айиқлар ва болталар

Мари Ларсон бошига болта билан бир неча марта зарб бериб, ўлдирилганида 38 ёшда эди. Воқеа 2004 йил 17 октябрь оқшомида содир бўлган. Марининг собиқ жуфти унинг Швеция шимолидаги Питео шаҳарчасида жойлашган уйига яширинча кириб, аёлнинг уйга қайтишини кутиб ўтирган. Уч фарзанднинг онаси бундай фожиали ва ваҳшийларча ўлдирилиши миллий ОАВларда деярли ёритилмади, маҳаллий газета бўлса ими-жимиди хабар берди.

\*Пагода — будда мемориал иншооти. Буддизмга алоқадор табарруқ нарсалар сақланадиган жой. Павильон ёки минора (баъзан кўп қатламли) кўринишга эга. Дастлаб милоннинг бошларида Хитойда барпо этилган. Корея, Япония, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари меъморлигида кенг тарқалган.

Худди ўша куни уч фарзанднинг отасини ов вақтида айиқ ўлдирди. У эркак ҳам Швеция шимолида яшарди. Исми Йохан Вестерлунд эди. У 1902 йилдан бери Швецияда айиқ томонидан ўлдирилган биринчи инсон эди. Бу ваҳшиёна, фожиавий ва муҳими камдан-кам учрайдиган ҳодиса Швеция бўйлаб кенг ёритилди.

Швецияда айиқ хужумидан ўлиш юз йилда бир марта бўладиган ҳодиса. Аёл кишининг жуфти томонидан ўлим топиши эса ҳар ой содир бўлади. Буларнинг суръати орасида 1300 баравар фарқ бор. Лекин шундай бўлса ҳам яна бир аёлнинг эри томонидан ўлдирилиши қайд этилмаган, ов вақтидаги ўлим эса катта шов-шув бўлди.

Оммавий ахборот воситалари бизни қандай ўйлашга мажбур қилмасин, ҳар бир ўлим тенг даражада фожиали ва даҳшатли бўлган. Оммавий ахборот воситалари бизни қандай ўйлашга мажбур қилмасин, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида қайғурадиганлар айиқдан кўра оилавий зўравонлик ҳақида ташвишланиши керак.

Бу рақамларни солиштирганингизда аниқ кўринади.

## **Сил ва чўчка гриппи**

Оммавий ахборот воситалари меъёрида кўрсатмаётган нарсалар фақат айиқлар ва болталар эмас.

1918 йили испан гриппи дунё аҳолисининг тахминан 2.7 фоизини ўлдирди. Вакцинаси ишлаб чиқилмаган гриппнинг тўсатдан бошланиб қолиш хавфи барчамиз жиддий қайғуришимиз керак бўлган доимий таҳдиддир. 2009 йилнинг дастлабки ойларида минглаб одамлар чўчка гриппидан вафот этди. Бу ҳақида икки ҳафта янгиликларда гапирилди. Лекин 2014 йилда тарқаган эболадан фарқли равишда янги касаллик ҳолатлари икки бараварга ошмади. Ҳатто тўғри чизиқ бўйича ҳам кўпаймади. Мен ва бошқалар бу гриппни биринчи огоҳлантириш сигнали берилганидаги каби тажовузкор эмас, деб хулоса қилдик.

Аммо журналистлар бир неча ҳафта давомида аҳоли орасидаги кўрқувни камайтирмай ушлаб турди.

Охири бунақа жазавадан чарчадим ва янгиликлар сони билан ўлимлар сонини ҳисобладим. Икки ҳафта ичида чўчка гриппидан 31 киши ўлган, “Google”да бу ҳақда ёзилган 253 442 та мақола топилди. Яъни ҳар бир ўлимга 8176 та мақола тўғри келади. Худди шу икки ҳафталик даврда тахминан 63 066 киши сил касаллигидан вафот этганини ҳисобладим. Бу қурбонларнинг деярли барчаси I ва II даражадаги одамлар эди. Гарчи давоси топилган бўлишига қарамай, сил ушбу даражаларда асосий қотил бўлиб қолмоқда. Лекин сил юкумли ва антибиотикларга чидамли, шунинг учун IV даражадаги анча одамни ўлдириши мумкин. Ҳар бир силдан вафот этган кишига 0.1 мақола тўғри келган эди. Чўчка гриппидан вафот этган ҳар бир киши тенг даражада фожиали ўлим ҳисобланган силдан 82 минг марта кўпроқ эътибор тортаётган эди.

## 80/20 қондаси


Бирор нарсани меъёрини бузиб кўрсатиш осон, лекин хайриятки, бунинг қулай ечимлари бор. Ҳар сафар рақамларни солиштириб, энг муҳимини аниқлашимга тўғри келганда энг осон тафаккур қуролидан фойдаланаман. Мен энг катта рақамларни излайман.

Мана шунда 80/20 қондаси ишлатилади. Биз одатда рўйхатдаги барча нарса тенг аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз, лекин уларнинг баъзилари бошқаларидан муҳимроқ бўлади. Хоҳ ўлим сабаблари бўлсин, хоҳ бюджет масалалари, мен диққатимни, аввало, 80 фоизни ташкил қилган нарсани тушуниб олишга қаратаман. Кичикроқ нарсаларга вақт сарфлашдан аввал ўзимга қуйидаги саволларни бераман: 80 фоиз қаерда? Нима учун булар бу қадар катта? Бунинг оқибатлари қандай бўлади?

Масалан, бу ерда дунёнинг энергия манбалари рўйхати алифбо тартибида келтирилган: атом энергияси,

биоёқилғи, газ, геотермал энергия, гидроэнергия, кўмир, нефт, куёш энергияси, шамол. Бундай тартибда такдим этилгани учун уларнинг бари бир хил аҳамиятга эга бўлиб туюлади. Агар бунинг ўрнига уларни инсоният учун қанча энергия бирлиги ишлаб чиқаришига кўра таснифласак, қуйидаги графикда кўрсатилган тартибда учтаси қолганларидан ошиб кетади.

**ГЛОБАЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ (2016 ЙИЛ)**  
Дунё бўйлаб 1000 тераватт-соат (TWh) давомида энергия сарфи



Манба: Smil 2016

Манзарани яхлит ҳолда кўриш учун 80/20 қондасидан фойдаландим ва нефт+кўмир+газ бизга энергиямизнинг 80 фоиздан ортиқроғини, аниқроғи 87 фоизини бериши маълум бўлди.

80/20 қондаси қанчалик фойдали эканини илк бор швед ҳукуматининг кўмак лойиҳаларини кўриб чиқишни бошлаганимда билганман. Кўп бюджетларда рўйхатнинг тахминан 20 фоизи умумий харажатнинг 80 фоизини ташкил қилади. Бу рўйхатни яхшилаб тушуниб олиш орқали анча пулни тежаб қоласиз.

Айнан шу йўл орқали Вьетнам қишлоғидаги кичик саломатлик марказига ажратилган ёрдам маблағининг ярми 2 мингта кераксиз жарроҳлик пичоқларига сарфланганини билиб қолдим. Айнан шу тарзда Жазоирдаги қочоқлар лагерига керагидан 100 баравар кўп – 4 миллион литр болалар озуқаси жўнатилганини билдим. Шу йўл

билан Никарагуадаги ёшлар клиникасига 20 мингта мояк протези жўнатилишини тўхтатиб қолдим. Ҳар учала ҳолатда ҳам мён бюджетнинг 80 фоизини ташкил этган энг катта нарсаларни қидирдим, кейин ғайриодатий туюлган ҳар бир нарсани яхшироқ суриштирдим. Ҳар учала ҳолатда ҳам муаммо оддий чалкашиш ёки бутун сонни ажратадиган нуқтанинг қолиб кетгани каби кичик хато туфайли юзага келганди.

80/20 қоидаси жуда осон. Фақат уни ишлатишни ёддан чиқармасангиз бас.

Яна бир мисол билан танишайлик.


## Дунёнинг PIN коди

Агар аҳолининг катта қисми ҳозир қаерда яшаётгани ва келажақда қаерда яшашини билсак, дунёни яхшироқ тушунамиз ва яхшироқ қарорлар қабул қиламиз. Жаҳон бозори қаерда? Интернет фойдаланувчилари қаерда? Келгусида сайёҳлар қаердан келади? Юк кемаларининг кўпи қаерга кетмоқда? Ва бошқа саволларга ҳам жавоб топиш керак.

### 8-савол

Дунёда тахминан 7 миллиард аҳоли бор. Қайси харита уларнинг яшаш жойини энг аниқ кўрсатган? (Ҳар бир фигура 1 миллиард аҳолига тенг.)

**ОДАМЛАР ҚАЕРДА ЯШАЙДИ?** Дунё аҳолиси миллиард ҳисобида



Бу кўпроқ одам тўғри жавоб берган саволлардан биридир. Улар шимпанзеларга етиб олди. Жавоблари худди тасодифан танлангандагидек даражада яхши. Китобнинг шу ергача бўлган қисмини ўқиганингиз учун бу кўрсаткич катта ютуқ бўлиб кўринади. Кўряпсизми, ҳаммаси қандай қиёслашингизга боғлиқ!

Етмиш фоиз респондент барибир нотўғри харитани танлайди ва бир миллиард аҳолини бошқа қитъага ўтказиб юборади. Етмиш фоиз одам инсониятнинг аксар қисми Осиёда яшашини билмайди. Агар барқарор келажак куриш, сайёранинг табиий ресурслари талон-торож бўлиши ёки жаҳон бозори ҳақида чиндан қайғурсангиз, қандай қилиб бир миллиард одамнинг изини йўқотишингиз мумкин?

Тўғри жавоб А. Дунёнинг PIN коди 1-1-1-4. Харитани мана шундай ёдлаб олиш мумкин. Миллиардлар сони чапдан ўнгга қараб PIN код ўрнини босади. Жанубий ва Шимолий Америкада умумий: 1, Европа: 1, Африка: 1, Осиё: 4 (рақамларни яхлитлаб олдим). Худди бошқа PIN кодлар каби бу ҳам кейинчалик ўзгаради. Асримизнинг сўнгигача БМТ Америка ва Европада ўзгариш бўлмаслигини, аммо Африка аҳолиси яна 3 миллиардга, Осиёда 1 миллиардга кўпайишини прогноз қилмоқда. Шунда 2100 йилгача дунёнинг янги PIN коди 1-1-4-5 бўлади. Дунё аҳолисининг 80 фоиздан зиёдроғи Африка ва Осиёда яшайди. Агар БМТнинг аҳоли ўсиши бўйича прогнозлари тўғри бўлиб чиқса, Осиё ҳамда Африкада даромад даражаси ҳозирги каби ўсишда давом этса, унда жаҳон бозорининг “оғирлик маркази” кейинги 20 йил ичида Атлантикадан Ҳинд океанига ўзгаради. Бугун дунё аҳолисининг 11 фоизини ташкил этувчи Шимолий Атлантика атрофидаги бой мамлакатларда яшайдиганлар IV даражадаги истеъмол бозорининг 60 фоизини ташкил қилади. Агар бутун дунё бўйича даромадлар ҳозиргидек ўсишда давом этса, 2027 йилгача бу рақам аллақачон 50 фоизга тушиб қолади. 2040 йилга бориб эса IV даражадаги




истеъмолчиларнинг 60 фоизи Ғарбдан ташқарида яшайди. Ҳа, менимча, Ғарбнинг жаҳон иқтисодиёти устидан ҳукмронлиги тез орада тугайди.

Шимолий Америка ва Европадаги одамлар дунё аҳолисининг кўп қисми Осиёда яшашини тушуниши керак. Иқтисодий мушаклар нуқтан назаридан қараганда, “биз” 20 фоизга айланяпмиз, 80 фоиз эмас. Лекин бу рақамларни “биз”нинг кўпимиз миямизга сиғдира олмаймиз. Биз нафақат Вьетнамдаги уруш ёдгорлиги ҳажми қанчалик бўлиши кераклигини нотўғри баҳолаганмиз, балки келажакда жаҳон бозоридаги аҳамиятимизни ҳам нотўғри баҳолаймиз. Кўпчилигимиз келажакда савдо битимларини назорат қиладиганлар билан тўғри муносабатда бўлишни унутиб қўямиз.

**ТЕЗ ОРАДА IV ДАРАЖАДАГИ КўП ОДАМЛАР ҒАРБЛИК БўЛМАЙДИ**

Дунё аҳолиси ғарблик ва бошқаларга бўлинган, даромадлари бўйича тақсимланган



Даромад 2011 йилги \$ курсида (нариқлар ва инфляция ҳисобга олинган)

Манба: Gorminder, PovcalNet, van Zanden, Халқаро валюта фонди

## Рақамларни бўлиб ташланг

Катта рақамга маъно киритишнинг энг яхши йўли уни жами сонга бўлиб олишдир. Менинг ишимда жами сон кўпинча жами аҳоли бўлади. Бир сонни (айтайлик, Гонконгдаги болалар сони) бошқа бир сонга (айтайлик, Гонконгдаги мактаблар сони) бўлсак, даража (Гонконгнинг ҳар бир мактабга тўғри келадиган болалар) ҳосил бўлади. Сонларни топиш осон, чунки уларни ҳосил қилиш осон. Шунчаки кимдир бирор нарсани санаб чиқиши керак. Лекин даража кўпроқ маъно беради.

## Каср чизиғи остидаги тенденция

Мен яна 4.2 миллион нафар ўлган чақалоққа қайтмоқчиман. Бобнинг бошида биз 4.2 миллион чақалоқни 1950 йилда вафот этган 14.4 миллион чақалоққа солиштирдик. Агар ҳар йили тобора камроқ болалар туғилаётган ва шунинг учун камроқ болалар вафот этаётган бўлса-чи? Битта рақам камаяётгани баъзан унинг ортидаги бошқа рақам ҳам камаяётгани сабабли бўлади. Буни текшириб кўриш учун болалар ўлимининг жами сонини туғилганларнинг жами сонига бўлиш керак.

1950 йилда 97 миллион нафар бола туғилди ва 14.4 миллиони вафот этди. Болалар ўлими даражасини аниқлаш учун биз ўлимлар сонини (14.4 миллион) туғилишлар сонига (97 миллион) бўламиз. Натижада 15 фоиз ҳосил бўлади. Демак, 1950 йил туғилган ҳар 100 нафар боладан 15 таси бир ёшга тўлмай вафот этган.

Энди эса сўнгги рақамларни кўрайлик. 2016 йилда 141 миллион чақалоқ туғилди ва 4.2 миллионтаси вафот этди. Туғилишлар сонини ўлимлар сонига бўлсак, 3 фоиз ҳосил бўляпти. Дунёдаги ҳар 100 нафар боладан фақат учтаси бир ёшга тўлмай вафот этиши мумкин. Қойил! Гўдаклар ўлими даражаси 15 фоиздан 3 фоизга ўзгарди. Ўлган

чақалоклар сонидан кўра даражаларни солиштирсак, сўнги рақамлар лол қолдирадиган даражада пасайгани сезилади.

Айрим одамлар инсон ҳаётини бундай ҳисоб-китоб қилишдан уялади. Мен эса буни қилмасам уяламан. Ёлғиз рақам мени ҳамиша шубҳага солади ва кейин мен уни нотўғри талқин қилган бўламан. Мен солиштирган ва бўлган рақам юрагимни умид билан тўлдиради.

### Киши бошига

“Прогнозлар кўрсатишича, Хитой, Ҳиндистон ва иқтисодиёти ривожланаётган бошқа давлатлар хавфли иқлим ўзгаришига сабаб бўлувчи карбонат ангидридни атмосферага чиқаришни кўпайтирмақда. Аниқроғи, Хитой аллақачон АҚШга қараганда кўпроқ CO<sub>2</sub> чиқаряпти, Ҳиндистон эса Германиядан кўпроқ”.

Ушбу очик баёнотни 2007 йил январь ойида Давосда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форумида иқлим ўзгариши муҳокамаси шуъбасида Европа Иттифоқидан бўлган давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири сўзлаган. У айбловни очик-ойдин кўриниб турган фактни таъкидлаётгандек нейтрал оҳангда айтган. Агар у муҳокама шуъбасида ўтирган Хитой ва Ҳиндистон вакилларининг юзини кўрганида эди, унинг қарашлари сира ҳам очик-ойдин кўриниб турган факт эмаслигини англаган бўларди. Хитойлик экспертнинг ғазаблангани кўриниб турарди, аммо индамай тўғрига қараб ўтираверди. Ҳиндистонлик эксперт эса, аксинча, жим ўтиролмади. У қўлини силтади ва модератор унга гапириш навбатини бергунча аранг сабр қилди.

У ўрнидан турди, шуъбанинг ҳар бир аъзосига қараб чиққунча жимлик ҳукм сурди. Башанг тўқ кўк салласи, кўринишидан қимматбаҳо тўқ кулранг костюми ҳамда ғазабланган вақтда ўзини қандай тутаётгани унинг

Ҳиндистоннинг юкори мартабали амалдори эканини, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондида узоқ йиллар етакчи мутахассис сифатида ишлаганини тасдиқларди. У шуъбадаги бой мамлакатларга кўли билан ишора килди ва баланд ва таънали оҳангда деди:

– Бизни бундай қалтис вазиятга солиб қўйган сизлар бўласиз, бой давлатлар! Бир асрдан ошдики, сизлар борган сари кўпроқ кўмир ва нефтни ёқиб келасизлар. Сизлар ва фақат сизлар бизни иқлим ўзгариши ёқасига олиб келдингиз.

Кейин у тўсатдан кафтларини ҳиндча саломлашаётгандек бирлаштирди, бошини бироз олдинга эгди ва жуда меҳрли овозда пичирлади:

– Аммо биз сизни кечирамиз, чунки сиз нима қилаётганингизни билмагансиз. Билмасдан зарар келтирган одамни айблашимиз ножоиз.

Кейин қаддини ростлаб, якуний мулоҳазасини худди ҳукм ўқиётган судья каби кўрсаткич бармоғини кўтариб силкитганча ҳар бир сўзга ургу бериб гапирди:

– Лекин бундан буён атмосферага чиқаётган карбонат ангидридни киши бошига ҳисоблаймиз.

Унинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ эди. Атмосферага чиқарилган умумий карбонат ангидриддан мамлакат бошига тўғри келадиган миқдорига қараб Хитой ва Ҳиндистонни иқлим ўзгаришида мунтазам равишда айблаб келишаётгани мени аллақачон кўркувга солган эди. Бу гўё семизлик муаммоси АҚШдан кўра Хитойда жиддийроқ, чунки Хитой аҳолисининг умумий тана оғирлиги АҚШ аҳолисиникидан катта, деб даъво қилишга ўхшарди. Аҳоли сонидан улкан фарқ бўлган бир пайтда чиқиндининг мамлакат бошига ҳисобланиши маъносиз эди. Шу мантиққа асослансак, 5 миллион аҳолига эга бўлган Норвегия киши бошига истаганча карбонат ангидрид чиқаравериши мумкин бўлиб қолади.

Бундай ҳолатда, асосли ва солиштирса бўладиган чоралар кўриш учун катта рақамни – мамлакат бошига тўғри келадиган умумий карбонат ангидрид гази ҳажмини мамлакатдаги аҳоли сонига бўлиш керак. ОИВ, ЯИМ, мобиль телефон савдоси, интернет фойдаланувчилари ёки карбонат ангидрид чиқиндиларини ўлчашдан катъи назар, жон бошига ўлчов, яъни киши бошига нисбати ҳамиша мантиқан тўғри бўлади.

## У ерлар хавфли


IV даражадаги одамлар инсоният тарихидаги энг хавфсиз ҳаётда яшяпти. Олдини олиш мумкин бўлган кўплаб хатарлар бартараф этилган. Шунга қарамай кўпчилик хавотирда яшайди.

Улар “у ерларда” бўладиган турли хавф-хатарлардан хавотир олади. Табиий офатлар кўп одамларни ҳалок қилади, касаллик тарқайди, самолётлар ҳалокатга учрайди. Буларнинг бари доим у ерларда, уфқдан нарида содир бўлади. Бироз ғалати, тўғрими? Бундай даҳшатли нарсалар “бу ерда”, биз яшайдиган хавфсиз жойда камдан-кам кузатилади. Лекин у ерларда ҳар кун содир бўладигандек туюлади. Аммо шуни ёдда тутингки, “у ерлар” миллионлаб жойлар йиғиндиси, сиз эса битта жойда яшайсиз. Албатта, у ерларда нохуш ҳодисалар кўпроқ бўлади, чунки у ерлар бу ердан катта-да. Шунинг учун у ерлардаги барча жойлар сизники каби хавфсиз бўлса ҳам, барибир юзлаб даҳшатли ҳодисалар содир бўлади. Агар ҳар бир жойни алоҳида кузатсангиз, улардан кўпи қанчалик тинч эканини кўриб ажабланишингиз мумкин. Уларнинг ҳар бири телевизорингиз экранида фақат бирор мудҳиш ҳол содир бўлган кун кўриниш беради. Қолган кунлар эса улар ҳақида эшитмайсиз.

## Солиштиринг ва бўлинг

Янгиликларда ёлғиз рақамни кўрсам, у доим менга сигнал беради: бу рақамни нима билан солиштириш керак? Бу рақам бир йил аввал қандай бўлган? Ўн йил илгаричи? Қиёсланадиган мамлакат ёки минтақада нима бор? Уни нимага бўлиш мумкин? Бу қисми бўлган жами сон қанча? Киши бошига қанча бўлади? Мен даражаларни солиштираман ва шундан кейингина бунинг муҳим рақам экани ҳақида бир қарорга келаман.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – ёлғиз рақам таъсирли туюлаётганини (кичик ёки катта) англаш ва агар уни тегишли рақам билан солиштирсак ёки бўлсак, акс таассурот уйғотиши ҳам мумкинлигини ёдда тутишдир.

Ҳажм инстинктини бошқариш учун **вазиятларни тўғри нисбатда ўрганинг.**

- **Солиштиринг.** Катта рақамлар ҳамиша катта кўринади. Ёлғиз рақам алоҳида ҳолда чалғитади, унга кўр-кўрона ишонмай, шубҳаланишингиз керак. Доим солиштириш керак бўлган нарсани изланг. Энг яхшиси бирор нарсага тақсимланг.
- **80/20.** Сизга узун рўйхат берилдими? Унинг орасидан энг катталарини танлаб олинг ва биринчи бўлиб улар билан ҳисоблашинг. Улар қолганлардан анча муҳимроқ бўлади.
- **Бўлиб ташланг.** Рақамлар ва даражаларда турлича манзара акс этади. Даражалар кўпроқ маъно ташийди, айниқса, турли ҳажмдаги гуруҳларни солиштирганда. Хусусан, мамлакатлар ва минтақаларни солиштирганда киши бошига тўғри келадиган даражаларни аниқланг.

ОЛТИНЧИ БОБ

## УМУМЛАШТИРИШ ИНСТИНКТИ



**Нима учун данияликлар ҳақида ёлғон  
сўзлаганим ва ярим чала уй қуриш қандай  
қилиб оқилона иш бўлиши ҳақида**

### **Кечки овқат тортилди**

Конго дарёси жанубидаги Бандунду провинцияси саваннасида, тош ётқизилган йўл охиридан пиёда юрганда ярим кунлик масофада қизғиш қуёш акация дарахтлари ортига ботаётганди. Бу ерда ўта камбағал одамларни учрата-сиз: улар ҳеч қайси йўл олиб бормайдиган тоғ ортида қолиб кетган. Ҳамкасбим Торкильд билан мен ушбу чекка қишлоқдаги одамлар билан уларнинг таомлари ҳақида суҳбатлашиб кунни кеч қилгандик. Энди эса улар бизга зиёфат қилиб бермоқчи бўлишди. Ҳали ҳеч ким шунча узок юриб, улардан муаммолари ҳақида сўрамаган эди.

Худди 100 йил олдинги швециялик қишлоқ аҳлига ўхшаб, улар ҳам меҳмонга хурмати ва миннатдорлигини бисотидаги энг катта гўшти бериб ифодалади. Бизга таом



узатилаётганда бутун қишлоқ Торкильд иккимизнинг атрофимизга айлана бўлиб тизилиб олди. Иккита катта яшил барг устида иккита бутун, териси тозаланган, кўрада пиширилган каламуш ётарди.

Мен қайт қилиб юборсам керак, деб ўйладим. Кейин Торкильд аллақачон ейишни бошлаб юборганини пайқадим. Иккимиз ҳам кун бўйи туз тотмаганимиз учун қорнимиз оч эди. Атрофга алангладим. Қишлоқ аҳли менга жилмайиб, тикилиб турганди. Ейишга мажбур бўлдим ва едим. Аслида каламуш гўшти унчалик ҳам ёмон эмас экан. Товуқ гўшти таъмига бироз ўхшаб кетаркан. Одоб юзасидан лукманни юта туриб, ўзимни мамнун кўрсатишга уриндим. Кейин навбат десертга етди: пальма ёнғоғи дарахтидан олинган катта оқ личинкаларга тўла яна бир ликоп келтирилди. Катта деганда мен ҳар бири бош бармоғимдан ҳам узунроқ ва қалинроқ эканини назарда тутяпман. Улар ўз ёғига номига қовурилган эди. Аммо улар жуда чала қовурилганмикан, деб ўйладим. Чунки личинкалар қимирлаётгандек туюлди. Қишлоқликлар бизни бундай мазали хўрак билан сийлаётганидан фахрланарди.

Менинг қилич ютишим эсингизда бўлса керак. Тоғимдан исталган нарсани ўткази олишим керак. Бунинг устига овқат борасида инжиқ эмасман, ҳатто бир сафар чивинлардан тайёрланган бўтқа еганман. Лекин, йўқ, буни еёлмадим. Личинкаларнинг боши кичкина жигарранг ёнғоқларга ўхшарди, дўмбоқ танаси эса шаффоф бурама зефирга ўхшаб, ичаклари кўриниб турарди. Қишлоқ аҳли менга личинкаларни ўртасидан тишлаб, ичидагини сўришим кераклигини кўрсатди. Агар шундай қилсам, каламушни қайт қилиб юборардим. Уларни хафа қилгим йўқ эди.

Тўсатдан миямга бир фикр келди. Секин жилмайдимда, афсусланган кўйи:

– Узр, мен личинка еёлмайман, – дедим.

Торкильд ажабланиб, менга ўтирилди. Оғзининг икки бурчагидан иккита личинка осилиб турган эди. Унга ўша личинкалар ҳақиқатан ҳам жуда ёққан эди. Торкильд илгари Конгода миссионер бўлиб ишлаган. У ерда йил бўйи личинкалар ҳар ҳафтанинг муҳим қисми бўларди.

– Биласизларми, биз личинка емаймиз, – дедим гапим ишонарли чиқишига тиришиб.

Қишлоқ аҳли Торкильдга қаради.

– Лекин у еяпти-ку, – деди улар.

Торкильд менга тикилди.

– Ҳа, биласизларми, у бошқа қабиладан, – дедим мен. Мен Швецияданман, у эса Даниядан. Данияда личинкани маза қилиб тановул қилишади. Лекин Швецияда бунга ўрганишмаган.

Қишлоқ ўқитувчиси бориб, дунё харитасини кўтариб келди. Мен унда бизнинг икки мамлакатимизни ажратиб турувчи сувни кўрсатдим.

– Сувнинг бу тарафида личинка ейишади, – дедим мен, – бу тарафда эса биз емаймиз.

Бу мен айтган энг юзсизларча ёлғонлардан бири эди, аммо у иш берди. Қишлоқ аҳли десертни уларга бўлиб берганимдан хурсанд бўлди. Барча ҳар ерда турли қабилага мансуб одамларнинг одатлари ҳам фарқлича бўлишини билади.

## Умумлаштириш инстинкти

Ҳар бир одам борлиқдаги маълумотларни беихтиёр категорияларга бўлади ва умумлаштиради. Бу англамай бажарилади. Бунга жоҳил ёки маърифатли бўлишнинг алоқаси йўқ. Категориялар ишлашимиз учун жуда зарур. Улар фикрларимизни бир структурага солади. Тасаввур қилинг, агар биз ҳар бир нарса ва ҳар бир сценарийни чиндан ҳам ноёб деб билсак, уларнинг ҳар бирини номлашга сўз етмай қоларди.

Мазкур китобдаги бошқа инстинктлар сингари муҳим ва фойдали бўлган умумлаштириш инстинкти ҳам дунёқарашимизни бузиши мумкин. У бизни бир-биридан тамомила фарқ қиладиган гуруҳлар, одамлар ёки давлатлар ўртасидаги фарқдан эътиборимизни чалғитиши мумкин. Битта категорияга мансуб барча одамлар ва ҳамма нарса бир-бирига ўхшайди, деган фикрга олиб бориши мумкин. Ва энг ачинарлиси, у бизни бир нечта ёки ҳатто бир ноодатий мисолга асосланиб, бутун категория ҳақида хулоса чиқаришга мажбур қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари бу инстинктнинг ҳам дўсти бўлиб чиқади. Чалғитувчи умумлашмалар ва стереотиплар хабар етказишнинг тез ва осон йўли бўлиб, матбуот учун ўзига хос стенография вазифасини бажаради. Бугунги газетадаги бир қанча мисолларга қарайлик: кишлок ҳаёти, ўрта синф, супер она, жиний гуруҳ аъзоси.

Кўпчилик муаммоли умумлашма ҳақида хабардор бўлганда, бундай умумлашма стереотип деб аталади. Одамлар энг кўп ҳолатларда ирқ ва жинсга оид стереотиплар ҳақида гапирди. Булар кўплаб жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, лекин улар нотўғри умумлаштириш оқибатида келиб чиққан ягона муаммо эмас. Нотўғри умумлаштиришлар ҳар қандай мушоҳада учун ақлни блоклаб қўяди.

Бўшлиқ инстинкти дунёни “биз” ва “улар”га бўлса, умумлаштириш инстинкти эса “биз”ни “улар”нинг ҳаммаси бир хил деб ўйлашга мудом мажбур қилади.

Сиз IV даражаги тижорий компанияда ишлайсизми? Хато умумлаштириш туфайли потенциал истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг катта қисмини кўлдан бой бериш эҳтимолингиз юқори. Молия соҳасида, йирик банкда ишлайсизми? Мижозларингиз пулини нотўғри жойга тикиш эҳтимолингиз катта, чунки сиз бир-биридан

буткул фарк қиладиган одамларнинг ҳаммасини битта гуруҳ сифатида қабул қиласиз.


### 9-савол

Бугунги кунда Ер юзидаги 1 ёшли болаларнинг қанчаси муайян касалликка қарши эмланган?

- А. 20 фоиз
- Б. 50 фоиз
- В. 80 фоиз

Жамоатчилик фикрини ўрганадиган компаниялар менга турли экспертларнинг билимсизлик даражасини солиштиришда ёрдам беролмасди. Улар йирик корпорациялар ва ҳукумат ташкилотлари ходимлари орасида сўров ўтказмайдими. Шу сабабли мен маърузаларимнинг бошида аудиториямда сўров ўтказадиган бўлдим. Охири беш йил давомида 108 та маъруза ўқиган бўлсам, умумий 12 596 кишини тестдан ўтказдим. Бу савол энг кўп нотўғри жавоб берилгани бўлди. Қуйидаги жадвалга қаранг. У ерда қанча одам нотўғри жавоб беришига асосланиб, экспертларнинг 12 та гуруҳини шакллантирдим.

**9-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** нотўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган  
Бугунги кунда Ер юзидаги 1 ёшли болаларнинг қанчаси муайян касалликка қарши эмланган?  
(Тўғри жавоб: 80%, Жуда нотўғри жавоб: 20%.)



Энг ёмон натижа дунёнинг энг йирик банкларидан бирининг штаб-квартирасида халқаро молия менежерларининг йиллик йиғилишида кўринди. Бундай банкларнинг учтасида бўлганман. Улардан қайси бири бундай натижани кўрсатганини айтолмайман, чунки анонимликни сақлаб қолиш ҳақидаги қоғозга имзо чекканман. Залга йиғилган, башанг кийинган 71 нафар банкирнинг нақ 85 фоизи дунё болаларининг ниҳоятда оз қисми эмланган деб ишонар экан. Улар мутлако нотўғри жавоб берди.

Вакцинани заводдан чиқиб то боланинг қўлига етиб боргунча совуқ ҳолда сақлаш керак. Улар музлатилган контейнерларда дунё бўйлаб турли портларга етказилади, у ердан музлаткич юк машиналарига ортिलाди. Бу юк машиналари вакцинани маҳаллий клиникаларга элтади. Клиникада эса улар музлаткичларга жойланади. Бундай логистик тақсимлаш йўллари “совуқ занжир” деб аталади. Совуқ занжирлар ишлаши учун мамлакатда транспорт, электр энергияси, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари учун базавий инфраструктура мавжуд бўлиши керак. Бу айнан янги заводлар ташкил этиш учун зарур бўлган инфраструктурадир. Ҳақиқатда 88 фоиз боланинг эмлангани, аммо йирик молиявий инвесторлар буни 20 фоиз деб билиши уларнинг катта инвестиция имкониятларини (эҳтимол, дунёнинг энг тез ривожланаётган қисмларидан энг яхши даромад келтирадиганларини) кўлдан бой бериб, муваффақиятсизликка учраши эҳтимоли катта эканини кўрсатади.

Бундай нотўғри хулосалар миянгизга “улар” категориясини жойлаб олганингиз, унинг ичига эса инсониятнинг катта қисмини киритиб қўйганингиз оқибатида пайдо бўлади. Бу категориядагиларнинг ҳаёти қандай эканини тасаввур қилишда қандай тасвирлардан фойдаланасиз? Балки, янгиликларда кўрганингиз энг ёрқин ва энг ташвишга солувчи кадрларни эсларсиз? Назаримда, IV даражадагиларнинг бундай турдаги саволга

бу қадар нотўғри жавоб беришининг сабаби айнан шу – биз янгиликларда кўрадиган ўта кетган муҳтожлик инсониятнинг кўп қисми ҳақида стереотиплар шакллантириш билан тугайди.

Ҳар бир ҳомиладорлик тахминан икки йил ҳайз келмаслигига сабаб бўлади. Агар сиз ҳайз тагликларини ишлаб чиқарувчи тадбиркор бўлсангиз, бу бизнесингиз учун зарар. Шунинг учун дунё бўйлаб ҳар бир аёлга тўғри келадиган болалар сони камайиши ҳақида билишингиз ва бундан хурсанд бўлишингиз керак. Уйдан ташқарида ишлайдиган ўқимишли аёллар сонининг ошиши ҳам сизни қувонтириши керак. Чунки ушбу ривожланишлар сўнгги ўн йилликлар давомида ҳозирда II ва III даражада яшайдиган миллиардлаб ҳайз кўрадиган аёллар орасида сизнинг маҳсулотингиз учун улкан бозорни яратиб берди.

Аммо дунёнинг энг йирик санитар-гигиеник маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан бири ўтказган ички мажлисда қатнашганимда кўпгина Ғарб компаниялари бу нарсани кўздан қочирганини англаганман. Бунинг ўрнига улар янги харидор топишда IV даражада яшайдиган 300 миллион ҳайз кўрувчи хотин-қизнинг янги эҳтиёжлари билан овора бўлиб қолган. “Бикини кийганда ҳам қулай бўладиган янада юқароқ ҳайз таглигини чиқарсак-чи? Балки, лайкранинг ичидан қўйиладиган кўринмас ёстикчалар ҳақида ўйлаб кўрармиз. Ҳар бир кийим, ҳар бир вазият ва ҳар бир спорт тури учун махсус тагликлар чиқарсак қандай бўларкин? Альпинистлар учун ҳам алоҳида!” Бу тагликларнинг барчаси шунчалик кичкинаки, уларни кунига бир неча марта алмаштириб туриш керак. Лекин бошқа кўплаб тўйинган истеъмол бозорларидаги каби ҳайз ёстиклари бозорида ҳам барча асосий эҳтиёжлар қондирилган ва ишлаб чиқарувчилар кичикроқ сегментларда талаб яратиш учун беҳуда курашмоқда.

Айни чоғда, II ва III даражадаги ҳайз кўрадиган 2 миллиард хотин-қиз танлаши учун муқобил маҳсулотлар

кам. Бу аёллар лайкра киймайди, ультраюпка тагликларга ҳам пул сарфламайди. Уларга арзон ҳамда иш вақтида алмаштиравериш шарт бўлмаган, ишончли маҳсулотлар керак. Мана шундай маҳсулот топганда, бир умр шу брендникини сотиб олади ва кизларига ҳам шуни тавсия қилади.

Худди шу мантиқ бошқа кўплаб истеъмол товарларига ҳам тегишли ва мен бу фикрларни етакчи бизнесменларга ўқиган юзлаб маърузаларимда айтганман. Дунё аҳолисининг аксар қисми юқори даражага барқарор кўчиб ўт-япти. III даражадаги одамлар сони ҳозир икки миллиард бўлса, 2040 йилгача тўрт миллиардга етади. Дунёдаги деярли ҳамма истеъмолчига айланмоқда. Агар одамларнинг кўпи ҳали ҳам камбағал, деган янглиш тасаввурдан азият чексангиз, дунё тарихидаги энг катта иқтисодий имкониятингизни қўлдан бой берасиз ва маркетинг харажатларингизни Европанинг мегополисларидаги бадавлат ҳипстерлар\* орасида йога учун махсус ҳайз тагликларини оммалаштиришга исроф қилиб юборасиз. Бизнесменлар бўлғуси мижозларини топиш учун бизнес режа тузар экан, уларга фактларга асосланган дунёқараш керак.

## Аччиқ ҳақиқат

Кундалик ҳаётингизда умумлаштириш инстинкти сизга асқатади ва вақти-вақти билан у сизни жирканч нарса ейишдан халос қилади. Бизга категориялар доим керак. Нозик нуқта шундаки, биз оддий категорияларимиздан қай бири чалғитувчи (“ривожланган” ва “ривожланаётган” мамлакатлар каби) эканини англаш ва уларни яхшироқ категориялар (тўртта даромад даражасига ўхшагани) билан алмаштириш керак.

---

\*Ҳипстерлар — 1990-йилларда шаклланган ёшлар орасидаги субмаданиятлардан бири. “Ҳипстер” атамаси инглизча “hip” (урф) сўздан келиб чиққан. Ҳипстерлар ноёб усулда кийиниш, ноёб ёки мустақил қарашлар билан характерланади – *Тарж.*

Бунинг энг яхши усулларида бири, агар имкон бўлса, саёхатга чиқишдир. Шунинг учун мен Стокхольмдаги тиббиёт институти – Каролинска институтида халқаро соғлиқни сақлаш бўйича таълим оладиган талабаларимни I, II ва III даражадаги давлатларга таълим юзасидан боришга, у ердаги университет машгулотларида қатнашишга, касалхоналарга боришга ва маҳаллий аҳолининг уйида яшашга мажбур қилардим. Шахсий тажрибанинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Бу ёш швед талабалар одатда ўзига тўқ оиладан бўлади, дунёни яхшироқ маконга айлантиришни хоҳлайди, аммо дунёни тузукроқ билмайди. Уларнинг баъзилари дунё кўрганини айтади. Улар кўпинча экотуризм агентлиги ёнидаги қаҳвахонада капучино ичган, аммо бирорта хонадонга кириб кўрмаган бўлиб чиқади.

Ҳиндистонда Керала штатининг Тируванантапурам шаҳрига ёки Уганда пойтахти Кампалага саёхатнинг биринчи кунидан одатда улар шаҳарда шароит яхши эканидан ажабланади. Светофорлар бор, канализация тизими ишлайди, ҳеч ким кўчаларда ўлиб ётмайди.

Иккинчи кун жамоат касалхонасига борамиз. Деворлар бўёқсиз эканини, кондиционер йўқлигини ва битта палатада 60 киши ётишини кўриб, талабаларим бу ер ўта камбағалларнинг жойи деб ўйлаб, бир-бирига пичирлайди. Уларга ўта камбағал одамлар умуман касалхонага боролмаслигини тушунтиришимга тўғри келади. Ўта қашшоқ ҳаётда яшовчи аёлнинг кўзи лойсувоқ полда ёриydi. Унга қоронғида ялангоёқ йўл босиб келган ҳеч қаерда ўқимаган доя ёрдам беради. Менга шу пайт касалхона маъмури ёрдам беради. U II ва III даражадаги мамлакатларда деворлар атайин бўялмаслигини тушунтиради. Бу уларнинг қурби етмаганидан эмас. Бўёқлари кўчиб ётган деворлар кўп вақт ва қиммат даволаниш процедурасини талаб қиладиган бой беморларни ўзидан итаради, касалхоналарга тақчил ресурсларини кўпроқ одамларни тежамкор усуллар билан даволашда ишлатишига имкон беради.



Кейин талабаларим якинда диабет ташхиси кўйилган бир беморнинг инсулинга пули етмаслигини билиб қолади. Улар тушунмайди: агар диабет касаллигини аниқлай олса, демак, бу илғор касалхона бўлиши керак. Лекин беморнинг даволанишга қурби етмаслиги ғалати. Лекин II даражадагилар учун бу табиий ҳол: соғликни сақлаш тизими диагностика, шошилинич тиббий ёрдам ва қиммат бўлмаган дорилар учун пул ажратиши мумкин. Бу тирик қолиш даражасини сезиларли оширишга олиб келади. Аммо диабет каби сурункали касалликларни қиммат чоралар билан даволаш учун маблағ етмайди. (Агар нархлар тушмаса.)

Бир сафар II даража мамлакатларидаги ҳаётни нотўғри тушунгани талабамга сал қолса жуда қимматга тушарди. Биз Ҳиндистоннинг Керала штатида саккиз қаватли чиройли ва замонавий хусусий касалхонага боргандик. Фойеда гуруҳимиздаги кечикаётган бир талабани бироз кутиб турдик. 15 дақиқадан сўнг уни ортиқ кутмасликка қарор қилдик ва йўлақдан юриб, бир қанча койкалар сиғадиган катта лифтга чиқдик. Бизга мезбонлик қилаётган интенсив даволаш бўлими бошлиғи олтинчи қават тугмасини босди. Эшик энди ёпилаётганди, касалхона фойесига малласоч швед талабаси югуриб кирганини кўрдик.

– Бу ёққа, тезроқ югур! – дугонаси лифтнинг ичкарисидан бақирди ва эшик ёпилиб қолмаслиги учун оёғини чўзди.

Ҳаммаси тезда содир бўлди. Эшик ёпилиб, талабамнинг оёғини сиқиб кўйди. У оғриқдан ва кўрқувдан бақириб юборди. Лифт юқорига кўтарила бошлади. У янада баландроқ бақирди. Қизнинг оёғи эшикнинг юқорисига келганда мажакланишини англашим билан мезбонимиз лифтнинг нариги бурчагига сакраб ўтди ва қизил рангли фавқулудда тўхташ тугмасини босди. Кейин менга эшикни икки ёнга итариб, орасидан талабамнинг қонаб ётган оёғини суғуриб олишга ёрдам берди.

Шундан сўнг мезбонимиз менга қаради ва деди:

– Аввал сира бунақасини кўрмаганман. Бундай аҳмоқ одамларни қандай тиббий машғулотларга қабул қиласизлар?

Мен Швециядаги барча лифтларнинг эшигига сенсор ўрнатилганини тушунтирдим. Агар эшиклар орасига нимадир кўйсак, шу заҳоти ёпилишдан тўхтаб, қайта очилади. Ҳинд шифокори шубҳаланиб қаради.

– Ундай илғор механизм ҳар сафар тўғри ишлашига қандай ишонасизлар?

Жавобимдан ўзимни аҳмоқдек ҳис қилдим:

– Ҳар доим ишлайверади. Қатъий хавфсизлик қоидалари ва мунтазам текширувлари сабаб шундайдир, менимча.

У гапимга ишонқирамади.

– Ҳммм. Мамлакатингиз шунчалик хавфсизлигидан, чет элга борсангиз, дунё сиз учун хавfli бўлиб қолади.

Ишонтириб айтишим мумкинки, талаба қиз ҳеч ҳам аҳмоқ эмасди. У шунчаки ўзининг IV даражадаги лифт билан боғлиқ тажрибасини барча мамлакатлардаги барча лифтларга ўйлаб ўтирмай умумлаштириб қўя қолган эди.

Охирги кун одатда кичик хайрлашув оқшоми уюштирганимизда одамларнинг биз ҳақимиздаги умумлаштирилган фикрларини билиб оламан. Ҳиндистонда бўлган мана шундай базмга қиз талабаларим маҳаллий бозорлардан сотиб олган чиройли, ранг-баранг сариларда келди. (Лифтда оёғи жароҳатланган қиз соғайиб кетган эди.) Ўн дақиқадан кейин ўғил талабаларим келди. Уларнинг мастлиги шундоқ кўриниб турар, эгнига исқирт футболка ва йиртилган жинси шим кийиб олган эди. Ҳиндистоннинг етакчи суд-экспертиза тиббиёти профессори мен томонга эгилди-да, пичирлаб деди:

– Сизларда ёшлар севишиб турмуш қуради деб эшитганман, лекин бу ёлғон бўлса керак. Анавиларга қаранг. Ота-онаси мажбур қилмаса, ким ҳам уларга тегарди?!

Бошқа давлатларга саёҳат қилганда, фақат қаҳвахона билан чекланмай ҳақиқий ҳаёт билан ҳам юзлансангиз, сизнинг муҳитингизда табиий ҳисобланган умумлашмалар нафсиз, ҳатто хавfli эканини англайсиз.

### Менинг илк таассуротим

Талабаларимни танқид қилмоқчи эмасман. Ўзим ҳам улардан қолишмайман.

1972 йилда Бангалорда тиббиёт факультетида тўртинчи курсда ўқирдим. Биринчи катнашган дарсимда буйрак рентгенларини ўрганаётган эдик. Биринчи расмга қараб, бу буйрак саратони эканини пайқаганман. Аммо қолганларга хурмат сақлаган ҳолда овоз чиқариб айтишдан аввал бироз кутдим. Ўзимни кўз-кўз қилгим келмади. Кейин бир неча талаба қўлини кўтарди ва бирма-бир бу турдаги саратонни қандай аниқлаш мумкинлиги, қаерда ва нега тарқалиши ва қандай қилиб даволаш мумкинлигини тушунтирди. Уларнинг ҳар бири мен фақат кучли врачлар билиши мумкин деб ўйлаган нарсалар ҳақида 30 дақиқадан гапирди. Ўзимнинг хатомдан уялиб кетдим. Бошқа аудиториға кириб қолган бўлсам керак. Бу тўртинчи курслар эмас, мутахассислар бўлса керак. Уларнинг таҳлилиға кўшимча айтадиган гапим йўқ эди.

Дарсдан чиққач, ўша гуруҳдаги талабалардан бириға тўртинчи курсларнинг дарсиға киришим кераклигини айтдим.

– Тўртинчи курс – биз-ку, – деди у.

Мен ҳайратға тушдим. Уларнинг пешонасига кас-тасининг белгиси суртилган ва экзотик пальма дарахтлари ўсадиган жойда ўсган. Қандай қилиб мenden кўп билимға эға бўлиши мумкин? Орадан бир неча кун

Ўтиб, уларнинг дарслиги меникидан уч барабар қалин эканини билдим. Дарсликни улар мендан уч марта кўпроқ ўқиган.

Мен буни ҳаётимда биринчи марта дунёқарашимни ўзгартиришга мажбур қилган тажриба сифатида эслайман. Унгача ривожланган давлатдан келганим учун ўзимни бошқалардан устун деб билардим, Ғарб энг зўри, қолганлар ҳеч қачон унга етолмайди, деб фикрлардим. Аммо ўша пайт, бундан 45 йил илгари, Ғарбнинг дунёга ҳукмронлиги узокка чўзилмаслигини тушундим.

## **Умумлаштириш инстинктини қандай бошқариш мумкин?**

Агар саёҳат қилолмасангиз, хавотирга тушманг, илтимос. Нотўғри категорияларни ишлатишдан қочишнинг бошқа йўллари бор.

## **Яхшироқ категорияларни топинг: “Доллар кўчаси”**

Анна талабаларим билан қиладиган саёҳатимни кўп одамларга дунё ҳақида маълумот беришнинг содда ва амалга ошириб бўлмайдиган йўли, деб доим уқтирарди. Камдан-кам одам пешона тери билан топган пулини соҳил, мазали овқатлару барлар, эртакнамо ёввойи табиатдан узок бўлган I, II ёки III даражадаги жойларга канализацияга уланмаган ҳожатхоналарни синаб кўриш ва ғариб ҳаётни ҳис қилиш учун сарфлашни хоҳлайди.

Кўп одамлар глобал тенденциялар ва нисбатлар ҳақидаги маълумотларни ўрганишга қизиқмайди. Ҳатто маълумотларга қараб туриб ҳам турли даражадаги одамларнинг кундалик ҳаёти қандай эканини тушуниш қийин.

Бўшлиқ инстинкти ҳақидаги бобда даражаларни тас-  
вирлашда ишлатилган суратларни эслайсизми? Улар-  
нинг ҳаммаси Аннанинг креслода ўтирганча саёҳат  
қиладиганларга дунё ҳақида маълумот бериш учун ишлаб  
чиққан “Доллар кўчаси” лойиҳасидан олинган. Энди  
уйдан чиқмай туриб ҳам одамлар аслида қандай яшашини  
тушуна оласиз.

Тасаввур килинг, дунёдаги барча уйлар даромад  
даражасига кўра сараланиб, битта узун қаторда жой-  
лашган. Энг камбағаллар чапдан охирида яшайди, энг  
бойлар ўнг тарафдан энг охирида яшайди. Қолганлар-  
чи? Албатта, энди бу сизга сир эмас: кўп одамлар  
ўртада яшайди. Бу кўчадаги уйингизнинг рақами даро-  
мадингизнинг кўрсаткичи ҳисобланади. “Доллар кўча-  
си”даги қўшнилариингиз даромади сизники билан тенг  
бўлган дунё аҳлидир.

Анна шу пайтгача 50 дан ортиқ мамлакатга сурат-  
чиларни жўнатган ва улар 300 дан ортиқ хонадонга борган.  
Улар олган суратлар одамлар қандай овқат ейиши, қандай  
ухлаши, тишини қандай тозалаши ва таомни қандай  
тайёрлаши ҳақидаги ҳужжатдир. Суратлар одамларнинг  
уйлари нимадан қурилгани, улар қандай иситилиши ва  
ёритилиши, ҳожатхона ва печлар каби кундалик буюмла-  
ри ва умуман олганда ҳар кунлик ҳаётнинг 130 дан ортиқ  
жабҳасини кўрсатади. Биз китобни турли мамлакатда  
яшовчи, аммо даромади бир хил бўлган одамларнинг  
ҳаёти ўртасидаги ўхшашлик ҳамда бир мамлакатда  
яшайдиган одамларнинг ҳаёти орасидаги катта фарқ акс  
этган суратлар билан тўлдириб ташлашимиз ҳам мумкин  
эди. Қўлимизда жами 40 мингта сурат бор.

Суратлардан аниқ хулоса қилиш мумкинки, одам-  
ларнинг яшаш тарзига таъсир қилувчи асосий омил  
уларнинг дини, маданияти ёки яшаб турган мамлақати  
эмас, балки топадиган даромадидир.

ТИШ ЧЎТКАЛАР



I ДАРАЖА

II ДАРАЖА

III ДАРАЖА

IV ДАРАЖА

Манба: Доллар кўчаси

Кўриб турганингиз – турли даромад даражаларидаги оилаларнинг тиш чўткалари. I даражада тишингизни бармоғингиз ёки бирор чўп билан тозалайсиз. II даражада елим тиш чўтка оласиз. III даражада ҳар бирингизнинг чўткангиз алоҳида бўлади. IV даража билан эса аллақачон танишсиз.

АҚШ, Вьетнам, Мексика, Жанубий Африка ёки дунёнинг бошқа исталган бурчагида IV даражадаги шаронгта яшовчи оилаларнинг ётоқхоналари (ё ошхоналари, ёки яшаш хоналари) бир-бирига жуда ўхшаш.

IV ДАРАЖАДАГИ ЁТОҚЛАР



Мексика



Хитой




Украина



Швеция




Жанубий Африка



Иордания



Жанубий Корея



Покистон




Вьетнам



Непал



Кения




Миср

Манба: Доллар кўчаси

Хитойда II даражада яшовчи оиланинг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаши ва тайёрлаши Нигериядаги II даражада яшовчи оиланинг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлаш услубига ўхшайди.

II ДАРАЖА ГАЗЛАРИ: ЎЧОҚЛАР



Нигерия



Хитой

Манба: Доллар кўчаси

Дарҳақиқат, Филиппин, Колумбия ёки Либерияда яшасангиз ҳам, агар II даражага мансуб бўлсангиз, шу даражадаги қолган 3 миллиард киши билан турмуш тарзингиздаги асосий жиҳатлар ўхшаш бўлади.

Уйингизнинг томида ямалган жойлар бор, шунинг учун агар ёмғир ёғса, чакка ўтиши, уйингиз совиб кетиши мумкин.

II ДАРАЖА ТОМЛАРИ: ЯМОҚ ТОМЛАР



Филиппин



Колумбия



Либерия

Манба: Доллар кўчаси

Тонгда ҳожатхонага борсангиз, бадбўй хид анқиётган ва пашша талаётган бўлади, лекин ҳеч курса, сизни ўраб турган девор бор.

II ДАРАЖА ҲОЖАТХОНАЛАРИ: ЧУҚУРЧАЛАР



Индонезия

Вьетнам

Перу

Манба: Доғлар тўқмаи

Деярли ҳар куни тонгда ҳам, тушликда ҳам, кечки овқатда ҳам бир хил нарса тановул қиласиз. Турли-туман ва мазалироқ таомларни орзу қиласиз.

Электр токи барқарор бўлмагани учун чироқ мил-тиллайди. Чироқ ўчиб қолган кезларда ой нурига қараб қоласиз. Эшикка осма кулф илиб, уйингизни кўриқлайсиз.

Тунда ухлашга ётишдан олдин оилангиз учун умумий бўлган тиш чўткасида тишларингизни тозалайсиз. Кейин ортиқ бувингиз билан битта чўткадан фойдаланмайдиган кунлар келишини орзу қиласиз.

Матбуотда биз доим IV даражадаги ҳаёт, қолган даражалардаги инкироз акс этган суратларни кўрамиз. “Google”дан ҳожатхона, каравот ёки плита деб қидирув-га беринг-чи. Фақат IV даражага оид суратлар чиқади. Агар бошқа даржадаги ҳаёт қандай эканини кўрмоқчи бўлсангиз, “Google” ёрдам бермайди.

### Категорияларингизга шубҳа билан қаранг

Агар категорияларингизни тўғрилигига доим шубҳа қил-сангиз, бу сиз учун фойдали бўлади. Ўзингизга ёққан ка-



тегорияларни шубҳа остига олишнинг бешта кучли усули куйидагича: гуруҳ ичидаги фарқ ва гуруҳлараро ўхшашликни қидиринг; “кўпчилик”дан эҳтиёт бўлинг; истисно ҳолатларга хушёр бўлинг; ўзингизни “нормал” эмасман деб тасаввур қилинг; бир гуруҳни бошқаси билан умумлаштиришда эҳтиёт бўлинг.


### **Гуруҳ ичидаги фарқ ва гуруҳлараро ўхшашликни қидиринг**

Агар битта давлатнинг ичидаги катта фарқлар ва бир хил даромад даражасига эга турли давлатлар орасидаги катта ўхшашлик на маданиятга ва на динга боғлиқлигини кўрсангиз, мамлакатга оид стереотиплар ўз-ўзидан йўқка чиқади.

Нигерия ва Хитойдаги II даража оилаларининг қозонлари ўртасидаги ўхшашлик эсингиздами? Агар фақат Хитойдан олинган суратни кўрсангиз, эҳтимол, “Хитойда сувни шундай иситишар экан-да. Уч оёқли темир ўчоқ тагига олов ёқиб, устига чўян қозон қўйиларкан. Уларнинг маданиятида шундай экан”, деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ. Бутун дунёда II даражада яшовчи оилалар сувни шундай иситади. Бу даромад масаласидир. Хитойда эса худди бошқа мамлакатлар сингари одамлар турли услубда овқат пиширади. Бу уларнинг маданиятига эмас, балки даромад даражасига боғлиқ.

Кимдир бирор шахснинг ҳаракатини муайян гуруҳга — миллат, маданият, динга мансублиги учун амалга оширганини айтса, хушёр бўлинг. Айти гуруҳда бошқача феъл-атвор ҳам кузатиладими? Ёки бошқа гуруҳларда худди шундай хулқ-атвор ҳақида эшитганмисиз? .

АФРИКАДА СОҒЛИҚ ВА БОЙЛИК ОРАСИДАГИ ФАРҚ



Африка ўзида 54 та мамлакат ва 1 миллиард аҳолини жамлаган улкан қитъа. Африкада ривожланишнинг барча даражасидаги одамларни топиш мумкин: юқоридаги пуфакчали жадвалда Африканинг барча мамлакатларини белгилаганман. Сомали, Гана ва Тунисга қаранг. “Африка мамлакатлари” ва “Африка муаммолари” ҳақида гапириш бемаъ依иликнинг ўзгинаси, лекин одамлар гапирaveraди. Бу Либерия ва Сьерра-Леонеда тарқаган эбола вирусини автомашинада юрганда 100 соатли масофада жойлашган Кения туризмга таъсир қилганига ўхшаш кулгили натижаларни келтириб чиқаради. Бу Лондондан Техронгача бўлган масофадан ҳам узунроқ.

“Кўпчилик”дан эҳтиёт бўлинг

Кимдир гуруҳдаги кўпчиликда бирор хусусият борлигини айтса, бу уларнинг катта қисмига тегишлидек туюлади. Кўпчилик шунчаки ярмидан кўп деган маънони беришини ёдингизда сақланг. Бу 51 фоиз бўлиши мумкин. Ёки 99 фоиз. Агар иложи бўлса, фоизини сўранг.

Масалан, бир фактни келтирай: дунёнинг барча мамлакатларида кўпчилик аёллар контрацептив воситаларга бўлган эҳтиёжи қондирилганини айтади. Бу нима дегани? Деярли ҳаммада бор деганими? Ёки аёлларнинг ярмидан

сал кўпроги ишлатадими? Аслида эса бир мамлакатдаги фоиз бошқа бириникидан катта фарқ қилади. Хитой ва Францияда 96 фоиз аёл контрацептив воситаларга бўлган эҳтиёжи қонишини айтади. Буюк Британия, Жанубий Корея, Таиланд, Коста-Рика, Никарагуа, Норвегия, Эрон ва Туркияда эса 94 фоиз. Аммо Ҳаити ва Либерияда “кўпчилик” – 69 фоизни, Анголада бор-йўғи 63 фоизни англатади.

## **Истисно ҳолатларга ҳушёр бўлинг**

Бутун гуруҳ ҳақида фикр билдириш учун фойдаланилган истисно ҳолатлардан эҳтиёт бўлинг. Хемофобия – кимёвий моддалардан кўрқиш айрим зарарли моддаларнинг бир нечта ёрқин, аммо истисно ҳолат ҳисобланган мисолларини умумлаштириш натижасида юзага келган. Баъзи одамлар барча кимёвий моддалардан кўрқадиган бўлиб қолади. Лекин ҳамма нарса – хоҳ “табiiй” бўлсин, хоҳ саноат маҳсулоти – кимёвий моддалардан таркиб топишини унутманг. Мана бу эса ҳаётимни уларсиз тасаввур қилишни истамайдиган сеvimли кимёвий моддаларим: совун, цемент, пластмасса, кир ювиш воситалари, ҳожатхона қоғози ва антибиотиклар. Агар кимдир сизга битта мисол келтирса-ю, бутун гуруҳ ҳақида хулоса чиқаришингизни хоҳласа, яна бошқа мисоллар келтиришини сўранг. Ёки тескарисига айлантинг, яъни бунга қарама-қарши мисол қарама-қарши хулоса чиқаришингизга ундайдими? Агар битта хавфли кимёвий моддага асосланиб, барча кимёвий моддалар хавфли деган хулосага келсангиз, битта хавфсиз кимёвий моддага асосланиб, барча кимёвий моддалар хавфсиз деган хулоса чиқаришга тайёрмисиз?

## **Ўзингизни “нормал” эмасман деб тасаввур қилинг, бошқаларни аҳмоқ деб ўйламанг**

Оёғингиз лифтга қисилиб қолиши ёки бошқа жиддий хатоларга йўл қўймаслик учун сиз билганларингиз нор-

мал бўлмаслиги эҳтимоли борлигини қабул қилинг. IV даражадаги тажрибангиздан келиб чиқиб, дунёнинг қолган қисмида ҳам шундай деб умумлаштириб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Айниқса, бу қолган одамлар аҳмоқ деган хулосага олиб келадиган бўлса.

Агар тўртала даражадаги хос турмуш тарзига эга одамлар яшовчи Тунисга борсангиз, мана бу расмдагидек ярим чала қурилган уйларга дуч келишингиз мумкин. Бу уй мамлакат пойтахти Тунисда яшовчи Салҳилар оиласига тегишли. Уйларга қараб, тунисликлар дангаса ёки тартибсиз деб хулоса қилишингиз мумкин.

Сиз Салҳилар оиласининг “Доллар кўчаси”даги уйига боришингиз ва улар қандай яшашини кўришингиз мумкин. Мабрук 52 ёш, боғбон. Рафиқаси Жамила 44 ёш, уйда нарса пишириб сотади. Кўшнилариининг кўпи худди уларга ўхшаб уйининг иккинчи қаватини чала қурилган ҳолда қолдирган. Бундай ҳолатни сиз дунёнинг ҳар бир бурчагидаги II ва III даражада яшовчи одамлар орасида кўрасиз. Швецияда кимдир уйини шу тартибда курса, биз унинг қурилиш лойиҳасида жиддий муаммо бор ёки қурувчилар қочиб кетган, деб ўйлаймиз. Лекин Швецияга қараб, Тунис ҳақида хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.



Салҳилар ва улар каби турмуш кечирадиган кўплаб оилалар бир қанча муаммоларни бир вақтда ечишнинг ажойиб усулини топган. II ва III даражадаги оилалар жам-фармасини банкка қўёлмайди, ипотека ҳам ололмайди. Шунинг учун уйини кўтармоқчи бўлса, улар бир уюм пул тўплаши керак. Лекин пулни ўғирлатиб қўйиш ёки инфляция туфайли қадрини йўқотиш мумкин. Шунинг учун Салҳилар қўлига пул тушганида ғишт сотиб олади. Ғиштнинг қадри йўқолмайди. Лекин ғиштларни сақлаш учун ичкарида етарлича жой йўқ, ташқарида қолдирса, биров ўғирлаб кетиши мумкин. Яхшиси, уларни сотиб олишингиз билан уйга қўшганингиз маъкул. Ўғрилар ўғирлай олмайди. Инфляция уларнинг қадрини ўзгартирмайди. Ҳеч ким сизнинг кредит маълумотларингизни текширолмайди. Натижада 10-15 йилда секин-аста оилангизга яхшироқ уй куриб битирасиз. Салҳилар дангаса ёки тартибсиз деб ўйлаш ўрнига уларни ақли деб ҳисобланг ва ўзингизга савол беринг: “Бу нимаси билан оқилона ечим бўлиши мумкин?”

### **Бир гуруҳни бошқаси билан умумлатиришда эҳтиёт бўлинг**

Бир пайтлар 60 минг кишининг ўлимига сабаб бўлган нотўғри умумий хулосага ишонардим ва тарғиб қилардим. Агар соғлиқни сақлаш соҳаси янглиш умумий хулосаларни шубҳа остига олганида қанча одамнинг ҳаётини сақлаб қолса бўларди.

1974 йил оқшомларининг бирида Швециядаги кичик бир шаҳардаги супермаркетга нон олгани кирдим ва тўсатдан бир гўдак ҳаёти хавfli ҳолатда эканини кўриб қолдим. У нон бўлимидаги аравадада ётганди. Онаси ундан ўгирилиб, нон танлаш билан овора эди. Унинг малакасиз кўзлари хавфни кўрмаётганди, аммо яқиндагина тиббиёт факультетини тамомлаган бўлганим

учун менга гўё фавкулудда кўнғирок чалингандек бўлди. Онани кўрқитиб юбормаслик учун югуриб боришдан ўзимни зўрға тийдим. Ўрнига араваганинг олдига иложи борича тезроқ юриб бордим-да, чалқанча ухлаб ётган гўдакни кўлимга олдим. Уни ўгириб, қорни билан ётқизиб кўйдим. Кичкинтой уйғонгани ҳам йўқ.

Кўлида нон кўтарган она хужумга тайёр бўлиб, менга ўгирилди. Унга тезда шифокор эканимни айтдим ва болаларнинг тўсатдан ўлиши синдроми ҳақида тушунтириб, соғлиқни сақлаш соҳасидагилар ота-оналарга бераётган янги маслаҳатини айтдим: ухлаётган гўдакни чалқанча ётқизмаслик керак, акс ҳолда, қайт қилгани томоғига тикилиб, бўғилиб қолиш хавфи бор. Ҳозир унинг боласига ҳеч қандай хавф йўқ эди. Она ҳам кўрқаётган, ҳам хотиржам тортган эди. Оёқлари титраганча харид қилишни давом эттирди. Мен эса ўзимдан ғурурланиб, харидимни тугатдим. Ўша пайт аслида катта хато қилганим хаёлимни бир четига ҳам келмаганди.

Иккинчи жаҳон уруши ва Корея урушида шифокорлар ва ҳамширалар бир нарсани кашф қилди. Унга кўра, жанг майдонида қорни билан ҳушсиз ётган аскарлар чалқанча ётганларига қараганда яшаб қолиш эҳтимоли каттарок эди. Чалқанча ётган аскарлар кўпинча ўз қусқисига бўғилиб қоларди. Қорни билан ётган аскарларда қусқи оғзидан чиқиб кетар ва нафас йўллари очиқ қоларди. Бу кузатув нафақат аскарларни, балки бошқа миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. “Тикланиш позицияси” шундан кейин Ер юзининг барча нуқтасида биринчи тез тиббий ёрдам курсларида ўқитиладиган энг яхши амалиётга айланди. (2015 йил Непалда юз берган зилзилада одамлар ҳаётини сақлаб қолган кутқарувчилар бунинг нималигини яхши билади.)

Лекин янги кашфиёт осон умумлаштирилиши мумкин. 1960-йилларда тикланиш позициясининг муваффақияти соғлиқни сақлаш тизимида янги йўриқ ишлаб чиқишга

олиб келди. Эндиликда кўпгина анъанавий амалиётларга зид равишда уйқудаги чақалоқни қорни билан ётқизиш жорий қилинди. Гўё чалқанча ётган ҳар қандай кўмакка муҳтож одамга худди шу нарса ёрдам берадигандек.

Бундай умумлашмаларнинг ақлга тўғри келавермаслигини аниқлаш кўпинча мушкул. Мантикий занжир тўғридек туюлади. Мантиқан мустаҳкамдек кўринган фикрни эзгу ният билан бирлаштирганда умумлаштириш хатоларини аниқлаш иложсиз бўлиб қолади. Ҳатто статистика болаларнинг тўсатдан ўлиши камайиш ўрнига кўпайиб кетаётганини кўрсатса ҳам, фақат 1985 йилга келибгина Гонгконгда бир гуруҳ педиатрлар болалар ўлимига юзтубан ётиш ҳолати сабаб бўлиши мумкин, деб тахмин қилди. Ҳатто шунда ҳам европалик шифокорлар бунга етарлича эътибор бермади. Швед ҳукумати хатосини тан олиб, аввалги тартибни тиклашига етти йил вақт кетди. Беҳуш аскарлар чалқанча ётиб қайт қилганида ўлган. Аммо улардан фарқли равишда уйқудаги гўдакларнинг рефлекслари тўлиқ ишлайди ва чалқанча ётганда қайт қилса, бошини ён тарафга буради. Қорни билан ётганда баъзи чақалоқлар учун боши оғирлик қилади. Бошини кўтаролмагач, нафас йўллари ҳам очолмай қолиши мумкин. (Юзтубан ҳолатнинг хавфлилиги сабаби ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган.)

Нон растасидаги она унинг боласини хавфга қўяётганимни қандай ҳам англади? У мендан исбот талаб қилиши мумкин эди. Мен унга беҳуш аскарлар ҳақида айтиб берган бўлардим. У мендан сўраши мумкин эди:

– Лекин, доктор, бу қадар умумлаштириш тўғримиқан? Ухлаётган бола билан хушсиз аскар бир эмас-ку!

Гарчи шундай деганида ҳам, мен бунга ўйлаб кўрмаган бўлардим.


Ўн йилдан зиёд даврда ўз қўлларим билан қанча чалқанча ётган чақалоқни бўғилиб қолмаслиги учун, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўгириб, қорни

билан ётқизиб келганман. Европа ва АҚШдаги бошқа шифокорлар ва ота-оналар ҳам Гонконгдаги тадқиқотлар хулосаси эълон қилингандан кейин, 18 ой ўтиб, йўриқнома бекор қилингунча шундай йўл тутди. Минглаб чақалоклар кенг қамровли ушбу умумлашма оқибатида вафот этди. Уларнинг айримлари далиллар аллақачон мавжуд бўлган ойларга тўғри келади. Кенг қамровли умумлашма эзгу ниятнинг ортига осон яширинади.

Ўша нон растасидаги гўдак тирик қолганига фақат умид қилишим мумкин. Ва яна одамлар соғлиқни сақлаш соҳасининг мазкур катта хатосидан сабоқ чиқаришига умид қиламан. Биз барчамиз бир-бирига қиёслаб бўлмайдиган гуруҳларни умумлаштирмасликка астойдил ҳаракат қилишимиз зарур. Биз мантиғимиздаги махфий янглиш умумлашмаларни аниқлашга уринишимиз керак. Уларни аниқлаш осон эмас. Лекин янги далил келтирилганда, доим аввалги тахминларимизни сўроқ қилишга, фикрларимизни қайта ўрганиб чиқишга ва янглишганимизни тан олишга тайёр бўлишимиз лозим.



## Фактдорлик



**Фактдорлик** – бирор нарсани тушунтираётганда бир категориядан фойдаланаётганини англаш ва категориялар баъзан адаштиришини эсда тутиш. Биз барча нарсани умумлаштиришдан воз кечолмаймиз, бунга ҳаракат ҳам қилмаслигимиз керак. Биз нотўғри умумлашмалардан қочишга ҳаракат қилсак бўлгани.


Умумлаштириш инстинктини бошқариш учун категорияларингизни шубҳа остига олинг.

- **Гуруҳ ичидаги фарқларни** изланг. Айниқса, гуруҳ катта бўлса, уни кичикроқ, аниқроқ категорияларга бўлиб ташлаш йўлини изланг. **Ва...**
- **Гуруҳлар орасидаги ўхшашликларни** изланг. Агар турли гуруҳлар орасида эътиборли ўхшашликни топсангиз, категорияларингиз уларни қанчалик тўғри ифодалайди, шунинг ҳисобга олинг. **Шунингдек...**
- **Гуруҳлар орасидаги фарқни** изланг. Бир гуруҳга (масалан, сиз ва IV даражадаги бошқа одамлар ёки беҳуш аскарлар) хос нарса бошқа гуруҳда (масалан, IV даражада яшамайдиган одамлар ёки ухлаётган чақалоклар) ҳам учрайди деб ўйламанг.
- **“Кўпчилик”дан эҳтиёт бўлинг.** Кўпчилик шунчаки ярмидан кўп деганидир. Бу 51 фоизми, 99 фоизми ёки оралиқ бошқа рақамми, аниқлаштиринг.

- **Ёрқин мисоллардан эҳтиёт бўлинг.** Ёрқин кадрлар эслаб қолишга осон, аммо улар қондадан ҳам кўра истисно ҳоллар бўлиши мумкин.
- **Одамларни аҳмоқ деб ҳисобламанг.** Бирор нарса ғалати кўринса, қизиқинг, камтар бўлинг ва ўйланг: “Бу нимаси билан оқилона ечим бўлиши мумкин?”

ЕТТИНЧИ БОБ

## ТАҚДИР ИНСТИНКТИ



**Ҳаракатланувчи тошлар ва бобом сира  
айтмаганлар ҳақида**

### **Қизил қор ёққанда**

Яқинда мени Эдинбургдаги беш юлдузли “Балморал” меҳмонхонасига капитал менежерлар ва уларнинг энг бадавлат мижозлари учун тақдимот ўтказишга таклиф қилишди. Шифти баланд ҳашаматли залда керакли жиҳозларимни жойлар эканман, ўзимни митти одамдек ҳис қилдим, хаёлимдан шундай бадавлат молия институти нега мижозларига швециялик жамоат соғлиғи профессори маъруза ўқишини истаб қолди экан-а, деган савол айланарди. Тадбирдан бир неча ҳафта олдин менга ҳаммаси ҳақида қисқача маълумот беришган эди, аммо ишончим комил бўлиши учун охирги марта тайёргарлик асносида саҳнага чиққанимда конференция ташкилотчисидан яна

бир бор буни сўрадим. У очикча тушунтирди. Айтишича, у мижозларига энг кўп даромад келтирадиган инвестицияларни тош кўчаларию Ўрта асрларга оид қасрлари билан ном чиқарган Европа пойтахтларига эмас, балки Осиё ва Африканинг ривожланаётган бозорларига кириш кераклигини сира тушунтира олмаётган экан.

“Мижозларимизнинг кўпи Африка давлатларида кечаётган ривожланишни кўрмаяпти ёки қабул қилолмаяпти, — деди у, — уларнинг хаёлида Африка — тараққий этмайдиган қитъа. Сизнинг анимацион жадвалларингиз уларнинг тургун қарашларини ўзгартиришини иштайман.

Маърузам яхши ўтгандек туюлди. Уларга охириги ўн йилликларда иқтисодий ривожни билан бутун дунёни ҳайратга солган Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Индонезия, Филиппин ва Сингапур сингари Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсишига қадар бир неча ўн йилликда қандай қилиб барқарор ижтимоий тараққиётга эришганини кўрсатдим. Худди шу жараён энди Африканинг айрим қисмларида қандай рўй бераётганини тушунтирдим. Таълим ва болаларнинг тирик қолиши бўйича жадал ривожланиб келаётган Африка мамлакатлари ҳозирда сармоя киритиш учун, эҳтимол, энг яхши жой бўлиши мумкинлигини айтдим. Шу ўринда Нигерия, Эфиопия ва Ганани тилга олдим. Тингловчилар ҳайрон бўлганча мени диққат билан эшитди ва ўринли саволлар берди.

Тақдимотдан сўнг ноутбукимини йиғиштираётганимда сочлари оқарган, оч рангли катак костюм-шим кийган (ичида нимчаси ҳам бор эди) киши аста қадам босиб саҳнага чиқиб келди ва майин табассум билан деди:

“Сиз келтирган рақамларни кўрдим, гапларингизни ҳам эшитдим. Аммо Африка қизил қор ёққандагина тараққий этади, деб кўрқаман. Нигерияда хизмат қилганим учун буни яхши биламан. Биласизми, уларнинг маданияти шундай. Бу маданият африкаликларнинг замонавий жамият қуришига йўл қўймайди. Ҳеч қачон. ҲЕЧ ҚА-ЧОН!”

Эндигина фактларга асосланиб жавоб бериш учун оғиз жуфтлаган эдим, у елкамга енгил қоқиб қўйди-да, чой ичгани чиқиб кетди.

## Тақдир инстинкти

Тақдир инстинкти – туғма характерли одамлар, мамлакатлар, динлар ёки маданиятлар тақдирини белгилайди, деган ишонч. Муайян нарсаларнинг ҳозирги ҳолатига олиб келган муқаррар сабаблар мавжуд: улар доим шундай бўлиб келган ва ҳеч қачон ўзгармайди. Ушбу инстинкт бизни олтинчи бобдаги нотўғри умумлашмалар ёки биринчи бобдаги жозибатор бўшлиқлар нафақат тўғри, балки тақдир ҳам эканлигига, улар сира ўзгармаслиги ҳамда ўзгартириб ҳам бўлмаслигига одамни ишонттиради.

Ушбу инстинкт қандай қилиб эволюцион мақсадга хизмат қилганини пайқаш осон. Тарихан одамлар, кўп ҳам ўзгармайдигаң муҳитда яшаган. Тирик қолиш учун атрофдаги ҳодисалар қандай кечишини билиб олиш ва бу ҳодисалар доим шу зайлда давом этади, деб ҳисоблаш ўша билимни ҳар сафар текшириб, янгилаб туришдан кўра яхшироқ бўлган.

Ўзингиз мансуб гуруҳ учун бирор тақдирни танлаш уни бир ўзгармас мақсад атрофида бирлаштириш, шунингдек, бошқа гуруҳларга нисбатан устуворлик ҳиссини яратишда фойдали бўлишини англаш қийин эмас. Бундай ғоялар қабилалар, уруғлар, миллатлар ва империяларни бошқаришда муҳим бўлган, эҳтимол. Лекин бугунги кунда нарсаларни ўзгармас деб билиш инстинкти, билимларимизни янгиласлик одати атрофимизда содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларни кўрмай қолишимизга сабаб бўлади.

Жамиятлар ва маданиятлар тош эмаски, ўзгармай бир жойда турса. Улар ҳаракатланади. Ғарб жамияти ва маданияти ўзгаради, бошқа жамиятлар ва маданиятлар

хам ўзгаради. Ўйлаганингиздан анча тезроқ. Шунчаки буларнинг бари (энг тез содир бўладиган маданий ўзгаришлар) интернет, смартфонлар ва ижтимоий тармоқларнинг оммалашишидан ташқари – шунчалар секин кечадики, сезилмайди ёки янгилик сифатида эътироф этилмайди.

Тақдир инстинктининг энг ёрқин намунаси ҳалиги эдинбурглик жентльменнинг Африка ҳамиша қоқоқлигича қолади ва ҳеч қачон Европага етиб олмайди, деган фикридир. Бу инстинктнинг бошқа бир мисоли, “муслмон олами” “насоний олами”дан тубдан фарқ қилади. Анъанавий ва ўзгармас “қадриятлари” туфайли у ёки бу дин, китъа, маданият ёки миллат ҳеч қачон ўзгармайди (ёки ўзгармаслиги шарт). Буларнинг бари битта ғоянинг турли кўринишлари, холос. Бир қарашда қандайдир таҳлиллар борга ўхшайди. Чуқурроқ назар солсак, инстинктларимиз бизни бошлаб аҳмоқ қилган бўлади. Ушбу баландпарвоз гаплар кўпинча факт ниқоби остига яширинган оддий ҳиссиётлардир.

### 10-савол

Дунё бўйича 30 ёшли эркеклар ўртача 10 йил умрини ўқишга сарфлаган бўлади. Худди шу ёшдаги аёллар неча йилни ўқишга сарфлаган бўлади?


- А. 9 йил
- Б. 6 йил
- В. 3 йил

Умид қиламанки, бу китобда энг ижобий жавобни танлаш энг хавфсиз усул эканини тушуниб қолдингиз. Ўттиз ёшли аёл умрининг ўртача тўққиз йилини мактабга сарфлайди – эркекларникидан бор-йўғи бир йил кам.

Ақсар европаликлар Европа маданияти нафақат Африка ва Осиё маданиятидан, балки Американинг истеъмол маданиятидан ҳам устунроқ деган иллюзияга ишониб, такаббурлик қилади. Аммо драмага келганда, ким кўп-

роқ истеъмол қилиши менга қизик. 26 фоиз америкалик респондент тўғри жавобни танлаган. Испания ва Бельгияда бу кўрсаткич 13 фоиз, Финляндияда 10 фоиз, Норвегияда бўлса атиги 8 фоиз.

**10-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. Дунё бўйича 30 ешли эркеклар ўртача 10 йил умрини ўқишга сарфлаган бўлади. Худди шу ешдаги аёллар неча йилни ўқишга сарфлаган бўлади? (Тўғри жавоб: 9 йил)



100%

Manba: Ipsos MORI, Novus

Савол ҳозирги кунда Скандинавия оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётган гендер тенгсизлик ҳақида. Биз дунёнинг қолган қисмида аёлларга нисбатан шафқатсиз зўравонликнинг доимий мисолларини мунтазам кузатиб турамыз, шунингдек, кўп қизлар мактабда ўқимайдиган Афғонистонга ўхшаган жойлардан хабарлар ўқиб турибмиз. Бу манзаралар Скандинавияда кенг тарқалган тасаввур – бошқа ерларда гендер тенглик ривожланмаган, кўп маданиятлар бу борада қотиб қолган деган қарашни тасдиқлайди.

## Тош қандай ҳаракатланади?

Маданиятлар, миллатлар, динлар ва одамлар тош эмас. Улар доимий ўзгаради.

## Африка етиб олиши мумкин

Африканинг пешонасига қашшоқлик битилган, деган фикр жуда кенг тарқалган, аммо бу фақат ҳиссиётга асосланади. Агар фикрларингиз фактларга асосланишини маъкул кўрсангиз, бунини билиб қўйишингиз керак.

Ҳа, Африка ўртача олиб қараганда бошқа қитъалардан ортда қолмоқда. Бугунги кунда Африкада туғилган чақалоқларнинг ўртача умр давомийлиги 65 ёш. Бу Ғарбий Европада туғилган чақалоқникидан 17 йилга кам.

Аммо ўртача кўрсаткичлар қанчалик чалғитиши мумкинлигини биласиз, бунинг устига Африканинг ичидаги давлатлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Африканинг барча давлатлари ҳам дунёдан ортда қолмаяпти. Бешта йирик давлат – Тунис, Жазоир, Морокаш, Ливия ва Мисрда умр давомийлиги жаҳон бўйича ўртача умр давомийлигидан (72 йил) юқори. Улар Швециянинг 1970 йилги ҳолатидадир.

Африкадан умид йўқ деб ҳисоблайдиганларни бу мисол билан ишонтириб бўлмаслиги мумкин. Улар мазкур мамлакатлар Африканинг шимолий қисмидаги араб мамлакатлари экани ва шу боис бу давлатлар уларнинг тушунчасидаги Африка ҳисобланмаслигини айтишлари мумкин. Ёшлигимда бу мамлакатларнинг бари Африка билан бир хил тақдирга эга деб қараларди. Фақат бирмунча ўсиш бўлганидан сўнг улар мустасно давлатларга айланди. Майли, аргумент баҳссиз бўлиши учун шимолий Африка давлатларини бир четга сурайлик-да, Саҳройи Кабирдан жанубдаги Африкага қарайлик.

Сўнги 60 йил ичида Саҳройи Кабир жанубидаги Африка давлатларининг деярли ҳаммаси мустамлакалиқдан мустақил давлатларга айланди. Шу давр мобайнида бу давлатлар таълим, электр энергияси, сув ва санитар инфраструктураларини Европа давлатлари ривожланиш чўққисида эришган тезлик билан бир хил суръатда яхши-



лаб олди. Ва бунга кўшимча, Сахройи Кабир жанубидаги 50 та давлатнинг ҳар бири болалар ўлими даражасини Швециядан ҳам тезроқ қисқартиришга эришди. Ақл бовар қилмас бу қадар тараққиётга қандай кўз юмиш мумкин?

Эҳтимол, вазият аввалгидан яхшироқ бўлгани билан барибир ёмонлигича қолаётгани учундир. Африкада камбағал одамлар ҳали ҳам топилади.

Лекин 90 йил илгари Швецияда ҳам ўта қашшоқлик кузатилган. Ёшлигимда (50 йил аввал) Хитой, Ҳиндистон ва Жанубий Корея Африканинг ҳозирги даражасидан кўп борада ортда эди ҳамда Осиё тақдири худди Африканинг ҳозирги тақдиридек бўлишига ишонилар эди: “Улар ҳеч қачон 4 миллиард одамни боқолмайди”.

Бугун Африкада тахминан ярим миллиард одам ўта камбағал ҳолда яшайди. Агар уларнинг тақдирига шу ҳолда қолиш ёзилган бўлса, демак, бу камбағаллар дунёнинг бошқа мамлакатларидаги, жумладан, Африканинг маълум қисмидаги камбағалликдан чиққан миллиардлаб одамлардан фарқли бўлиши керак. Менимча эса ундай эмас.

Ўйлашимча, ўта камбағалликдан охириги бўлиб унумсиз ерларда ишлайдиган ва низоли ҳудудларга яқин жойда яшайдиган энг камбағал деҳқонлар чиқади. Улар бугун 200 миллион кишини ташкил қилади ва уларнинг ярмидан кўпи Африкада яшайди. Шубҳасиз, уларнинг олдида ўта қийин давр турибди. Бунга ўзгармайдиган маданияти эмас, балки тупроқ ва низолар сабабдир.

Бироқ мен дунёдаги мана шу энг камбағал ва энг омади чопмаган кимсалар ҳам камбағалликдан чиқишига умид қиламан, чунки ўта қашшоқлик ҳамиша бардавомдек туюлади, холос. Очарчилик ва уруш даврларида Хитой, Бангладеш ва Вьетнамнинг ҳам тараққий этиши иложсиздек кўринарди. Бугун эса жавонингиздаги кийимларнинг кўпи шу мамлакатлардан келади. 35 йил илгари Ҳиндистон ҳозирги Мозамбикдек умр кечирарди. Шундай экан, худди Ҳиндистонга ўхшаб Мозамбик ҳам 30 йил ичи-

да II даражага чиқиб олиши ва ишончли савдо ҳамкори бўлиш имкони бор. Ҳинд океанида Мозамбикнинг узун ва чиройли соҳили бор, келгусида у халқаро савдо марказига айланади. Хўш, шундан кейин у гуллаб-яшнамайдими?

Ҳеч ким келажакни 100 фоиз аниқ башорат қила олмайди. Кимдир шундай қила олишига ишонмайман. Аммо мен POSSIBILITYMAN ва фактлар мени бунинг иложи борлигига ишонтиради.

Африка Ғарбга етиб олишини қабул қилишимизга тақдир инстинкти халал беради. Африканинг тараққиёти, агар кимдир сезаётган бўлса, ақл бовар қилмас омад, камбағаллик ва уруш абгор қилган тақдирдан биров муддат танаффус холос, деб қаралади.

Худди шу тақдир инстинкти Ғарб тараққиёти мудом давом этади деб ўйлашга, Ғарбнинг ҳозирги иқтисодий турғунлиги эса тез орада ўтиб кетадиган муваққат ҳодиса деб ишонишга ундайди. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг бир неча йил Халқаро валюта фонди (ХВФ) IV даражадаги давлатларнинг йиллик иқтисодий ўсиши 3 фоиз бўлади, деб прогноз қилиб келди. Кетма-кет беш йил давомида IV даражадаги давлатлар бундай натижани кўрсатолмади. Беш йил давомида ҳар йили ХВФ: “Кейинги йил яна аввалги суръатимизга қайтиб оламиз”, – деди. Охир-оқибат, ХВФ яна қайтиш мумкин бўлган “нормал” тараққиёт суръати йўқлигини англаб етди ва йиллик ўсиш прогнозини 2 фоизга туширди. Айни пайтда, ХВФ худди шу йиллар давомида Африканинг Гана, Нигерия, Эфиопия, Кения ва Осиёнинг Бангладеш каби II даражадаги давлатларида тез суръатда ўсиш (5 фоиздан юқори) кузатилганини тан олди.

Бу нега муҳим? Биринчи сабаб шуки, ХВФ прогнозчиларининг дунёқараши сиз пенсия жамғармангизни қаерга инвестиция сифатида киритишингизга катта таъсир қилади. Европа ва Шимолий Америка давлатларида тез ва барқарор ўсиш бўлиши прогнози у ерни инвесторлар учун

жозибадор қилиб қўйди. Бу прогнозлар нотўғри бўлиб чиққач ва бу мамлакатларда юқори ўсиш кузатилмагач, пенсия жамғармасида ҳам ўсиш бўлмади. Хавф кам, рентабиллиги юқори бўлиши кутилган давлатлар, аксинча, хавф юқори, рентабиллиги паст давлатларга айланиб қолди. Бу пайтда эса Африканинг ўсиш потенциали юқори давлатлари инвестициясиз қолиб кетяпти.

Яна бир муҳим сабаб шуки, агар эски “Ғарб”да жойлашган компанияда ишласангиз, ҳозирда Африка ва Осиёда рўй бераётган, ўрта даромад истеъмол бозори тарихида кечаётган энг катта экспансиядаги имкониятларни қўлдан бой бераётган бўлишингиз мумкин. Маҳаллий брендлар аллақачон оёққа туриб, ўз мавқеини мустаҳкамламоқда ва товарларини ушбу қитъаларда тарқатмоқда. Сиз эса ҳали ҳам нима бўлаётганини идрок қилмаяпсиз. Ғарб истеъмол бозори энди юз берадиган ўзгаришларнинг ибтидоси холос.

## Чақалоқлар ва динлар


Халқаро соғлиқни сақлаш бўйича 1998 йилги курсимда дастлабки маърузам ниҳоясига етгач, талабаларим қаҳва тайёрлайдиган машина томонга кетди, биттаси ортда қолди. Унинг кўзлари ёшга тўлиб, хонанинг олд тарафига қараб секин қадам босаётганини кўрдим. Кейин унга қараётганимни сезиб қолди-ю, тўхтади ва юзини буриб деразадан ташқарига қаради. У нимадандир таъсирлангани ойдек равшан эди. Очиғи, у менга курсда қатнаша олишига тўсқинлик қиладиган шахсий муаммосини айтмоқчи деб ўйладим. Энди уни юпатишга оғиз жуфтлаган эдим, у ўтирилди ва ҳисларини жиловлаб олиб, қатъий овозда умуман кутилмаган гапни айтди:

“Менинг оилам эронлик. Сизнинг ҳозиргина Эронда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида жадал ривожланиш ҳақида айтганларингиз эронликлар ҳақида Швецияда

эшитганларим ичида биринчи марта айтилган яхши гап бўлди”.

Талаба қиз швед тилининг Стокхольм лаҳжасида жуда равон ва аниқ сўзларди: у бутун умри давомида Швецияда яшагани кўриниб турарди. Унинг гапларидан ҳайратга тушдим. Мен бор-йўғи Эронда умр давомийлиги ошгани ва ҳар бир аёлга тўғри келадиган чақалоқлар сони тушгани ҳақидаги БМТ маълумотларини кўрсатган эдим, холос. Тўғри, бу катта ютуқ эканини ҳам таъкидладим – 1984 йилда ҳар бир аёлга олти нафар бола тўғри келган бўлса, 15 йил ўтиб, уч нафардан ҳам камроққа айланиши ҳақиқатан тез камайиш эди.

1800 ЙИЛДАН БУГУНГАЧА ҲАР БИР АЁЛГА ТЎҒРИ КЕЛГАН ЎРТАЧА ЧАҚАЛОҚЛАР



Бу мен кўрсатганларим ичида 1990-йилларда даромади ўртача мамлакатлардаги кўпчиликка маълум бўлмаган жадал ўзгаришлардан бир мисол эди холос.

– Бўлиши мумкин эмас, – дедим мен.

– Шундай. Сиз Эронда ҳар бир аёлга тўғри келадиган чақалоқлар сониди кескин камайиш бўлгани соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида, айниқса, эронлик аёллар учун, ривожланиш бўлганини кўрсатади, деб айтдингиз. Яна кўпгина эронлик ёшлар ҳозирда оила ҳақида замонавий қадриятларга эга ва улар контрацептив воситалардан фойдаланади, деб тўғри айтдингиз. Швецияда бирор марта ҳатто шунга яқин гап айтишганини ҳам эшитмаганман.

Бугунги кунда ҳар бир мусулмон аёлга ўртача 3.1 нафар фарзанд тўғри келади. Насроний аёлга эса 2.7. Бу икки жаҳон динларидаги туғилиш даражаси ўртасида катта фарқ йўқ.

Барча китъалар, маданиятлар ва динлардаги деярли ҳар бир ётоқда – АҚШ, Эрон, Мексика, Малайзия, Бразилия, Италия, Хитой, Индонезия, Ҳиндистон, Колумбия, Бангладеш, Жанубий Африка Республикаси, Ливия ва бошқа исталган мамлакатда – жуфтликлар бир-бирининг кулоғига пичирлаб, бахтли оила барпо қилиш ҳақидаги орзуларини бўлишмоқда.

### **Жинсий алоқа ҳақида ҳамма гапирмоқда**

У ёки бу динга эътиқод қилувчи одамларнинг оиласи каттароқ бўлади, деган муболағали даъво муайян кадриятлар ёки хулқ-атвор маълум бир маданиятга хос, уларни ўзгартириб бўлмайди, деб даъво қилишга мисол бўла олади.

Бу нотўғри. Қадриятлар доим ўзгариб туради.

Мисол учун, менинг севимли юртим Швецияни олайлик. Биз шведлар интим муносабатлар ва контрацептив воситалар ҳақида очик гапиришимиз билан ажралиб турамыз. Аммо бу доим ҳам бизнинг маданиятга хос бўлмаган. Бу доим ҳам бизнинг қадриятларимиз сирасига кирмаган.

Ҳатто ўзим кўрганларимни хотирласам, шведлар жинсий алоқа масаласида ўта консерватив бўлган. Масалан, отамнинг отаси Густав Швеция II даражадан III даражага ўтаётган пайтда туғилган ва ўз даврининг ҳақиқий типик швед эркаги бўлган. У етти нафар фарзанди борлигидан жуда ғурурланарди; ҳаётида ҳеч қачон болаларининг таглигини алмаштирмаган, овқат пиширмаган, уй тозаламаган; интим муносабат ва контрацептив воситалар ҳақида-ку, умуман гапирмасди. Унинг

тўнғич қизи 1930-йилларда презервативлардан фойдаланишни ноқонуний равишда тарғиб қила бошлаган жасур феминистларни кўллаб-қувватларди. Аммо оилада еттинчи фарзанд туғилганидан сўнг у отаси билан контрацептив воситалар ҳақида гаплашмоқчи бўлганда, шунча вақт меҳрибон, вазмин кўринган ота ғазабланиб, бу ҳақда гаплашишни ҳам истамади. Бобомнинг кадриятлари жуда анъанавий ва патриархал эди. Лекин кейинги авлод уларни асраб қолмади. Швед маданияти ўзгарди. (Айтганча, бобом китобларни ҳам ёқтирмасди, телефон ишлатишга-ку, доим қарши бўлган.)

Аёл кишининг аборт ҳуқуқини Швецияда бугун деярли ҳамма кўллаб-қувватлайди. Умуман аёллар ҳуқуқларини кучли ҳимоя қилиш маданиятимизнинг бир қисмига айланган. 1960-йилларда, талабалик чоғларим ҳаёт бутунлай бошқача бўлганини айтиб берсам, талабаларимнинг оғзи очилиб қолади. У пайтлар Швецияда аборт ноқонуний ҳисобланар, фақат айрим мустасно ҳолларда йўл кўйиларди. Аёллар чет элга чиқиб, боласини хавфсиз олдириб келиш харажатларини тўлаш учун университетда махфий жамғарма юритардик. Шу ҳомиладор талабалар қаерга бориб аборт қилдирганини айтсам, талабаларимнинг оғзи яна ҳам каттароқ очилиб қолади. Польшага! Католик Польшага! Беш йилдан кейин Польшада аборт тақиқланди, Швецияда эса қонунийлаштирилди. Энди аёллар у ердан бизнинг мамлакатга оқиб кела бошлади. Айтмоқчи бўлганим, кадриятлар доим ҳам ҳозиргидек бўлмаган. Маданият ўзгаради.

Ҳар сафар Осиёга саёҳат қилганимда, бобом Густавга ўхшаган қайсар қарияларнинг кадриятларига дуч келаман. Масалан, Жанубий Корея ва Японияда кўплаб аёллар ҳалигача қайнона-қайнотасига ғамхўрлик қилишга, шу билан бирга фарзандларини тарбиялашга тўлиқ масъул деб қаралади. Мазкур “Осиёча кадриятлар”дан жуда

фахрланадиган кўп эркакларни учратганман. Бу ҳақда ўзгача фикрлайдиган кўпгина аёллар билан ҳам суҳбатда бўлганман. Улар бу маданиятга тоқат қилиб бўлмайди деб ҳисоблашини ва айнан шу қадриятлар оила қуришга бўлган қизиқишини сўндираётганини айтган.

### **Эрим бўлишини ўйласам...**

Гонконгда банкирлар билан бўлган конференцияда кечки овқат пайти ёш ва кучли банкир аёлнинг ёнида ўтириб қолдим. 37 ёшли бу хоним карьерада катта муваффақиятга эришган эди. Таом устида менга Осиёда кечаётган вазият ва тенденциялар ҳақида кўп нарсани тушунтириб берди. Кейин биз шахсий ҳаёт ҳақида гаплашишга ўтдик.

– Оила қуришни режаламаяпсизми? – сўрадим мен.

Буни кўполликка йўманг. Биз шведлар (ҳозирги кунда) бундай мавзуларни муҳокама қилишни ёқтирамиз. У ҳам саволимдан мутлақо ранжимади. Жилмайиб, елкам узра ботаётган куёшга қараб деди:

– Фарзандларим бўлиши ҳақида ҳар куни ўй-ляяпман, – кейин эса кўзимга тик қаради. – Эрим бўлишига тоқат қилолмайман.

Мен бу аёлларни юпатишга, ҳали ҳаммаси ўзгаришга ишонтиришга уринаман. Яқинда Бангладешдаги Осиё аёллар университетига 400 нафар ёш хотин-қизга маъруза ўқидим. Уларга маданиятлар қай тарзда ва не сабабдан доим ўзгариб туриши, ўта қашшокликдан қандай қутулиш ҳамда хотин-қизларнинг таълим олиши ҳамда контрацептив воситалардан фойдаланиши жуфтликларнинг уйку олдидан кўпроқ суҳбат қуриши ва камроқ фарзанд кўришига олиб келиш ҳақида гапирдим. Маъруза

жуда жўшқин кайфиятда ўтди. Ранг-баранг ҳижоб ўраган кизлар бемалол табассум қилиб ўтирди.

Шундан сўнг афғонистонлик талабалар менга ўзларининг юртлари ҳақида гапириб бергиси келди. Улар мен айтган ўзгаришлар аллақачон Афғонистонда секинлик билан содир бўла бошлаганини айтди.

“Гарчи уруш тинмаса ҳам, гарчи камбағаллик ҳукм сурса ҳам, ёшларнинг кўпи замонавий ҳаётга интиломда, – деди улар. – Биз афғонмиз, биз муслимамиз. Ва биз айнан сиз тасвирлагандек бизни тинглайдиган ва фикрларимизни инобатга оладиган эркак билан турмуш куришни хоҳлаймиз. Яна иккита фарзанд кўриб, икковини ҳам ўқитишни ният қиламиз”.

Бугунги кунда Осиё ва Африканинг кўп мамлакатларида учрайдиган мачо қадриятлар аслида Осиёнинг ёки Африканинг қадриятлари саналмайди. Уларни ислом қадриятлари ҳам деб бўлмайди. Шарқона қадрият ҳам ҳисобланмайди. Улар 60 йил илгари Швецияда бўлгани каби патриархал қадриятдир; ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бўлгани сари йўққа чиқади. Худди Швециядаги каби. Уларни ўзгармайди дейдиганлар адашади.

## **Тақдир инстинктини қандай бошқариш мумкин?**

Миямизга тошлар ҳаракатини кўришга қандай ёрдам бера оламиз? Нима қилсак, у ҳозирги ҳаёт доим ҳам шундай бўлмагани ва бундан кейин ҳам абадий шундайлигича қолмаслигини тушунади?

## **Секин ўзгариш – ўзгариш йўқ дегани эмас**

Жамиятлар ва маданиятлар мудом ҳаракатда. Ҳатто кичик ва секин туюлган ўзгаришлар ҳам вақт ўтгани сайин



йиғилиб боради: йилига 1 фоиз ўсиш секин туюлиши мумкин, лекин бу кўрсаткич 70 йилда икки баробарга ошган бўлади; йилига 2 фоиз ўсиш 35 йилда, йилига 3 фоиз ўсиш 24 йилда икки баробар кўрсаткични қайд этади.

Милоддан аввалги III асрда Шри-Ланка кироли Деванампия Тисса кичик ўрмонни расман муҳофаза қилишга буйруқ берди ва дунёдаги илк табиат кўриқ-хонасини ташкил этди. Европаликлар эса худди шу ғояни орадан 2 минг йил ўтиб, Ғарбий Йоркширда амалга оширди. АҚШда эса Йеллоустон миллий парки ташкил этилгунга қадар яна 50 йил ўтди. 1900 йилга келиб Ер юзининг 0.03 фоизи муҳофазага олинди. 1930 йилгача эса 0.2 фоизга чикди. Секин-аста, йиллар ўтиши билан ҳар замонда яна бир ўрмон кўшилиб, бу кўрсаткич ошиб борди. Йиллик ўсиш жуда оз, деярли сезилмасди. Буни қарангки, бугунга келиб Ер юзининг нақ 15 фоизи муҳофазага олинган ва бу рақам ҳали яна кўтарилади.

Тақдир инстинктини бошқариш учун секин ўзгаришни умуман ўзгариш бўлмаётганга йўймаслик, йиллик ўзгаришни (ҳатто йилига 1 фоиз бўлса ҳам) жуда кичик ва секин туюлгани сабабли эътибордан четда қолдирмаслик керак.

## **Билимингизни янгилашга тайёр бўлинг**

Билимининг муддати бўлмайди деган ўй кишига хотир-жамлик бағишлайди. Бир нарсани ўргандингизми, тамом, у доим яп-янги бўлиб туради, уни қайта ўрганишга ҳожат йўқ. Математика ва физика каби фанларда, санъатда ҳам, бу фикр тўғри бўлиши мумкин. Мактабда ўрганганимиз ( $2+2=4$ ) эҳтимол ҳозир ҳам ўзгармаган. Аммо ижтимоий фанларда ҳатто энг асосий билимлар ҳам тез эскиради. Худди сут ёки сабзавотга ўхшаб уларни ҳам доим сархил ҳолда сақлаш керак. Чунки ҳамма нарса ўзгаради.

Бу нарсага ҳатто ишимда ҳам дуч келганман. Биринчи марта сўровнома ўтказганимиздан 13 йил ўтиб одамларнинг билими ошганини текшириш учун 1998 йилги шимпанзелар билан бўлган тестни синашга қарор қилдик. Саволларда 5 жуфт мамлакат кўрсатиб, ҳар бир жуфтда қайси мамлакатда болалар ўлими энг юқори эканини сўрадим. 1998 йилда швед талабаларим нотўғри жавоб берганди, чунки улар Осиё мамлакатлари Европа давлатларидан яхшироқ эканини тасаввур ҳам қилолмасди.

Саволларни кўриб чиқар эканмиз, 13 йил ўтиб бу тестни қайта ўтказиш иложсиз эканини англадик, чунки тўғри жавоблар ўзгарган эди, дунё ўзгарган эди. Шунинг ўзидан тушуниб олса бўлмайдами? Ҳатто “Gapminder”-нинг фактга оид саволларининг ўзи ҳам эскириб қолган.

Тақдир инстинктини бошқариш учун янги маълумотларга очиқ бўлинг ва билимингизни мунтазам янгилаб турунг.

## **Бобонгиз билан гаплашинг**

Агар кадриятлар ўзгармай қолади, деб даъво қилишга мойил бўлсангиз, ўзингизнинг кадриятларингизни отанонгизники ёки бобо-бувингизники билан ёки фарзандларингизники ё набираларингизники билан қиёслаб кўринг. 30 йил аввал мамлакатингизда ўтказилган жамоатчилик фикри сўровини топишга ҳаракат қилинг. Радикал ўзгаришни пайқашингиз аниқ.

## **Маданий ўзгаришлардан мисоллар тўпланг**

Одамлар кўпинча бошини қуйи солиб, “маданиятимиз шундай” ёки “уларнинг маданияти шундай” дейди. Бу эса доим шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади, деган таассурот уйғотади. Атрофга яхшилаб разм солинг ва бунга зид бўлган мисолларни изланг. Биз шведлар доим ҳам интим мавзуда гаплашмаганимизни

аллақачон билиб бўлдик. Энди яна иккита мисолни кўриб чиқамиз.

Кўп шведлар АҚШнинг қадриятлари жуда консерватив деб ўйлайди. Аммо гомосексуализмга бўлган муносабат қанчалик тез ўзгарганини қаранг. 1996 йилда бор-ўғи 27 фоиз америкаликлар биржинслилар никоҳини маъқулларди. Бугун бу кўрсаткич 72 фоизга етган ва ҳамон ўсишда давом этмоқда.

Айрим америкаликлар Швецияни социал давлат деб ўйлайди, аммо қадриятлар ўзгариши мумкин. Бир неча ўн йиллар аввал Швеция халқ таълими тизимини тартибга солишда кескин ўзгариш қилди ва ҳозирда у тижорий мактаблар бир-бири билан рақобатлашишига ҳамда фойда олишига рухсат беради (дадил капиталистик тажриба).

## Узоқни кўролмадим

Ушбу бобни башанг кийинган, аммо Африканинг потенциални кўролмаган нодон киши ҳақидаги ҳикоядан бошлаган эдим. Ниҳояда ҳам шунга ўхшаш ҳикояни айтиб бермоқчиман. (Спойлердан огоҳлантириш: бу сафар нодон менман.)

2013 йил 12 май куни “Африка ренессанси ва 2063 йил учун кун тартиби” номли Африка иттифоқи конференциясида қатнашиб, бутун китъадан келган 500 нафар раҳбар аёлга маъруза ўқишдек шарафга муяссар бўлдим. Қанчалар улкан шараф, қанчалар ҳаяжон. Ҳаётимдаги энг муҳим маъруза эди у. Африка иттифоқининг Аддис-Абебадаги ҳашаматли штаб-квартирасининг ялпи мажлислар залида 30 дақиқа деҳқон аёллар ҳақида неча йиллардан бери ўтказган тадқиқотларим сарҳисобини қилдим ва конференцияга йиғилган нуфузли аёлларга қарата Африкада ўта қашшоқликни 20 йил ичида қандай тугатиш мумкинлигини тушунтирдим.

Африка иттифоқи раиси Нкосазана Дламини-Зума шундоқ олдимда ўтирганди ва мени диққат билан тинг-

лаётгандек туюлди. Кейин у ёнимга келиб ташаккур билдирди. Мен ундан тақдимотим ҳақида фикрини сўрадим. Жавоби эса мени ҳайратга солди.

– Хўш, – деб гап бошлади у, – жадваллар яхши, нуткингиз ҳам яхши чиқди, лекин узоқни кўрмас экансиз.

У юмшоқ оҳангда гапирар, бу эса унинг гапларидан ҳайратимни янада оширар эди.

– Нима?! Узоқни кўролмас эканманми? – сўрадим ҳам хафа бўлиб, ҳам эшитганларимга ишонмай. – Лекин Африкада ўта қашшоқлик 20 йил ичида тарихга айланади, дедим-ку!

Нкосазана паст овозда, ҳеч қандай ҳиссиёт ва имо-ишораларсиз жавоб қайтарди.

– Ҳа, тўғри, сиз ўта қашшоқликни йўқ қилиш ҳақида гапирдингиз. Бу эса фақат бошланиши. Лекин шу ернинг ўзида тўхтадингиз. Сизнингча, африкаликлар ўта қашшоқликдан кутулиб, оддий қашшоқликдаги ҳаётда бахтли яшайдими? – У кўлимдан қаттиқ ушлади. Унинг нигоҳларида жahl йўқ эди, аммо табассум ҳам йўқ эди. У хатомни тушунишимни қаттиқ хоҳлаётгани кўришиб турарди. – Хулоса ўрнида сиз набираларингиз Африкага сайёҳ сифатида келиб, биз курадиган янги ва тезюар поездларда айланишига умид билдирдингиз. Бу қандай қараш бўлди? Ўша эски европача қараш-ку! – Нкосазана кўзларимга тик қаради. – Менинг набираларим сизнинг қитъангизга боради, сизнинг тезюар поездингизда айланади ва эшитишимча, шимолий Швецияда бўлган, экзотик муз меҳмонхонага ташриф буюради. Биламиз, бунга ҳали анча вақт бор. Жуда кўп оқилона қарорлар ва катта инвестициялар керак бўлади. Лекин менинг қарашим бўйича, 50 йилда африкаликлар Европада яхши кутиб олинadиган сайёҳ бўлади, сизлар киритишни истамаган қочоқ эмас, – кейин унинг юзига илиқ табассум югурди. – Бироқ графиклар ҳақиқатан ҳам яхши. Қани, юринг, қаҳва ичамиз.

Қаҳва устида мен хатом хусусида ўйладим. Ёдимга илк африкалик дўстим, мозамбиклик кончилик муҳандиси Ниҳерева Маселина билан 33 йил аввал қилган суҳбатим тушди. У ҳам менга худди шундай нигоҳ билан қараган эди. Мен Мозамбикнинг Накала порт шаҳрида шифокор бўлиб ишлардим. Оиламиз билан дам олгани соҳилга борганимизда Ниҳерева биз билан эди. Мозамбикда соҳил тасаввурга сиғмас даражада гўзал, ҳали эксплуатация қилинмаган, шунинг учун ҳафта охирида у ерда деярли ёлғиз эдик. Бир ярим километрга чўзилган кумнинг ҳар ер-ҳар ерида 15 ёки 20 тача оилани кўриб, “Эҳ-ҳе, бугун жуда одам кўп-ку!”, – дедим.

Ниҳерева кўлимдан маҳкам ушлади (худди орадан йиллар ўтиб Нкосазана ушлагани каби) ва деди:


– Аксинча, Ҳанс. Мен бу соҳилни кўриб хафа бўлдим. Ҳов анави ердаги шаҳарга қара. У ерда 80 минг киши яшайди. Бу 40 минг нафар бола дегани. Бугун дам олиш куни. Улардан атиги 40 киши соҳилга келган. Мингтадан биттаси. Шарқий Германияда кончиликка ўқиганимда, дам олиш кунлари Росток соҳилига борардим. У ер одамга тўла бўларди. Минглаб болалар вақтини чоғ ўтказарди. Накала ҳам Ростокка ўхшашини хоҳлайман. Ҳамма болалар якшанбада ота-онасининг даласида ишлаш ёки харобада ўтириш ўрнига соҳилга келишини хоҳлайман. Бунга ҳали анча вақт керак, аммо мен шуни ич-ичимдан истаيمان.

Кейин у кўлимни кўйиб юборди ва болаларимга сузиш мосламаларини машинадан туширишда ёрдам берди.

Орадан 33 йил ўтиб, африкалик олимлар ва институтлар билан ҳамкорликда ўтказган тадқиқотларимдан сўнг Африка иттифоқига мурожаат қилар эканман, уларнинг буюк қарашлари билан ўртоқлашаётганимга ишончим комил эди. Ўзимни қандай ўзгариш бўлиши мумкинлигини кўра оладиган оз сонли европаликлардан бириман, деб ўйлаган эдим. Лекин ҳаётимдаги энг

кадрли маърузани ўқигач, англадимки, мен ҳамон эски, қотиб қолган, мустамлакачи даври фикрлари билан яшар эканман. Африкалик дўстларим ва ҳамкасбларим йиллар давомида менга ўргатган нарсаларига қарамай, ҳамон “улар” “бизга” етиб олишини чиндан тасаввур қилолмаган эканман. Бунга эришиш учун барча одамлар, оилалар, болалар қаттиқ курашаётганини, чунки улар ҳам соҳилга боришни орзу қилишини кўролмаган эканман.

## Фактдорлик




**Фактдорлик** – кўп нарсаларнинг (жумладан, одамлар, мамлакатлар, динлар ва маданиятлар) ўзгариши аста-секин кечаётгани учун ўзгармаётгандек кўринишини англаш ҳамда ҳатто кичик, секин ўзгариш ҳам йиғилиб, куни келиб катта ўзгариш ясагини ёдда тутишдир.

Тақдир инстинктини бошқариш учун кичик ўзгариш ҳам ўзгариш эканини унутманг.

- **Аста-секин бўлаётган яхшиланишларни кузатиб боринг.** Ҳар йили юз берадиган кичик ўзгариш ўн йиллар давомида катта ўзгаришлар қилиши мумкин.
- **Билимингизни янгилаб туринг.** Баъзи билимлар тез эскиради. Технология, мамлакатлар, жамиятлар, маданиятлар ва динлар муттасил ўзгариб туради.
- **Бобонгиз билан гаплашинг.** Агар қадриятлар қанчалик ўзгарганини эслатиб туришларини хоҳласангиз, бобонгиз ва бувингизнинг қадриятлари ҳақида ўйланг, улар сизникидан қанчалик фарқ қилишига эътибор беринг.
- **Маданий ўзгаришлардан намуналар тўпланг.** Бугунги маданият кеча ҳам бўлган, эртага ҳам бўлади, деган фикрни шубҳа остига олинг.

САККИЗИНЧИ БОБ

## БИР ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ ИНСТИНКТИ



**Нега ҳукумат миҳлар борасида хато қилмаслиги кераклиги ва нега пойабзал ва ғиштлар баъзан рақамлардан ҳам кўпроқ маълумот бериши ҳақида**

### **Кимга ишонишимиз мумкин?**

Дунёқарашингизни оммавий ахборот воситаларига таянган ҳолда шакллантириш худди мен ҳақимда фақат оёғимнинг суратига қараб хулоса чиқаришингизга ўхшайди. Тўғри, оёғим менинг бир қисмим, лекин хунук қисмим. Менинг ундан яхшироқ тана аъзоларим бор. Масалан, қўлим унчалик ҳам эътиборга тушмаслиги мумкин, аммо чиройли. Юзим ҳам яхши. Оёғимнинг сурати мен ҳақимда атай ёлгон фикр уйғотмайди. Аммо у мени тўқислигимча кўрсатмайди.



Хўп, агар оммавий ахборот воситаларидан бўлмаса, унда қаердан маълумот олишимиз керак? Кимга ишонсак бўлади? Экспертларгами? Ҳаётини маълум бир соҳани ўрганишга бағишлаган одамларгами? Бунда ҳам жуда эҳтиёткор бўлишингиз керак.

## **Бир томонлама ёндашув инстинкти**

Оддий ғоялар бизни ўзига тортади. Ниманидир сезиб қолишимиз, ниманидир ҳақиқатан тушунишимиз ва билишимизни ҳис қилишдан завқланамиз. Ана шу ерда осонлик билан сирпанчиқ қияликка тойиб кетишимиз мумкин. Яъни эътибор тортадиган биргина оддий ғоядан бу ғоя жуда кўп нарсани тушунтириб беради ёки кўп нарсага ечим бўлади деган қиялик томон оғиб кетамиз. Дунё оддий кўриниб қолади. Барча муаммоларнинг сабаби битта ва биз унга доим қарши туришимиз керак. Ёки барча муаммоларнинг ечими битта ва биз доим у томон интилишимиз керак. Ҳаммаси оддий. Фақат кичик бир муаммо бор. Биз дунёни буткул нотўғри тушунамиз. Ҳамма нарсанинг сабаби битта ва ечими битта деган қарашни мен бир томонлама ёндашув инстинкти деб атайман.

Масалан, эркин бозор ҳақидаги оддий ва чиройли ғоя барча муаммонинг ягона сабаби – ҳукумат аралашувидир, шунинг учун унга қарши туришимиз керак ва барча муаммонинг ягона ечими – солиқларни камайтириш ва коидаларни олиб ташлаш орқали бозор муносабатларини эркинлаштиришдир, биз бу ғояни қўллаб-қувватлашимиз керак, деган юзаки фикрга олиб боради.

Шу билан бир қаторда, тенглик ҳақидаги оддий ва чиройли ғоя барча муаммо тенгсизлик сабабли келиб чиқади, шунинг учун унга қарши туришимиз керак, ресурсларни қайта тақсимлаш барча муаммога ягона ечим бўла олади, шунинг учун биз бу фикрни қўллаб-

кувватлашимиз керак, деган соддалашган фикрни келтириб чиқаради.

Бундай фикрлаш вақтни анча тежайди-да! Муаммони бошидан ўрганмай туриб ҳам у ҳақида фикрингиз бўлади, жавобингиз ҳам, миянгизни эса бошқа нарсаларга ишлатасиз. Лекин дунёни англамоқчи бўлсангиз, бу сиз учун фойдасиз. Бирор ғояни ҳамиша қўллаб-қувватлашни ёки ҳамиша унга қарши бўлишни одат қилсангиз, сизнинг нуқтаи назарингизга мос тушмайдиган маълумотларни кўролмайдиган бўлиб қоласиз. Ҳақиқатни билишда бу ёмон ёндашувдир.

Унинг ўрнига сизга ёққан ғояларнинг нуқсонини мунтазам текшириб туриш. Билим ва тажрибаларингизга юқори баҳо бериб юборманг. Сизнинг фикрларингизга мос келмаган янги маълумотларга, бошқа соҳадаги билимларга қизиқинг. Шунингдек, фақат ўзингизга ҳам-фикр бўлганлар билан суҳбатлашиб, фикрларингизга тўғри келадиган мисолларни йиғавермай, қарама-қарши фикрлайдиганлар билан ҳам гаплашинг, турли фикрларни ўрганиш. Айнан улар дунёни англашда жуда зўр манбадир. Мен дунё ҳақида жуда кўп янглишганман. Баъзан реалликка юзлашиш хатоларимни кўришга ёрдам беради, лекин кўпинча мендан бошқача фикрлайдиган инсон билан гаплашиш ва уни тушунишга ҳаракат қилиш орқали хатоларимни англайман.

Шунча фикр шакллантиришга вақтингиз етмаса-чи? Унда нима қиласиз? Кўп миқдорда нотўғри фикрга эга бўлгандан, камгина бўлса ҳам тўғри фикрга эга бўлган яхши эмасми?

Дунёни тушуниш ҳақида гап кетганда одамлар нега кўпинча бир томонлама ёндашишига икки асосий сабаб топдим. Биринчиси, шубҳасиз, сиёсий мафкура ва мен бунга боб давомида кейинроқ тўхталаман. Иккинчиси эса, профессионаллар.

## Профессионаллар: экспертлар ва фаоллар

Менга ихтисослашган экспертлар ёқади ва дунёни англашда уларга таянаман. Аслида, барчамиз шундай қилишимиз керак. Масалан, барча демографик мутахассислар аҳоли 10 миллиард ва 12 миллиард оралиғида ўсишдан тўхтайдилар, деган тўхтамади келса, мен бу маълумотга ишонаман. Ёки тарихчилар, палеодемографлар ва археологлар 1800 йилгача аёллар ўртача беш ёки ундан кўп фарзанд кўрган, аммо улардан иккитаси тирик қолган, деб хулоса қилса, мен бу маълумотга ишонаман. Иқтисодчилар иқтисодий ўсиш сабаблари ҳақида тортишаётганини билсам, бу аслида жуда фойдали, чунки у жуда хушёр бўлишим кераклигини кўрсатади: эҳтимол, етарлича фойдали маълумот йўқдир ёки бунинг оддий изоҳи йўқдир.

Мен экспертларни яхши кўраман, аммо уларнинг имкониётлари чекланган. Биринчиси ва энг маълуми, экспертлар фақат ўзларининг соҳасидагина эксперт. Буни қабул қилиш экспертлар учун (биз ҳаммамиз қандайдир соҳада экспертмиз) қийинлик қилар. Чунки ўзимизни билимли ва фойдали инсон деб ҳис қилишни истаймиз. Нимададир моҳир бўлишимиз бизни янада яхшироқ одамга айлантиришини ҳис қилишни хоҳлаймиз.

*Лекин...*

Математикага жуда уста одамлар (масалан, илмий мулоҳазаларни севувчи одамлар ҳар йили йиғиладиган “*Amazing Meeting*” аудиториясидаги супер ақл эгалари) бизнинг тестимизда бошқалар билан бир хил ёмон натижа кўрсатади.

Маълумот жуда юқори одамлар (дунёнинг энг олди илмий журнали бўлмиш “*Nature*” муштарийларига ўхшаган) фактларга асосланган саволларимизга худди бошқалар билан бир хил даражада, ҳатто кўпинча ундан ҳам ёмонроқ жавоб беради.

Маълум бир соҳада фавкулудда билимли одамлар бизнинг тестимизда худди қолганлар каби ёмон натижа кўрсатади.

Мен Линдауда бўлиб ўтган Нобель лауреатларининг 64-учрашувида қатнашиб, бир гуруҳ иқтидорли ёш олимлар ҳамда физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотини қўлга киритганларга мурожаат қилишдек шарафга муяссар бўлганман. Улар ўз соҳасининг интеллектуал элитаси сифатида тан олинган эди. Лекин болаларни эмлаш ҳақидаги саволда улар бошқа барча респондентлардан ҳам ёмон натижани қайд этди: 8 фоизи тўғри жавоб берди холос. (Шундан кейин энг кучли экспертларни соҳасидан ташқари бошқа яқин соҳалар ҳақида исталган нарсани билади деб ўйламайдиган бўлдим.)

Ақлли бўлиш – математикага уста бўлиш ё олий маълумотли бўлиш, ёки ҳатто Нобель мукофотини ютиб олиш бутун дунё ҳақида билимларга эга бўлиш дегани эмас. Экспертлар фақат ўз соҳасида эксперт холос.

Баъзан “экспертлар” ҳатто ўз соҳасида ҳам эксперт бўлмайди. Кўплаб фаоллар ўзларини эксперт сифатида таништиради. Мен фаолларнинг барча турдаги конференцияларида қатнашганман, чунки дунёни яхшилашда уларнинг ўрни ниҳоятда муҳим деб ўйлайман. Яқинда ҳам хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ўтказилган конференцияда қатнашдим. Улар келтираётган асосни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. 292 нафар жасур феминист хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятларини яхшилаш борасидаги курашларини мувофиқлаштириш учун дунёнинг турли бурчакларидан Стокҳольмга йиғилганди. Лекин уларнинг фақат 8 фоизи 30 ёшли аёл умрининг ўқишга сарфлайдиган вақти 30 ёшли эркакниқидан фақат бир йилга кам эканини билади.

Мен қизларнинг таълими борасида ҳаммаси жойида деб айтмоқчи эмасман. I даражада ва, айниқса, кам сон-

ли мамлакатларда кўплаб қизлар ҳали ҳам бошланғич мактабга бормайди, ўрта ва олий маълумотга эга бўлишида улкан тўсиқлар бор. Лекин II, III ва IV даражада, яъни 6 миллиард аҳоли орасидан қизлар ўғил болалар билан бир хил, керак бўлса улардан кўпроқ мактабга боряпти. Бу ажойиб! Хотин-қизлар таълими учун курашадиганлар буни билиши ва нишонлаши керак.


Бошқа мисол келтиришим ҳам мумкин эди. Бу фақат хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаолларга тегишли эмас. Мен учратган деярли барча фаол, атайин ёки англамай, ўзлари курашаётган муаммони бўрттириб кўрсатади.

### 11-савол

1996 йил йўлбарслар, катта панда ва қора каркидон йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатига киритилган. Ушбу учта турдан нечтаси бугунги кунда кўпроқ хавф остида?

- А. Иккитаси
- Б. Биттаси
- В. Ҳеч бири

**11-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. 1996 йил йўлбарслар, катта панда ва қора каркидон йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатига киритилган. Ушбу учта турдан нечтаси бугунги кунда кўпроқ хавф остида? (Тўғри жавоб: ҳеч бири)



Инсонлар сайёрамиз табиий ресурсларини талон-торож қилди. Табиий шароит вайрон қилинган, кўплаб ҳайвонлар овланаверганидан йўқ бўлиб кетган. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин ўзини ҳимоясиз ҳайвонлар ва уларнинг яшаш жойини муҳофаза қилишга бағишлаган фаоллар мен ҳозиргина айтиб ўтган хатони қилади: одамларни ғамхўрлик қилишга чақиришга чунон берилаганидан соҳада яхшиланиш бўлаётганини унутиб кўяди.

Жиддий муаммо жиддий маълумотлар базасини талаб қилади. Сизларга “*Red List*” (*Қизил китоб*) сайтига киришингизни қаттиқ тавсия қиламан. У ерда дунёдаги йўқолиб кетиш хавфи остида турган барча турларнинг ҳозирги ҳолатини кўришингиз мумкин. Маълумотлар турли ҳайвонларнинг ёввойи популяцияларини кузатиб боровчи ва тенденцияни монитор қилишда ҳамкорлик қиладиган халқаро кучли тадқиқотчилар жамияти томонидан янгилашиб туради. Биласизми нима? Агар бугун “*Red List*” ёки “*World Wildlife Fund*” (Бутунжаҳон табиатни асраш жамғармаси) сайтига кирсам, гарчи айрим маҳаллий популяциялар ва айрим кичик турлар камайганига қарамай, йўлбарс, катта панда ҳамда қора каркидонларнинг умумий ёввойи популяцияси сўнгги йилларда қанчалик кўпайганини кўраман. Бутун Стокхольмдаги барча эшикларга пандали стикерларни ёпиштиришга сарфланган пуллар зое кетмабди. Лекин швед жамиятининг фақат 6 фоизи уларнинг қўллаб-қувватлаши натижа кўрсатганидан хабардор.

Инсон ҳуқуқлари, ҳайвонларни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг таълими, иқлим ўзгаришидан хабардорлик, фалокатларни бартараф этиш ва фаоллар аҳвол ёмонлашаётганидан огоҳлантираётган кўплаб бошқа соҳаларда ривожланиш бор. Бу ривожланиш кўпинча ана шу фаолларнинг меҳнати туфайли содир бўлган. Лекин улар муаммога бир томонлама ёндашмаганида, ўзлари сабаб

бўлган ривожланишни яхшироқ тушунганида ва ўзлари жалб қилаётган инсонларга бу ҳақида етказишга тайёр бўлганида бундан ҳам кўпроғига эришиши мумкин эди. Муаммони қайта-қайта таъкидлагандан кўра ривожланиш ҳақидаги далилни эшитиш кўпроқ куч беради. *ЮНИСЕФ*, *“Save the Children”*, *“Amnesty International”* ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва экологик ҳаракатлар бундай имконни такрор ва такрор қўлдан бой бермоқда.

### **Болғалар ва михлар**

“Боланинг қўлига болға берсангиз, ҳамма нарса унга мих бўлиб кўринаверади”, деган нақлни эшитгандирсиз, ҳойнаҳой.

Қимматли тажриба ва билимингиз бўлса, уни ишла-тишни хоҳлайсиз. Баъзида экспертлар машаққат билан эгалланган билим ва кўникмаларини керак бўлмаган жойда ҳам қўллаш йўлини излайди. Шунинг учун математикага уста одамлар фақат рақамларга ёпишиб олади. Иқлим бўйича фаоллар ҳамма ерда куёш энергиясидан фойдаланиш зарурлиги ҳақида баҳслашади. Шифокорлар эса профилактика самаралироқ бўлган жойда ҳам даволашни тарғиб қилади.

Жуда чуқур билим экспертга аслида нима иш бериши-ни кўра олишида ҳалал бериши мумкин. Ушбу ечимлар-нинг барчаси баъзи муаммоларни ҳал қилишда қўл келади, лекин уларнинг ҳеч бири барча муаммони ҳал қилмайди. Шунинг учун дунёга турли қирралардан ёндашиш керак.

### **Рақамлар ягона ечим эмас**

Мен рақамларни севмайман. Мен маълумотлар базаси-нинг ашаддий, ҳа, ашаддий шайдосиман, аммо уларни севмайман. Чунки унинг ҳам чекланган жиҳатлари бор. Маълумотлар рақамлар ортидаги ҳақиқатни, яъни одам-

лар ҳаётини тушунишимга ёрдам берсагина яхши кўраман. Тадқиқотларимда фаразларимни текшириб кўриш учун маълумотлар базасига кўп суянганман, аммо фаразларимнинг ўзи кўпинча одамлар билан гаплашиш, уларни тинглаш ва кузатиш орқали шаклланган. Дунёни англашда рақамлар бизга жуда зарур бўлса ҳам, фақат ва фақат рақамларга таяниб чиқарилган хулосаларни шубҳа остига олишимиз керак.

Мозамбикнинг 1994–2004 йиллардаги бош вазири Пашкуал Мокумби 2002 йил Стокхольмга келганида менга мамлакатада иқтисодиёт ривожланаётганини айтди. Мен ундан бунга қандай билишини сўрадим. Ахир Мозамбикда иқтисодий статистиканинг аҳволи ҳавас қиларли эмасди. У киши бошига ЯИМни кўрганмикан?

– Рақамларни кўраман, – деди у, – лекин уларни жуда аниқ деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар йили биринчи май куни парадга чиққанларни кузатишни одат қилдим. Мамлакатимизда парадлар анъанага айланган. Парад давомида одамларнинг оёғига, қандай пойабзал кийганига қарайман. Байрам куни ҳамма бисотидаги энг яхшиларини кийишини биламан. Улар дўстининг пойабзалини қарзга олиб туролмаслигига ҳам фаҳмим етади, чунки дўсти ҳам парадга чиқиши керак. Шунинг учун оёқларга қарайман ва улар ялангоёқми ёки оёқ кийимдами, пойабзалининг ҳолати қандай эканини кузатаман. Сўнг кўрганларимни бир йил аввалги кўрганларим билан солиштираман. Шунингдек, мамлакат бўйлаб кезганимда қурилишларга қарайман. Агар пойдеворлар устига майсалар ўсиб чиққан бўлса, бу ёмон. Лекин агар янги ғиштлар қўйилаётган бўлса, демак, одамларда фақат кунлик овқати учун эмас, балки кўшимча харжларга ҳам пули борлигини биламан.

Доно бош вазир рақамларга қарайди, аммо *фақат* улар билан чекланмайди.

Албатта, инсоният тараққиётининг энг қадрли ва муҳим жиҳатларини рақамлар билан ўлчашнинг умуман



иложи йўқ. Биз касалликдан азият чекаётганлар сонини рақамларда ҳисоблашимиз мумкин. Моддий шароитлар яхшиланаётганини рақамларда ўлчамимиз мумкин. Лекин иқтисодий ўсишнинг якуний мақсади – шахс эркинлиги ва маданияти, бу кадриятларни рақамларга сиғдириш мушкул. Инсоният тараққиётини рақамлар билан ўлчаш ғояси қўпчиликка тамоман ғалати туюлади ва мен бу фикрга қўшиламан. Рақамлар ҳеч қачон Ер юзидаги ҳаёт қандай эканини тўлиқ очиб беролмайди.

Дунёни рақамларсиз англаб бўлмайди. Аммо рақамларнинг куруқ ўзи билан ҳам англаш иложсиз.

### **Тиббиёт ягона ечим бўлолмайди**

Тиббиёт соҳасидаги мутахассислар фақат тиббиёт, ҳаттоки тиббиётнинг фақат муайян йўналишига муккасидан кетган бўлиши мумкин.

1950-йилларда жамоат соғлиғи бўйича даниялик шифокор Ҳалфдан Малер Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига сил касаллигини йўқ қилиш йўлини таклиф қилди. Унинг лойиҳаси билан Ҳиндистоннинг қишлоқларига рентген аппарати ортилган кичик автобуслар юборилди. Ғоя оддий эди: битта касални йўқ қилса кифоя. Режага кўра, барча аҳоли рентгендан ўтказилади, кимда сил аниқланса, ўшалар даволанади. Лекин ғоя одамлар ғазаблангани учун муваффақиятсизликка учради. Саноксиз касалликлар билан оғриган аҳолининг қишлоғига ва ниҳоят ҳамширалар ҳамда шифокорлар келди-ю, синган суякни даволаш, диареяга қарши суюқлик бериш ёки кўзи ёриётган аёлга ёрдамлашиш ўрнига улар умрида эшитмаган касалликни аниқлаш учун ҳаммани рентгенга туширамиз, деди.

Битта касалликни йўқ йилишга қаратилган уриниш муваффақиятсизликка учраганидан сўнг у ёки бу касалликка қарши курашиш эмас, балки бутун аҳолини

бирламчи тиббий ёрдам билан таъминлаш ва буни аста-секин такомиллаштириб бориш оқилона йўл, деган тусунча пайдо бўлди.

Тиббиёт дунёсининг бошқа қисмида “*Big Pharma*” фармацевтика компанияларининг оладиган фойдаси камайиб кетди. Уларнинг аксарияти янги, инқилобий ўзгариш қиладиган, умрни узайтирувчи дори ишлаб чиқишга ўзини урган эди. Уларни умр кўриш давомийлигидаги (ва уларнинг даромадидаги) навбатдаги катта ўсиш фармакологик ютуқ туфайли эмас, балки бизнес моделдаги ютуқ туфайли содир бўлишига ишонтиришга уринаман. “*Big Pharma*” ҳозирда II ва III даражадаги мамлакатларнинг катта бозорларига кира олмаяпти. Бу мамлакатларда юз миллионлаб одамлар Кералада биз учратган диабет билан касалланган бемор каби аллақачон кашф қилиб бўлинган дорига муҳтож, фақат арзонроқ нархда. Агар фармацевтика компаниялари нархларни турли мамлакатлар ва турли мижозларга мослаштира олганида эди, ўзида аллақачон мавжуд нарса билан катта фойда кўрарди.

Болғалар ва михларни жуда яхши англаган оналар ўлими бўйича экспертлар қашшоқ оналарнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун энг муҳим нарса маҳаллий ҳамшираларга кесарча кесишни ёки кучли қон кетиш ва юқумли касалликларни яхши даволашни ўргатиш эмас, балки маҳаллий касалхонага элтадиган транспортларни йўлга қўйиш эканини билади. Агар тез ёрдам машиналарининг йўқлиги ёки улар юришига йўл бўлмагани сабабли аёллар етиб бора олмаса, касалхоналардан нима наф? Худди шу каби таълим соҳаси экспертлари ҳам кўпроқ дарслик ёки синфхонада бирдан ортик ўқитувчи ишлашидан ҳам кўра электр энергияси таълим жараёнига кўпроқ таъсир қилишини билади, чунки ўқувчилар куёш ботганидан кейин уйга вазифани қила олиши керак.

### **Гинекологлар ҳеч қачон бармоғини теккизмайдиган жой**

Мен камбағал жамиятларда жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида маълумот тўплаётган гинекологлар билан суҳбатлашаётган эдим. Бу мутахассислар бармоғини одамларнинг исталган ерига теккизишдан ва уларнинг жинсий фаолияти ҳақида ҳар қандай саволни беришдан тап тортмас эди. Мен жинсий йўл билан юқадиган айрим касалликлар фақат маълум даромадга эга гуруҳларга хос ёки хос эмаслигини билишга қизиқдим. Шунинг учун мутахассислардан беморларнинг анкетасига даромади ҳақида савол киритишини сўрадим. Улар менга ялт этиб қаради ва деди:

“Нима? Одамларга бундай савол бериб бўлмайди. Неча пул топиши уларнинг ўта шахсий иши”.

Гинекологлар бармоғини теккизмайдиган ягона жой одамларнинг ҳамёни экан.

Орадан йиллар ўтиб, Жаҳон банки ходимлари билан учрашдим. Улар дунё бўйлаб одамларнинг даромади бўйича сўровнома ўтказаетган эди. Улардан сўровномага жинсий ҳаёт ҳақида савол қўшишини сўрадим. Мен ҳамон жинсий ҳаёт ва даромад даражаси ўртасидаги боғлиқликка қизиқаетган эдим. Уларнинг жавоби ҳам гинекологларникига ўхшаш бўлди. Одамлардан уларнинг даромади, қора бозори ҳақида исталган саволни бериш мумкин-у, интим ҳаёт ҳақида сўраш мумкин эмасми? Асло йўқ!

Қизиг-а, одамлар ўзига чегара чизиб олади-да, қобиғидан чиқмай ҳаракатланганда ўзини тарбияли ҳис қилади.

## Мафкурачилар

Ҳеч нарса одамларни улкан ғоячалик бирлаштира олмайди ва бизга орзумиздаги жамиятни куришга йўл бермайди. Бизга либерал демократия ва давлат тиббий суғуртасини берган ҳам мафкура бўлади.

Лекин мафкурачилар худди экспертлар ва фаоллар сингари ўзининг битта ғоясига ёки битта ечимига маҳкам ўрнашиб олган бўлади. Бу янада зарарлироқ оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Прогрессни ўлчаш ва фойдали иш қилиш ўрнига эркин бозор иқтисодиёти ёки эркинлик каби битта ғояга мутаассибларча ёпишиб олишнинг абсурд оқибатлари Куба ва АҚШдаги вазиятни узоқ вақтдан бери кузатиб келадиган ҳар қандай кишига аён.

## Куба: камбағалларнинг энг соғи

Мен 1993 йили Кубада бирмунча вақт бўлиб, 40 минг кишини касаллаган ҳалокатли эпидемияни ўргандим. Бир неча бор президент Фидел Кастронинг ўзи билан учрашиб қолдим, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қаттиқ ва мустабид тизимда кўлидан келганча ҳаракат қилаётган малакали, олий маълумотли ҳамда фидойи ходимлари билан мулоқот қилдим. Коммунистик давлатда (Мозамбик) яшаб, ишлаганимдан сўнг Кубага катта қизиқиш билан, аммо романтик ғояларсиз боргандим. У ердалигимда ҳам ҳеч қандай ғоя пайдо бўлмади.

Сизга Кубада ўзим кўрган саноксиз бемаъниликларни – телевизор найчаларида сув ва шакарни қайнатиб, болалар таглигидан ферментлаш учун ачитки ҳосил қилиб тайёрланган захарли флюорессант қайнатмаси маҳаллий кўлбола ароқ сифатида ичилиши; меҳмонхоналар мижоз кутмагани учун у ерда овқат бўлмаслиги (биз бу муаммони қариялар уйига бориб, улардан қолган стандарт овқатланиш рациони қолдиқларини еб ҳал қилдик); ку-

балик ҳамкасбим агар Майамидаги холаваччасига Исо мавлуди байрамида табрикнома йўлласа, фарзандлари университетдан ҳайдалишини билиши; тасдиқдан ўтиши учун Фидел Кастронинг шахсан ўзига тадқиқот методларимни қанча тушунтирганим ҳақида ҳикоя қилиб беришим мумкин. Лекин мен буларга тўхталиб ўтирмайман-да, у ерга нега борганим ва нимани кашф қилганим ҳақида гапираман.

1991 йил охирида тамаки етиштирадиган Пинардель-Рио провинциясида камбағал деҳқонлар ранг ажратолмайдиган бўлиб қолган, кейин оёқ-қўлида сезиш хиссини йўқотиш орқали неврологик муаммоларни бошдан кечирган. Кубалик эпидемиологлар бу муаммо устида изланган ва ташқаридан ёрдам кутган. Совет иттифоқи яқинда парчалангани боис у ердан ёрдам келиши иложсиз эди. Камбағал деҳқонлар ўртасида тарқайдиган неврологик пандемия бўйича тажрибага эга дунёнинг оз сонли мутахассисларини излаётиб, улар менга мурожаат қилди. Куба сиёсий бюроси аъзоси Кончита Уэрго мени аэропортда кутиб олди ва биринчи куннинг ўзида Фидел билан кўришдим. Унинг курулли соқчилари мени обдан текширди. Фидел атрофимда айланаётганда оёғидаги қора кроссовка цемент полда ғичирларди.

Мен уч ой изландим. Охири камбағал деҳқонлар қора бозор маҳсулотларидан оммавий заҳарланишдан (шундай миш-мишлар тарқаган эди) ёки метаболик муаммо келтириб чиқарадиган микроблардан эмас, балки глобал макроиқтисодиёт туфайли тўйиб овқат емаганликдан азият чекмоқда, деган хулосага келдим. Шу пайтгача картошкаларга тўлиб келиб, Кубадан шакар ва сигараларни олиб кетадиган Совет кемалари бу йил келмаган эди. Барча озиқ-овқатларга қатъий рацион белгиланганди. Одамлар ўзининг овқатини болаларга, ҳомиладорларга ва қарияларга берган. Олийжаноб инсонлар фақат гуруч ва шакар билан озиқланган. Мен буларни имкон қадар

эҳтиёткорлик билан тақдим этдим, чунки бундан ҳукумат ўз халқини етарлича боқа олмаган, деган хулоса чиқиши аниқ эди. Режаланган иқтисодиёт муваффақиятсизликка учраганди. Менга раҳмат айтиб, уйимга жўнатиб юборишди.

Орадан бир йил ўтиб, мени Ҳаванага “Глобал нуқтаи назардан Куба соғлиқни сақлаш соҳаси” мавзусида тақдимот ўтказишга таклиф қилишди. Куба ҳукумати унғача Венесуэла ёрдамида ўз халқини боқиш қобилиятини тиклаб олганди.

Мен уларга соғлиқ ва бойлик бўйича пуфакчали диаграммамда Куба эгаллаб турган ўрнини кўрсатдим. Даромад даражаси АҚШникининг чорагича бўлса ҳам, болаларнинг тирик қолиши бўйича Куба АҚШ билан бир хил юқори даражада эди. Тақдимотимни тугатиб, хулосамни айтишим билан Соғлиқни сақлаш вазири саҳнага югуриб чиқди.


“Биз кубаликлар камбағаллар ичида энг соғломимиз”, – деди у.

Ҳамма бирдан қарсак чалиб юборди ва сессия шу билан тамом бўлди.


Лекин тақдимотимда қатнашган ҳамма одам ҳам бундай хулосага келмаганди. Ичимликлар томон юра бошлаганимда бир йигит тирсагимдан енгилгина ушлади ва одамлар орасидан секин четга тортди ҳамда ўзининг соғлиқ статистикаси билан ишлашини айтди. Кейин у бошини мен томон эгиб, кулоғимга қўркмай пичирлади:

“Сизнинг маълумотларингиз тўғри, аммо вазир чиқарган хулоса умуман нотўғри, – у менга худди жумбоқ айтгандай қараб турди-да, кейин ўзи жавоб берди. – Биз камбағаллар ичида энг соғломи эмасмиз, соғлар ичида энг камбағалимиз”.

КУБА — КАМБАФАЛЛАР ИЧИДА ЭНГ СОҒЛОМИ



КУБА — СОҒЛОМЛАРНИНГ ЭНГ КАМБАФАЛИ



Манба: Жаҳон банки, ИМЭ, UN-Pop

У кўлимни кўйиб юборди-да, бир жилмайиб одамлар орасига шўнғиб кетди. Албатта, у ҳақ эди. Кубалик вазир ҳолатни фақат ҳукуматнинг бир томонлама ёндашуви билан тасвирлаган эди. Аслида эса вазиятга бошқа томондан ҳам қараса бўларди. Нега камбағаллар ичида энг соғломи бўлишдан хурсанд бўлиш керак? Нима, кубаликлар бошқа соғлом давлатлар каби бой ва эркин бўлишга лойиқ эмасми?

### **АҚШ: Бойлар ичида энг касалванди**

Энди АҚШга тўхталамиз. Битта ғояга содиқлиги сабабли Куба соғломлар ичида энг камбағали бўлса, АҚШ бойлар ичида энг касалвандидир.


Мафкурачилар АҚШ ва Кубани таққослашни тавсия қилади. Улар иккисидан бирини танлашга ундайди. Агар АҚШда яшашни маъқул кўрсангиз, дейди улар, Куба ҳукумати амалга ошираётган барча нарсани рад этишингиз, Куба рад этган эркин бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлашингиз керак. Аниқроқ айтсам, мен, шубҳасиз, Кубада эмас, АҚШда яшашни афзал кўрган бўлардим, аммо бундай фикрлаш менга ёрдам бермайди. Бу бир ёқлама ёндашув ва одамни янглиштиради. Агар мақсади олий бўлса, АҚШ ўзини III даражадаги коммунистик давлат бўлган Куба билан эмас, IV даражадаги бошқа капиталистик давлат билан солиштириши керак. Агар АҚШ сиёсатчилари фактларга асосланиб қарор чиқаришни истаса, мафкурага эмас, рақамларга таяниши лозим. Ва мен қаерда яшашни танлашим керак бўлса, мафкурага эмас, балки мамлакат ўз халқига нима бера олишига қарар эдим.

Кўшма Штатлар соғлиқни сақлаш соҳаси учун киши бошига IV даражадаги бошқа давлатлардан икки баробардан ҳам кўп маблағ сарфлайди (тахминан 3600 доллар билан таққослаганда 9400 доллар атрофида) ва бу пулга унинг фуқаролари уч йилга қисқа умр кўришни



кутиши мумкин. АҚШ соғлиқни сақлаш соҳаси учун киши бошига дунёдаги исталган давлатдан кўпроқ пул сарфлайди, лекин 39 та давлатда умр давомийлиги уникидан кўпроқ.

39 ТА МАМЛАКАТ УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИ БЎЙИЧА АҚШНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ  
Аmmo соғлиқни сақлаш харажатлари бўйича АҚШни ҳеч ким ортда қолдира олмади.



Ўзларини ўта социалист тузумлар билан солиштириш ўрнига АҚШ фуқаролари нега ўзлари каби ресурсларга эга бошқа капиталистик давлатлар сингари бир хил харажат билан бир хил соғлиқ даражасига эриша олмаётгани ҳақида бош қотириши керак. Айтганча, жавоби қийин эмас: чунки IV даражадаги бошқа кўпгина давлатларда бўлгани каби АҚШда давлат тиббий суғуртаси йўқ. АҚШнинг амалдаги тизимига кўра, бой, суғурталанган беморлар шифокорга керагидан кўп мурожаат қилади ва харажатлари ошиб кетади. Камбағал беморлар эса оддий, арзон даволанишга ҳам қурби етмайди ва барвақт ўлим топади. Докторлар одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ёки

касалларни даволашга сарфлаши мумкин бўлган вақтини кераксиз, маънисиз парваришга сарфлайди. Шифокорнинг вақтини ҳавога созуриш бу!

Дарҳақиқат, тамомила аниқ маълумот бериш учун шунини айтишим керакки, умр кўриш давомийлиги АҚШники каби паст бўлган оз сонли давлатлар бор: Уммон, Саудия Арабистони, Баҳрайн, БАА ва Кувайт каби бадавлат кўрфаз давлатлари. Аммо бу мамлакатларнинг тарихи бошқа. Улар ҳақиқатан нефтдан бойиб кетишни бошлаган 1960-йилларгача аҳолиси камбағал ва саводсиз бўлган. Улардаги соғлиқни сақлаш тизимлари атиги охириги икки авлод умрида қурилган. АҚШдан фарқли равишда бу мамлакатлар ҳукумат қарорларига шубҳа билан қараши боис чекланиб қолмаган ва бир неча йил ўтиб улардаги умр кўриш давомийлиги АҚШникидан ошиб кетса, ажабланмайман. Эҳтимол, шунда АҚШ Ғарбий Европа давлатларидан ҳам кўра Форс кўрфази давлатларидан ўрнат олиш кераклигини тан олар.

Кубадаги коммунист тизим бир томонлама ёндашув қанчалар хавфли бўлишига ёрқин мисол бўла олади: марказлашган ҳукумат халқнинг барча муаммосини ҳал қила олади, деган ғоя бир қарашда асосли, аслида эса бемаъни. Одамлар Кубага, унинг унумсизлигига, камбағаллигига, эрксизлигига қараб, ҳукуматларга жамият қуришига йўл қўймаслик керак деб ҳисоблашлари сабабини тушунаман.

АҚШ соғлиқни сақлаш тизими ҳам фақат бир томонлама ўйлаб чиқарилган фикр – бозор халқнинг барча муаммоларини ҳал қила олади, деган оқилона туюлувчи, аммо бўлмағур ғоядан азият чекмоқда. Одамлар АҚШга, ундаги тенгсизликларга, соғлиқни сақлаш тизими келтириб чиқарган натижаларга қараб, хусусий бозорлар ва рақобатни ижтимоий хизматларга яқинлаштирмаслик керак деб ҳулоса чиқаришларини тушунаман.

Хусусий ва давлат секторлари ҳақида баҳс кетганда, фақат униси ёки бунисини танлаш ечим бўлмайди. Ва-

зиятга қараб иккиси ҳам керак. Фақат давлат бошқаруви ва эркинлик ўртасида мувозанат сақлай олинса бас.

### **Ҳатто демократия ҳам ягона ечим эмас**

Бу хавфли, лекин барибир баҳслашмоқчиман. Либерал демократия мамлакатни бошқаришнинг энг яхши усули эканига ишончим мустаҳкам. Менга ҳамфикр бўлганлар демократия тинчлик, ижтимоий ривожланиш, соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши ва иқтисодий ўсишга нафақат етаклайди, ҳатто зарур, деб ҳисоблайди. Аммо қабул қилишимиз қийин бўлган бир нарса бор: далиллар бу позицияни қувватламайди.

Улкан иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришган давлатларнинг кўпи демократик эмас. Жанубий Кореяда доим ҳарбий диктатура ҳукмрон бўлган бўлса ҳам, бошқа давлатлардан тезроқ (нефтсиз ҳам) I даражадан III даражага чиқиб олди. 2016 йил энг жадал иқтисодий ўсиш кузатилган ўнта давлатдан тўққизтасида демократия даражаси паст.


Ким демократия иқтисодий ўсиш ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун зарур деб даъво қилса, унинг реаллик билан қарама қарши келиш хавфи бор. Яхшиси, демократияга бошқа мақсадларимизга эришишда энг зўр восита сифатида эмас, мақсаднинг ўзи сифатида қараш керак.

Бирор ягона ўлчовга – киши бошига ЯИМга ҳам, болалар ўлими (Кубадагидек) даражасига ҳам, шахсий эркинликка (АҚШдагидек) ҳам, ҳатто демократиянинг ривожланишига ҳам бошқа соҳаларнинг ривожланишига кафолат деб қарамаслик керак. Давлат тараққиётини ўлчай олишимиз мумкин бўлган ягона кўрсаткич йўқ. Реаллик бундан анча мураккаброк.

Дунёни рақамларсиз англаб бўлмайди, лекин рақамларнинг ўзи билан ҳам англашнинг иложи йўқ.

Мамлакат ҳукуматсиз ишлай олмайди, лекин ҳукумат барча муаммони ҳал қила олмайди. Давлат сектори ҳам, хусусий сектор ҳам доим ечим бўла олмайди. Яхши жамиятнинг бирор ягона ўлчови унинг тараққиётида бошқа жабҳаларни бошқара олмайди. Ё фақат уни, ё фақат буни танлаш ярамайди. Вазиятга қараб ҳар иккови керак.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – бир томонлама ёндашиш тасаввурингизни чеклаб қўйишини англаш ва тўғри хулосага келиш учун муаммоларга турли томондан қараш ва амалий ечим топиш яхшироқ эканини ёдда сақлашдир.

Бир томонлама ёндашув инстинктини бошқариш учун асбоб-анжомлар кутисини олинг, болғани эмас.

- **Ғояларингизни текшириб кўринг.** Сизга ёққан ғоялар қанчалар ажойиб эканини кўрсатадиган мисоллар тўпламанг. Сиздек фикрламайдиган одамлар билан суҳбатлашинг ва улар ғояларингизнинг заиф жиҳатини топсин.
- **Чекланган билим ва тажриба.** Ўзингизнинг соҳангиздан ташқари билимларга даъво қилманг: ҳамма нарсани ҳам биламан, деб ўйламанг. Бошқаларнинг билим ва тажрибасининг ҳам чеки борлигини ёдда тутинг.
- **Болғалар ва миҳлар.** Агар қурол ишлатишга уста бўлсангиз, уни ҳадеб ишлатгингиз келаверади. Агар муаммони илдизи билан таҳлил қилсангиз, унинг ёки сиз тақлиф қилаётган ечимнинг аҳамиятини ошириб юборасиз. Эсингизда бўлсин, ҳеч бир ку-

рол ҳамма нарса учун ишлатилмайди. Агар сеvimли ғоянгиз болға бўлса, кўлида винт бурагич, гайка калити ва рулетка бўлган ҳамкасбларингизни изланг. Бошқа соҳалар ғояларига очик бўлинг.

- **Рақамлар, лекин рақамларнинг ўзигина эмас.** Дунёни рақамларсиз англаб бўлмайди – рақамларнинг ўзи билан ҳам. Рақамларни ҳақиқий ҳаёт ҳақида бераётган маълумотлари учун сеving.
- **Содда ғоялар ва содда ечимлардан огоҳ бўлинг.** Тарих даҳшатли хатти-ҳаракатларни оклаш учун оддий утопик тасаввурлардан фойдаланган хаёлпарастларга тўла.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

## АЙБЛАШ ИНСТИНКТИ



Сеҳрли кир ювиш машиналари ва пул  
топувчи роботлар ҳақида

### Келинг, бувимизни урамиз

Мен Каролинска интитутида йирик фармацевтик компаниялар безгак борасида деяри тадқиқот қилмаслиги, фақат камбағалларда учрайдиган ухлаб ётган ёки бошқа касалликларни эса умуман ўрганмасликлари ҳақида маъруза қилардим.

Олд қаторда ўтирган бир талаба:

– Башарасига бир мушт тушириш керак, – деди.

– Аҳа, – дедим мен, – мана шу куз “Novartis”га бормоқчи эдим ўзи (“Novartis” Швейцарияда ташкил қилинган халқаро фармацевтика компанияси ва мен у ерга маърузачи сифатида таклиф қилинган эдим). Агар менга бу билан нимага эришишим ва кимнинг юзига

мушт туширишимни тушунтириб берсангиз, ҳаракат қилиб кўраман. Кимга мушт туширишим керак? У ерда ишлайдиган исталган одамгами?

– Йўк, йўк, йўк! Бошлиғига, – жавоб қайтарди бояги бола.

– Хўп, яхши. Демак, Даниэль Вазелла (у компаниянинг ўша пайтдаги бошлиғи эди). Уни танийман. Демак, кузда у билан кўришганимда юзига мушт туширайми? Шунда ҳаммаси яхши бўладими? Шундан кейин у яхши бошлиқ бўлиб, компаниянинг тадқиқот йўналишларини ўзгартириш кераклигини англайдими?

– Йўк, кенгаш аъзоларининг башарасига мушт туширишингиз керак, – жавоб қайтарди ундан сал орқарокда ўтирган талаба.

– Қизик. Тушдан кейин директорлар кенгашига маъруза қилишим мумкин. Унда эрталаб Даниэлни кўрганимда ўзимни босиб тураман, лекин кенгаш залига кирганимда иложи борича кўпроқ одамни уриб чиқаман. Албатта, уларнинг барчасига мушт туширишга улгурмайман... Жанговар тажрибам йўк, яна у ерда қоровуллар бор. Улар уч-тўрт кишини урганимдан кейин мени тўхтатиб қолишади. Лекин шунда ҳам ураверайми? Шундан кейин директорлар кенгаши тадқиқот сиёсатини ўзгартиради деб ўйлайсизми?

– Йўк, – деди учинчи талаба. – “Novartis” акциядорлик компанияси. Бошлиқ ёки кенгаш ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Акциядорлар ҳал қилади. Агар кенгаш йўналишни ўзгартирса, акциядорлар уларнинг ўрнига янги кенгаш сайлаб олади.

– Тўғри, – дедим мен, – айнан акциядорлар компания маблағни бой одамларнинг касалликларини ўрганишга сарфлашини истайди. Шундай бўлса, улар акцияларидан яхши дивиденд олади.

Шундай экан, муаммо ходимлар, бошлиқ ва кенгаш аъзоларида эмас.



– Энди савол туғилади, – мушт туширишни биринчи бўлиб таклиф қилган талабамга қарадим. – Бундай йирик фармацевтик компанияларда акцияларга ким эгалик қилади?

– Бойлар, – деди у елка қисиб.

– Йўқ. Қизик туюлиши мумкин, лекин фармацевтика акциялари жуда барқарор. Қимматли қоғозлар бозорида кўтарилиб-тушиш бўлади, нефт нархлари ошиб-камаяди, лекин фарма акциялари барқарор даромад келтираверади. Бошқа турдаги кўпгина компаниялар акциялари иқтисодга боғлиқ – улар одамларнинг пул сарфлаши ёки қисқартиришига қараб яхши ёки ёмон даромад келтиради, лекин саратон беморлари доим даволанишга мухтож. Хўш, бундай барқарор компанияларнинг акциялари кимнинг қўлида?

Менинг ёшгина аудиториям гўё битта катта сўроқ белгисига ўхшаб менга қарарди.

– Пенсия жамғармалари.

Сукунат.

– Шунинг учун мушт туширишимга тўғри келмайди, чунки акциядорлар билан кўришмайман. Лекин сиз кўришасиз. Мана шу ҳафта охирида бувингизни кўргани боринг ва юзига мушт туширинг. Агар кимнидир айблаш ва жазолашни истасангиз, қариялар ва уларнинг барқарор акцияларга бўлган очқўзлигини айбланг. Яна ўтган йили саёҳатга отланганингизда бувингиз сизга биров пул берганини эслайсизми? Яхши. Балки, энди ўша пулни қайтарарсиз. Шунда бувингиз камбағаллар саломатлигига инвестиция қилишни сўраб, пулни “Novartis” компаниясига қайтарарди. Агар пулни алдақачон ишлатиб қўйган бўлсангиз, унда ўзингизнинг юзингизга мушт туширишингиз керак.

## Айблаш инстинкти

Айблаш инстинкти – содир бўлган нохуш ҳодисага аниқ, жўн сабаб топиш инстинктидир. Яқинда меҳмонхонада душ қабул қилаётгандим, иссиқ сув жўмрагини охиригача бураганимда менда ҳам бу инстинкт юзага чиқди. Аввалига ҳеч нарса содир бўлмади. Бир неча сониядан сўнг қайноқ сувда куя бошладим. Ўша сонияда сантехникдан, кейин меҳмонхона менежеридан, ундан кейин ёнимдаги хонада эҳтимол совуқ сув ишлатаётган одамдан ғазабландим. Лекин ҳеч ким айбдор эмасди. Ҳеч ким атайин менга зарар етказмади ёки қасддан эътиборсизлик қилмади. Фақат ўзим иссиқ сув жўмрагини секин-аста бурашга сабрим етмаган эдим.

Қандайдир нохуш ҳолат рўй берганда дарров бу қандайдир ёвуз ниятли ёмон одамнинг иши деб қарор чиқаришимиз табиий. Кимдир шундай бўлишини хоҳлагани сабабли ёки бирор одамнинг кучи ёки ваколоти сабабли шу нарса содир бўлди, деб ўйлашни ёқтирамыз, акс ҳолда, дунё олдиндан айтиб бўлмайдиган, чалкаш ва кўрқинчли туюларди.

Айблаш инстинкти бизни шахслар ва муайян гуруҳлар аҳамиятини бўрттириб юборишга мажбур қилади. Айбдорни топиш инстинкти дунёни чин ва фактларга асосланиб идрок қилиш қобилиятимизни сусайтиради: бировни айбор деб ўйлашимиз билан у бизнинг диққатимизни ўғирлайди, кейин кимнинг юзига мушт туширишни билиб олгач, вазиятга бошқа изоҳ излашдан тўхтаимиз. Бу муаммони ечиш ёки такрорланиши олдини олиш қобилиятимизга путур еткази, чунки биз бармоғимизни бигиз қилишдек ҳаддан ташқари содда нарсага ёпишиб қолганмиз. Бу бизни аслида мураккаб бўлган ҳақиқатдан чалғитади ва кучимизни керакли жойга йўналтиришимизга тўсқинлик қилади.

Масалан, самолётнинг ҳалокатга учрашида уйкуси келган учувчини айблаш келгусидаги авиаҳалокатлар олдини олишга ёрдам бермайди. Унинг ўрнига учувчи нега уйкусирагани, келгусида учувчилар ухлаб қолмаслиги учун нима қилиш кераклиги ҳақида бош қотириш керак. Агар барига уйкуси келган учувчини айбдор деб, бошқа сабабларни ўйлашдан тўхтасак, ҳеч қандай прогресс бўлмайди. Дунёдаги аксарият катта муаммоларни тушуниш учун шахсни айблаш ўрнига тизимни ўрганиб чиқишимиз керак.

Айнан шу инстинкт ҳаммаси яхши кетаётганда ҳам бўй кўрсатади. “Даъво” худди “айблов” каби осон пайдо бўлади. Бирор яхши нарса содир бўлса, тезда бунга кимнидир ёки ниманидир сабаб деб топамиз. Ваҳоланки, вазият биз ўйлагандан мураккаброқ.

Агар дунёни ўзгартиришни истасангиз, буни тушуниб олишингиз керак. Айблаш инстинктига қулоқ солиш ёрдам бермайди.

## Айблаш ўйини

Айблаш ўйини кўпинча биз учун нима муҳимлигини фош қилиб қўяди. Биз мавжуд ишончларимизни тасдиқлайдиган ёмон одамларни излашга мойил бўламиз. Келинг, бармоғимиз билан бигиз қилиб кўрсатишни яхши кўрадиган одамларни санаб ўтайлик: мутгаҳам бизнесменлар, ёлғончи журналистлар ва ажнабийлар.

## Бизнес

Мен доим таҳлил қилишга ҳаракат қиламан, лекин ҳатто шунда ҳам кўпинча инстинктларим оёғимдан чалади. Бу сафар Дональд Дакнинг бой ва очкўз амакиси Скруз Макдак ҳақида жуда кўп комикс ўқиб юборгандим. Эҳтимол, ўшанда тижорий фармацевтика ҳақида ўйлашга дангасалик қилгандирман. Кўп йиллардан кейин талабаларим

хам шундай бўлди. Нима бўлганда ҳам, ЮНИСЕФ мендан Анголага безгакка қарши таблетка юбориш бўйича тендер иштирокчиларининг ҳужжатларини ўрганиб чиқишимни сўраганида, менда шубҳа пайдо бўлди. Рақамлар ғалати кўринди ва мен фирибгарни фош этаман деб ўйлардим. Қайсидир инсофсиз бизнесмен ЮНИСЕФни шилмоқчи ва мен буни аниқлашим керак эди.

ЮНИСЕФ фармацевтик компаниялар ўртасида 10 йиллик давр мобайнида дори таъминотчиси бўлиш учун тендер ўтказди. Шартнома муддати ва буюртма ҳажми тендерга янада жозибалироқ тус беради ва қатнашчилар жуда яхши нархларни таклиф қилади. Лекин бу сафар Швейцариянинг Альп тоғларидаги Лугано шаҳрида “Rivovorm” деган кичик оилавий корхона ақлга сиғмас даражада паст нарх қўйган эди: аслида улар ҳар бир таблеткага сўраган пул хом ашё харажатидан ҳам камроқ эди.

Менинг вазифам у ерга бориб, нима бўлаётганини аниқлаш. Мен Цюрихга учдим, кейин кичик самолётда Луганонинг митти аэропортига етиб олдим. Мени эски ва одми кийинган одам кутиб олади, деб ўйлаган эдим, лекин ўрнига лимузинда олиб кетишди ва ҳаётимдаги энг ҳашаматли меҳмонхонага жойлаштиришди. Уйга кўнғироқ қилганда Агнетага,

“Чойшаблари шойидан экан”, – деб пичирладим.

Эртаси куни эрталаб назорат ўтказишим учун мени заводга олиб боришди. Менежер билан қўл сиқиб саломлашдим-да, дарҳол саволларни бошладим:

– Сиз хом ашёни Будапештдан сотиб оласиз, уни таблеткага айлантirasиз, таблеткани контейнерларга жойлайсиз, контейнерларни кутиларга соласиз, кутиларни юк ташиш контейнерига ортасиз ва Генуяга жўнатасиз. Қандай қилиб буларнинг барчасини хом ашё нархидан ҳам арзон нархда амалга оширасиз? Ёки венгерлар сизга алоҳида нарх таклиф қилишадими?

– Венгерларга биз ҳам бошқалар каби пул тўлаймиз,  
– деди у.

– Ва мени лимузинда олиб кетасиз? Қаердан пул топасизлар?

У кулиб кўйди.

– Ҳозир тушунтириб бераман. Бир неча йил аввал биз робототехника фарма саноатини ўзгартира олишини тушундик. Кейин дунёдаги энг тез таблетка тайёрловчи машина ихтиро қилиб, мана шу кичик заводни қурдик. Бошқа барча жараёнларимиз ҳам юқори даражада автоматлаштирилган. Йирик компанияларнинг заводлари бизники билан солиштирганда ҳунармандлар устахонасига ўхшайди. Шундай қилиб, биз Будапештга ҳам ашёга буюртма берамиз. Душанба куни тонгги соат олтида хлорохин фаол моддаси поездда шу ерга етиб келади. Чоршанба куни тушгача Анголага юбориладиган безгакка қарши таблеткаларнинг бир йиллик таъминоти қутиларга жойланиб, жўнатишга тайёр бўлади. Пайшанба куни тонггача улар Генуя портида бўлади. ЮНИСЕФнинг харидори таблеткаларни текшириб, қабул қилиб олдим, деб имзо қўяди ва пул ўша куни Цюрихдаги ҳисоб рақамимизга тушади.

– Қўйсангиз-чи, сиз сотаётган нарх харажатларингизни қопламайди-ку!

– Тўғри. Венгерлар бизга 30 кунлик кредит беради, ЮНИСЕФ эса бизга тўрт куннинг ўзида пул туширади. Шунда ҳисоб рақамимизда ётган пулдан фоиз олишга бизда 26 кун вақт қолади.

Қойил! Тилим калимага келмади. Бу нарса хаёлимнинг бир четига ҳам келмаган эди.

Менинг онгим ЮНИСЕФ яхши, фармадагилар ёвуз ниятли фирибгарлар, деган фикр билан блокланган эди. Кичик бизнеснинг инновацион кучидан мутлақо беҳабар эдим. Кейин билсам, улар камхарж ечим топишда ажойиб қобилиятга эга яхши инсонлар бўлиб чиқди.

## Журналистлар

Зиёлилар ва сиёсатчилар оммавий ахборот воситаларига бармоғини бигиз қилиб, ҳақиқатни айтмаганликда айблаши урфга кирган. Эҳтимол, менинг ўзим ҳам аввалги бобларда шундай қилгандек туюлгандирман.

Журналистларни бармоқ билан кўрсатиш ўрнига ўзимизга савол берайлик: оммавий ахборот воситалари нима учун дунёнинг бузуқ манзарасини кўрсатади? Журналистлар чиндан ҳам бизда ёлғон тасаввур уйғотишни хоҳлайдими? Ёки бунинг бошқа тарафи ҳам борми? Ёки бунга бошқа изоҳ борми?

(Мен қасддан тайёрланган сохта янгиликлар ҳақида баҳслашмоқчи эмасман. У умуман алоҳида масала ва журналистикага алоқаси йўқ. Ҳа айтганча, ўша сохта янгиликлар янглиш тасаввурларимизнинг асосий айбдори эканига ишонмайман: бизнинг дунё ҳақидаги ногўтри тасаввуримиз энди шаклланмаган, менимча, у доим бўлган.)

2013 йил “*Gapminder*”нинг Хабарсизлик лойиҳаси натижаларини интернетда эълон қилдик. Улар тезда BBC ва CNNда муҳим хабар сифатида маълум қилинди. Одамлар ўзини синаб кўриши учун ҳар иккала канал саволларини ўз веб-сайтига жойлаштирди ва одамлар, жин урсин, қандай қилиб тахминан белгилаганда ҳам бундан яхшироқ натижа чиқиши кераклиги муҳокама қилинган минглаб изоҳлар қолдирди.


Улар орасидан битта изоҳ эътиборимизни тортди: “Гаров ўйнайманки, бирорта журналист бу тестдан ўта олмаган”.

Биз бу фикрдан қувондик ва уни синаб кўрмоқчи бўлдик, лекин сўров ўтказадиган компаниялар журналистларни тестга жалб қилиш иложсиз эканини айтди. Уларнинг бошлиқлари рухсат бермас экан. Тушунаман, албатта. Ҳеч ким обрўсига путур етишини истамайди ва

жиддий янгиликлар нашри шимпанзедан ҳам билимсизроқ журналистларни ишга олгани маълум бўлса, шарманда бўларди.

Одамлар иложсиз деб айтган нарсани мен доим синаб кўргим келаверади. Календаримда ўша йили иккита медиа конференция бор эди, шунинг учун овоз бериш мосламаларини ўзим билан олдим. 20 дақиқалик маъруза барча саволларимни беришга камлик қиларди, лекин айрим саволларни беришга улгурдим. Куйида натижаларни келтиряпман. Жадвалга конференцияда қатнашган BBC, PBS, “National Geographic”, “Discovery Channel” ва бошқа етакчи хужжатли фильм продюсерларининг натижаларини ҳам кўшдим.

#### ЖУРНАЛИСТЛАР ВА КИНОРЕЖИССЁРЛАР ШИМПАНЗЕНИ ЕНГА ОЛИШМАДИ



Манба: Ipsos MORI, Novus, Gapminder

Хулоса қилиш мумкинки, журналистлар ва фильм продюсерлари кенг жамоатчиликдан кўпроқ нарса билмас экан, яъни шимпанзелардан камроқ билимга эга.

Агар бу умуман журналистлар ва хужжатли фильм продюсерларининг аҳволи бўлса – бошқа мухбирларнинг билим даражаси юқорироқ ёки бошқа саволларни берганимда улар яхшироқ натижа кўрсатарди, деб ўйлашимга асос йўқ – демак, улар айбдор эмас. Пианинода чалинган қайғули мусиқа садоси остида жиддий оҳанг билан бўлинган дунё ҳақида драматик хабар айтаётганда, ёки “табиатнинг қарши зарбаси” ёки демографик инқироз ҳақида гапираётганда журналистлар ва хужжатли фильм продюсерлари бизга ёлғон гапираётган бўлмайди, яъни

улар қасддан бизни янглиштирмайди. Уларнинг ёмон нияти йўқ ва уларни айблашдан маъни ҳам йўқ. Чунки дунё ҳақида хабар берадиган кўп журналист ва фильм продюсерларининг ўз тасаввури ҳам янглиш. Журналистларни ёмонотлик қилманг: улар ҳам худди бошқалар каби мега нотўғри тушунчага эга.

Матбуотимиз эркин ва профессионал бўлиши мумкин. У доим ҳақиқатни излаши мумкин. Аммо мустақиллик репрезентативлик дегани эмас: ҳатто ҳар бир хабар тўлиқ ҳақиқатдан иборат бўлса ҳам, мухбирлар танлаган ҳақиқатлар тўплами бизни янглиштириши мумкин. Медиа нейтрал эмас, бўлолмайди ҳам ва биз ундан буни кутмаслигимиз керак.

Журналистларнинг сўров натижалари даҳшатли эди. Уларнинг билими авиаҳалокатга ўхшайди. Лекин мудраган учувчини айблаш қанчалик фойдасиз бўлса, журналистларни айблаш ҳам шунчалик нафсиз. Бунинг ўрнига журналистлар нега нотўғри тасаввурга эга экани (жавоб: чунки улар драматик инстинктга эга инсонлар) ва қандай доимий омиллар уларни чалғитувчи ҳамда ўта драматик янгиликлар тайёрлашига ундашини (ҳеч курса қисман жавоб: улар истеъмолчиларнинг эътибори учун курашиши керак, акс ҳолда, ишини йўқотади) тушунишга ҳаракат қилишимиз керак.

Тушунганимизда эса реалликни яхшироқ кўрсатиши учун оммавий ахборот воситаларидан у ёки бу томонга ўзгаришини сўраш беҳуда ва адолатсиз эканини англаб етамиз. Реалликни акс эттиришни оммавий ахборот воситаларидан кутмаслик керак. Фактларга асосланган дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларига суяниш Берлиндаги таътил суратларидан шаҳар бўйлаб ҳаракатланишда GPS сифатида фойдаланишдек гап.



## Қочоқлар

2015 йилда 4 минг нафар қочоқ шиширилган қайиқларда Европага кетаётиб, Ўртаер денгизида чўкиб кетди. Соҳилбўйи дам олиш масканларига болалар жасадлари оқиб келиб қолгани акс этган тасвирлар одамларда кўрқув ва раҳм-шафқат ҳиссини уйғотди. Қандай фожиа! Европада ёки бошқа ерда IV даражадаги фаровон ҳаётда яшаб турганимиз учун бу қандай содир бўлгани ва ким айбдор эканини ўйлай бошладик.

Тез орада жавобини топгандек бўлдик. Бешафқат ва очкўз контрабандачилар ночор оилаларни алдаб, киши бошига минг евро эвазига уларни шиширилган қайиқларда муқаррар ўлим томон элтиб кўймоқчи бўлган. Кейин ўйлашдан тўхтадик ва Европа қутқарув қайиқлари одамларни сувдан олиб чиқаётганини кўриб, тинчландик.

Нега қочоқлар Европага хавфсиз самолётлар ёки паром қайиқларда кетмай, Ливия ёки Туркияга қуруқликдан бориб, у ёғига ҳаётини резина қайиқларга ишонди? Ахир Европа иттифоқига аъзо барча давлатлар Женева конвенциясини имзолаган ва унга кўра, уруш хароб қилган Сурия қочоқлари исталган ЕИ давлатидан бошпана сўраш ҳуқуқига эга-ку! Мен бу савол билан журналистларга, дўстларимга ва бошпана изловчиларни қабул қилишда иштирок этган одамларга мурожаат қилдим, аммо уларнинг орасидаги энг доно ва энг раҳмдиллари ҳам жуда ғалати жавоб берди.

Эҳтимол, уларнинг самолётда учишга қурби етмагандир? Лекин резина қайиқда кетиш учун ҳар бири минг евродан тўлаганини билдик-ку! Интернетга кириб текширсам, Туркиядан Швецияга ёки Ливиядан Лондонга учиш учун нархи 50 евродан кам бўлган чипталар талайгина экан.

Балки, улар аэропортга етиб боролмагандир? Бўлиши мумкин эмас. Уларнинг кўпи аллақачон Туркия ва

Ливанда эди ва аэропортга осонгина борса бўларди. Чипта олишга ҳам пули етарди, самолётларда ҳам жой бор эди. Аммо рўйхатга олиш пунктида аэропорт ходимлари уларни тўхтатади. Нега? Чунки 2001 йил қабул қилинган Европа кенгаши дастурида аъзо давлатлар ноқонуний иммиграцияга қарши курашиш кераклиги белгиланган. Ушбу дастурга кўра, тегишли ҳужжатсиз одамни Европага олиб кирган ҳар бир авиакомпания ёки паром компанияси уни ўз ватанига қайтариш учун барча харажатларни қоплаши керак. Албатта, дастурда бу тартиб фақат ноқонуний муҳожирларга тегишлилиги, Женева Конвенциясига кўра, Европага бошпана излаб келган қочоқлар бундан мустасно экани кўрсатилган. Аммо бу даъво мантқиқсиз. Чунки авиакомпаниянинг рўйхатдан ўтиш пунктидаги ходими қандай қилиб 45 сонияда одамнинг Женева конвенциясига кўра қочоқ ёки қочоқ эмаслигини аниқлай олади? Элчихонанинг ўзида бунинг учун камида саккиз ой кетади-ку. Албатта, аниқлаш иложсиз. Шунинг учун оқилона бўлиб кўринган дастурнинг амалий самараси шундаки, тижорий авиакомпаниялар ҳеч кимни визасиз бортга чиқармайди. Виза олиш эса деярли хомхаёл, чунки Туркия ва Ливиядаги Европа элчихоналари аризаларни кўриб чиқишга улгурмайди. Суриядан қочганлар, Женева конвенциясига кўра, назарий жиҳатдан Европага киришга ҳаққи бор, амалда эса парвоз қилиши мутлақо имконсиз бўлгани сабаб денгиз орқали кетишга мажбур.

Хўп, унда нега улар бунчалар ёмон қайиқларда йўлга чиқиши керак? Аслида бунинг ортида ҳам Европа иттифоқи сиёсати туради, чунки айнан унга кўра, қайиқлар етиб келганда мусодара қилинади. Шунинг учун қайиқлардан фақат битта саёҳатда фойдаланиш мумкин. Контрабандачилар ўзлари хоҳлаган тақдирда ҳам 1943 йил 7220 нафар яҳудий қочоқни Даниядан Швецияга олиб келган балиқчи қайиққа ўхшаган хавфсиз қайиқларда қочоқларни жўнатишга қурби етмаган.

Бизнинг Европадаги ҳукуматлар уруш хароб қилган давлат қочқинларига бошпана сўраб мурожаат қилиш ва бошпана олиш ҳукукини берадиган Женева конвенциясига амал қилаётганини даъво қилади. Лекин уларнинг иммиграция сиёсати амалда бу даъвонинг устидан кулади ва контрабандачиларга транспорт бозорига тўғридан-тўғри йўл очиб беради. Бунинг ҳеч кимдан яшириладиган жойи йўқ. Аслида бунинг кўрмаслик учун тафаккур сўқир бўлиши керак.

Бизда айбдорни топиш инстинкти бор, аммо камдан-кам ҳолда кўзгуга қараймиз. Менимча, ақлли ва меҳрибон одамлар кўпинча ўзларининг иммиграция сиёсати қочқоқларнинг чўкиб кетишига сабаб деган дахшатли, ўзини айбдор ҳис қилдирадиган хулосага келмайди.

## Ажнабийлар


Бешинчи бобда иқлим ўзгаришига Ҳиндистон ва Хитой айбдор деган даъвони асосли рад қилган ҳинд амалдорини эслайсизми? Мен ўша пайт бу ҳикояни одам бошига тўғри келадиган ўлчовлар аҳамиятини таъкидлаш учун сўзлаган эдим, лекин айбдор қидириш бизни бутун тизимга қарашдан чалғитади.

Иқлим ўзгаришида Ҳиндистон, Хитой ва бошқа юқорироқ даромад даражасига кўтарилаётган мамлакатлар айбдор, муаммони ҳал қилиш учун уларнинг аҳолиси камбағалроқ ҳаёт кечириши керак, деган фикр Фарбда кенг тарқалгани ҳайратланарли. Ванкувердаги Техника университетида глобал тенденциялар ҳақида маъруза ўқиётганимда ичидагини яширмаган бир толиба умидсиз овозда: “Улар биз каби яшолмайди. Уларнинг бу тарзда ривожланишида давом этишига йўл қўёлмаймиз. Улар ҳавога чиқараётган эмиссия сайёрамизни ўлдиради”, – дегани ҳамон эсимда.

Ғарбликлар кўпинча гўё кўлида пульта ушлаб тургандек, ўша пультанинг биргина тугмачасини босиш орқали дунёдаги миллиардлаб одамларнинг ҳаёти устидан қарор чиқарадигандек гапиришлари мени даҳшатга солади. Аудиторияга кўз югуртириб, қолган талабалар унинг гапидан умуман таъсирланмаётганини англадим. Улар кизнинг фикрига кўшилаётган эди.

Атмосферага инсон томонидан чиқарилган CO<sub>2</sub> газининг асосий қисми сўнгги 50 йил ичида ҳозирда IV даражада бўлган давлатлар томонидан чиқарилган. Канаданинг киши бошига чиқарадиган карбонат ангидрид газининг ҳали ҳам Хитойникидан икки баравар, Ҳиндистонникидан саккиз баравар кўп. Аслида ҳар йили ёқилладиган қазилма ёнилғининг қанча қисми энг бой миллиард аҳоли томонидан ёқилишини биласизми? Яримдан кўпи. Қолганининг ярмини иккинчи энг бой миллиард аҳоли ёқади ва шу тарзда давом этиб, энг камбағал миллиард аҳолига етиб келади. Уларнинг улуши атиги 1 фоизни ташкил этади.

ДАРОМАД БЎЙИЧА CO<sub>2</sub> ЭМИССИЯСИ



Манба: Garminder, CDAC

Энг камбағал миллиард аҳолининг I даражадан II даражага чиқиб олиши ва бу билан атмосферага чиқарадиган карбонат ангидрид чикиндилари улушини 2 фоизга оширишига камида йигирма йил кетади. III ва IV даражага кўтарилиши учун яна бир неча ўн йилликлар керак.

Бундай шароитда биз Ғарбда масъулиятни ўз бўй-нимиздан соқит қилиб, уни бошқаларга ағдариб қўйишимиз айблаш инстинктининг яна бир кўринишидир. Биз “улар” биздек яшашига йўл қўёлмаймиз деймиз. Аслида эса “Биз ўзимиз каби яшамаслигимиз керак”.

### Чет элликлар касали

Тананинг энг катта органи – тери. Замонавий дорилар яратилишидан аввал тасаввур қилиш мумкин бўлган энг ёмон тери касаллиги захм эди. У кичима тошмалар билан бошланиб, то скелет очилиб қолмагунча терини еб, суяккача кириб борарди. Бундай жирканч манзара ва чидаб бўлмас оғрикқа сабаб бўлувчи микроб турли жойларда турлича номланарди: Россияда Польша касаллиги, Польшада немис касаллиги, Германияда француз касаллиги, Францияда итальян касаллиги. Итальянлар Франциянинг ўзини айблаб, француз касаллиги деб атаган.

Айбдорни топиш инстинкти инсон табиатида шу қадар илдиз отганки, шведлар бу очик яраларни швед касаллиги, руслар уни рус касаллиги деб аташини тасаввур қилиш қийин. Одамлар бундай қилмайди. Биз кимнидир айблашимиз керак ва агар бир дона бўлса ҳам касалга чалинган чет эллик келиб қолса, бутун бир мамлакатни жон деб айблаб кўя қоламиз. Ортиқча изланишга ҳожат ҳам қолмайди.

## Айблов ва даъво

Айблаш инстинкти сабабли биз маълум шахслар аслидагидан кўра кўпроқ қудрат ва таъсирга эга деб ўйлаймиз. Бу хоҳ яхшиликка бўлсин, хоҳ ёмонликка. Айниқса, сиёсий лидерлар ва бош директорлар амалдагидан-да кўпроқ қудратга эга эканини даъво қилади.

## Қудратли лидерлар

Масалан, Мао, шубҳасиз, фавқулодда қудратли шахс эди. Унинг хатти-ҳаракатлари бир миллиард аҳолига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган. Лекин унинг ёмон ном билан машҳур бўлган “бир бола” сиёсати туғилиш коэффициентига ўйланганидек таъсир қилмади.

Кўпинча Осиёда туғилишлар сони камлигини айтсам, одамлар менга: “Бу Маонинг “бир бола” сиёсати туфайли бўлган”, – дейди.

Аммо аёлларнинг олтитадан учта фарзанд кўришга ўтиши “бир бола” сиёсатидан ўн йил аввал бошланган эди. “Бир бола” сиёсати 36 йил амал қилган бўлса ҳам, рақам 1.5 дан тушмади. Лекин Украина, Таиланд ва Жанубий Кореяда ҳеч қандай босимларсиз тушди. “Бир бола” сиёсати амал қилмаган Гонконгда эса туғилишлар сони ҳатто бир аёлга бир бола кўрсаткичидан ҳам пастга тушиб кетди. Булардан хулоса қилиш мумкинки, бу ерда қудратли шахснинг қатъий буйруғидан ҳам кўра бошқа омиллар роль ўйнайди. Мен у сабабларни нега аёллар фарзанд кўришга қарор қилишини тушунтирганимда аллақачон санаб ўтганман.

Рим папаси ҳам дунёдаги бир миллиард католикнинг жинсий ҳаётига катта таъсир ўтказган, деб қаралади. Лекин ундан кейин келган бир қанча папалар контрацептив воситалардан фойдаланишни очикча қораласа ҳам,

статистика шуни кўрсатадики, асосий аҳолиси католик бўлган мамлакатларда контрацептив воситалардан фойдаланиш кўрсаткичи 60 фоизни, дунёнинг қолган қисмида эса 58 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, орадаги фарқ сезилмайди. Рим папаси дунёнинг энг нуфузли ахлоқий етакчиларидан бири, лекин ҳатто катта сиёсий кучга ёки маънавий ҳокимиятга эга лидерларнинг ҳам ётоқни бошқарадиган пулти йўқ.

### Роҳиба Линданинг эшиги ортида

Африканинг энг қашшоқ қишлоқларида бирламчи тиббий хизматларнинг кўпини ҳамон роҳибалар кўрсатади. Ана шундай ақлли, меҳнатсевар ва прагматик аёлларнинг баъзилари менинг энг яқин ҳамкасбларимга айланган.

Мен Танзанияда бирга ишлаган роҳиба Линда ҳам тақволи католик эди, доим қора либос кийиб юрар ва кунига уч маҳал ибодатни қанда қилмасди. Фақат тиббий консультация пайти ёпиб қўйишини ҳисобга олмасак, унинг эшиги ҳамиша очик турар ва хонасига киришингиз билан биринчи бўлиб кўзингиз тушадиган нарса эшикнинг ташқи томонига илинган папанинг ялтироқ сурати эди. Бир куни унинг хонасида эканимда жуда нозик масалани муҳокама қила бошладик. Роҳиба Линда ўрнидан турди-да, эшикни ёпиб қўйди ва мен умримда биринчи марта эшикни ичкаридан кўрдим: у ерда яна бир катта сурат осилган бўлиб, унга презерватив солинган юзлаб пакетчалар ёпиштирилган эди. Роҳиба Линда ортига ўтирилиб, ҳайрон боқиб турганимни кўриб, худди у каби аёллар ҳақида сон-саноксиз стереотипларимдан хабар топганидаги каби жилмайиб қўйди.

“Эр-хотинлар ОИТС ва ҳомиладорликдан сақланиши учун керак булар” – деб оддийгина жавоб берди у.

Кейин яна суҳбатимизни келган жойидан давом эттирдик.

Аборт билан боғлиқ вазият бошқача. Маонинг “бир бола” сиёсати таъсирини кўрсатган. Натижада номаълум миқдорда мажбурий абортлар ва мажбурий стерилизациялар амалга оширилди. Бугунги кунда бутун дунёда аёллар ва қизлар ҳали-ҳануз абортга қўйилган диний тақиқлар қурбонига айланмоқда. Абортни ноқонуний этиб белгилаш уни амалга оширишни тўхтатмайди, лекин абортни хавфлироқ қилиб қўяди ва аёлларнинг ўлиш хавфини оширади.

## Қолган эҳтимолий гумондорлар

Юқорида муаммо юзага келганда бир кишини айблаш ўрнига бутун тизимни кўриб чиқиш кераклигини таъкидладим. Ҳаммаси яхши кетаётганда ҳам икки турдаги тизим ўрнини тан олиб ўтишимиз керак. Инсониятнинг кўплаб муваффақиятлари ортидаги кўринмас актёрлар буюк, қудратли лидерларга солиштирганда оддий ва зерикарли бўлиб туюлиши мумкин. Шунга қарамай уларни мақтамоқчиман. Келинг, глобал тараққиётнинг эътироф этилмаган қахрамонлари бўлмиш институтлар ва технологияларни олқишлаймиз.

## Институтлар

Фақат деструктив етакчилар бошқарадиган ва моҳароли бир нечта давлатлардагина ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тўхтаб қолган. Қолган жойларда эса ҳаттоки энг лаё-



қатсиз президентлар билан ҳам давлатлар тараққиётга эришган. Хўш, раҳбарлар ўзи шу қадар муҳимми, деган савол пайдо бўлади. Жавоби эса – эҳтимол, йўқ. Жамиятни курадиганлар одамлардир, кўпчиликдир.

Эрталаб юзимни ювиш учун жўмракни бураганимда худди мўъжиза каби илиқ сув оқса, баъзан мана шундай имкониятни яратган сантехникларни ичимда мақтайман. Мана шундай кайфиятда бўлганимда ҳаётимдаги ша-роитлар учун давлат хизматчилари, ҳамширалар, ўқи-тувчилар, адвокатлар, полициячилар, ўт ўчирувчилар, электромонтёрлар, бухгалтерлар ва қабулхона ходимла-рига миннатдорлик билдиргим келиб, ичимга сиғмай кетаман. Айнан ана шу одамлар жамиятни куради. Булар жамият институтларини ташкил қилувчи бир-бирига боғ-лиқ хизматлар тармоғида ишлайдиган кўринмас одам-лардир. Ҳаётимизда ҳаммаси яхши кетаётгани учун ана шу одамларни олқишлашимиз керак.

2014 йилда мен эболага қарши курашишда ёрдам бе-риш учун Либерияга бордим, чунки вирус тўхтатилмаса, бутун дунёга тез тарқаб, миллиардлаб одамларни ўлди-риши ва дунё тарихида кузатилган ҳар қандай пан-демиядан кўра кўпроқ зарар келтиришидан қўрқардим. Ўлимга олиб борувчи эбола вирусига қарши курашда битта қаҳрамон ёки “*Médecins Sans Frontières*” (Чегара билмас шифокорлар) ёки ЮНИСЕФ сингари қаҳрамон ташкилотлар ғолиб бўлмади. Бу ғалаба бир неча кун ичи-да қадимий дафн маросимларини ўзгартириб юборган саломатлик кампанияларини ўтказган, ўлим тўшагидаги беморларни даволайман деб ҳаётини хавф остига қўйган, касалланганлар билан мулоқотда бўлган одамларни то-пиб, уларни изоляцияга олишдек мушкул, хавфли ва но-зик ишни бажарган давлат хизматчилари ва маҳаллий тиббиёт ходимлари томонидан ҳеч бир тантанасиз қўлга киритилди. Жамиятнинг жасур ва сабрли хизматчилари

деярли тилга олинмайди, лекин дунёнинг ҳақиқий халоскори ана ўшалардир.

## Технологиялар

Саноат инқилоби яхши лидерларни етиштиргани учун эмас, балки автоматик кир ювиш машиналарида фойдаланиладиган кимёвий воситаларни яратгани учун миллиардлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолди.

Онам илк марта кир ювиш машинасини ишлатганини кўрганимда тўрт ёш эдим. Онам учун бу унутилмас кун бўлган. Отам иккови ўша машинани сотиб олиш учун неча йил пул йиққан. Янги кир ювиш машинасининг илк бор ишлатиш маросимига таклиф этилган бувим бўлса ҳаммадан кўп ҳаяжонланган. У бир умр ўтин ёқиб сув иситган ва кирларни қўлида ювганди. Энди эса электр бу ишни қандай бажаришини кўришга ошиқаётганди. У шу қадар ҳаяжонланган эдики, машинанинг олдига стул қўйиб кийимлар ювилиб бўлгунча маҳлиё бўлиб ўтирган. Бувим учун бу ҳақиқий мўъжиза эди.

Бу онам ва мен учун ҳам мўъжиза бўлди. Машина сеҳрли эди, чунки айнан ўша кун онам менга:

– Ҳанс, кирларни машинага солиб қўйдик. Қолган ишни машинанинг ўзи бажаради. Биз эса энди кутубхонага боришимиз мумкин, – деди.

Кийимларни машина ювадиган бўлди, биз эса китоб ўқийдиган бўлдик. Саноатлаштиришга раҳмат, металлургия комбинатларига раҳмат, электростанцияларга раҳмат, кимё саноатига раҳмат. Улар бизга китоб ўқишга вақт ажратиб берди.

Бугунги кунда икки миллиард одамнинг кир ювиш машинасидан фойдаланишга пули етади, оналарнинг эса китоб ўқишга вақти бор – чунки кир ювиш ҳамиша оналар юмуши бўлган.

## 12-савол

Дунё аҳолисининг қанча қисмига электр энергияси етиб борган?

- А. 20 фоизига
- Б. 50 фоизига
- В. 80 фоизига

Электр – асосий эҳтиёж бўлгани сабабли жуда кўпчилик, II, III ва IV даражадаги деярли барчада мавжуд. Лекин шунда ҳам ҳар тўрт кишидан биттаси тўғри жавоб беради. (Мамлакатларнинг тўлиқ тақсимоти иловада келтирилган.) Тўғри жавоб ҳар доимгидек энг ижобий жавоб – 80 фоиз одам электр энергиясидан фойдаланади. Электр таъминоти ҳали барқарор эмас, узилишлар бўлиб туради, лекин дунё кўп одамини электр билан таъминлаш сари одимлаб бормоқда. Бирма-бир, уйма-уй.

Келинг, дунёнинг ҳали ҳам кўлида кир ювадиган 5 миллиард аҳолиси нимадан умидвор бўлаётгани ва нимага эришиш учун имкон қадар ҳаммасини қилишга тайёр эканини кўриб чиқайлик. Улар иқтисодий ўсишни ўзлари истаб секинлаштиради, деб ҳисоблаш мутлақо хато. Улар ҳам сиз билан мен каби кир ювиш машинаси, электр чироқлари, канализация тизими, овқатларини сақлаш учун музлаткич, кўриш қобилияти сусайганлари кўзойнак, диабетни борлари инсулин ва оилавий дам олишга бориш учун транспорт бўлишини хоҳлайди.


Агар сиз буларнинг баридан воз кечиб, жинси шимингиз ва чойшабларингизни қўлда ювишни истасангиз, бошқалар ҳам шундай қилади деб ўйлайсизми? Сайёрани иқлим ўзгариши хавфидан сақлаш учун айбдорни топиб, унга масъулиятни юклаш эмас, иш берадиган режа тузиш яхши натижа беради. Биз кучимизни 11 миллиард одамнинг бари биз интилаётган ҳаётда яшашига имкон берадиган янги технологияларни ихтиро қилишга сарфлашимиз керак. У биз ҳозир IV даражада яшаётган ҳаётимиздек, аммо ечимлари оқилона бўлади.

## Кимни айблаш керак?

Камбағалларнинг касалликларини тадқиқ қилмагани учун фармацевтика компаниялари бошликлари, директорлар кенгаши ёки акциядорлари айбдор эмас. Уларга бармоғимизни бигиз қилиб нима ютамыз?

Худди шу каби, оммавий ахборот воситаларини ҳам сизни алдаётганликда (кўпинча ундай бўлмайди) ёки дунёнинг янглиш манзарасини яратаётганликда (кўпинча шундай қилади, лекин қасддан эмас) айблаш ис-тагини тийинг. Экспертларни фақат ўз кизиқишлари ва ихтисосликларига эътибор бергани ёки вазиятни нотўғри талқин қилаётгани учун (баъзан улар шундай қилади, аммо ёмон ниятда эмас) айбламанг. Умуман олганда, ҳеч бир нарсада муайян бир шахсни ёки гуруҳни айбламанг. Чунки биз айбдорни топишимиз билан ўйлашдан тўхта-таймиз. Аслида ҳаммаси ўйлаганимиздан анча мурак-каброқ бўлади. Бунинг ортида доим ўзаро таъсир қи-лувчи сабаблар – бутун бир тизим туради. Агар дунёни ўзгартиришни чиндан хоҳласангиз, у қандай ишлашини тушунишингиз ва ўзганинг юзига мушт туширишни унутишингиз керак.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – айбдор топилганини пайқаш ва бир кишини айблаш қолган эҳтимолий сабаблардан диққатни ўғирлашини ва келгусида шунга ўхшаш муаммоларнинг олдини олиш қобилиятимизни ўтмаслаштириб қўйишини эсда тутишдир.

Айблаш инстинктини бошқариш учун айбдорни топишдан ўзингизни тийинг.

- **Сабабини изланг, ёвузларни эмас.** Бирор иш чаппасига кетса, айбдор шахс ёки гуруҳни изламанг. Нохуш ҳодисалар уларни ҳеч ким хоҳламаса ҳам содир бўлиши мумкинлигини тан олинг. Ўрнига шу вазиятни юзага келтирган тизимни ёки бир қанча ўзаро таъсир қилувчи сабабларни тушунишга кучингизни сарфланг.
- **Тизимни қидиринг, қаҳрамонни эмас.** Агар кимдир бирор яхши нарсага сабабчи қилиб кўрсатилса, у ҳеч нарса қилмаган тақдирда ҳам натижа шундай бўлармиди, ўйлаб кўринг. Мавжуд тизимни эътироф этинг.

ЎНИНЧИ БОБ

## ШОШИЛИШ ИНСТИНКТИ



**“Ҳозир ёки ҳеч қачон” йўлимизни ва шууримизни  
тўсиб қўйиши ҳақида**

### **Йўл тўсиқлари ва ментал тўсиқлар**

– Агар у юқумли бўлмаса, нега болаларингиз билан рафиқангизни эвакуация қилдингиз? – сўради Накала мэри хавфсиз масофадаги столи ортидан менга боқиб.

Деразадан ташқарида Накала тумани ва унинг биргина шифокор, яъни мен хизмат кўрсатадиган юз минглаб ўта қашшоқ аҳолиси узра ажойиб қуёш ботаётганди.

Ўша кунни эрталаб шимолда жойлашган абгор аҳволдаги Мемба соҳилбўйи ҳудудидан шаҳарга қайтган эдим. Мембада ўтган икки кун давомида қўлларим ёрдамида юзлаб беморларга бир неча дақиқада оёғини фалаж қилиб қўядиган, оғир ҳолатда эса кўзларини кўр қилиб қўядиган

дахшатли, тушунарсиз касаллик ташхисини кўйиб келдим. Мэр ҳақ эди. Касаллик юқумли эмаслигига 100 фоиз амин эмасдим. Ўтган кечада ухламай, то мен кўраётган симптомлар аввал сира тасвирланмаган, деган хулосага келгунимча тиббиёт дарслигини титиб ташладим. Мен буни юқумли эмас, балки қандайдир захарланиш деб тахмин қилдим, аммо буни тўлиқ ишонч билан айта олмасдим. Шунинг учун рафиқамдан болаларни олиб, у ердан кетишини сўрадим.

Нима дейишни ўйлаб олгунимча, мэр:

– Агар касаллик юқумли бўлиши мумкин деб ўйласангиз, мен қандайдир чора кўришим керак. Фалокатнинг олдини олиш учун касаллик шаҳаргача етиб боришига йўл қўймаслигим лозим, – деди.

Мэрнинг онгида энг ёмон сценарий шаклланиб бўлганди ва у дарҳол менинг шууримга ҳам ёйилди.

Мэр дарров ишга киришадиган одам эди. У ўрнидан турди ва деди:

– Ҳарбийларга йўлларни тўсишни ва шимолдан келадиган автобусларни тўхтатишини айтайми?

– Ҳа, – дедим мен, – менимча, бу яхши фикр. Бирор чора кўришингиз керак.

Мэр кўнғироқ қилиш учун чиқиб кетди.

Эртаси куни Мембада тонг отган маҳал йигирмага яқин аёл кенжа фарзандлари билан ўз маҳсулотларини сотиш учун Накаладаги бозорга элтадиган автобусни кутиб турганди. Автобус қатнови бекор бўлганини билгач, улар соҳилга бориб, балиқчилардан қайикда олиб кетишини сўрадилар. Балиқчилар мўъжазгина қайиқларига ҳаммани сиғдирди. Эҳтимол, улар ҳам қирғоқ бўйлаб жануб томон сузаркан, ҳаётида биринчи марта осон пул топиш имкони берилганидан хурсанд эди.

Ҳеч ким сузишни билмасди, шунинг учун денгиз тўлқини қайиқларни ағдариб юборганда оналар, болалар ва балиқчиларнинг ҳаммаси чўкиб кетди.

Ўша кун тушдан кейин йўлдаги тўсиқдан ўтиб, ғалати касалликни ўрганишни давом эттиргани яна шимолга бордим. Мембага кириб борар эканман, бир гуруҳ одамлар йўл четига денгиздан тортиб чиқарилган жасадларни териб қўяётганига дуч келдим. Соҳилга югуриб тушдим, аммо жуда кеч бўлганди. Бир болакайнинг жасадини кўтарган кишидан сўрадим:

– Нега бу болалар ва аёллар бундай мўрт қайиққа чиққанди?

– Эргалаб автобус йўқ экан, – деди у.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳам мен нима қилиб қўйганимни ҳамон англамагандим. Ҳозир ҳам бунинг учун ўзимни кечиролмайман. Нега мэрга “Бирор чора кўришингиз керак!” – деб айтдим-а?

Мазкур фожиали ўлимларда балиқчиларни айблаб олмадим. Шаҳар расмийлари қандайдир сабабга кўра йўлни тўсиб қўйганда бозорга бориши керак бўлган одамлар, албатта, қайиққа чиқади.

Ўша куни ва ундан кейинги кунлар қўлим қандай ишга борганини тасвирлаб беролмайман. Ва бу ҳақда мен 35 йилдан бери ҳеч кимга айтмай келдим.

Лекин мен ишимни давом эттирдим ва, охир-оқибат, одамларни фалаж қилиб қўяётган касаллик сабабини топдим: гумон қилганимдек одамлар захарланган экан. Ажабланарлиси, улар ҳеч қандай янги нарса емаган. Уларнинг таомномасининг асосини ташкил этган кассава (маниок) ўсимлигини истеъмолга яроқли бўлгунча уч кун тайёрлаш керак эди. Буни ҳамма биларди, шунинг учун ҳеч ким ҳеч қачон кимдир захарланганини эшитмаган ёки бундай симптомларни кўрмаган эди. Лекин ўша йили бутун мамлакатда ҳосил яхши бўлмади ва ҳукумат қайта ишланган кассавани ҳар қачонгидан ҳам қимматроқ нарҳда сотиб олаётган эди. Камбағал деҳқонларда қашшоқликдан қутулиши учун зарур бўлган қўшимча пул



топиш имкони тўсатдан пайдо бўлганди ва улар борини сотаётган эди. Лекин савдони гуркиратган кунлари улар уйга оч қайтарди. Шу қадар очки, хом кассава илдизини даладан узиб ейишдан ўзини тиёлмасди. Ушбу кашфиёт 1981 йил 21 август куни кечки соат саккизда мени туман шифокоридан тадқиқотчига айлантирди ва мен умримнинг кейинги ўн йилини иқтисод, жамият, токсинлар ва озик-овқат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишга бағишладим.

Орадан ўн тўрт йил ўтиб, 1995 йили Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншасадаги вазирлар Киквит шаҳрида эбола аниқланганидан хабар топади. Улар бундан қўрқувга тушади. Тезда бирор чора кўриш керак деб ҳисоблайди ва йўлларни тўсиб қўяди.

Яна кутилмаган оқибатлар юзага келди. Пойтахт аҳолисини боқиш катта муаммога айланди, чунки уларни доим қайта ишланган кассава билан таъминлаб турган қишлоқ касаллик аниқланган ҳудуднинг нариги томонида эди. Шаҳардагилар оч қолди ва иккинчи энг кўп озик-овқат етиштирадиган ҳудуддан ҳамма нарсани сотиб ола бошлади. Нархлар осмонга сапчиди ва яна нима бўлганини топинг-чи! Одамларнинг оёқлари ёппасига фалажланиб, кўзлари ожиз бўлиб қола бошлади.

Шундан ўн тўққиз йил ўтиб, 2014 йилда Либериянинг шимолий қишлоқларида эбола тарқалди. Бундай касалликни илгари кўрмаган бой мамлакат фуқаролари қўрқиб кетди ва барчаси бир хил тўхтамага келди: йўлларни ёпиш керак!

Соғлиқни сақлаш вазирлигида юқори малакали сиёсатчилар билан учрашдим. Уларнинг тажрибаси кўп эди ва бу тажриба уларни эҳтиёткор қилиб қўйганди. Улар асосан тўсиқдан нарида қолган одамларнинг ишончини йўқотишдан ташвишланарди. Бу мутлақ ҳалокатга олиб келарди: эбола вирусининг мулоқот занжирини аниқлаш орқали енгиш мумкин эди. Бунинг учун улар ким билан

мулоқот қилганликларини очиқ айтиши керак эди. Мулоқот занжирини аниқловчи қаҳрамонлар харобада ўтирганча яқиндагина оила аъзосини йўқотган одамлар билан суҳбатлашиб, бемор ўлимидан олдин касалликни юктириш эҳтимоли бўлган ҳар бир шахс ҳақида сўраб оларди. Кўпинча сўроқ қилинаётган одамнинг ўзи ҳам, шубҳасиз, ўша рўйхатда бўлар ва вирус юктирган бўлиши мумкин эди. Доимий кўркув ва миш-миш тарқашига қарамай, кескин, ваҳимали ҳаракатга ўрин йўқ эди. Инфекциянинг изини қаттиққўллик билан аниқлаб бўлмасди. Бунинг учун сабр, хотиржамлик ва синчковлик талаб қилинарди. Бир инсон марҳум акасининг жуда кўп маъшуқаси бўлганини айтмай қолдирса, бу билан минг кишининг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди.

Биз кўрққанимизда, босим остида ва хаёлимизда эҳтимолий энг ёмон сценарий гавдаланганда ҳақиқатан аҳмоқона қарорлар чиқариб кўямиз. Тезда қарор чиқариш ва зудлик билан чора кўриш истаги таҳлилий фикрлаш қобилиятимизни ўчириб кўяди.

1981 йили Накалада касалликни бир неча кун синчковлик билан ўрганганман-у, аммо йўлни ёпиб кўйишнинг оқибатлари ҳақида бир дақиқа ҳам ўйламаганман. Шошилиш, кўркув, пандемия хавфига бир томонлама ёндашиш вазиятни тўлиқ ўйлаб кўриш қобилиятимни ўтмаслаштириб кўйганди. Нимадир чора кўришга шошиб, даҳшатли хато қилганман.

## **Шошилиш инстинкти**

Ҳозир ёки ҳеч қачон! Фактга асосланишни ҳозир ўрганинг! Эртага жуда кеч бўлиши мумкин!

Ниҳоят охирги инстинктга етиб келдингиз. Энди қарор қабул қилишингиз керак. Бу лаҳза ҳеч қачон қайтиб келмайди. Шу барча инстинктлар қайтиб ҳеч қачон ёдингизда қолмайди. Фақат бугун, ҳозир китобдан олган янги-

ликларингизни тутиб қолиш ва дунёқарашингизни бир умрга тамомила ўзгартириш имкони бор. Ёки бўлмаса китобни тугатасиз, ёпасиз ва ўзингизга “ғалати экан” дейсиз-да, худди аввалги ҳолатингизда давом этаверасиз.

Лекин сиз ҳозир бир қарорга келишингиз керак. Ҳозир ҳаракат қилишингиз керак. Дунёқарашингизни бугуноқ ўзгартирасизми? Ёки бир умр нодон бўлиб яшайсизми? Ўзингиз ҳал қилинг.

Эҳтимол, бундай гапларни аввал сотувчилардан ёки фаоллардан эшитгандирсиз. Иккови ҳам бир хил усулларни қўллайди: “Ҳозир ҳаракат қил ёки имконни бир умрга қўлдан бой берасан”. Улар атайин сизнинг шошилиш инстинктингизни кўзгайди. Ҳаракатга чорлов танқидий фикрлашингизни сусайтириб, тезроқ қарор қабул қилишга ва ҳозироқ ҳаракат қилишга ундайди.

Ўзингизни бўш қўйинг. Бу тўғри эмас. Деярли ҳеч қачон ҳеч нарса бу қадар шошилишч бўлмайди, ё уни, ё буни танлашингизга ҳам ҳеч қачон тўғри келмайди. Агар истасангиз, китобни қўлингиздан қўйиб, бошқа юмушни бажаришингиз мумкин. Бир ҳафта, бир ой ёки бир йилдан кейин яна қўлингизга олиб, асосий жойларини эсга олишингиз мумкин ва ўшанда ҳам кеч бўлмайди. Аслида бир ўтиришда ҳаммасини шошилиб ўқигандан кўра, мана шундай ўрганган маъқулроқ.

Шошилиш инстинкти муқаррар хавфни пайқаган заҳотимиз дарҳол чора кўришга ундайди. Бу узок ўтмишда инсониятга яхшигина асқатган бўлиши керак. Агар ўтлар орасида шер бўлиши мумкин деб ўйласак, ортиқча ўйлаб ўтириш керак эмас. Тўхтаб, бу нима бўлиши мумкин деб синчиклаб таҳлил қилганлар бизнинг аждодларимиз эмас. Биз етарли маълумотга эга бўлмай туриб, тезда қарор чиқариб, ҳаракат қилган одамларнинг болаларимиз. Шошилиш инстинкти бизга бугун ҳам керак, масалан, тўсатдан машина келиб қолса, тезда қо-

чишимиз керак. Аммо ҳозир биз кўпгина ошиғич юз берадиган хавфларни баргараф қилганмиз, мураккаброк ва мавҳумрок муаммолар қолган. Шошилиш инстинкти атроф-оламни тушуниш ҳақида гап кетганда ҳам бизни адаштириши мумкин. У бизни стрессга салади, бошқа инстинктларимизни кучайтириб юборади ва уларни назорат қилишимизни қийинлаштиради, аналитик тафаккуримизни хиралаштиради, жуда тез қарор чиқаришга, обдан ўйлаб кўрмай кескин чора кўришга ундайди.

Узоқ келажакдаги хавфга юзлашганимизда бу инстинктимиз йўқолиб қолгандек туюлади. Дарҳақиқат, келажакдаги хатарлар олдида биз жуда сусткашлик қиламиз. Шунинг учун жуда кам одам пенсия учун пул жамғаради.

Келажак хавфга бўлган бундай муносабат узоқ муддатли мақсадларда ишлайдиган фаоллар учун катта муаммо бўлади. Улар бизни мудроқ ҳолатимиздан қандай уйғотади? Қандай қилиб бизни ҳаракатга ундайди? Кўпинча келажакдаги ноаниқ муаммо аслида аниқ эканига, биз муҳим муаммони ечиш учун тарихий имкониятга эгалгимизга ҳамда уни ҳозир қилмасак, имконият бой берилишига ишонтириш орқали, яъни шошилиш инстинктини кўзғатиш орқали амалга ошади.

Бу усул, шубҳасиз, бизни ҳаракатга келтириши, аммо кераксиз стресс ва бўлмағур қарорларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу, шунингдек, фаолларга ишончни камайтириши ҳам мумкин. Муттасил чорловлар бизни ҳақиқий хавфга нисбатан қарахт қилиб кўяди. Бизни ҳаракатга чорлаш учун хавфни аслидагидан ҳам шошилинчроқ кўрсатишга уринаётган фаоллар ёлғондан “Бўри!” деб бақираётган болага ўхшайди.\* Масал қандай тугаши эса эсимизда: чўпон бола бир сурув кўйидан жудо бўлади.

---

\*Эзоп масалига ишора қилиняпти. 210-масал. “Ҳазилкаш чўпон”.

## Шошилиш инстинктини бошқаришни ўрганинг. Махсус таклиф! Фақат бугун!

Одамлар менга ҳозирроқ ҳаракат қилишимни айтганида иккиланиб қоламан. Аксар ҳолларда улар тиниқ фикрлашимга ҳалал беради.

### Қулай шошилиш

#### 13-савол

Глобал иқлим экспертларининг ишонишича, 100 йилдан кейин ўртача ҳарорат...

- А. Янада илиқлашади.
- Б. Ўзгаришсиз қолади.
- В. Совуқлашади.

“Кўрқув яратишимиз керак!” – буни менга Альберт Гор иқлим ўзгаришини одамларга қандай тушунтириш ҳақида илк бор суҳбатлашганимизга айтганди. 2009 йил ва биз Лос-Анжелесда “TED” конференцияси бошланишидан олдин саҳна ортида эдик. Альберт Гор унга ёрдам беришимни ва “Garminder”нинг пуфакчали графиклари ёрдамида агар карбонат ангидрид гази чиқиндилари ошиши келажакка қандай таъсир қилишини энг ёмон ҳолатда кўрсатишимни сўради.

Ўша пайт Альберт Горнинг иқлим ўзгаришини тушунтириш ва бу бўйича чора кўришда эришган ютуқлари учун хурмат қилардим – ҳозир ҳам хурмат қиламан. Ишончим комилки, юқоридаги саволга тўғри жавоб бердингиз. Бу бизнинг аудиторияларимиз доим шимпанзеларни ортда қолдирадиган ягона савол. Кўп сонли одамлар (Финляндия, Венгрия ва Норвегияда 94 фоиздан, Канада ва АҚШда 81 фоизгача, Японияда 76 фоизгача) иқлим мутахассислари қандай кескин ўзгаришни башорат қилаётганини жуда яхши билади. Бундай юқори

даражадаги хабардорликда Ал Горнинг меҳнати оз эмас. Иқлим ўзгаришини камайтириш бўйича 2015 йилдаги Париж битими ҳам унинг меҳнати самараси. У мен учун қаҳрамон бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Мен унинг иқлим ўзгариши юзасидан тез чора кўриш зарур деган фикрига тўлиқ қўшилдим ва у билан ҳамкорлик қилишни ўйлаб ҳаяжонга тушдим.

Аммо у сўраган нарсага рози бўлолмасдим.

Мен кўрқувни ёмон кўраман. Урушдан кўрқув ҳамда шошилиш саросимаси сабабли мен рус учувчиси ва полда қонни кўрганман. Пандемиядан кўрқиш ва шошилишдаги саросима йўлни тўсишимга мажбур қилган ҳамда қанча оналар, болалар ва балиқчилар чўкиб кетишига сабабчи бўлган. Кўрқув ҳамда шошилиш аҳмоқона, кескин қарорлар ва олдиндан билиб бўлмайдиган ножўя таъсирларга сабаб бўлади. Иқлим ўзгариши шошилиб қарор қилиб бўлмайдиган даражада жуда муҳим масала. Бунинг учун тизимли таҳлил, пухта ўйланган қарорлар, босқичма-босқич ҳаракатлар ва синчков баҳолов лозим.

Мен бўрттириб юборишни ёқтирмайман. Муболаға асосли маълумотларнинг ишончлилигига путур етказлади. Бу ҳолатда асосли маълумотлар – ҳақиқатан ҳам иқлим ўзгараётганини, бунга асосан қазилма ёқилғилар истеъмоли каби инсон фаолияти натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари сабаб бўлаётганини ҳамда иқлимнинг чидаб бўлмас ва қимматга тушадиган даражада ўзгаришини кутгунча ҳозир тезкор ҳамда кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш кераклигини кўрсатадиган маълумотлар. Муболаға қилингани бир марта фош бўлса, тамом, одамлар унга эътибор бермай кўяди.

Мен диаграммага эҳтимолий ва энг яхши ҳолатни кўшмай туриб, фақат энг ёмон ҳолат акс этган тақдиротни ўтказмаслигимни таъкидладим. Фақат энг ёмон ҳолатни танлаб ҳамда бундан ҳам баттари, илмий асосланган башоратлардан чекиниш “Gapminder”нинг одамларга

асосий фактларни тушунишига ёрдам бериш миссиясига тўғри келмасди. Одамларнинг бизга бўлган ишончидан уларни ҳаракатга чорлашда фойдаланган бўлиб қолардик. Альберт Гор кейинги бир неча суҳбатларимизда ўз фикрини таъкидлаб, мендан иқлим башоратларда тасдиқланмаган маълумотларни ваҳимали анимацион пуфакчалар ёрдамида кўрсатмоқчилигини такрорлайверди. Охири мен муҳокамага нуқта қўйдим.

– Жаноб вице-президент, рақамлар йўқми – пуфакчалар ҳам йўқ.

Келажакнинг айрим жиҳатларини бошқаларига нисбатан башорат қилиш осонроқ. Об-ҳаво башоратлари бир ҳафтадан ортиқ муддатда аниқлигини йўқотади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ишсизлик даражасини башорат қилиш ҳам жуда қийин. Бунинг сабаби тизимларнинг мураккаблигидир. Нечта нарсани башорат қилишингиз керак ва улар қанчалик тез ўзгаради? Кейинги ҳафтагача ҳарорат, шамол тезлиги ва намликда миллиардлаб ўзгариш бўлади. Кейинги ойгача миллиардлаб долларлар қўлдан қўлга миллиард марта ўтади.

Келгуси ўн йилликлар учун қилинган демографик башоратлар эса, акчинса, ҳайратланарли даражада аниқ. Чунки тизим – айниқса, туғилиш ва ўлиш – жуда оддий. Болалар туғилади, катта бўлади, болали бўлади, кейин ўлади. Ҳар бир шахснинг цикли тахминан 70 йил давом этади.

Лекин келажак доим маълум даражада ноаниқ бўлади. Келажак ҳақида гапирганда эса биз доим ноаниқлик даражаси ҳақида очиқ ва аниқ гапиришимиз керак. Энг драматик тахминларни танлаб, энг ёмон ҳолатни гўё аниқдек кўрсатмаслигимиз лозим. Одамлар бунинг тагига етади! Биз идеал даражадаги ўртacha башоратни, шунингдек, энг яхшисидан энг ёмонигача эҳтимолий ҳолатларни кўрсатишимиз керак. Агар рақамларни яхлитлаш керак

бўлса, ўзимизнинг зиёнимизга яхлитлаш керак. Шунда обрўмизга путур етмайди ва одамлар бизни эшитишдан тўхтамайди.

## Маълумотларни талаб қилинг

Альберт Горнинг сўзлари биринчи суҳбатдан кейин анча вақт кулоғим остида жаранглаб юрди.

Аниқроқ айтсам, иқлим ўзгариши мени чуқур ташвишга солган, чунки у ҳақиқат эканига аминман, худди 2014 йилда эбола пайдо бўлгани каби ҳақиқат. Энг ёмон проекцияни танлаш ва рақамлардаги улкан ноаниқликларни тан олмаслик орқали тарафдорларни кўпайтиришга интилишни тушунаман. Лекин иқлим ўзгариши ҳақида қайғурадиганлар одамларни амалга ошиш эҳтимоли кам бўлган башоратлар билан кўрқитишни тўхтатиши керак. Кўпчилик одамлар аллақачон мазкур муаммо ҳақида билади ва тан олади. Қайта-қайта бонг уравериш худди очиқ эшикни тепишга ўхшайди. Ҳадеб куруқ гапираверишни тўхтатиб, амалда ҳам ҳаракат қилишимиз, кучимизни муаммони ҳал қилишга сарфлашимиз керак. Кўркув ва шошилиш асосида эмас, балки маълумотлар ҳамда совуққон таҳлилларга асосланиб ҳаракат қилишимиз керак.

Хўш, ечим қандай? Осон. Кўп миқдорда иссиқхона газини чиқарадиганлар бундай қилишни имкон қадар тезроқ тўхтатиши керак. Ким ҳақида гапираётганимни биласиз: шу пайтгача атмосферага энг кўп карбонат ангидрид газини чиқариб келаётган IV даражада яшовчи одамлар. Шунинг учун, келинлар, шуни ҳал қилайлик. Келинлар, прогресс бўлаётганини кузатиб бориш учун мазкур жиддий муаммо бўйича маълумотимиз етарли бўлишига амин бўлайлик.

Альберт Гор билан суҳбатлашгач, маълумотлар излашни бошладим ва уларни топиш анча мушкул эканидан



ажабландим. Сунъий йўлдошда олинган ажойиб тасвирлар ёрдамида ҳар куни Шимолий кутбнинг муз қатламини кузатиб туришимиз мумкин. Бу музликлар йилдан йилга хавотирли даражада тез суръатда эриб бораётганига шубҳа қолдирмайди. Глобал исиш аломатлари яхшигина кўриниб турибди. Лекин бу муаммонинг сабаби (асосан карбонат ангидрид гази эмиссияси) бўйича изланганимда жуда кам маълумот чиққанига ҳайрон қолдим.

IV даражадаги мамлакатларнинг киши бошига ЯИМ ўсиши яқиндан кузатилар, ҳар чорақда янги расмий маълумотлар нашр қилиб бориларди. Лекин карбонат ангидрид гази эмиссияси ҳақидаги маълумотлар ҳар икки йилда бир марта эълон қилинарди. Шунинг учун мен Швеция ҳукуматини соҳага яхшироқ эътибор беришини талаб қила бошладим. 2009 йилда ҳукуматни иссиқхона газлари ҳақида маълумотларни ҳар чорақда нашр қилиб боришга чорлай бошладим: агар чиндан қайғураётган бўлсак, нега уни ўлчамаслигимиз керак? Ҳатто прогрессни кузатиб бормасак, қандай қилиб муаммони жиддий қабул қиляпмиз деб даъво қила оламиз?

2014 йилдан бери Швеция ҳар чорақда иссиқхона гази чиқиндиларини кузатиб келаётганидан жуда фахрланаман. (Бу ишни амалга оширган биринчи ва ҳали ҳам ягона давлат.) Мана шу амалда фактга асосланиш дейилди. Яқинда жанубий корейлик статистлар буни қандай қилишни ўрганиш учун Стокхольмга келди.

Иқлим ўзгариши ниҳоятда муҳим бўлган глобал хавф, унга эътибор бермаслик ёки инкор қилиш мумкин эмас. Дунёнинг кўп аҳолиси буни билади ҳам. Аммо бу масалани хомаки ишлаб чиқилган энг ёмон ҳолатлар сценарийлари ва қиёматдан башорат қилувчилар ихтиёрига ҳам ташлаб қўймаслик керак.

Сизни ҳаракатга чорлашганда баъзан қўлингиздан келадиган энг фойдали ҳаракат – маълумотларни яхшилашдир.

## Қулай кўрқув

Шунга қарамай иқлим ўзгариши ҳақидаги чақирувлар яна ҳам кўпроқ жаранглай бошлади. Иқлим ўзгаришини ягона муҳим глобал масала деб ишонган кўплаб фаоллар барча нарсада иқлимни айблашни ва уни қолган барча глобал муаммоларнинг ягона сабабчиси дея таъкидлашни одат қилди.

Улар кун тартибига чиққан хавотирлардан – Суриядаги уруш, ИШИД, эбола, ОИВ, акулалар ҳужуми, умуман тасаввурга келган ҳамма нарсани – узоқ муддатли муаммоларнинг долзарблигини ҳис қилдиришда фойдаланади. Баъзида уларнинг даъволари кучли илмий далилга асосланади, бироқ кўп ҳолларда эҳтимолдан узоқ, тасдиқланмаган гипотезадир. Келажакдаги хатарларни ҳозир мавжуддек ҳис қилишимиз учун курашаётганларнинг хафагарчилигини тушунаман. Аммо уларнинг усулларини тўғри деб билмайман.

Энг ташвишланарлиси, “иқлим қочқинлари” терминини ихтиро қилиш орқали одамлар диққатини масалага жалб қилишга уриниш бўлмоқда. Менинг билишимча, иқлим ва миграция ўртасидаги боғлиқлик жуда-жуда заиф. Иқлим қочқинлари тушунчаси асосан қасддан қилинган муболаға бўлиб, қочоқлардан кўрқишни иқлим ўзгаришидан кўрқишга айлантириш учун ишлаб чиқилган. У карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтиришни жамоатчилик қўллаб-қувватлаши учун кенгрок асос яратади.

Буни иқлим фаолларига айтганимда, улар кўпинча менга муболағали ва тасдиқланмаган даъволар орқали одамларда кўрқув ва долзарблик ҳиссини уйғотиш айб иш эмас, чунки шу орқали одамларни келажак хатарларни бартараф этишга ундаш мумкин дейдилар. Улар ўзларини мақсадга эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкинлигига ишонтириб қўйган. Бу нарса қисқа муддатда иш беришини тан оламан. *Лекин.*

Кўп марта жўрттага ваҳима кўзгаш иқлимшунослар ва бу борадаги бутун ҳаракатнинг ишончилиги ва обрўсига путур етказди. Иқлим ўзгаришидек катта муаммо билан бундай бўлишига йўл кўёлмаймиз. Иқлим ўзгаришининг урушлар ва можаролардаги ё камбағалликдаги, ёки миграциядаги ролини бўрттириб кўрсатиш мазкур глобал муаммоларнинг бошқа катта сабабларини эътиборсиз қолдириш демакдир, бинобарин, уларга қарши чора кўришга ҳалақит беради. Одамлар ортиқ тингламай кўядиган вазиятга тушмаслигимиз керак. Ишонч бўлмаса, биз ютқизамиз.

Шунингдек, ўйланмай қилинган даъволар кўпинча уларни айтаётган фаолларни ҳам қопқонга туширади. Фаоллар бундай даъволарни одамларни жалб қилишда ақли стратегия деб ишонади, сўнг бўрттириб юбораётганини унутиб кўяди-да, стрессга тушиб, реал ечимларга эътибор қарата олмайди. Иқлим ўзгариши ҳақида жиддий қайғурадиган инсонлар бир вақтнинг ўзида икки фикрни ёдда тутиши керак: улар муаммо ҳақида қайғуришда давом этиши, айна чоғда, ўзининг ваҳимали хабарлари қурбонига айланмаслиги керак. Улар энг ёмон ҳолат сценарийсини кўриши, лекин маълумотлардаги ноаниқликни ёдда сақлаши керак. Бошқаларни қиздира туриб, ўз миясини совуқ ҳолда сақлаши лозим. Шунда улар одамлар ишончини йўқотмасдан яхши қарорлар чиқариб, оқилona чоралар кўра олади.

## Эбола

Учинчи бобда мен 2014 йили Ғарбий Африкада эбола вируси тарқашни хавфини жуда кеч тушунганимни ҳикоя қилган эдим. Уни фақат юқиш тенденцияси икки бараварга кўпаяётганини кўрганимдагина тушунганман. Ҳатто ўша энг шошилинич ва кўрқинчли вазиятларда ҳам мен

Ўзимнинг аввалги хатоларимдан сабоқ олишга, инстинкт ва кўркувга эмас, маълумотларга суяниб ҳаракат қилишга аҳд килдим.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда АҚШ Касалликни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг “гумонланган ҳолатлар” расмий чизиғи ортидаги рақамларни ҳам аниқ деб бўлмасди. Гумонланган ҳолатлар деб тасдиқланмаган касаллик ҳолатларига айтилади. Ҳар турдаги масалалар бор эди: масалан, қачондир эбола билан касалланганликда гумон қилинган, лекин бошқа сабабдан вафот этган одамлар ҳамон гумон қилинган ҳолат саналарди. Эболадан кўркиш кучайгани сари гумон ҳам кучайиб борди, кўплаб одамлар “гумон қилинганлар” қаторига қўшилиб бораверди. Одатий тиббий хизматлар эбола билан курашда оқсаб қолгани, ҳаёти хавфда бўлган бошқа касалларни даволашга ажратилган ресурслар эболага жалб этилгани сабабли жуда кўп одамлар бошқа касалликлардан ўлиб кетди. Бу ўлимларнинг ҳам кўпига “гумон” сифатида қаралди. Шунинг учун гумон қилинган ҳолатлар чизиғи юқорига чандон кўтарилгани сари ҳақиқий, тасдиқланган ҳолатлар тенденцияси ҳақида маълумот камайиб борди.

Агар прогрессни кузатолмасангиз, кўраётган чораларингиз қанчалик иш бераётганини билолмайсиз. Шунинг учун Либерия Соғлиқни сақлаш вазирлигига борганимда, тасдиқланган ҳолатлар сонини қандай билишимиз мумкинлигини сўрадим. Ўша куннинг ўзиде қон намуналари тўртта ҳар хил лабораторияга жўнатилаётганини, уларнинг таҳлили алоҳида узун ва тартибсиз “Excel” жадвалларга киритилишини, аммо улар битта ҳужжатга бирлаштирилмаётганини билиб олдим. Дунёнинг турли бурчакларидан юзлаб тиббиёт ходимлари касаллик билан курашиш учун учиб келган, дастур яратувчилар эса муттасил янги, фойдасиз эбола иловаларини таклиф қилиш билан овора эди. (Иловалар

уларнинг болғаси эди ва улар эбола мих бўлишини жуда хоҳлаётганди.) Аммо ҳеч ким кўрилаётган чоралар иш бераётганини кузатмасди.

Тегишли жойдан рухсат олиб, тўртта “Excel” жадвални Стокхольмга, Олага жўнатдим. У бир сутка давомида уларни тозалаб, бирлаштирди ва кейин у кўрган ғалати нарса хато эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир марта худди шу жараёни қайтарди. Хатолик йўқ эди. Муаммо шошилишдек туюлса, ваҳима қилиш эмас, балки маълумотларни тартибга солиш керак. Барчани ажаблантирган нарса шу бўлдики, Ола қайта юборган маълумотлар касаллик тасдиқланган ҳолатлар сони икки ҳафта олдин энг юқори даражага етиб, энди камаяётганини кўрсатарди. Гумон қилинган ҳолатлар ўсишда давом этганди. Бу орада либерияликлар одатларини ўзгартиришга муваффақ бўлиб, зарур бўлмаганда ўзаро масофа сақлаётган эди. Қўл сиқиб кўришиш ҳам, кучоқлашиш ҳам энди йўқ эди. Ана шу тартиб ҳамда дўконларда, жамоат жойларида, тез ёрдам машинасида, клиникаларда, қабристонларда ва бошқа жойларда гигиена қоидаларига қатъий бўйсунуш аллақачон қутилган натижани берганди. Стратегия иш бераётганди, аммо Ола менга маълумотларни қайтариб жўнатмагунча бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Биз бундан хурсанд бўлдик ва кейин ҳамма қилаётганлари самара бераётганини англаган ҳолда яна ҳам астойдил ҳаракатни давом эттирди.

Мен касалланганлар сони камаяётгани ҳақидаги маълумотларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига жўнатдим ва улар ушбу янгиликни навбатдаги ҳисоботида чоп этди. Лекин АҚШ Касалликни назорат қилиш маркази “гумон қилинган ҳолатлар”нинг ошиб бораётганига ёпишиб олди. Марказдагилар ёрдам бераётган масъуллар орасида шошилиш ҳиссини сақлаб туриш керак деб ҳисоблади. Улар вазият яхшилансин деб шундай қилганини тушунаман, аммо бунинг натижасида маблағ ва ресурс-

лар нотўғри жойга йўналтирилаётган эди. Энг ёмони, бу эпидемиологик маълумотларга бўлган узоқ муддатли ишончни хавф остига қўйди. Биз уларни айблай олмаймиз. Узунликка сакрайдиган спортчига қанча масофага сакраганини ўлчашига рухсат берилмайди. Муаммони ҳал қиладиган ташкилотга ҳам қайси маълумотни нашр қилишни белгилашига рухсат бермаслик керак. Муаммони жойида ҳал қилишга ҳаракат қилаётган, доим кўпроқ маблағ олишни истайдиган одамларнинг ҳам прогрессни ўлчашига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда, янглиш ракамлар келиб чиқади.

Айнан маълумотлар – гумон қилинган ҳолатлар ҳар уч ҳафтада икки баравар ошиб бораётганини кўрсатувчи маълумотлар эбола инқирози қанчалар катта эканини англашимга ёрдам берди. Яна айнан маълумотлар – касаллик тасдиқланган ҳолатлар камаяётганини кўрсатувчи маълумотлар қўлланилаётган чоралар иш бераётганини кўрсатди. Маълумотлар ҳақиқий калит бўлди. Келажакда ҳам бошқа касаллик пайдо бўлса, у яна калит вазифасини ўташини ҳисобга олиб, маълумотлар ва уларни тайёрловчиларнинг ишончлилигини ҳимоя қилиш муҳимдир. Ният қанчалик эзгу бўлмасин, маълумотлар ҳаракатга чорлаш учун эмас, балки ҳақиқатни айтиш учун ишлатилиши керак.

## **Шошилишч! Буни ҳозироқ ўқинг!**

Шошилиш дунёқарашимизни бузадиган энг ёмон хислатлардан биридир. Биладан, бу гапни бошқа барча драматик инстинктлар ҳақида ҳам айтгандирман, лекин айнан буниси ҳақиқатан ҳам ўзига хос деб ўйлайман. Ёки барча инстинктлар ана шу инстинктга бирлашади. Одамларнинг онгидаги ўта драматик дунёқараш доимий стресс ва инқироз ҳиссини яратади. У яратадиган шошилиш, “ҳозир ёки ҳеч қачон” ҳисси стресс ёки ло-

қайдликка олиб боради: “Кескин чора кўришимиз керак. Ўйлаб ўтирмасдан, бирор чора кўрайлик” ёки “Ҳеч қандай умид йўқ. Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Ҳаммасига қўл силташ керак”. Ҳар икки ҳолатда ҳам биз фикрлашдан тўхтаимиз, инстинкларимизга енгиламиз ва нотўғри қарорлар чиқарамиз.

## **Хавотир олишимиз керак бўлган беш глобал хавф**

Ҳал қилишимиз керак бўлган глобал хавф-хатарлар борлигини инкор қилмайман. Мен дунёни пушти рангларга бўййдиган оптимист эмасман. Муаммолардан шунчаки юз ўгириб, хотиржам бўлолмайман. Мени энг кўп ташвишга соладиган беш хавф – глобал пандемия, молиявий инқироз, жаҳон уруши, иқлим ўзгариши ва ўта камбағаллик. Нега айнан шу муаммолар мени энг кўп ташвишга солади? Чунки уларнинг содир бўлиш эҳтимоли катта: дастлабки учтаси аввал содир бўлган, қолган иккитаси ҳозир содир бўлмоқда; уларнинг ҳар бири бевосита ёки билвосита инсоният тараққиётини кўп йилларга тўхтатиб, оммавий азият чекишга сабаб бўлиши мумкин. Агар шу ерда муваффақиятсизликка учрасак, қолган ҳеч нарса иш бермайди. Булар, агар иложи бўлса, ҳамкорликда, босқичма-босқич қутулишимиз лозим бўлган мега қотиллардир.

(Мазкур рўйхатга олтинчи номзод ҳам бор. У номаълум хавф. Биз ҳали ўйлаб ҳам кўрмаган нарса даҳшатли азоб-уқубат ва вайронагарчилик келтириши мумкин. Бу фикр-мулоҳазага ундайди. Қарши чора кўриб бўлмайдиган номаълум нарсадан хавотирланиш аслида фойдасиз бўлса ҳам, янги хавфдан огоҳ бўлишимиз зарур. Шунда унга жавоб қайтара оламиз.)

## Глобал пандемия

Биринчи жаҳон урушидан кейин бутун дунёга тарқалган испан гриппи 50 миллион кишини ҳаётдан олиб кетди, яъни урушдан ҳам кўпроқ одамни ўлдирди. Гарчи бу қисман тўрт йиллик уруш одамларни аллақачон заифлаштириб қўйгани билан изоҳланса ҳам. Натижада глобал умр кўриш давомийлиги ўн йилга – 33 ёшдан 23 ёшга қисқарди, буни қуйидаги эгри чизикдаги чўкишдан ҳам кўришингиз мумкин. Юқумли касалликлар бўйича экспертлар гриппнинг янги турини ҳали ҳам бутун дунё аҳолиси соғлиғи учун энг хавфли таҳдид деб ҳисоблайди. Бунга гриппнинг юқиш йўли сабабдир. У ҳаводаги майда томчилар орқали учиб юради. Исталган бир киши метро вагонига кириши ва ундаги барча одамларни уларга тегмай туриб ҳам, ҳатто вагондаги бирор жойга қўл теккизмай туриб ҳам зарарлаши мумкин. Грипп сингари ҳаво орқали юқадиган касалликлар жуда тез тарқаш хусусиятига эга бўлиб, инсоният учун эбола ёки ОИВ/ОИТС каби касалликлардан ҳам каттароқ хавфга эга. Юқиш даражаси юқори бўлган ва ҳар қандай турдаги ҳимояни ёриб ўтадиган вирусдан ўзимизни ҳимоя қилиш, юмшоқ қилиб айтганда, куч сарфлашга арзийди.

Дунё гриппни енгишга ўтмишдагидан кўра кўпроқ тайёр, лекин I даражадаги одамлар ҳали ҳам шиддатла тарқайдиган касалликни тўхтатиш мушкул бўлган жамиятда яшайди. Касаллик тезроқ аниқланиши учун ҳамма жойда, ҳамма одамни бирламчи тиббий ёрдам билан таъминлашга эришишимиз керак. Бундай вазиятга бутун дунёнинг жавобини мувофиқлаштира олиши учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соғлом ва кучли бўлиши керак.



## Молиявий инқироз

Глобаллашган дунёда молиявий пуфакларнинг портлаши ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқаради. У бутун бир мамлакатнинг иқтисодиётига зарар келтириши, кўплаб одамларни ишсиз қолдириши ва радикал ечим излайдиган норози фуқароларни пайдо қилиши мумкин. Битта йирик банкнинг инқирозга учраши 2009 йили АҚШдаги ипотека тизимининг кулашидан бошланган глобал инқироздан ҳам ёмонроқ бўлиши, бутун дунё иқтисодиётини синдириши мумкин.

Дунёнинг энг кучли иқтисодчилари ҳам сўнгги инқирозни башорат қила олмагани ва йил ўтгани сайин ундан чиқиб кетишни башорат қила олмаётгани туфайли – чунки тизим аниқ башорат қилиш учун жуда мураккаблик қилади – ҳеч ким инқирозни башорат қилмаяптими, демак, у содир бўлмайди, деб ўйлаш хато. Агар тизим оддийроқ бўлганида эди, уни тушуниш ва келгусидаги инқирозлардан қочиш йўллари ишлаб чиқишнинг имкони бўлар эди.

## Учинчи жаҳон уруши

Мен бутун ҳаётим давомида бошқа мамлакатлар ва халқлар билан алоқа ўрнатишга қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Бу нафақат қизиқарли, балки инсоннинг шафқатсиз қасос олиш инстинкти ҳамда ёвузлик бўлмиш урушга қарши бутун дунё хавфсизлик тармоғини кучайтиришда зарурдир.

Бизга Халқаро Олимпиада ўйинлари, халқаро савдо, таълим алмашинув дастурлари, бепул интернет – умуман давлат чегараларни кесиб ўтишимизга ва турли этник гуруҳларни танишимизга имкон берадиган барча нарса зарур. Дунё тинч бўлиши учун хавфсизлик тармоқларимиз ҳақида қайғуришимиз ва уни кучайтиришимиз керак. Дунё тинч бўлмаса, барқарорлик бўйича мақсадларимизнинг ҳеч бирига эриша олмаймиз. Олдимизда тарихда

тажовузкор бўлган мағрур ва ўтмишини кўп қўмсайдиган миллатлар жаҳон бозорида мавқеини йўқотиши билан дарров бошқа миллатга ҳужум қилиши олдини олишдек улкан дипломатик вазифа турибди. Биз эски Ғарбга янги дунёга тинч йўл билан қўшилишнинг янгича йўлини топишда ёрдам беришимиз керак.

## **Иқлим ўзгариши**

Иқлим ўзгариши улкан хавф туғдиришини кўриш учун энг ёмон ҳолат акс этган сценарийга қараш шарт эмас. Сайёранинг умумий ресурсларини, масалан, атмосферани глобал обрўга эга ташкилотгина тинч шароитда халқаро меъёрларга асосланиб бошқариши мумкин.

Буни амалга ошириш мумкин: йигирма йил ичида дунё ҳамжамияти озонни емируви моддалар ва бензин таркибидаги кўрғошинни деярли нолга туширди. Бунинг учун кучли, яхши ишлайдиган халқаро ҳамжамият керак (аниқроғи, мен БМТ ҳақида гапиряпман). Ва бу турли хил даромад даражасидаги турли одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан глобал бирдамлик ҳиссини талаб қилади. Глобал эмиссияга деярли ҳисса қўшмаган I даражадаги бир миллиард аҳолининг электр энергиясига бўлган ҳаққини тан олмас экан, Жаҳон ҳамжамияти бундай бирдамликка даъво қила олмайди. Энг бой мамлакатлар энг кўп карбонат ангидрид газини чиқаради ва улар бошқаларга босим ўтказишга вақт сарфлашдан олдин, аввало, ўзини ислоҳ қилиши лозим.

## **Ўта камбағаллик**

Мен тилга олган бошқа хавфлар келажакда даражаси номаълум азиятларга олиб келадиган юқори эҳтимолий сценарийлардир. Ўта камбағалликни эса хавф деб бўлмайди. У келтириб чиқарган азият номаълум эмас ва у келажакда эмас, ҳозир содир бўлмоқда. Айнан ҳозир одамлар ундан азият чекиб, кунни кунга улаб яшамокда.

Айнан қашшоқликда эбола пайдо бўлади, чунки уни илк босқичларидаёқ аниқлайдиган тиббий хизматлар мавжуд бўлмайди. Айнан камбағалликда фуқаролар уруши бўлади, овқат ва иш топиш илинжидаги, йўкотадиган нарсаси йўқ ёшлар шафқатсиз партизан ҳаракатларига қўшилишга мойилроқ бўлади. Бу залолат ўпқони: камбағаллик фуқаролар урушига олиб келади, фуқаролик уруши эса камбағалликни келтириб чиқаради. Афғонистон ва Африканинг марказий қисмидаги фуқаролар урушлари шуни англатадики, ушбу жойларда барқарорликни таъминлайдиган лойиҳалар тўхтаб қолмоқда. Террорчилар ўта қашшоқлик ҳукм сурадиган бир неча ҳудудларга яширинади. Фуқаролар уруши бораётган ҳудуддаги каркидонларни сақлаб қолиш қийин бўлади.

Бугун нисбатан тинч дунё фаровонлашмоқда. Одамларнинг ҳар қачонгидан ҳам камроғи камбағал яшайди. Аммо барибир улар 800 миллион кишини ташкил қилади. Иқлим ўзгаришидан фарқли ўлароқ бизга башорат ва сценарийлар керак эмас. 800 миллион киши ҳозир қийналаётганини биламиз. Биз бунинг ечимини ҳам биламиз: тинчлик, мактаб таълими, умумий бирламчи тиббий ёрдам, электр таъминоти, тоза сув, ҳожатхона, контрацептив воситалар ва бозор муносабатларига киришиш учун микрокредитлар. Қашшоқликни тугатиш учун ҳеч қандай инновация керак эмас. Бошқа жойларда иш берган амалиётдан фойдаланишнинг ўзи етади. Отни тезроқ қамчиласак, муаммо ҳам камроқ бўлишини биламиз. Чунки одамлар ўта қашшоқ яшар экан, кўп фарзанд кўришни давом эттираверади ва қашшоқлар сони ҳам ортиб бораверади. Фактларга асосланган, аниқ вазифамиз шуки, биз сўнгги миллиард аҳолини турмуши тезда яхшиланиши учун зарур бўлган барча нарса билан таъминлашимиз керак.

Энг оғири, заиф давлатлардаги зўравон ва тартибсиз қуроли гуруҳлар ортида қолиб кетган одамларга ёрдам беришдир. Қапшоқликдан қутулиш учун уларга


вазиятни барқарорлаштирувчи ҳарбий куч керак бўлади. Уларга бегуноҳ фуқароларни зўравонлардан ҳимоя қилиш ва ўқитувчилар тинч шароитда келгуси авлодга дарс беришини таъминлаш учун ҳукумат ваколатига эга куролли полиция керак бўлади.

Мен ҳали ҳам POSSIBILITYISTMAN. Кейинги авлод узок чўзилган пойгадаги охириги югурувчига ўхшайди. Ўта кашшокликни тугатиш марафон пойгасига 1800 йилда старт берилган. Ана шу кейинги авлод ишни яқунлаш учун ноёб имкониятга эга: эстафета таёғини кўтариб, финиш чизиғидан ўтади-да, ғалаба билан қўлларини кўтаради. Лойиҳа якунига етказилиши, биз эса уни тугатганимизни нишонлашимиз керак.

Баъзи нарсаларнинг ниҳоятда муҳимлигини билиш мени хотиржам қилади. Мана шу бешта хавф биз кучимизни йўналтиришимиз керак бўлган нишондир. Бу хавф-хатарларга совуққонлик ва пухта, холис маълумотлар билан ёндашиш керак. Бу хавф-хатарлар глобал ҳамкорлик ва глобал таъминотни талаб қилади. Ушбу хатарларга кескин ҳаракат билан эмас, майда қадамлар ва мунтазам баҳолаб бориш билан ёндашиш керак. Барча фаоллар мазкур хавф-хатарларни инобатга олиши керак. Бу хатарлар шунчалик каттаки, ваҳима қилиш ярамайди.

Хавотир олманг, демайман. Ўринли нарсалардан хавотир олинг. Янгиликларга боқманг ёки фаолларнинг чақириқларини эътиборсиз қолдиринг, демайман. Шовқинга аҳамият берманг, аммо катта глобал хавфдан кўзингизни узманг. Кўрқманг, демайман. Сиздан совуққон бўлишни ва ушбу хатарларни қамайтириш учун зарур бўлган глобал ҳамкорликни қўллаб-қувватлашингизни сўрайман. Шошилиш инстинктингизни назорат қилинг. Драматик инстинктларингизни назорат қилинг. Ўта драматик дунёнинг хаёлий муаммоларидан камроқ стрессга тушиб, чинакам муаммолардан огоҳ бўлинг ва уларни қандай ечиш мумкинлигига эътибор қаратинг.

## Фактдорлик



**Фактдорлик** – қарор чиқаришга шошилаётганингизни пайқай олиш ва одатда бундай бўлмаслиги кераклигини ёдда тутиш.

Шошилиш инстинктини бошқариш учун кичик қадамлар қўйинг.

- **Бироз тин олинг.** Шошилиш инстинкти фаоллашганда, бошқа инстинктларингиз ҳам фаоллашади ва таҳлил қила олмай қоласиз. Яна бироз вақт ва маълумот беришларини сўранг. Ҳозир ёки ҳеч қачон, униси ёки бунисини танлаш керак бўлган вазиятлар камдан-кам содир бўлади.
- **Маълумот талаб қилинг.** Агар бирор нарса шошилиш ва муҳим бўлса, уни ўлчаш керак. Ўринли, аммо ноаниқ ёки аниқ, лекин ўринли бўлмаган маълумотлардан эҳтиёт бўлинг. Фақат ўринли ва аниқ маълумотлар фойдалидир.
- **Башоратчилардан эҳтиёт бўлинг.** Келажак ҳақидаги ҳар қандай башорат ноаниқ бўлади. Буни тан олмайдиган башоратлардан эҳтиёт бўлинг. Барча сценарийларни ўрганиб чиқинг, фақат энг яхши ёки энг ёмони билан чекланманг. Бундай башоратлар олдин қанчалик ўзини оқлаганига қизиқинг.

- Кескин ҳаракатлардан эҳтиёт бўлинг. Ножўя таъсирлар қандай бўлишига қизиқинг. Ғоя қандай синовдан ўтганига қизиқинг. Босқичма-босқич амалий такомиллашув ва унинг таъсирини баҳолаш камроқ драматик бўлса ҳам, одатда самара беради.

## ФАКТДОРЛИК АМАЛДА

### **Фактдорлик ҳаётимни қандай сақлаб қолгани ҳақида**

– Менимча, қочишимиз керак, – пичирлади ёнимда турган ёш ўқитувчи.

Хаёлимдан икки фикр ўтди. Биринчи ўйлаганим, агар ўқитувчи кетиб қолса, қаршимдаги кўзгалган оломон билан мулоқот қилиш имконим қолмайди. Унинг кўлидан қаттиқ ушлаб олдим.

Иккинчи фикр Танзаниянинг доно бир губернатори менга айтган гап бўлди: “Агар сизга мачете\* билан таҳдид қилишса, ҳеч қачон орқа ўгирманг. Жойингизда тулинг. Кўзига тик қаранг-да, муаммо нимадалигини сўранг”.

1989 йил. Ўша пайтда Заир, ҳозирда Конго Демократик Республикасининг Бандунду вилоятида Маканга номли ўта қашшоқ ва чекка қишлоқда эдим. Мен Мозамбикда анча йиллар аввал илк бор кашф қилганим “конзо” деб аталган давосиз, фалажловчи касаллик эпидемиясини ўрганиш учун келганлар гуруҳида эдим.

Тадқиқотни лойиҳалашга икки йил кетди ва ҳамма нарса: барча керакли рухсатномалар, ҳайдовчилар, таржи-

---

\*Мачете – болта ёки калта қилич сифатида жангда ишлатиладиган энли, узун пичок.

монлар ва лаборатория жиҳозлари катта эътибор билан тайёр қилинди. Аммо мен жиддий хато қилдим. Қишлоқ аҳлига нима қилмоқчи эканимни ва унинг сабабини тузукроқ тушунтирмаган эдим. Мен уларнинг барчаси билан суҳбатлашиб, овқати, қони ва пешобидан намуна олмақчи эдим ва бу ерга қишлоқ оқсоқоли билан келиб, оқсоқол уларга бунни тушунтираётганида ёнида туришим керак эди.

Ўша тонг кулбамда жимгина бирма-бир тайёргарлик кўраётганимда ташқарида тўпланган қишлоқ аҳлининг шовқини эшитилди. Улар қандайдир безовтадек туюлди, лекин мен қон намунасини оладиган машинани ишга тушириш билан банд эдим. Охири дизель генераторни ишга туширдим ва центрифугани текшириб кўрдим. Машина баланд овоз чиқарарди, шунинг учун уни ўчирганимдан кейингина ташқаридаги овозлар кўтарилганини сездим. Ҳаммаси бир неча сония ичида ўзгариб кетди. Паст эшикдан энгашиб кўчага чиқдим. Кулбанинг ичи қоронғи эди, шунинг учун қаддимни кўтарганимда дастлаб ҳеч нарсани кўра олмадим. Кейин кўрдим: эллик чоғли одам, ҳаммаси хафа ва ғазабнок. Баъзилари бармоғи билан мени кўрсатяпти. Мушаклари бақувват икки киши катта мачетеларини кўтариб силкитди.

Ўша вақт менга таржимонлик қиладиган ўқитувчи қочайлик деди. Ўнг ва чап тарафга қарадим, қочадиган жой йўқ эди. Агар қишлоқ аҳли менга зарар етказишни истаса, бемалол тутиб олиб, мачете билан чопиб ташларди.

– Нима муаммо? – сўрадим ўқитувчидан.

– Уларнинг айтишича, сиз қон сотаркансиз. Бизни лақиллатаётган экансиз. Фақат бошликқа пул бериб, кейин қонимиз орқали бизга зарар келтирар экансиз. Улар қонимизни ўғирламаслигингиз кераклигини айтяпти.

Аҳвол жуда чатоқ эди. Ундан гапларимни таржима қилишини сўрадим ва оломонга юзландим.



– Тушунтиришимга ижозат берасизми? – сўрадим кишлоқ ахлидан. – Истасангиз кишлоғингиздан ҳозирок кетишим мумкин ёки нега келганимизни тушунтиришимга изн берасизми?

– Тушунтиринг, – деди одамлар.

(Чекка қишлоқларда ҳаёт зерикарли бўлади, эҳтимол, шунинг учун улар аввал гапиришига кўйиб, кейин ўлдирамиз, деб ўйлагандир.) Оломон мачете кўтарган икки кишини орқага итариб, “Гапириб олсин”, деди.

Бу аввалроқ ўтказишимиз керак бўлган суҳбат эди. Агар тадқиқот ўтказгани кишлоққа бормоқчи бўлсангиз, шошманг, вақтни аяманг ва уларга ҳурмат кўрсатинг. Одамлар барча саволларини беришига имкон яратинг ва уларга жавоб беринг.

Уларга “конзо” номли касалликни ўрганаётганимизни тушунтира бошладим. Мозамбик ва Танзанияда конзони ўрганиш жараёнида олган суратларимни кўрсатдим. Улар суратларга қизиқиб қолди.

– Касаллик кассавани қандай тайёрлашингиз билан боғлиқ деб ўйлаяпмиз, – дедим мен.

– Йўқ, йўқ, йўқ, – инкор қилди улар.

– Биз ҳақ эканимизни текшириш учун ушбу тадқиқотни ўтказмоқчимиз. Агар аниқлай олак, балки, бу касалликка ортиқ дучор бўлмаслигингиз мумкин.

Қишлоқдаги болаларнинг кўпи конзо билан касалланган эди. Буни кишлоққа етиб келганимиздаёқ пайқандик. Улар “Жип”имизга маҳлиё бўлиб югураётган болалардан ортда қолган эди. Мана шу оломон орасида ҳам классик спазм билан юрган айрим болаларни кўрдим.

Одамлар ғувурлаша кетди. Мачете кўтарганлардан бири, хавфлироқ кўрингани, кўзлари қонга ботган ва билагиди катта чандиғи бори яна қичқира бошлади.

Кейин чамаси 50 ёшлардаги оёқланг аёл оломон орасидан чиқиб келди. У мен томон юриб, сўнг йиғилганларга ўгирилди, қўлларини икки ёнга чўзди ва баланд овозда деди:

– Гапида жон борлигини англамаяпсизми? Овозингизни ўчиринг! Унинг гапларида жон бор. Бу қон таҳлили зарур. Қизамиқдан қанча одам ўлгани эсингиздами? Қанча болаларимиз ўлиб кетди. Кейин бўлса улар келиб, болаларни эмлади, эслайсизларми? Ҳозир бўлса бирорта бола бу касалликдан ўлмайди. Тушуняпсизларми?

Оломон унинг гапларидан тинчланмай бақира кетди:

– Ҳа, қизамиқ вакцинаси яхши бўлди. Лекин энди улар бизнинг қонимизни олишмоқчи...

Аёл гапиришдан тўхтади ва оломон томон бир қадам юрди.

– Қизамиқ вакцинасини қандай кашф қилишди, деб ўйлайсизлар? Уларнинг давлатидаги дарахтларда ўсадими у? Ёки ердан қазиб олиб келган, деб ўйлайсизларми? Йўқ, улар мана бу доктор айтганидек, – у менга қаради, – ТАД-ҚИ-ҚОТ ўтказди. – У таржимон тадқиқот сўзининг ўрнига ишлатган сўзини айтар экан, ўгирилиб, мени кўрсатди. – Мана шу йўл билан улар касалликларга даво топади. Наҳот тушунмасангиз?”

Биз Бандундуниг энг чеккасида эдик, бу аёл эса худди Фанлар академиясининг котиби сингари фаоллик билан илмий тадқиқотни ҳимоя қиларди.

– Мана шу конзо сабаб набирам бир умрга майиб бўлиб қолган. Докторлар уни давоси йўқ деб айтган. Лекин агар мана шу докторга бизни ўрганишига изн берсак, эҳтимол, у худди қизамиқни тўхтатишганидек конзони тўхтатиш йўлини топар. Шунда болаларимиз ва набираларимиз ортиқ ногирон бўлганини кўрмасмиз. Бу менга оқилона туюляпти. Биз Маканга халқи бу тадқиқотга муҳтожмиз.

Унинг драматик маҳорати таҳсинга сазовор эди. Аммо у бундан фактларни бузиб кўрсатиш учун эмас, балки уларни тушунтириш учун фойдаланди. У авваллари мен кўп марта ўзига ишонган африкалик қишлоқ аёлларида кўрган йўсинда, куч билан чап енгини шимарди. Кейин оломонга орқасини ўгириб, бошқа қўли билан чап

кўлининг букилган жойига ишора қилди ва кўзимга тик қаради.

– Мана, доктор. Менинг қонимни олинг.

Мачете кўтарган эркалар кўлини пастга тушириб ортга чекинди. Беш-олтитаси ғўдранганча нари кетди. Қолган ҳамма қон топшириш учун аёлнинг орқасидан навбатга тизилди. Бақириқлар ўрнини мулойим овозлар эгаллади. Одамлар юзидаги ғазаб табассумга эврилди.

Мен бу жасур аёлнинг зийраклигидан ҳамиша миннатдорман. Кўп йиллар давомида жаҳолатга қарши курашиб, фактдорлик нима эканини мана энди таърифладик ва бу таъриф ана шу аёлнинг ҳаракатига шунчалар мос тушишидан лолман. У ўша оломонда уйғонган барча драматик инстинктларни пайқаган, уларни жиловлашга ёрдам берган ва қишлоқдошларини рационал далиллар билан ишонтира олган эди. Ўтқир игна, қон ва касаллик кўркув инстинктини уйғотган эди. Умумлаштириш инстинкти мени талончи европаликлар қаторига кўшиб кўйганди. Айблаш инстинкти қишлоққа уларнинг қонини ўғирлагани келган ёвуз докторга қарши чиқишга ундаганди. Шошилиш инстинкти сабабли одамлар жуда тез хулоса чиқарганди.

Шунга қарамай, ана шу босим остида у олдинга чиқиб, фикрини очиқ айтишдан кўрқмади. Бунинг таълим билан мутлақо алоқаси йўқ. У ҳаёти давомида бир марта ҳам Бандундудан ташқарига чиқмаганига ва саводсиз эканига аминман. Шубҳасиз, у статистикани ҳеч қачон ўрганмаган, дунё ҳақидаги фактларни ёдламаган. Бирок унинг жасорати бор эди. У кескин вазиятда танқидий фикрлаб, кучли мантиқ ва мукамал риторика билан фикрини ифодалай олди. Унинг фактдорлиги ҳаётимни сақлаб қолди. Агар ўша аёл ўша шароитда фактдор бўла олган экан, олий маълумотли, кўлингиздаги китобни ўқиб чиққан саводли китобхон, сиз ҳам буни уддалай оласиз.

## Фактдорлик амалда

Кундалик ҳаётда – таълимда, бизнесда, журналистикада, ўзингизнинг ташкилотингиз ёки жамиятингизда бир фуқаро сифатида қандай қилиб фактли бўла оласиз?

### Таълим

Бизнинг Швецияда вулқонлар йўқ, лекин вулқонларни ўрганиш учун бюджетдан маош оладиган геологларимиз бор. Ҳатто оддий мактаб ўқувчиси ҳам вулқонларни ўрганади. Бу ерда, Шимолий яримшарда астрономлар фақат Жанубий яримшардан кўриш мумкин бўлган юлдузларни ўрганади. Мактабларда болалар бу юлдузлар ҳақида сабоқ олади. Нима учун? Чунки улар дунёнинг бир қисми.

Шундай экан, нима учун шифокор ва ҳамшираларимиз ҳар бир даромад даражасидагиларга хос бўлган касалликларни ўрганмасин? Нима учун биз мактабларда ва корпоратив таълимда ўзгарувчан дунёмиз ҳақидаги билимларимизни янгилаб туришни ўргатмаймиз?

Биз болаларимизга фактларга асосланган, замонавий асосларни – тўртта даражадаги ва тўртта минтақадаги ҳаётни – ўргатишимиз ва уларни ушбу китобнинг ҳар бир боби сўнгида рўйхат қилинган фактдорлик қоидаларидан фойдаланишга одатлантиришимиз керак. Ана шунда оммавий ахборот воситалари, фаоллар ёки сотувчилар ўта драматик ҳикоялари билан драматик инстинктларини китиклаганда фактдорлик дунё янгиликларини ўз контекстига қўйиб кўришга имкон беради. Бу кўникмалар кўпгина мактабларда аллақачон ўқитила бошланган танқидий фикрлашнинг бир қисмидир. Улар келгуси авлодни нодонликнинг ҳар туридан ҳимоя қилади.

- Биз болаларимизга саломатлиги ва даромадига кўра турли даражадаги давлатлар борлигини, уларнинг кўпи ўрта даражаларда эканини ўргатишимиз керак.

- Биз уларга ўз мамлакатларининг дунёдаги бошқа мамлакатларга нисбатан ижтимоий-иқтисодий ўрни ва у қандай ўзгараётгани тўғрисида маълумот беришимиз керак.
  - Биз уларга ўз мамлакатлари ҳозирги даражага келгунга қадар даромад даражаларидан қандай кўтарилганини билдиришимиз ва бу билимдан бугун бошқа мамлакатлардаги ҳаёт қандай эканини тушунишда фойдаланишни ўргатишимиз керак.
  - Биз уларга одамларнинг даромад даражаси юқорилаб бораётгани ва уларнинг ҳаёти сезиларли яхшиланаётганини ўргатишимиз лозим.
  - Ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган деб ўйламасликлари учун ўтмишда ҳаёт қандай бўлганини уларга тушунтиришимиз керак.
  - Биз уларга бир вақтда икки фикрни ёдда сақлашни ўргатишимиз керак: дунёда нохуш ҳодисалар содир бўлаётгани, лекин кўп нарса яхшиланаётгани.
  - Биз уларга маданий ва диний стереотиплар дунёни англашда фойдасиз эканини ўргатишимиз керак.
  - Биз уларга ахборотни қандай истеъмол қилишни ва драмани стресс ҳамда умидсизликка берилмай аниқлашни ўргатишимиз керак.
  - Биз уларга одамлар рақамлар ёрдамида ҳийла қилишининг энг кенг тарқалган усулларини кўрсатишимиз керак.
  - Биз уларга дунё ўзгаришда бардавомлигини ва улар билими ва дунёқарашини ҳаёти давомида янгиллаб туриши зарурлигини тушунтиришимиз керак.
- Энг муҳими, биз болаларимизга камтарлик ва қизиқувчанликни ўргатишимиз керак.

Бу ўринда камтарлик фактларни тўғри қабул қилишда инстинктларимиз қанчалар халал беришини билиш демакдир. Билим даражангиз борасида реалист бўлиш демакдир. “Билмайман” деб мамнун айта олиш демак-

дир. У, шунингдек, бирор фикрга эга бўлсангиз-у, кейин янги фактни кашф қилсангиз, аввалги фикрингизни ўзгартиришга тайёрлик демакдир. Камтарлик одамни хотиржам қилади, чунки ҳамма нарса ҳақида ўз қарашингизга эга бўлиш босимидан қутуласиз ва қарашларингизни доим ҳимоя қилишга мажбур бўлмайсиз.

Қизиқувчанлик эса янги маълумотларга очиклик ва уларни фаол излаш демакдир. Дунёқарашингизга мос келмаган фактларни қабул қилиш ва уларнинг маъносини тушунишга уриниш демакдир. Хатоларингиз хижолатлилики эмас, кўпроқ билишга қизиқиш ҳиссини уйғотиши демакдир. “Бу борада қандай қилиб адашишим мумкин? Бу хатодан нима ўргансам бўлади? У одамлар аҳмоқ эмас-ку, лекин нега бу ечимни қўллаяпти?” Қизиқувчан бўлиш мароқли, чунки доим қизиқарли нарсаларни кашф этасиз.

Аммо дунё ўзгараверади ва ёши катта жоҳил одамлар муаммоси келгуси авлодга таълим бериш орқали ҳал қилинмайди. Мактабда ўрганганингиз битирганингиздан 10 ёки 20 йил ўтиб эскиради. Шунинг учун катталарнинг ҳам билимини янгилаб бориш йўлини топишимиз керак. Автомобиль саноатида нуқсонни аниқланган машиналар қайтариб олинади. Ишлаб чиқарувчидан “Биз автоуловингизни қайтариб олиб, тормозини алмаштирмақчимиз”, деган хат оласиз. Мактаб ва университетда ўрганганларингиз эскирганида эса “Уэр, биз сизга ўргатган билимлар қийматини йўқотди. Илтимос, миянгишни қайтаринг. Биз уни бепул янгилаб берамиз”, деган хат олишингиз керак. Ёки раҳбарингиз муаммони бартараф этиши учун: “Жаҳон иктисодий форуми ёки шунга ўхшаш жойларда уялиб қолмаслигингиз учун, илтимос, мана бу материални ўрганиб чиқиб, тест топшингиз”, дейиши керак.

### Сомбрероларни “Доллар кўчаси”га алмаштиринг

Болалар бошқа давлатлар ва динлар ҳақида мактабга чиқмасидан олдин ўргана бошлайди. Турли халқларнинг миллий кийимдаги суратлари акс этган митти дунё хариталаридан мақсад болаларни бошқа маданиятлардан хабардор қилиш ва уларни ҳурмат қилишни ўргатишдир. Ният-ку яхши, аммо бундай тасвирлар халқлар орасида улкан фарқ бор деган иллюзияни яратади. Бошқа давлатларда яшайдиган одамлар тарихий ва экзотик ҳаёт тарзига ёпишиб қолгандек туюлади. Айрим мексикаликлар баъзан катта сомбреро кийиб юриши мумкин, лекин бу катта шляпаларни ҳозирда кўпинча сайёҳларнинг бошида учратасиз.

Келинг, болаларга шунинг ўрнига Доллар кўчасини кўрсатайлик. Улар ҳозирда оддий одамлар қандай яшашини кўрсин. Агар ўқитувчи бўлсангиз, ўқувчиларингизни “dollarstreet.org” сайтига “саёҳатга” юборинг ва улардан ҳар бир мамлакат ичидаги фарқларни ва мамлакатлараро ўхшашликларни топишни сўранг.

### Бизнес

Резюмеңгиздаги биргина имловий хато сабабли сизни ишга қабул қилмасликлари мумкин. Лекин бир миллиард одамни бошқа қитъага “жойлаштирсангиз” ҳам ишга олаверишади. Ҳатто лавозимингиз ошиши ҳам мумкин.

Ғарбнинг йирик халқаро молиявий институтлари ходимларининг аксарияти ҳануз чуқур илдиз отган, эскирган ва бузилган дунёқараш билан ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Шундай бўлса ҳам, дунёни тушуниш тобора муҳим ва тобора имконли бўлиб бормокда. Ҳозир кўпчилигимиз дунёнинг турли чеккаларидаги истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар, ҳамкасблар ёки мижозлар билан ишлаймиз. Бир неча ўн йиллар илгари, эҳтимол, дунё ҳақида билиш ҳозиргидек муҳим бўлмагандир. У пайтлар ишончли ва қулай фойдаланса бўладиган глобал статистика ҳам деярли йўқ эди. Лекин дунё ўзгаргани сари уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам ўзгарди. Бугун деярли ҳар бир мавзуда ишончли маълумотни осон топса бўлади. Бу анча янги нарса: мега нотўғри тушунчаларга қарши курашда биринчи ёрдамчим нусха кўчирадиган машина эди, лекин бугун барча маълумотни интернетдан топса бўлади. Ишга қабул қилиш, ишлаб чиқариш, маркетинг ва сармоя киритишда корхона раҳбарлари ва ходимлар учун фактларга асосланиб иш тутиш ҳеч қачон ёки муҳим бўлмаган.

Глобаллашган бозорларни тушуниш учун маълумотлардан фойдаланиш аллақачон маданиятнинг бир қисмига айланиб улгурди. Аммо одамларнинг дунёқараши остин-усти бўлиб кетганда маълумот парчалари худди нотўғри маълумот ёки маълумотсизлик каби янгилиштирувчи бўлади. Токи бир кун келиб, кимдир уларнинг дунё ҳақидаги билимини синаб кўрмагунча, одамлар тўғри фикрляпман, деб ўйлайди.

Агар сиз Европа ёки АҚШда савдо ва маркетинг соҳасида катта бизнесни бошқарсангиз, сиз ҳамда ходимларингиз келажакдаги жаҳон бозори асосан сизнинг мамлакатингизда эмас, балки Осиё ва Африкада ўсиб боришини тушунишингиз керак.

Европа ёки Америка компанияси бўлиш халқаро ходимларни жалб қилишда мақтанадиган жиҳат эмаслигини тушунишингиз керак. Масалан, “Google” ва “Microsoft” халқаро компанияга айлангач, асли Американики экани кўринмай қолди. Уларнинг Осиёдаги ва Африка-



даги ходимлари ҳақиқий халқаро компаниянинг бир қисми бўлишни истайди ва бунга эришди. Уларнинг бош директорлари, Сундар Пичаи (*Google*) ва Сатья Наделла (*Microsoft*) иккиси Ҳиндистонда ўсиб, таълим олган.

Европа корпорацияларига тақдимот қилганимда ҳар доим Европа брендига урғу беравермаслик (логотипидан Альп тоғларини олиб ташлашни) ва штаб-квартираларини (европалик ходимларини эмас) бошқа ерга кўчириш кераклигини айтаман.

Ишлаб чиқаришда глобаллашув ҳали ниҳоясига етмаганини тушунишингиз керак. Бир неча ўн йиллар аввал Ғарб компаниялари саноат ишлаб чиқаришни II даражадаги, бозори ривожланаётган мамлакатларга кўчириш кераклигини, у ерларда худди шу сифатдаги маҳсулотни ярим нархига ишлаб чиқариш мумкинлигини англади. Лекин глобаллашув бир марталик ҳодиса эмас, балки давомли жараёндир. Бир неча ўн йиллар аввал Европадан энди II даражага чиққан Бангладеш ва Камбоджага кўчирилган текстил саноати тез орада Бангладеш ва Камбоджа бойиб, III даражага чиққанда катта эҳтимол билан яна бошқа давлатга кўчади. Бу мамлакатлар ё диверсификация қилиши керак, ё улар текстил саноатини Африка мамлакатларига кўчириш оқибатидан азият чекади.

Инвестиция бўйича қарор қилаётганингизда мустамлакачи ўтмиш туфайли шаклланган (ва бугун матбуот ҳамон сақлаб келаётган) жўн қарашларни четга суриб, инвестиция киритиш учун Гана, Нигерия ва Кенияда энг яхши имкониятлар борлигини тушунишингиз керак.

Ўйлайманки, кўп ўтмай корхоналар имло хатолардан кўра фактларга оид хатоларга кўпроқ эътибор беради, ходимлари ва мижозларининг дунё ҳақидаги билимларини доимий янгилаб туришга ҳаракат қилади.

## Журналистлар, фаоллар, сиёсатчилар

Журналистлар, фаоллар ва сиёсатчилар ҳам одам. Улар бизга ёлғон гапирмайди. Уларнинг ўзи драматик дунёкарашдан азият чекади. Худди бошқалар каби улар ҳам маълумотларни доимий текшириб, дунёкарашини янгилаб, фактларга асосланиб фикрлашни шакллантириши керак.

Бундан ташқари, журналистлар дунёнинг камрок бузилган манзарасини тақдим этишига ёрдам берадиган чоралар бор. Ҳодисаларни тарихий контекстга жойлаш мутаносибликни сақлашга ёрдам беради. Баъзи журналистлар нохуш янгиликлар манзарани аслидагидан бузишидан хабардор бўлиб, нохуш янгилик бериш оdatини ўзгартириш ҳамда журналистикани янада мазмунли қилиш мақсадида конструктив янгилик учун янги стандартлар ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда уларнинг қанчалик таъсирга эга бўлишини айтиш қийин.

Охир-оқибат, дунёни асл ҳолатда намоиш этиш журналистнинг ҳам, фаоллар ва сиёсатчиларнинг ҳам мақсади доирасига кирмайди. Улар доим сенсацион ҳикоялари билан бизнинг эътиборимизни жалб қилиш учун рақобатлашиши керак. Улар доим одатий нарсадан кўра фавқулодда нимагадир, секин ўзгараётган жараёндан кўра янги ёки муваққат нарсаларга урғу беради.

Ҳатто энг юқори сифатли ахборот нашрлари ҳам статистика агентлиги сингари дунёнинг холис ва ваҳимасиз манзарасини акс эттиришини тасаввур қилолмайман. Бу тўғри иш, аммо жуда зерикарли бўлиб қолади. Оммавий ахборот воситалари холисликка бу қадар чуқур берилишини қутмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига янгиликларни фактларга асосан истеъмол қилишни ўрганиш ва янгиликлар дунёни англашда жуда фойдали эмаслигини англаш ўзимизга боғлиқ.

## Ташкилотингиз

Барча мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари йилда бир марта Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясида йиғилади. Улар соғлиқни сақлаш тизимини режалайди, турли давлатларнинг соҳадаги натижаларини таққослайди, кейин эса қаҳва ичади. Бир сафар мексикалик вазир кофе-брейкда кулоғимга пичирлаб деди:

– Мексиканинг ўртача кўрсаткичи бўйича йилига бир кун жуда кўп қайғураман. У ҳам бўлса бугун. Қолган 364 кун Мексиканинг ичидаги тафовутлар ҳақида бош котираман.

Бу китобда мен дунё миқёсидаги фактларни билмасликни муҳокама қилдим. Менимча, мамлакат миқёсида ҳам, ҳар бир жамият ва ташкилотда ҳам мунтазам эътиборсиз қолдирилаётган фактлар бўлиши керак.

Ҳозирча биз бир нечта маҳаллий фактларга асосланган саволларни синаб кўрдик, лекин улар биз кенгрок миқёсда ўтказган глобал фактлар андозасига ўхшаб қолган. Масалан, Швецияда қуйидагича савол бердик:

Бугунги кунда 20 фоиз шведлар 65 ёшдан катта. Орадан 10 йил ўтиб бу кўрсаткич қанчани ташкил қилади?

- А. 20 фоиз
- Б. 30 фоиз
- В. 40 фоиз

Тўғри жавоб – 20 фоиз. Яъни ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Лекин бор-йўғи 10 фоиз шведлар тўғри жавоб берди. Бу биз шведларнинг кейинги 10 йилни режалаш борасидаги мунозараларимиздаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий фактни билмаслигини англатади. Менимча, бунинг сабаби одамлар сўнгги 20 йил ичида кексайиб қолган аҳоли ҳақида кўп эшитганидир. Чунки кўрсаткич ҳақиқатан ҳам ошган, кейин эса шведлар уни тўғри чизик бўйича ошаверади, деб тахмин қилган.

Биз сўрашни истаган жуда кўп маҳаллий ва мавзулаштирилган саволлар бор. Сизнинг шахрингизда одамлар ўзи яшайдиган жойнинг келажагини белгилайдиган асосий пропорциялар ва тенденцияларни биладими? Биз билмаймиз, чунки ҳали синаб кўрмадик. Лекин катта эҳтимол билан билмайди.

Ўз соҳангиз ҳақида нима дейиш мумкин? Агар Скандинавия атрофидаги денгизости ҳаёти билан шуғуллисангиз, ҳамкасбларингиз Болтиқ денгизи ҳақида асосий фактларни биладими? Агар ўрмон хўжалигида ишласангиз, ҳамкасбларингиз ўрмон ёнғинлари кўпаяётгани ёки камаяётганини биладими? Сўнгги ёнғинлар аввалгиларидан кўпроқ ёки камроқ зарар етказганини улар биладими?

Агар фактларга оид савол берилаверса, ҳали билмаганларимизнинг чеки йўқ эканини англаймиз. Айнан шунинг учун ҳам биз буни биринчи қадам сифатида таклиф қиламиз. Ташкилотингизда ҳам биз ишлатган усуллардан фойдаланиб, билмаган нарсаларингизни аниқлашингиз мумкин. Шунчаки ташкилотингиздаги энг муҳим фактларни сўрашдан ва уларни қанча одам билишини аниқлашдан бошланг.

Баъзида бу одамларнинг жиғига тегади. Улар билимини текшираман деб, ҳамкасб ва дўстларимни хафа қилиб қўйишим мумкин, нотўғри ўйлаётгани тасдиқланса, албатта, хурсанд бўлмайди, деб ўйлайди. Менинг тажрибам эса бунинг аксини кўрсатади. Одамларга бу жуда ёқади. Кўпчилик дунё қандай эканини англаб, рухланади. Кўп одамлар янги нарсаларни ўрганишни хоҳлайди. Уларнинг билимини синаб кўриш, агар камтарлик билан амалга оширилса, қизиқувчанлик ва янги билимга ташналикни орттириши мумкин.

## Хотима

Ҳаётимни жаҳолатга қарши курашиш, фактларга асосланган дунёқарашни тарғиб қилишга бағишлаш баъзида умидсизлантирган бўлса ҳам, охир-оқибат, мен учун илҳомлантирувчи ҳамда мароқли бўлди. Дунёни асл ҳолича ўрганишни фойдали ва мазмунли деб топдим. Ана шу билимни бошқа одамларга тарқатишдан жуда мамнунман. Бу билимни тарқатиш ва одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш нега бунчалик мушкул бўлганини тушуна бошлаганимдан хурсандман.

Бир кун келиб барча одамлар фактларга асосланган дунёқарашга эга бўлиши мумкинми? Катта ўзгаришларни тасаввур қилиш ҳамиша қийин. Лекин бунинг аниқ имкони бор. Иккита оддий сабабга кўра бу нарсага эришамиз. Биринчиси, аниқ ишловчи GPS шаҳарда йўл топиш учун қанчалик фойдали бўлса, фактларга асосланган дунёқараш ҳам ҳаёт йўлида шунчалик фойдалидир. Иккинчиси, ва муҳимроғи, фактларга асосланган дунёқараш қулайроқ. Унда драматик дунёқарашда бўлгани каби стресс ва умидсизлик йўқ. Драматик дунёқараш жуда салбий ҳамда кўрқинчли.

Дунёқарашимиз фактларга асосланса, дунё бизга туюлгани каби ёмон эмаслигини кўра оламиз қолаверса, уни янада яхшилаш учун нима қилиш кераклигини тушунамиз.

## ФАКТОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

### 1. БЎШЛИҚ



*Кўпчиликни изланг*

### 2. САЛБИЙЛИК



*Ёмон хабарга тайёр туринг*

### 3. ТЎҒРИ ЧИЗИҚ




*Чизиқ оғиши мумкин*

### 4. ҚЎРҚУВ



*Хатарларни ҳисобланг*

### 5. ҲАЖМ



*Вазиятларни тўғри нисбатда ўрганинг*

### 6. УМУМЛАШТИРИШ



*Категорияларингизни шубҳа остига олинг*

### 7. ТАҚДИР



*Секин ўзгариш ҳам ўзгариш*

### 8. БИР ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ



*Асбоб-анжомлар қутисини олинг*

### 9. АЙБЛАШ



*Бармоғингизни бигиз қилишдан тийилинг*

### 10. ШОШИЛИШ



*Кичик қадамлар ташланг*

## СҮНГСҮЗ ҰРНИДА

2015 йилнинг сентябрида Ҳанс учовимиз китоб ёзишга қарор қилдик. 2016 йил 5 февраль куни Ҳансга давосиз панкреатик саратон (ошқозон ости беши саратони) ташхиси қўйилди. Ҳеч қандай умид қолмаган эди. Унинг атиги икки ёки уч ойлик умри қолган, агар паллиатив даволаш муваффақиятли кечса, бир йил яшаши мумкин эди.

Дастлабки қарахтлик тарқагач, Ҳанс ҳамма нарсани бирма-бир ўйлади. Ҳаёт яна бироз давом этади. У рафиқаси Агнета, оиласи, дўстлари билан вақтини ҳали ҳам мазмунли ўтказиши мумкин. Аммо кундан-кунга унинг соғлиғи олдиндан айтиб бўлмас ҳолга тушаётгани. Шунинг учун бир ҳафта ичида у келгуси йил учун режаланган 67 та маърузасининг барини бекор қилди, шунингдек, телевизор ва радиодаги чиқишлари ҳамда фильм сьемкаларини ҳам. Ҳанс буларнинг баридан дилгир бўлса ҳам, ўзга чораси йўқлигини англади. Қасбий фаолиятида қўққисдан содир бўлган бундай катта ўзгариш азобини биргина сабаб билан енгиллатиш мумкин эди. У ҳам бўлса – китоб. Ташхисдан кейин пайдо бўлган қайғуда қувонч ҳам бор эди, чунки китоб бошқа қаторлашиб турган вазифалар устига ортиқча юк эмас, балки Ҳанснинг интеллектуал илҳоми ва завқига айлангани.

Унинг айтмоқчи бўлганлари бағоят кўп эди. Кейинги ойларда ғайрат қилиб, учовлон қалин китоб ёзишга етгулик материал тўпладик: Ҳанснинг ҳаёти, бирга қилган ишларимиз ва сўнги ғояларимиз ҳақида. Ҳаётининг сўнги дақиқаларигача Ҳанс дунёга бўлган қизиқувчанлиги ва иштиёқини сақлаб қолди.

Биз китобнинг мундарижасини келишиб олдик-да, ёзишни бошладик. Узоқ йиллар мураккаб лойиҳалар устида бирга ишлаб, муайян факт ёки тушунчани қандай қилиб энг қулай тарзда изоҳлаш мумкинлиги ҳақида муттасил баҳслашишга ўрганиб қолгандик. Ҳаммамиз соғ-саломат бўлган пайтларимиз ҳамкорликда ишлаш қанчалар осон кечганини, Ҳанс касалланиб қолганида эса одатдаги шиддатли ва жанговар руҳда ишлаш услубимизни сақлаб қолиш нақадар мушкул эканини англадик. Биз деярли муваффақиятсизликка учрагандик.

2017 йил 2 февраль, пайшанба куни оқшомда Ҳанснинг соғлиғи тўсатдан ёмонлашди. Тез ёрдам чақирдик. Ҳанс касалхонага бир нечта бобнинг охири қораламаларининг устига қўлда изоҳлар ёзилган босма нусхаларини олиб кетди. Орадан тўрт кун ўтиб, 7 февраль, сешанба куни саҳарда Ҳанснинг жони узилди. Умрининг ўша сўнги кунларида у ўзи билан олган қораламаларидан таскин топган, касалхона ётоғида уларни Ола билан муҳокама қилган ва ноширларга “биз ниҳоят мақсад қилган китобимиз”ни ёздик, деган ўйлари битилган электрон мактуб матнини айтиб туриб ёздирган эди. “Биргаликдаги ишимиз, – деб ёзганди Ҳанс, – ниҳоят ажойиб матнга айланмоқда. У бутун жаҳон аҳлига дунёни англашида ёрдам беради”.

Ҳанснинг ўлими ҳақида хабар берганимизда, бутун дунёдан, унинг дўстлари, ҳамкасблари ва мухлисларидан ҳамдардлик изҳорлари ёғила бошлади. Интернет Ҳансга ҳурмат бажо келтирилган таъзияларга тўлиб кетди. Оиламиз ва дўстларимиз Каролинска институтида маросим



ташкил қилдик ва биз билганимиздек жасур, янгиликка интиладиган, жиддий фикрлайдиган, лекин доим атрофдан циркни излаб юрадиган, ажойиб дўст, ҳамкасб ва оиламизнинг сеvimли аъзоси сифатида Уппсала қасрида Ҳанснинг дафн маросими бўлди. У ерда цирк бор эди. Албатта, сахнада қилич ютувчи билан бирга (Ҳанснинг дўсти, унинг рентген тасвирини китобнинг бошида кўргансиз) ўғлимиз Тед ҳам ҳоккей таёғи ва дубулға билан уйда тайёрлаган томошасини кўрсатди. (Таёк муз ҳоккейниқига ўхшарди, аммо ундан кўра қулайроқ эди.) Маросимни Фрэнк Синатранинг “Менинг йўлим” мадҳияси билан тугатдик. Ҳанс доим Ўз Йўлидан юргани учун эмас, балки бир неча йил илгари содир бўлган бахтли тасодиф сабабли шу қўшиқни танладик. Ҳанс мусиқага қизиқмасди ва доим мусиқани ҳис қилиш қобилияти йўқлигини таъкидларди. Лекин унинг кенжа ўғли Магнус бир сафар унинг куйлаганини эшитиб қолган. Ҳанс билмасдан чўнтагидаги телефонини босиб юбориб, Магнусга қўнғироқ қилган, ва ўзи билмай унга тўрт дақиқали овозли хабар қолдирган. Овозли хабарда Ҳанснинг машина тирбандликда турганида Фрэнк Синатранинг исёнкор руҳдаги мадҳиясини баланд овозда шавк билан куйлаётгани ёзилган. Мана, Ҳанс қандай эди! Сиз унинг глобал хавф-хатарлар рўйхатини кўргансиз, аммо бу уни ишга кетаётганида куйлашдан тўхтатолмасди. Бир вақтнинг ўзида иккита фикр: хавотир ва қувончга тўла.

Биз Ҳанс билан 18 йил ишладик. Биз унинг тақдимот сценарийларини ёзганмиз, “TED” суҳбатларидаги чиқишларига режиссёрлик қилганмиз, у билан ҳар бир деталь устида соатлаб (баъзан ойлаб) баҳслашганмиз. Унинг ҳикояларини кўп марта эшитганмиз ва турли шаклда ёзиб олганмиз.

Китоб устида ишлаш Ҳанс ҳаётининг сўнгги ойларида оғир бўлди, аммо унинг ўлиmidан кейинги ойларида ғалати тарзда юпанч берди. Ушбу қимматли вазифани

бажарганимизда Ҳанснинг овози қулоғимиз остида жаранглаб турар, у кетмагани, биз билан бир хонада, ёнимизда эканини ҳис қилар эдик. Китобни яқунлаш уни ёнимизда олиб қолиш ва хотирасига ҳурмат бажо келтиришнинг энг яхши йўлидек туюлди.

Ҳанс бу китобни тарғиб қилишни хоҳлаганди ва у бу ишни жуда яхши амалга оширган бўларди, аммо ташхисдан сўнг бунинг сира иложи йўқ эканини билди. Энди бу вазифани давом эттириш бизга қолди. Ҳанснинг фактларга асосланган дунёқараш ҳақидаги орзуси бизда яшайди ва умид қиламизки, энди сизда ҳам.

*Анна Рослинг Рённлунд ва Ола Рослинг  
Стокҳольм, 2018*

## ТАШАККУРНОМА

Дунё ҳақидаги тушунчам асосан маълумотларни ўрганиш ёки компьютер қаршисида ўтириб, илмий мақолалар орқали эмас (гарчи бу машғулотлар билан кўп шуғулланган бўлсам ҳам), балки одамлар билан вақт ўтказиб, улар билан дунё ҳақида мунозара қилишим асосида шаклланди. Менга дунё бўйлаб саёҳат қилиш, турли давлатларда ўқиш ва ҳар бир қитъада, дини ва муҳими даромад даражаси турлича одамлар билан ишлаш насиб қилди. Халқаро ширкатларнинг ижрочи раҳбарлари ва Стокҳольмдаги PhD талабаларимдан (докторантларимдан) ҳам кўп нарса ўргандим. Ҳатто Африкада ўта қашшоқ ҳаёт кечираётган аёллардан, энг чекка қишлоқда ишлаётган католик роҳибаларидан, Бангалордаги тиббиёт талабаларидан, Нигерия, Танзания, Вьетнам, Эрон ва Покистондаги академиклардан, турли даромад даражаларидаги мамлакатларда Эдуарду Мондланедан тортиб Мелинда Гейстгача – ғоялари билан жамиятга таъсир ўтказувчи шахслардан янада кўпроқ нарса ўргандим. Барчангизга билимингизни мен билан баҳам кўрганингиз учун, ҳаётимни анча бойитганингиз учун, мен мактабда ўрганган дунёнинг буткул бошқа юзини кўрсатганингиз учун миннатдорлик билдираман.

Дунёни англаш бир нарса бўлса, ана шу англаганларингизни оқ коғозга тушириш бошқа бир нарса. Бундай ишларнинг ортида доим бутун бир жамоанинг меҳнати ётади. “Garminder” жамоасидаги ҳар бир фидойи ва ижодкор ходимга улар яратган материаллардан барча маърузаларимда фойдаланганим учун раҳмат айтаман. Яна адабий агентимиз Макс Брокмандан бебаҳо маслаҳатлари ва кўллаб-қувватлови учун, Буюк Британияда “Hodder” нашриёт уйи муҳаррири Драммонд Моир ҳамда АҚШдаги “Macmillan” нашриёти муҳаррири Уилл Швальбедан китобга ишонч билдиргани, бутун жараён давомида кунт ва босиклик билан йўл-йўрик кўрсатгани ва китобни такомиллаштириш йўлида доно маслаҳатлар бергани учун миннатдорман. Ҳаральд Ҳулквистга ҳам халқаро агент олишимиз кераклигини айтгани учун, швед муҳарриримиз Рихард Ҳерольдга дастлабки жараёнларда мислсиз маслаҳатлар бергани ва ишнинг охиригача биз билан бўлгани учун ташаккур. Мусахҳиҳлар Билл Уорхоп ва Брин Кларкка ҳам китобга сингган меҳнати учун раҳмат. Агар бу китоб бир нафасда ўқиладигандек чиққан бўлса, бу Дебора Крюнинг шарофати биландир. У бир талай материалларга кўмилиб қолган уч нафар муаллиф билан ишлаш масъулиятини дадил зиммасига олди. Биз нима хоҳлашимизни диққат билан тинглади, кейин сабр, юксак маҳорат, илдамлик ва юмор билан ишлаб, бизнинг ноодатий швенглизимизни (шведча инглиз тили) ҳозир сиз ўқиб битирган ҳолга келтирди. Энг муҳими, у бизнинг минглаб фактларимизни, латифаларимизни ва қоидаларимизни олиб, бир тизимга солиб берди. Биз ана шундай янги дўст топганимиздан шодмиз.

Макс, Тед ва Эбба! Ота-онангиз Анна ва Ола билан дам олиш кунларини ва кўплаб оқшомларни бирга ўтказишимга рухсат берганингиз учун сизга алоҳида раҳматларим! Бу китобни ўқиганингизда ва биз қилган ишларни кўрганингизда мени оз бўлса ҳам кечиришингизга умид қи-

ламан. Китобга қўшган ҳиссаларингиз учун ҳам раҳмат: 12 ёшли Максга офисимда соатлаб тадқиқотни мен билан муҳокама қилгани учун ва менинг юзлаб ёзмаларимни таҳрирлаб чиққани учун, 10 ёшли Тедга “Доллар кўчаси” учун суратлар олгани, бизнинг фактларга асосланган саволларимизни синфдошларида синаб кўргани, Нью-Йоркка бориб менинг номимдан UNFPA мукофотини қабул қилгани учун, 8 ёшли Эббага эса китобда фойдаланилган матн ва иллюстрацияларни қандай яхшилаш бўйича ақлли ғоялар бергани учун раҳмат айтаман. Швед тилида “stå ut” деган ибора бор. Маъноси, чидаш, тоқат қилиш, сабрбардошли бўлишдир. Умид қиламанки, оилам, дўстларим ва ҳамкасбларим улар менга йиллар давомида “stått ut” қилгани учун миннатдор эканимни билишади. Ишим туфайли кўпинча уйда бўлолмайман, бўлганимда ҳам шошиб келаман-у, шошиб кетаман, уларга вақт ажратмай бошқа нарсага чалғийман ва уларнинг кайфиятини кўп бузаман. Нима қилай, шундайман. Ишлаётганимда оз ухлаганим боис асабий одамга айланиб қоламан. Шунинг учун дўстим ёки ҳамкасбим деб аташ мен учун шараф бўлган инсонларнинг барчасига ташаккур билдираман. Биргина дўстим ёки ҳамкасбимни эслаб, бошқаларни унутишим нотўғри, аммо Ханс Вигцеллни алоҳида таъкидламасам бўлмас. У “Garminder”ни бошиданоқ қўллаб-қувватлади ва охириги кунларимгача ёнимда бўлиб, умримни узайтириш йўлини топишга бор кучи билан ҳаракат қилди.

Ва асосийси, ўсмирликдан ишқим тушган севгилим, рафиқам, умр йўлдошим Агнетага чексиз сабри ва муҳаббати учун, севимли фарзандларим Анна, Ола ва Магнус ҳамда уларнинг турмуш ўртоқларига, набираларим Дорис, Стиг, Ларс, Макс, Тед, Эбба, Тики ва Минога менга келажакка умид бергани учун чин дилдан ташаккуримни изҳор қиламан.

Ола, Анна ва мен, шунингдек, қуйидаги инсонларга ҳам раҳмат айтамин:

Йорген Абрахамссон, Кристиан Альштедт, Йохан Альдор, Крис Андерсон, Ола Авад, Юлия Бахлер, Карл-Йохан Бакман, Шаида Бадие, Мозес Бадио, Тим Бейкер, Ульрика Бейкер, Жан-Пьер Банеа-Маямбу, Арчи Бэрон, Алуизио Баррос, Люк Баво, Лайнус Бенгтссон, Умар Бенжеллун, Лассе Берг, Анна Берштрём, Стаффан Бергштрём, Анита Бергсвен, *BGC3*, Билл ва Мелинда Гейтс жамфармаси, Сали Битар, Пелле Бьерке, Стефан Блом, Андерс Боллинг, Стаффан Бреммер, Робин Бриттайн-Лонг, Питер Байасс, Артур Камара, Питер Карлссон, Пол Ченг, Сунь-Ку Чой, Марио Косби, Андреа Кертис, Йорн Делверт, Кики Делверт, Алиса Дерево, Нкосазана Дламини-Зума, Мухаммад Данбар, Нельсон Данбар, Даниэль Эк, Анна Миа Экстрём, Зиад Эль-Хотиб, Матс Эльзен, Клара Эльзвик, Мартин Эрикссон, Эрлинг Перссон жамфармаси, Питер Юэрс, Мосоку Фаллах, Бен Фаузоне, Пер Фернстрём, Гюнтер Финк, Стивен Фишер, Люк Форсайт, Андерс Франкенберг, Хайшан Фу, Миноу Фуглесанг, Билл Гейтс, Мелинда Гейтс, Жорж Гаврилис, Анна Гедда, Рики Геверт, Маркус Жианеско, Нильс Петтер Гледич, “Google”, “Google Public Data” жамоаси, Георг Гётмарк, Олаф Грэнстрём, Эрик Грин, Анна-Шарлотта Гилленрам, Катарина Хагстрёмер, Свен Хагстрёмер, Нина Хальден, Расмус Халльберг, Эстер Хамблион, Мона Хаммами ва Абу-Дабининг “Looking Ahead” жамоаси, Кэти Хэмпсон, Ханс Ханссон, Яспер Хеффер, Пер Хеггенес, Дэвид Хердис, Дэн Хиллман, Маттиас Хёгберг, Ульф Хёгберг, Магнус Хёглунд, Адам Хольм, Ану Хорсман, Маттиас Хоркс, Аббе Ибрагим, *IHCAR*, *IKEA* жамфармаси, Дикена Жексон, Оскар Ялкевик ва унинг “*Transkribering.nu*” даги жамоаси, Кент Янер, “*Jochnick Foundation*”, Клаэс Йоханссон, Ян-Олаф Йоханссон, Клара Йоханссон, Ян Йормарк, Оса Карлссон, Линли Чивона Карлтун, Алан Кей, Ҳарис Шох Хатток, Тариқ Хохар, Никлас Кьеллстрём-Мацеке, Том Кронхёффер, Асли Кулане, Хьюго Лагеркранц, Маргарет

Орунъя Ламуну, Стаффан Ландин, Даниэль Лапидус, Анна Рослинг Ларссон, Йеспер Ларссон, Пали Лехола, Мартин Лидхольт, Виктор Лидхольт, Хенрик Линдаль, Маттиас Линдبلاد, Маттиас Линдгрэн, Ларс Линдквист, Анна Линдстранд, Пер Лисс, Теренс Ло, Хокан Лобелл, Пер Лёфберг, Анна Марианн Лундберг, Карин Брунн Лундгрэн, Макс Лундквист, Рафаэль Луцано, Маркус Мэйер, Ева Магнуссон, Ларс Магнуссон, Якоб Мальмрос, Нигерева Маселина, Марисса Майер, Бранко Миланович, Зориа Миллер, Катаюн Моаззами, Сибоне Мокумби, Андерс Молин, Жанет Рэй Жонсон Мондлане, Луи Монье, Абе́ла Мпобела, Пол Мурет, Крис Мюррей, Хишам Нажам, Сахар Нежат, Марта Николсон, Андерс Нордстрём, Леннарт Нордстрём, Мари Нордстрём, Тольберт Ниенсва, Йохан Найстранд, Мартин Оман, Макс Орвард, Гудрун Эстби, Уилл Пейж, Франсуа Пеллетье, Карл-Йохан Перссон, Стефан Перссон, Монс Петерсон, Стефан Свартлинг Петерсон, Тьяго Порто, *“Postcode Foundation”*, Араш Пурнури, Амир Ранама, Йоахим Ретцлафф, Ханна Ричи, Ингегерд Рут, Андерс Рённлунд, Давид Рённлунд, Куиань Рённлунд, Томас Рённлунд, Макс Розер ва *“The World in Data”* жамоаси, Магнус Рослинг, Пиа Рослинг, Сири Аас Рустад, Габриэла Са, Луве Салин, Ксавье Сала-и-Мартин, Фиа-Стина Сандлунд, Йен Сондерс, Дмитрий Шеховцов ва унинг *“Valor Software”*, Харпаль Шергилл, *“Sida”*, Йерон Смитс, Козимо Спада, Кэти Стэнтон, Бо Стенсон, Карин Стрэнд, Эрик Свонсон, Амирхусайн Такян, Лорин Зинеб Нора “Лорин” Талауи, Мануэль Тамес, Андерс Форэ Толлефсен, Эдвард Туфте, Торкильд Тиллескер, *UNDP*, Хенрик Урдал, Бас ван Леувен, Йохан Вестерлунднинг оиласи, Цезар Виктория, Йохан фон Шреб, Алем Валжи, Якоб Валленберг, Ева Валльстам, Рольф Видгрэн, Жон Уилмот, Агнес Вольд, Фредрик Волльсен ва унинг жамоаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, *“World We Want Foundation”*, Данжен Ю, Гохуа Чжэн ва Чжана Чжонцзин.

Иктисод ва демография учун “Garpminder” тарихий серияларини ишлаб чиққан Маттиас Линдгрэнга раҳмат. Барча талабаларим ва докторантларимга раҳмат, улардан кўп нарса ўргандим. Материалларимизни синовдан ўтказиш учун борганимизда мактабида бизни илиқ кутиб олган барча ўқитувчилар ва ўқувчиларга ҳам раҳмат. Бутун дунё бўйича бизга ёрдам берган барча ажойиб консультантларга, Жимми Уэлс ва унинг Википедиядаги кўнгилли муҳаррирларига, “Доллар кўчаси”даги оилалар ва фотографларга ташаккур.

“Garpminder Foundation”нинг аввалги ва ҳозирги бошқарув кенгаши аъзоларига, жумладан, Ҳанс Вигцелл, Кристер Гуннарссон, Бо Сундгрэн, Гун-Бритт Андерссон ва Ҳелена Норденштедтга (у фактларни текширишда ҳам ёрдам берди) доно маслаҳатлари ва доимий қўллаб-қувватлови учун миннатдорлик билдираман. Ва бизнинг ажойиб жамоамиз – “Garpminder” ходимлари Энжи Сказка, Габриэла Са, Яспер Хеффер, Клара Эльзвик, Микаель Аревиус, Олаф Гренстөрмга, мазкур китобни тугатаётганимда “Garpminder”нинг бепул ўқув материалларини сидкидилдан ишлаб чиққан Фернанда Друмонд бошчилигидаги жамоага ҳам ташаккур. Улар қўлёзмага бебаҳо ҳисса қўшдилар!

Ва ниҳоят, бутун жараён давомида бизга тоқат қилган ва ёрдамини аямаган ажойиб дўстларимиз ва оиламизга раҳмат айтаман. Ким эканингизни биласизми? Сизсиз бу китобни ёзиш имконсиз бўларди. Миннатдорман!




## ИЛОВА

### Мамлакатингиз қандай натижа кўрсатди?

2017 йил “Gapminder” тести ишга тушди. Тестда 13 та савол ва ҳар бир савол учун учтадан муқобил жавоб берилган. Ўша йили “Gapminder” “Ipsos MORI” ва “Novus” билан ҳамкорликда 14 та давлатдаги 12 минг кишининг билимини синовдан ўтказди. Сўровнома ўрта ёшли аҳоли учун мўлжалланган онлайн панелларга жойланди. Тест Австралия, Бельгия, Канада, Финляндия, Франция, Германия, Венгрия, Япония, Норвегия, Жанубий Корея, Испания, Швеция, Буюк Британия ва АҚШда ўтказилди. Шунингдек, фактлар бўйича билимни текширадиган мазкур тест бир неча тилда қуйидаги сайтга ҳам жойланди: [www.gapminder.org/test/2017](http://www.gapminder.org/test/2017). Исталган киши унда ўзини синов кўриши мумкин. Натижалар ҳақида батафсил маълумот олиш учун [www.gapminder.org/test/2017/results](http://www.gapminder.org/test/2017/results) ҳаволасига ўтинг.

## Даромади паст давлатларда қизларнинг таълими


**1-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
Булungi кунда дунёнинг даромади паст давлатларида қизларнинг қанчаси бошланғич мактабни тугатади?  
(Тўғри жавоб: 60%)



100%  
Manba: Ipsos MORI, Novus

## Кўпчиликнинг даромад даражаси

**2-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
Дунё аҳолисининг аксар қисми қаерда яшайди?  
(Тўғри жавоб: даромади ўртача бўлган давлатларда)




100%  
Manba: Ipsos MORI, Novus

## Ўта қашшоқлик

**3-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.

Охириги 20 йилда дунёнинг ўта қашшоқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси...

(Тўғри жавоб: деярли 2 баробар камайган)




## Умр кўриш давомийлиги

**4-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.


Бугунги кунда дунё бўйича умр кўриш давомийлиги неча йилни ташкил қилади?

(Тўғри жавоб: 70 йил)



## Келгусидаги болалар сони


**5-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. Ер юзида 15 ёшгача бўлган болалар 2 миллиард нафарни ташкил қилади. БМТ ҳисобига кўра, 2100 йилга бориб, улар қанчага етади?  
(Тўғри жавоб: 2 миллиард)



0% 100%  
Monica Press/MOEL News

## Одамларнинг кўпайиши

**6-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. БМТ 2100 йилгача дунё аҳолиси яна 4 миллиардга кўпайишини башорат қилмоқда. Бунга асосий сабаб нима?  
(Тўғри жавоб: Катталар кўпаяди)




0% 100%  
Monica Press/MOEL News

## Табий офатлар

### 7-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ: тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.

Охириги юз йилда табиий офатлар сабабли йиллик ўлимлар сони қанчалик ўзгарди?

(Тўғри жавоб: Қарийб икки баробарга камайди)




## Одамлар қарерда яшайди?

### 8-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ: тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.


Дунёда тахминан 7 миллиард аҳоли бор. Қайси харита уларнинг яшаш жойини энг аниқ кўрсатган?

(Тўғри жавоб: Харитага қаранг)



## Болаларнинг эмланиши

**9-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. Бугунги кунда Ер юзидagi 1 ёшли болаларнинг қанчаси муайян касалликка қарши эмланган? (Тўғри жавоб: 80%)



100%

Manba: Ipsos MORI, Novus

## Аёллар таълими

**10-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган. Дунё бўйича 30 ёшли эркеклар ўртача 10 йил умрини ўқишга сарфлаган бўлади. Худди шу ёшдаги аёллар неча йилни ўқишга сарфлаган бўлади? (Тўғри жавоб: 9 йил)




100%

Manba: Ipsos MORI, Novus


## Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар

**11-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
1996 йил йўлбарслар, катта панда ва қора каркидон йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатига киритилган. Ушбу учта турдан нечтаси бугунги кунда кўпроқ хавф остида?  
(Тўғри жавоб: ҳеч бири)



## Электр

**12-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ:** тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.  
Дунё аҳолисининг қанча қисмига электр энергияси етиб борган?  
(Тўғри жавоб: 80%)




## Иқлим

## 13-САВОЛГА ЖАВОБЛАР НАТИЖАСИ: тўғри жавоб берганлар фоизда кўрсатилган.

Глобал иқлим экспертларининг ишонишича, 100 йилдан кейин ўртача ҳарорат...

(Тўғри жавоб: иликляшади)



## Дастлабки 12 та саволга берилган тўғри жавоблар сони

## АТИГИ 10% ОДАМ ШИМПАНЗЕЛАРДАН ЯХШИ ЖАВОБ БЕРГАН

Тўғри жавоблар сони бўйича одамларнинг улуши

(14 та давлатдаги 12 минг нафар киши)



Munka News from MORI



## БИОГРАФИК ҚАЙДЛАР

### Ҳанс Рослинг

Ҳанс 1948 йил Швециянинг Уппсала шаҳрида туғилган. У Уппсала университетида статистика ва тиббиёт, 1976 йили Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳридаги Авлиё Жонс тиббиёт коллежида жамоат соғлиғи йўналишида таҳсил олган. 1974 ва 1984 йиллар оралиғида уйда қолиб, 18 ойдан уч нафар фарзандини парваришлаган. 1979–1981 йилларда Ҳанс Мозамбикнинг Насала шаҳрида туман тиббиёт ходими бўлиб ишлаганда ҳали фанга номаълум бўлган, ҳозирда “конзо” деб аталадиган инсонни фалажловчи касалликни кашф қилган. Кейинчалик ушбу касаллик бўйича олиб борган изланишлари натижасида 1986 йили Уппсала университетида PhD диссертациясини ёқлади. 1997 йилдан бошлаб Ҳанс Швециянинг Стокхольм шаҳридаги Каролинска институтида халқаро соғлиқни сақлаш бўйича профессор бўлди. Унинг тадқиқотлари иқтисодий ривожланиш, қишлоқ хўжалиғи, камбағаллик ва соғлиқ ўртасидаги боғлиқликларга бағишланган. У, шунингдек, янги курсларни бошлаган, илмий ҳамкорликни йўлга қўйган ва глобал соғлиқни сақлаш бўйича ҳаммуаллифликда дарслик ёзган.

2005 йил Ҳанс ўғли Ола Рослинг ва келини Анна Рослинг Рённлунд билан фактларга асосланган, барча учун тушунарли бўлган дунёқарашни шакллантириш орқали нодонликка қарши курашиш мақсадида “Gapminder” жамғармасига асос солган. Ҳанс молия институтларида, корпорацияларда ва нодавлат ташкилотларда маърузалар ўқиган. Унинг “TED talks”да сўзлаган ўнта нутқи 35 миллион мартадан ортиқ кўрилган.

Ҳанс Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ва бир қатор кўмак агентликларида маслаҳатчи, шунингдек, Швециядаги “Médecins Sans Frontières” (чегара билмас шифокорлар) ташкилоти асосчиларидан биридир. У BBC учун учта хужжатли фильм олиб, уларда бошловчилик қилган: “Статистика иштиёқи” (2010 йил), “Ваҳима қилманг – аҳоли ҳақида ҳақиқатлар” (2013 йил) ҳамда “Ваҳима қилманг: қашшоқликни 15 йилда қандай йўқ қилиш мумкин” (2015 йил). Ҳанс Швеция Фанлар академиясининг Халқаро гуруҳи ва Швейцариядаги Жаҳон иктисодий форумининг Глобал кун тартиб тармоғи аъзоси бўлган. У 2009 йил “Foreign Policy” журнали томонидан жаҳоннинг 100 нафар етакчи мутафаккирлари, 2011 йил “Fast Company” журнали томонидан 100 нафар энг ижодкор бизнесмен, 2012 йил “Time” журналининг энг нуфузли 100 киши рўйхатидан жой олган.

Ҳанс ва унинг рафиқаси Агнета Рослинг уч нафар фарзандни вояга етказган: Анна, Ола ва Магнус. Ҳанс 2017 йил 7 февралда вафот этган.

## **Ола Рослинг**

Ола Рослинг Швециянинг Худиксвалль шаҳрида 1975 йилда туғилган. У “Gapminder” жамғармаси асосчиларидан бири, 2005–2007 йилларда ва 2010 йилдан ҳозирга қадар жамғарма директоридир.

Ола “Gapminder”нинг нодонлик тестини тузган, унинг тизимли нодонликни ўлчаш лойиҳаси ва сертификатлаш

жараёнини ишлаб чиққан. Маълумотларни саралаб, Ҳанснинг “TED talks”даги нутқлари ҳамда бошқа маърузалари учун материаллар тайёрлаган. 1999 йилдан бошлаб Ола дунёдаги миллионлаб талабалар кўп ўлчовли вақт серияларини тушуниш учун фойдаланадиган “Trendalyzer” анимацион пуфакчали диаграмма ускунасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди. 2007 йил ускунани “Google” сотиб олгач, Ола 2007–2010 йилларда “Google” жамоатчилиги маълумотлари жамоасига раҳбарлик қилди. Кейин янги бепул ўқув материаллар яратиш учун “Garpinder”га қайтди. У кўплаб маърузалар ўқийди, Ҳанс билан биргаликда “TED talks”да қилган маърузаси миллион марта кўрилган.

Ола “Garpinder”даги фаолияти учун қатор мукофотлар билан тақдирланган. Жумладан, 2017 йилда “Résumé Super-communicator Award” ва “Guldägget Titanpriset”, 2016 йилда “Niras International Integrated Development Prize”.

Ола Анна Рослинг Рённлунднинг турмуш ўртоғи. Уларнинг уч нафар фарзанди бор: Макс, Тед ва Эбба.

## **Анна Рослинг Рённлунд**

Анна 1975 йил Швециянинг Фалун шаҳрида туғилган. Лунда университетида социологиядан, Гётеборг университетида фотографиядан таҳсил олган. Ҳозирда “Garpinder” жамғармасининг ҳамтаъсисчиси ва вице-президенти ҳисобланади.

Анна маърузачи ҳамда “Garpinder” яратаётган ҳамма нарса тушунишга осон эканини назорат қилишга побондир. Ола билан бирга у Ҳанснинг “TED talks” ва бошқа маърузаларини бошқарган, “Garpinder” диаграммалари ва слайдларини тайёрлаган, “Trendalyzer” анимацион пуфакчали диаграмма ускунаси фойдаланувчи интерфейси дизайнини яратган. Ускуна 2007 йил “Google”га ўтгач,

Анна “Google” компаниясига фойдаланувчиларга кулайликлар яратиш бўйича катта дизайнер сифатида ишга кирган. 2010 йил янги бепул ўқув материаллар яратиш учун “Garminder”га қайтган.

2016 йилда старт олган “Доллар кўчаси” Аннанинг хаёли маҳсули эди ва у 2017 йилдаги “TED”даги маърузасининг мавзуси бўлди.

Анна “Garminder”даги фаолияти учун қатор мукофотлар билан тақдирланган. Жумладан, 2017 йилда “Résumé Super-communicator Award”, “Guldägget Titanpriset”, “Fast Company World Changing Ideas Award”.

Анна Ола Рослингнинг рафикаси. Уларнинг уч нафар фарзанди бор: Макс, Тед ва Эбба.

**“ASAXIY BOOKS” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА  
ЧОП ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР**

Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.

Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ”, 2020,  
92 бет.

Йона Бергер, “ЮКУМЛИЛИК: МАҲСУЛОТ ВА ҒОЯЛАР  
ҚАНДАЙ ОММАЛАШАДИ?”, 2021, 248 бет.

Дэн Браун, “ИБТИДО”, 2021, 664 бет.

Лариса Буракова, “ГРУЗИЯ МУВАФФАҚИЯТГА ҚАНДАЙ  
ЭРИШДИ?”, 2021, 328 бет.

Малкольм Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР”,  
2019, 220 бет.

Жавлон Жовлиев, “ҚЎРҚМА”, 2020, 376 бет.

Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320  
бет.

Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7  
КЎНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.

Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.

Жон Г. Миллер, “САВОЛ ОРТИДАГИ САВОЛ”, 2021, 104  
бет.

Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЪАТИ”,  
2020, 192 бет.

Рамита Наваи, “ЁЛҒОНЛАР ШАҲРИ”, 2020, 276 бет.

Кэл Ньюпорт, “ДИҚҚАТ: ЧАЛҒИТУВЧИ ДУНЁДА  
МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ”, 2020, 230 бет.

Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”, 2019, 100 бет.

Жером Сэлинжер, “ЖАВДАРЗОРДАГИ ХАЛОСКОР”, 2020, 252 бет.

Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ”, 2020, 298 бет.

Ҳенри Форд, “МЕНИНГ ҲАЁТИМ”, 2020, 300 бет.

Ж. А. Робинсон, Д. Ажемўғлу, “МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛИ САБАБЛАРИ”, 2021, 672 бет.

Олдос Ҳаксли, “АЖИБ ЯНГИ ДУНЁ”, 2021, 258 бет.

Жеймс Клир, “АТОМ ОДАТЛАР”, 2021, 300 бет.

Теодор Драйзер, “САРМОЯДОР”, 2021, 700 бет.

Ҳанс РОСЛИНГ

# FACTFULNESS

*Таржимон*  
Зиёдахон Ғайратова

Муҳаррир	Х. Йўлдошев
Мусахҳиҳлар	Й. Маҳмудов М. Шарифова Д. Ҳайдарова
Саҳифаловчи	У. Абдусаломова




















Муқова дизайни ва китобда фойдаланилган барча чизмалар инглизча нашрдан олинди.


Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books” рухсатсиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Босишга 27.05.2023 да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи 17.84. Босма табоғи 10.62. Адади 3000 нусха.

Mega Basım босмаҳонасида чоп этилди.  
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey  
+90 212 412 17 00. [www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr)

# ТҮРТ ДАРОМАД ДАРАЖАСИДАГИ ҲАЁТ

	I ДАРАЖА	II ДАРАЖА	III ДАРАЖА	IV ДАРАЖА
ИЧИМЛИК СУВ				
ТРАНСПОРТ				
ТАОМ ТАЙЁРЛАШ				
ЕГУЛИК				
ЁТОҚ				







# АҲОЛИ ҲУДУДИ ВА ДАРОМАД ДАРАЖАСИГА КЎРА

## 2017

Турли ҳудудлардаги аҳоли сони



Ҳудудига кўра ранг берилган турли даромад даражасидаги одамлар сони



Хозирги тенденциялар давом этса, 2040 йилда дунё куйидагича кўринишда бўлади:

## 2040

